

НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

ИБЛИС САЛТАНАТИ

Саргузашт-детектив роман

Биринчи китоб

ТОШКЕНТ «O'ZBEKISTON» 2007

Ўзб. э. 2428. 2 с. 2 р. 2 р. 2 р.

84(5У)6-4
И 81

Роман

Исмоилов, Нуриддин.

Иблис салтанати: Саргузашт-детектив роман: [II қисм-ли] / Нуриддин Исмоилов. — Т.: O'ZBEKISTON, 2007. Китоб 1. — 304 б.

ББК 84(5У)6

№ 32-2007 Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси

ISBN 978-9943-01-028-4

Ю 32896
3/191

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2007.

2007

Alisher Navoiy
nomidagi

A840

O'zbekiston Mi

Ниҳоят Икромнинг ҳам омади кулиб, қиморда қўли келди. Анчадан бери бундай бўлмаган, ҳар сафар ютқазарди. Бунисида ютди! Ютгандаям унча-мунча эмас, бир йўла қирқ минг! (Ҳозирги қирқ миллион!) Айтишга осон буни. Лекин бир ерга йиғса, нақ каттароқ сандиқдан иккитаси тўлади.

Қиморбозлар саккиз нафар эди. Кутилмаганда Икромнинг қўлига учта туз келди. Аввал ишонмади. Қайта-қайта тикилди: ростдан тузми? Адашиши мумкинмас, ҳақиқатан ҳам уч туз. Ичига қувонч кирди-ю, лекин буни ташига чиқармади. Худди оддий қарталар келгандай, ҳатто омади чопмагандай юзини қайғули қиёфада буриштирди. Бу маҳал рўпарасидаги саккизта дўкон, учта ошхона, битта тўйхонанинг эгаси бўлган Қосим қиморбозда учта етти турарди. Унинг ҳам юраги қувончдан энтикиб кетаётган, кўз ўнгида бир уюм пул гавдалана бошлаганди. Ҳайвонларнинг тўрттаси қарчасини отиб юборишди. Бу уларга тузукроқ бирон нима келмаганидан дарак берарди. Яна икки кишида эса ўттизлик бор экан. Уларнинг-да қувончлари чексиз эди. Ҳайвон бошланди, ўртага аввал фақат юз сўмликлар, кейинроқ эса худди шундай купюралар учталаб, бешталаб ва ниҳоят юзталаб шерикларини етаклаб кела бошлади. Аста-секин бунга ҳам қаноат ҳосил қилмай, даста-даста пул ўртага ташланди. Ҳеч кимнинг чув тушгиси келмасди. Ҳамма ўртадаги пулни олсам, ютсам, дейди. Тортишувлар тўхтамай демас, Икромнинг эса олиб келган пуллари тугай деб қолганди. Мабодо пули етмай қолса, учта тузни кучоқлаб қолиб кетаверади. Бошқалар ундан кучсиз бўлса-да, тоғ мисол уйилган пулга эга чиқади. Ниҳоят “ўтиш” навбати мингга етди. Икромда эса мутлақо пул қолмади. У қўлидаги уч тузга гўзал бир жононни томоша қилгандай меҳр билан қараб қўйди-да, ҳовлида турган оппоқ “Жигули”сининг калитини пул уюми ёнига ташлади. Унинг ҳам

ярим пули сарфлангач, рақиб сифатида Қосим қиморбоз билан Икром қолди.

— Икки минг, — дея Қосим қиморбоз ҳам сўнги пулларини ўртага ташлади.

— «Жигули»дан яна икки минг кетди, — деди Икром ҳам бўш келгиси келмай.

— Агар ёнимда яна озгина пулим бўлганида, шу мошинангни бус-бутунлигича олиб қўярдим. Майли, қолган пулини бериб, олиб кетавераман, очдик, — деган Қосим қиморбоз ишонч билан қўлидаги учта еттиликни пулларнинг устига отиб юборди.

— Ака, — деди Икром ёлғондакам хўрсиниб, — шу мошинани кейинги сафар олиб кетарсиз.

Шундай деб, Икром қўлидаги тузларни битта-битта шеригининг еттиликлари устига ташлай бошлади. Ҳамманинг кўзи олайиб кетди. Айниқса, Қосим қиморбознинг пешонасига совуқ тер тепчиди. У қўли билан гилам устини пайпаслай бошлади. Уйини қиморчиларга бериб қўйиб, ўзи фақат чўтал йиғиш билан қаноатланидиган бир оёғи чўлоқ Ўлакса лақабли Мамарасул дарров унинг ниятини илғаб, оқсоқланганча орқа томонидан борди-да, Қосим бойваччанинг ёнгинасида турган сигаретдан биттасини тутатиб, қўлига тутқазди. Сўнг токчадаги ароқдан пиёлага тўлдириб уни ҳам ўйинни бой бериб ўзига келолмай довираб ўтирган Қосимга берди.

— Ҳалол! — деди бир дақиқалик сукутни бузиб малласоч Ринат ўғри, уни таниш-билишлари Читтак деб аташарди. Чунки Ринат бир сўзли одамлар тоифасига яқин ҳам йўламас эди. Худди читтакдай у шохдан-бу шохга қўниб юрарди.

Дарров бошқалар ҳам унинг гапини маъқуллашди. Биргина Қосим қиморбоз норози эди. Унингча қандайдир ноҳақлик бўлгандай эди.

Икром Ўлаксага иккита қоп олиб келишни буюрди-да, секин-аста пулларни олдига тортиб, тахлай бошлади.

— Ютиб қочиш ҳалолликка кирмайди! — деди Қосим қиморбоз ичига ароқ кирганидан кейин бироз дадиллашиб.

— Нақдига ўйнайман, — деди Икром ҳам бўш келмай,

— агар ҳозирнинг ўзида пул тиксангиз, гап бўлиши мумкин эмас!

— Ўлакса магазинимга бориб келади.

— Кейинги сафар Ўлаксага олдинроқ тайинлаб қўясиз, бой ака, — дея Икром Қосим қиморбозга бир қараб кўйгач, дасталанган пулларни қопга битта-битта сола бошлади.

Худди шу маҳал Қосим ёнида ўтирган тақирбош, қош-киприксиз, бағбақалари осилиб кетган Толмасга қаради-да, кўз қисди. Унинг қилиғини Икромдан бошқа ҳамма кўрди. Даҳшатли воқеа содир бўлишини сезган қиморбозлардан баъзиларининг ранги оқарди. Даврага шундай жимлик чўкдики, чивин учса билинар эди. Толмас ёнидан банди кичкина, тиғи узун пичоқ чиқариб, энди ўрнидан турмоққа шайланган маҳал жимжитликдан шубҳаланиб қолган Икром бошини кўтариб даврадошларига бирма-бир қараб чиқди. Бу пайт Толмас пичоқни қинига солишга улгурган эди.

— Сизларга битта янгиликни айтиб қўйиш эсимдан чиқай дебди, — деди Икром ўзини ҳеч нарсани сезмаганга олиб. — Окашон наҳорга ош бераётгандилар, бу ерга келишимдан олдин шуни менга тайинловди. Айниқса, Қосим аканга қаттиқ тайинла, унинг хотираси сал чатоқроқ, деганди. Соат ҳозир уч бўлибди, яна уч соатдан кейин ошда ҳаммамиз бирга ўтиришимиз керак.

Икром “окашон” деб ўн йилдан буён барча жиноий тўдаларга бош бўлиб келаётган Шер лақабли Амирбекни назарда тутганди. Унинг номи тилга олинishi билан барча бирдай сергакланди. Зеро, Икромнинг Шер билан алоқаси борлигидан қиморбозлар яхшигина хабардор эдилар.

— Окашон, — деди Қосим аламини зўрға ичига ютиб, — қиморни кўпам хуш кўравермасди-ку, қандай қилиб сенинг бу ерга келишингга рухсат берди?

— Ока, — Икром ҳаммани лол қилганидан қувонгандай илжайди, — билишингиз шарт бўлмаган нарсаларга бунчалик интилмасангиз. Раз, келдимми, у ёғини суриштирманг. Шундайми? — у нигоҳини тақирбошга қаратди.

Бу пайтда Толмас кўрқувдан бўзариб кетганди. Ичида бир нима «чирт» этиб узилгандай бўлди. Агар ҳозир пичоқ чиқарганини Икром кўрган бўлса-ю, бу ҳақда хожасига айтса, тамом, у тонгни қайтиб кўрмайди. Шу боисдан ҳам

гарчи ўзига мутлақо ярашмаса-да, қийпаланглаб хушомад қилишга тушди:

— Оканинг маърақасидан беҳабар қолибмиз-да. Билганимизда ўйин-пўйинга келмай, ўзимиз бел бўлиб турган бўлардик. Афсус, шундай савобли ишдан қуруқ қолибмиз.

Қосим унинг гапларидан ғижинди. Ичида тақирбошни сўкди. Бироқ буни ташига чиқармай, ўзига яқин ёрдамчи бўлган Толмаснинг гапини маъқуллай бошлади:

— Оғайнилар, ҳалиям кеч эмас. Адресни олиб, ҳаммамиз бир бўлиб ўтайлик. Агар у ерда окахон ҳаммадан аввал бизни кўрсалар, хурсанд бўладилар.

Икром ичида кулди. “Осмондан келасанлар-у, баринг қуёнюраксан. Бир калима гапимга ўтириб қўяй дединглар. Хайф сенларга! Сенлар билан қимор ўйнашгаям одам ҳазар қилади”.

— Оғайни, — деди Ринат Икромнинг елкасига қўлини қўяр экан, — адресни айт. Биз бориб тураверайлик.

— Яхши, — деб Икром шаҳар марказидаги машҳур ресторанининг номини айтди.

Унинг гапини эшитганларидан кейин дастурхонга фотиҳа қилишни ҳам унутган қиморбозлар тапир-тупур ўрниларидан туришди.

Улар уйдан чиқиб кетганларидан кейин Мамарасул чўлоқ Икромга пулларни қоплашда ёрдамлашиб юборди. Кейин улар юкни машинага ортишди.

— Тез дарвозангни оч! — дея қичқирди Икром Ўлаксахўрга.

— Ҳозир, ҳозир, — дея Мамарасул оқсоқланиб дарвоза томон кета бошлади. Унинг юриши жудаям секиндай туйилиб кетди. Шу боисдан Икромнинг ўзи чаққон машинадан тушиб, югурганча Ўлаксахўрдан олдин дарвозанинг ёнига етиб бориб, бир табақасини тепиб очди. Иккинчисига Ўлаксахўр етиб келди.

— Манавини ол, — деб Икром бир сиқим пулни уй эгасига тутди. Сўнг машинасига ўтириб, шайтон ин қурган уйдан чиқиб кетди.

У ниҳоятда ҳаяжонда эди. Чунки даврадошларига Шернинг ош бераётганлигини айтиб, уларни алдаганди. Айни пайтда қиморбозларнинг чангалидан соғ-омон қутулишнинг ёлғиз йўли ҳам шу эди. Айбининг кечирилмаслигини

Икром яхши биларди. Қиморбозларни найранглари билан ноғорасига ўйнатиб кетишига унинг кўзи етар эди. Бироқ Шер ўзининг номини сотгани учун калласини олиши аниқ. Унинг чангалидан ҳеч қаёққа қочиб қутулиб бўлмайди. Шу боисдан у ўйлаб-ўйлаб охири тўғри Шернинг уйига боришга қарор қилди ва машинасини шаҳарнинг чекка қисмидаги маҳалла томон буриб, тезликни оширди.

— Бемаҳалда пишириб қўйибдимми? — Шернинг дарвозасини қўриқлаётганлар Икромни дағал сўзлар билан кутиб олишди.

— Окахонга зарур гапим бор эди, — деди ранги оқариб кетган Икром.

— Эрталаб кел.

— Ҳозир айтмасам кеч бўлади!

— Бизга айтиб кетавер. Хўжайин уйғонганидан кейин ўзимиз айтиб қўямиз.

— Айтдим-ку, кеч бўлади деб!

— Унда кутиб тур, — деб икки йигитдан бири ичкарига қариб кетди.

Шу кетганча талай муддат унинг қораси кўринмади. Бунга сайин Икромнинг диққати ошар, кетма-кет сигарет тутатар эди. Ниҳоят қоровул йигит чиқиб келди-да:

— Орқамдан юр, — деб буюрди.

Икром остона ҳатлаб, Шернинг ҳовлисига кирар экан, кўрқувдан оёғи қалтираб кетди. “Эй, худо, — дея илтижо қиларди у тинмай, — ўзинг мадад бергайсан...”

Бу пайтда Шер зиналарни бир-бир босиб ҳовлига тушиб келарди. У йигитининг ортидан қунишибгина келаётган Икромни кўрганидан кейин бир ғижиниб қўйди-да, тўхтаб:

— Нимага келдинг? — дея менсимайгина сўради.

— Хўжайин, — қалтирабгина сўзланди қадамини тезлатган Икром, — мен... номингизни сотиб қўйдим...

— Ним-ма?! — кутилмаган бу гапдан қаҳри келиб бақириб юборди Шер.

— Бир қошиқ қонимдан кечинг!.. Қиморхонада сизнинг номингизни сотиб, жонимни сақлаб қолдим. Мени ўлдирмоқчи бўлишди. Кўп пул ютгандим. Мени ўлдириб, пулларни тортиб олишмоқчи бўлишди. Кейин... сизнинг номингизни сотишдан бошқа чорам қолмади.

— Сен эшшак шуни айтиш учун мени уйқудан уйғотдингми? — туйқусдан кулиб юборди Шер.

— Хўжайин, мен сизни наҳорга ош бераяпти, дедим, — хожасининг қиёфаси ўзгарганидан бироз дадилланиб давом этди Икром.

— Қанақа ош, итдан тарқаган! — қаршисида турган айбдорнинг ҳаддидан ошгани жаҳлини чиқарди Шернинг.

— Шунчаки, наҳорги ош, дедим. Биронтаси қанақанги наҳорги ош, деб сўрамади...

— Энди гапир, иблиснинг боласи, безовта қилганинг, қаердаги қаланғи-қасанғи итдан тарқаганлар орасида исмимни хор қилганинг учун нима қилай сени?!

— Устоз, — деди дадил гапиришга уринган Икром, — багаж пулга тўлди. Шунча пулни сизнинг номингизсиз олиб чиқиб кетолмасдим.

— Мошинанинг багажи тўлди? Йўғ-э! Қани мошина?

— Ташқарида турибди.

Шер буйруқ кутиб хожасига термилиб турган йигитига қаради-да, “им” қоқди. Йигит Икромдан калитни олиб, тез-тез юрганча дарвоза томон кетди. “Ҳаммасини тортиб олиб қўйса-я”, дея хаёлидан ўтказган Икром ичидан зил кетди.

Қоплардаги пулни кўрган Шернинг юраги ҳаприқиб кетди, лекин буни сиртига чиқармай Икромга юзланиб:

— Манинг исмимни ишлатиш қанча туришини биласанми? — деб сўради.

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, — деб мингиллади бироз ўзини босиб олган йигит.

— Элликка эллик!

— Сиз нима десангиз шу, — деди Икром, гарчи Шернинг нафси ҳакалак отиб кетганидан алами келган эса-да. Ўзгача дея олмасди ҳам. Мабодо, оғзидан: “Ока, анчамунча тер тўкканмиз”, қабилидаги гап чиқиб кетса, икки қўлини бурнига тиқиб қолаверади. Калласини ҳам қўшқўллаб Шернинг қўлига топшириши ҳеч гап эмас.

— Ақлли бола экансан, — деди Шер ва йигитига: — Битта қопни тушириб олинглар, — деб кўрсатма берди.

— Хўжайин, тонг отиши билан улар мени қидиришади.

— Кимлар бориди? — деди Шер бошини қашлаб қўйиб.

Айни шу саволни кутиб турган Икром қаерда қимор

ўйнаганини, кимлар иштирок этганини бирма-бир айтиб берди. Гапининг сўнгида: “Толмаснинг ханжар чиқарганини аниқ ўзим кўрдим”, деб қўшиб қўйди.

— Қосим! — деди Шер кўзи чарақлаб. — Аввал ҳам йигитлар билан гапи қочган. Кечирим сўраб келганди, индамагандим. Тагин бўйни йўғонлашиб қолибди-да. Бундан ташқари, икки ойдан бери солиқ тўламайди... Пулни асосан шу ютқаздимми?

— Кўлига учта етти келган экан.

— Сенда бўлса уч туз. Майнавозчилик қилмаганмидинг?

— Хўжайин, мен тоза ўйнайман. Фарлик қилсам, тешиб чиқади.

— Ўзингни оппоқ қилиб кўрсатаверма! Қандайлигингни яхши биламан... Толмаси ким бўлди, танимас эканман?

— Тақирбош.

— Ҳа-а, — деди Шер нимадир эсига тушгандай. Сўнг сал нарида турган, ҳар елкасига битта одам сиғадиган, бўйи икки метр келадиган, қўллари йўғон Холматга тўртта одам олиб Икром айтган ресторанга тезда етиб боришни тайинлади. Савол назари билан ўзига термилиб турган Икромга эса:

— Уйингга бориб дамнингни олавер, пешинда олдимга келасан, — деди.

— Хўп бўлади, — дея Икром машинаси томон юрди.

Холмат йигитлари билан рестораннинг олдида борганида у ерда ҳеч ким йўқ эди. Қосим шериклари билан аллақачон бу ерга келган, қоровулдан соат нечада ош бошланишини сўраган-у, ҳаммаси ёлғонлигини англаган. Аламига чидолмаган Қосим овозининг борича сўкиниб, ғазабига чидолмай қоровулни тепкилаганча машинага ўтирган ва ошналарини эргаштириб Икромнинг уйига кетган эди.

Қоровул Холматни кўрганидан кейин орқасига тисарилди. Лаблари пирпиради.

— Яқинлашманглар, — деди қўрқувдан дағ-дағ титраб.

— Менга тегинсанглар милицияга телефон қиламан!

— Амаки, — деди ҳайрон бўлган Холмат дўрилдоқ овозда, — сизга ҳеч ким тегинмайди. Бир нарса...

— Боягиларам шундай дейишганди. Бир нарса сўрамоқчи бўлишди-ю, кейин мени тепкилашди. Мен бечорада

нима айб. Оддий қоровул бўлсам, бировга зиёним тегмаса, — деди қоровул йиғламоқдан бери бўлиб.

— Ким?! — деди Холмат қошларини чимириб.

— Кимлигини билмадим-да! Бўлмаса директирга айтардим. Ўзи суробини тўғрилаб қўярди.

— Қаерга кетишди улар?

— Роса сўкишиб, мени тепкилаганларидан кейин мошинага ўтириб даф бўлишди.

— Майли, амаки, хафа бўлманг, улар билан ўзимиз гаплашамиз, — деб Холмат ортига қайтди.

У Шернинг уйига келганида хожаси аллақачон уйкуга кетганди. Агар буюрилган иш ўта муҳим бўлганида ва тезликда жавоб талаб қилинганда Шер ухламасди. Ҳовлида кутиб турарди. Ётоққа кирибдими, уни безовта қилишнинг ҳожати йўқ. Буни яхши билган Холмат йигитларига дам олаверишларини айтиб, ўзи болохонага чиқди.

Икром уйига бормади. У Қосимнинг эрта қайтишини ва уйининг олдида кутишини яхши биларди. Ўзининг одамларини йиғиб димоғдор қиморбознинг адабини бериб қўйиш қўлидан келарди. Аммо бундай қилгиси келмади. Қолаверса, бундан бу ёғига устозидан маслаҳат сўраши шарт эди. Шундоғам анча-мунча ишни унга билдирмай тугатиб ташлади. Энди сўрамаса бўлмайди. Вазият ўзгарди, нозиклашди. Шундай кезде унинг маслаҳати сув билан ҳаводай зарур.

Икромнинг устозини Қора дев деб аташарди. Албатта, бундан ўттиз йилча муқаддам бу таъриф тилга олинарди. Ҳозир эса Эгамқул бобога айланган эди у. Умуман, Қора девнинг ҳали-ҳануз тирик эканлиги ҳақида Икромдан бошқа бирорта ҳам жинойий олам вакилининг хабари йўқ эди. Сабаби...

Қора дев, авторитет эди. Унча-мунча жинойий тўдалар у билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Фақат девнинг ўзи атрофига одам тўпламаганди. Ёлғиз эди. Кўпчиликни ёқтирмасди. Тўда бошлиқлари уйига бирорта зарурат юзасидан танҳо келишарди. Чунки йигитлари билан келган одамни Қора девнинг жини суймаслигини улар яхши билишарди. Айни чоғда ўзлари ҳам бу “ёлғиз бўри”нинг баъзи қилиқларини ёқтираверишмасди. Шундай кезлар бўлардики, тилка-пора қилиб ташласа камдай, бироқ қўрқишарди. Аммо

нимадан ва нега қўрқишларини ўзлари ҳам билишмасди. Катта-катта қиморларда, гарчи Қора дев иштирок этмасида, унга ютуқнинг маълум миқдорини ажратиш, ўғирланган моллардан ҳам улуш олиб қўйиш одат тусига кирганди. Бунинг сабабини дев олтмиш ёшга киргунча ҳеч ким суриштирмади. Тўғрироғи, бунга ботинолмадилар...

Бир пайтлар Қора дев ҳали Эгамқул бўлиб юрганида чайир гавдаси бошқаларникидан иккита келарди. Ўша кезлари у йўлтўсарлик билан шуғулланарди. Хилватда ким дуч келиб қолса, бор-будини шилиб олаверди. Мабодо бирорта одамнинг ўғрилиқ билан шуғулланишини эшитиб қолса, ўша кимсага икки ҳисса зулм ўтказди. Пировардида ўғрилар унга ўлпон тўлайдиган бўлишди. Шу йўл билан Эгамқулга яқинлашишга интилишди. Бироқ у бировни ёнига йўлатмади. Ўлпонни оларди-да, кейинги сафар қанча келтириши зарурлигини айтиб орқасига жўнатаверарди. Ўзи эса аста-секинлик билан йўлтўсарликни йиғиштирди. Кунда-кунора келаётган улуш билан қаноатланди.

Орадан бироз вақт ўтиб уйда ётаверишдан ҳам зерикди. Чойхонага чиқди. Бир-икки кун у-бу билан гаплашиб кунини ўтказди. Шундай кунларнинг бирида унинг ёнига ёши қирқлардан ошиб қолган бир одам келди.

— Сизнинг дарагингизни эшитиб оёғимни қўлимга олиб югуриб келаяпман, — деди у ташвишли бир қиёфада.

— Сиз кимсиз? — деди ҳайрон бўлган Эгамқул.

— Мен куйган одамман, ака, куйдириб кетишди мени. Дардимни кимга айтишни билмайман. Яхши ниятда тирноқлаб йиғиб мотоцикл сотиб олгандим (у пайтлари мотоцикл олиш жуда ҳам катта гап эди), ўғирлаб кетишди, — деди ҳалиги одам.

— Қачон ўғирлади?

— Бир соатча бўлди.

— Ким сизга мени йўқолган нарсани топиб беради деб айтди? Нима, мен фолбинмидим?

— Сиздан ҳамма ўғрилар қўрқади деб эшитгандим. Шунинг учун олдингизга ялиниб келдим. Ака, қўлингизни қуруқ қўймайман. Ёрдам бериб юборинг.

Қора девнинг умрида биринчи марта бировга ичи ачиди. “Ке, шунга бир ёрдам берай”, дея хаёлидан ўтказди-да:

— Бир суриштириб кўрай, сиз уч соатлардан кейин келинг, — деди.

Мотоциклини йўқотган одам қайта-қайта эгилиб чиқиб кетди. Эгамқул эса эринибгина ўрнидан турди-да, чойхоначининг олдига бориб:

— Пискани биласан, а? — деди.

— Танимас эканман, ака, — деди чойхоначи худди айб иш қилиб қўйган одамдай кўзлари ўйнаб.

— Баққоллик кўчасига бориб, любой одамдан сўрайсан — уйини кўрсатади. Менинг олдимга, шу ерга тез етиб келсин, — деб Қора дев қошининг устини бармоғи билан силаб қўйди. Унинг бу одати жуда кўпчиликка таниш эди. Агар Эгамқул қошини силаса, унинг кўнгли хотиржам, унча-мунча гапни бемалол айтиш мумкин. Ҳазабга учраб калтак емайди, сўкиш эшитмайди.

Писка лақабли ўғрибоши чойхоначидан олдин етиб келди, Қора дев билан қўшқўллаб сўрашди.

— Сенинг одамларинг, — деди тўсатдан Эгамқул, — бир танишимнинг мотоциклини ўғирлаб кетишибди.

— Қачон? — деди ўзини гўлликка солган Писка.

— Башарангни бузаман, қачонлигини шундан кейин билиб оласан!

— Бир қошиқ қонимдан кечинг! Болалар билмасдан...

— Ҳозироқ опке!

Писка ўрнидан турди-да, тез-тез юриб чиқиб кетди. Эгамқул эса чойхоначига пиво олиб келишни буюрди.

Қора дев мотоциклнинг эгаси ҳаммаёққа жар солиб юборишини кутмаган эди. Орадан уч кун ўтиб ўғирланган молини топиб беришни илтимос қилиб келувчиларнинг сони узилмай қолди. Бундан Эгамқул асло хафа бўлмади. Аксинча хурсанд бўлди. У ўғирланган молни топиб беради. Эвазига ўша молнинг ярим баробарида ҳақ олади. Ҳаммасини ўзининг чўнтагига тиқмайди. Ўғрини ҳам “хизмат ҳақи” сиз қолдирмайди. Шундай қилиб шаҳарда “разбор” деган янги сўз “кашф” қилинди. Бу сўзнинг обрўси шу даражада тез ўсдики, иккита одам уришиб қолса, жабрлангани оёғини қўлига олиб чойхонага — Қора девнинг ёнига югурадиган бўлди.

Вақт тинимсиз ўтаверди. Қора девнинг ёши олтмишни қоралади. Бу пайтда янги-янги зўравонлар, ўғрилар пайдо

бўлган, уларнинг “қаердаги чол”га бўйин эггиси келмасди. Ўзлари хон, кўланкаси майдон бўлишини исташарди. Шундай кунларнинг бирида ҳали пешин бўлмасидан олдин, Қора дев уйдан чиқиб у ёқдан-бу ёққа “зув” қатнаётган машиналарга қўл кўтарди (Эгамқул машина ҳайдашни билмасди. Умуман, машина минишдан кўрқар эди. Борадиган ери жуда узоқ бўлсагина машинага чиқарди. Шунда ҳам кўчага чиқиб киракаш машинага ўтирарди-да, манзилга етгунча юрагини ҳовучлаб кетар эди). Дарров ёнгинасига оппоқ “Волга” келиб тўхтади-да, нариги эшикдан отилиб тушган ҳайдовчи Қора дев билан қуюқ сўраша бошлади:

— Окахон, битта хизматингизни қилиш бизгаям насиб этаркан-ку! — шофёр хушомадомуз илжайди.

Бўйи пастгина, шу ҳолига қорин ҳам қўйиб олган, чиройли кийинган бу одамни Эгамқул танимади.

— Кимсан? — деди пешонаси тиришиб.

— Окахон, шогирдларингиздан биттасиман, — деди йигит яна илжайиб.

— Менда шогирд нима қилсин! — деди йигитнинг аниқ жавоб бермаганидан жаҳли чиққан Қора дев.

— Исмиб Султонмурод, — деди йигит бироз жиддийлашиб, — у-бу ерда майда-чуйда ишларни қилиб юрамиз. Сиз бошлаган ишни...

— Нимага тўхтадинг?! — деди Қора дев қўлларини мушт қилиб.

— Ока, — деди кўлини кўксига қўйган Султонмурод, — бир марта сизнинг хизматингизни қилай. Борадиган жойингизга обориб қўяй. Айтишади-ку, “устоз — отангдан улуғ” деб.

— Энанг гапга бошқоронғи бўлганми, бунча кўп гапирасан, — деди Қора дев бироз юмшаб. Йигитнинг муомаласи унга хуш ёққан эди. Буни Эгамқулнинг юзидаги ўзгаришдан Султонмурод тезда илғаб олди.

— Ока, бизам оғайнилар олдида мақтаниб юрайлик, сизга хизмат қилганимизни айтиб, — дея чаққонлик билан машинанинг орқа эшигини очди.

Қора дев машинага минди-ю, ҳаётида... катта хатога йўл қўйди. Султонмуроднинг ёнида яна бир йигит ўтирарди. У ҳам Қора дев билан илиққина сўрашиб, илжайиб қўйди. Шунда ҳам Эгамқул ҳеч қандай хавф сезмади.

Машина бошқа кўчага бурилди.

— Мен чойхонага бораяпман, ҳов бола, — деди Қора дев ҳайрон бўлиб.

— Окахон, — деди орқасига бир қараб олган Султонмурод, — у кўчани бузиб ташлашган, канализация тортишаётган экан, шунга айланиб бормасак бўлмайди. Сиз безовта бўлманг, дарров етказиб қўяман.

— Ҳм-м, — деб қўйди Қора дев ва деразадан ташқарини томоша қилиб кетаверди. Улар яна бироз юрганларидан кейин негадир машина ўз-ўзидан тўхтаб қолди. Султонмурод сўкинганча бир неча марта газ берди. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмади.

— Уф-ф, — деб бош қашлаганча машинани тўхтатди Султонмурод.

— Нима бўлди? — деб сўради Эгамқул.

— Ҳайронман. Бунақанги одати йўғиди... Кеча укам минганди, бирон нима қилганга ўхшайди.

Султонмуроддан кейин унинг ёнида ўтирган йигит ҳам машинадан тушди. Улар машинани талай муддат титкилашди. Эгамқул бўлса ўтиравериб зерикди ва эшикни очиб, пастга тушди-да:

— Тузатиб бўлмас эканми энди? — деб сўради.

— Ҳозир, окахон, мой қўйиб юборибди. Беш минутда тўғрилаймиз, — деди Султонмурод.

— Сен беш минутда тўғрилагунингча мен чойхонага етиб оламан, кейин сен Эгамқул акамнинг олдида шарманда бўлганман, деб мақтаниб юрасан, — деди Қора дев ва худди бирон нимани биладиган одамдай машинага энгашиб қаради. Худди шу маҳал машина моторининг қопқоғи унинг бошига қарсиллаб тушиб кетди. Гўё атайлаб қилинмагандай, тасодифдай. Эгамқулнинг кўз олди қоронғилашди, боши айланиб орқасига йиқиляётганида, Султонмурод белидан кучоқлаб қолди-да, машинанинг орқа ўриндиғи томон судради.

Узоқдан кўрган одам бу фалокат уюштирилганини мутлақо сезмасди. Эҳтиёт бўлмагани учун шунақа бўлди, шериклари ҳозир касалхонага олиб боришади, деб ўйлаш мумкин эди.

Аммо жойидан силтаниб қўзғалган машина бошқа тарафга елдай учиб кетди.

Машина Чирчиқ дарёси бўйида янги тушган тош йўл бўйлаб ярим соатдан мўлроқ юргач, ёввойи жийдалар ёнида тўхтади.

Султонмурод билан унинг шериги Эгамқулни пастга туширишди-да, жийдазорнинг анча ичкарасига судраб олиб боришиб, ўлганига тўла ишонч ҳосил бўлиши учун кўкрагига пичоқ тиқишди. Шундан кейин Қора девда мутлақо тириклик аломатлари сезилмай қолди. Султонмурод шеригига қараб:

— Пишди, этини кўмиб ўтирмаймиз. Шу агрофда ёввойи ит кўп бўлади. Бир маза қилишсин маразнинг гўштини еб, — деди ва Эгамқулнинг биқинига бир тепиб, қонга бўялган юзига гижиниб қараб қўйгач, ортига қайтди.

Аммо улар янглишган, Қора девнинг жони узилмаган эди. Копот уни ҳушидан кетказган, пичоқ эса юрагининг жуда яқинидан ўтиб кетган эди. Бироқ ҳар икки зарба ҳам Эгамқулнинг жонини олишга кучи етмаганди. Эгамқулнинг яна битта бахти, орадан унча кўп вақт ўтмай худди у ётган ерга чўпон қўйларини ҳайдаб келди. Чала ўлик ҳолда ётган Эгамқулни кўриб, аввал довдираб қолди. Бир хаёли қочиб кетмоқчи бўлди. Кейин яна тўхтади. Бир бечорани ажалнинг домига ташлаб кетгиси келмади. Чўпоннинг назарида Эгамқул бечора эди. У яримжон одамни эшагига ортиб уйига олиб борди-да, кўрпачага ётқизди. Хотинининг адоқсиз саволларига жавоб бермай қўшнисиникига — Алимқул дўхтирникига югурди.

Чўпоннинг меҳрибонликлари, дўхтирнинг муолажалари сабаб Қора дев омон қолди. Ўзига келганидан кейин нақ ярим кун шифтга қараб ётиб, ўйлай-ўйлай шу ерда — чўпонникида қолишга қарор қилди. Чўпон билан хотини яна бир марта бағрикенглик қилди. Унинг бор-йўғи икки хонадан иборат уйларида яшашига рози бўлишди.

— Нега мени касалхонага олиб бормадинглар? — дея сўраб қолди бир куни Эгамқул чўпондан.

— Кўрқдик, — деди чўпон очиғига кўчиб, — тўғриси, Алимқул кўрқитди. “Агар касалхонага олиб борсанг ўзинг қилгансан, деб қамаб юборишади”, деди. Лекин ўзи қўли энгил одам, дарров даволаб ташлади.

Орадан бир-бирини қувиб йиллар ўтди. Эгамқул чўпонга қўшилиб қўй боқди. Қаттиқ нон еса, қаттиқ нон еди,

оч ўтирса, уям оч юрди. Шу тарзда кунлар ўтаверди ва айни чоғда қандай қилиб бу аҳволга тушиб қолганини ўйлади. Бўлган воқеаларни бирма-бир кўз ўнгидан ўтказиб, шунга амин бўлдики, уни атайлабдан ўлдирмоқчи бўлишган. Шунингдек, у яна бир нарсага иқрор бўлди. Ёлғиз от, барибир ёлғизлик қилар экан. Бир хаёли қасос олмоқчи ҳам бўлди. Аммо дарров ниятидан қайтди. Чўпонлик, хотиржамлик унга ёққан эди.

Ўн йилча чамаси вақт ўтганидан кейин чўпоннинг туғмас хотини ўлди. Кўп ўтмай чўпон ҳам унинг орқасидан равона бўлиб, Эгамқулнинг яна ўзи ёлғиз қолди. Бу пайтда унинг қўйларини бошқа одам боқа бошлаганди.

“Энди қариб қолдим. Йўлтўсарлик қилиш қўлимдан келмайди. Ўғрилардан ўлпон йиғолмайман. Қўй ҳам боқолмайман, шу ҳолимча бир ўзим битта уйда очликдан ўлиб кетсам керак”, дея ўйлаб юрган кезлари, саккиз-тўққиз ёшлардаги болакай адашиб унинг уйига келиб қолди.

Қоқ туш пайти, офтоб тигининг тагида, ҳовлининг ўртасида қандайдир ялтироқ бир нарсани ўйнаб ўтирган болакайни кўриб, у ҳайрон бўлди. Битта-битта қадам босиб унинг ёнига келди-да:

— Ҳов, болакай, бу ерда нима қилиб ўтирибсан? — дея сўради.

Болакай қовоғини уйганча унга бир қараб олди-да:

— Ўйнапман, — деб, қўлидаги ялтироқ занжирни ерга қўйганча устидан тупроқ тортди.

— Қаердан келдинг? — деди Эгамқул баттар таажжуби ошиб.

— Болалар уйидан қочиб келдим.

Болакайнинг ўзини бемалол тутиши, айтаётган гаплари Эгамқулни бутунлай довдиратиб қўйди.

— Нега қочдинг?

— Манавини кўраяпсизми? — деб болакай ялтироқ занжирни тупроқ остидан олиб Эгамқулга кўрсатди. — Малика опаники. Мен Малика опани ёмон кўраман. У ҳар куни мени уради. Соатининг занжирини ўғирлаб кетдим. Ургани учун. Энди ушлаб олса ўлдиради.

Болаларча соддалик билан айтилган бу гаплардан кейин Эгамқул унинг келажақда қатта ўғри бўп етишишини дарров англади. “Неча кун умрим бўлса, бу болакайни тарби-

ялайман. Мени шу кўйга солганлардан қасос оламан”, дея хаёлидан ўтказди-да:

— Исминг нима? — дея сўради қўлидаги занжирни яна тупроққа кўмаётган болакайдан.

— Икром.

— Зўр отинг бор экан, — мақтади бўлажак устоз. — Қорнингам роса очгандир, Икромжон? Ўрнингдан тур, уйга кирамиз. Би-ир сени меҳмон қилай.

— Малика опага ушлаб бермайсизми? — сўради Икром ўрнидан туриб.

— Агар ўша Малика опанг бу ерга қадамини босса, ўзим терисини шилиб оламан. Сени ҳечам хафа қилдириб қўймайман. Гапимга ишонавер, кийимингни қоқ, чанг бўлибди.


Икром, кексайиб қолса-да, қадам олиши дадил бўлган чолга эргашди.

Ўша куни Эгамқул ўзи ўйлаган келажакнинг меваси — Икромни роса сийлади. Дастурхонга борини тўкди. Бола бечора юравериб роса чарчаган экан, қорни тўяр-тўймас ўтирган жойида уйқуга кетди. Унинг қилиғини кўриб, Эгамқул роса ҳузур қилди. Умрида бунчалик роҳатланмаганди. Ёш боланинг ҳамма қилиғи ёқимли бўлишини илк бора англади. Икромни авайлабгина кўрпачага ўтказиб қўйди.

Кунлар қувлашмачоқ ўйнагандай бир-бирини қувлаб ўтаверди. Икром аста-секин улғайди. Аввал овози дўриллади, сўнг бурни остида тўртта мўй ниш урди...

Қора дев ниманики билса, ҳаммасини шогирдининг қулогига қуйиб борди. Ўғрилиқнинг сир-асрорлари, бошқаларнинг кўз ўнгида сирли бўлиш, атрофига одам тўплаш (Эгамқул ўзининг энг катта хатосини ёнига ҳеч кимни йўлатмагани, одам тўпламаганида деб биларди), обрўсини сақлаш, бошқаларга таъсир ўтказиш каби нозик жиҳатларни эринмасдан биттама-битта ўргатди. Икром мактабга деярли бормади. Қишлоқдаги мактабга Қора девнинг ўзи етаклаб борганди. Сабаби шогирди озми-кўп ўқишни ўрганиб олиши, кейин ҳисобдан адашмаслиги лозим эди. Қолган “таълим”ни ўзи бера олишига унинг ақли етарди.

Шунинг билан бирга ҳар-ҳар замон у Икромни майдачуйда ўғирликларга чиқариб турди. Албатта, ўзининг тузган режасига биноан ҳаракат қиларди шогирди бундай пай-



тлар. Бу машғулот Икромга ҳам хуш ёқарди. У қилаётган ишини сидқидилдан бажарар, оқибатда ўлжани силлиққина қўлга киритарди.

Йигит йигирмадан ошганида жиноят оламининг тайёр “мутахассис”и эди. Энди уни қишлоқнинг ҳамма одами бирдай одобли, қўй оғзидан чўп олмайдиган йигит сифатида ҳурмат қила бошлади. Эгамқулни эса жиянини (у Икромни қўшниларига сингисининг ўғли, яъни жияни деб таништирганди) эсли-хушли қилиб вояга етказгани учун эъозлашардилар. Шунингдек, худо ҳам Қора девни умрдан қисмади! Унинг тенгдошлари, ҳатто ўша қора кунда ўлдирмоқчи бўлганлар, умуман, унга қасд қилганларнинг бари аллақачон умрининг поёнига етган эдилар. Албатта, тўқсонни қаршилаш арафасида Эгамқулнинг ҳам қўлоғидан мадор кетди, бироқ мияси ўша-ўша тиниқ ишлашда давом этарди.

Икром устозининг тавсиясига биноан, йиққан-терганларига шаҳардан уй олди. Аввалига Эгамқул билан бирга турди. Кейин вокзалга борди. Ўғри болаларни излади. Битта-иккитасини топди ҳам. Улар асосан қишлоқдан биринчи марта шаҳарга келганларнинг шўрини қуритиш билан шуғулланишарди. Ҳафта мобайнида Икром синчиклаб кузатди. “Вой аҳмоқлар, — деди ниҳоят, — шунчалик ҳам овсар бўлишадими? Бу аҳволда узоққа бориш қийин. Уста “менг” бир куннинг ўзида буларнинг шохини қайириб ташлайди”.

У эҳтиёткорлик билан поезддан тушиб, аввал атрофга аланглаб, қаёққа борарини билмай бироз тургач, оломонга қўшилган ёши тахминан йигирманинг нари-берисидаги йигитчанинг ортидан тушган ўғрини пойлади. Ўғри бола югуриб бориб йигитнинг қўлидаги сумкани тортиб олиб қочмоқчи бўлганида, қишлоқдан келган йигит ҳам чаққонлик билан сумкасини қўйнига қисиб қолди. Ўғри мувозанатини йўқотиб, ўмбалоқ ошиб кетди. Буни кўрган Икром қотиб-қотиб кулганча унга яқинлашди.

— Ҳа, — деди унинг қўлидан ушлаб туришига ёрдам бераркан, — балиқ чап бердими?

Ўғри боланинг ранги гезариб кетганди. Айниқса, ёнидан ўтиб кетаётган одамларнинг нафратли нигоҳлари уни бутунлай довдиратиб қўйган эди. Боз устига, қўлидан ушлаб турган одамни милициядан деб гумон қилди.

Икром уни вокзал ташқарисига судради. Бундан ўғри бола бутунлай тамом бўлди. Ҳатто кўзидан ёш чиқиб кетди. У бунчалик тез қўлга тушаман деб ўйламаган эди-да.

— Сен бола, бизни шарманда қилдинг! — деди Икром пўписа аралаш, холироқ жойга борганларидан кейин. — Бу ишинг учун бўғизлаб ташласам ҳам ҳақим кетади.

— Нима қилдим? — деди ўғри бола титраб.

— Ў, эшшак, ўғрилиқниям шунақа қиладим?

— Мен ўғрилиқ қилмадим...

— Буни ҳов анави, — дея Икром қўли билан милиция пунктини кўрсатди, — ердагиларга айтасан. Менга фақат рост гапирасан. Ёлфон аралаштирсанг абжафингни чиқараман.

Ўғри боланинг юзига табассум югурди. У илгарилари катта ўғрилар ичида мутлақо алдов ишлатилмайди, деб эшитганди. Ана шундай тўдаларга қўшилиш унинг энг катта орзуларидан бири эди. Рўпарасидаги одам рост сўзлаш ҳақида гапириб турибдими, демак, у ана шундай гуруҳга тегишли.

— Акажон, — деди у бирдан тиз чўкиб, Икромнинг оёғидан кучаркан, — мени ўзингизга қўшиб олинг. Кўрасиз, ҳамма айтганингизни ўйлаганингиздай бажараман.

Икромга ҳам айти шу нарса керак, унинг-да дилига қувонч югурди. Бироқ буни мутлақо ташига чиқармади.

— Бу ёққа юр, — дея Икром ўғри боланинг қўлини қўйиб юбориб, ошхонага йўл олди. Ўғри бола қочиб кетмади, аксинча ундан ортда қолмаслик учун тез-тез юрди.

Улар ошхонага кириб, ароқ билан бошланган тамадини лағмон еб давом эттиришди. Шу орада Икром ўғри боланинг исми Самандар эканини, отаси кўп ичишини, онаси эса отасининг касофатига бир неча йил бурун ўлиб кетганини билиб олди. Самандарнинг гапларидан Икром ўйланиб қолди. У на отасини танирди ва на онасини. Худди осмондан тушгандай...

— Ҳаммасини тушундим, — деди Икром Самандар гапини тугатгач. — Энди сени “Қовун” деб чақираман.

— Нега? — Самандар ҳайрон бўлди.

— Сени биринчи учратганимда қовун туширдинг. Энди ўла-ўлгунингча сенга шу ном ёпишиб юради.

— Ака, бошқачароқ от қўйинг. Таниш-билиш эшитиб қолса кулади.

— Мен гапимни ҳеч қачон қайтариб олмаганман, — дея Икром ён чўнтагига қўлини тиқиб қалам билан қоғоз олди-да телефон рақами ёзиб Самандарга узатди. — Эртага пешиндан кейин телефон қиласан. Бошқа гапларни ўшанда сенга айтаман. Ҳозирча уйингга бориб босиб ўтир. Яна ўзбилармонлик қилиб битта-иккитанинг чўнтагига қўлингни узатиб ўтирма. Шундай қилсанг, мент ушламаган тақдирдаям ўзим терингга сомон тикаман, уқдингми?

— Ҳа, — деди Самандар кўзи чақнаб.

— Энди манавини ол, — дея Икром чўнтагидан пул чиқариб Самандарга узатди.

Шу билан улар ажралдилар. Иккиси ҳам хурсанд эди. Бири катта гуруҳга аъзо бўлганидан, иккинчиси ўзига шерик топганидан димоғи чоғ.

Икром қилган ишлари юзасидан устозига ҳисобот берди. Эгамқул кўзини юмиб чайқалганча ўйланиб ўтирди. Сўнг маслаҳат оҳангида гап қотди:

— Биронта иш буюришдан олдин яхшилаб у болани текшир. Отаси ҳақиқатан ҳам алкаш, онаси ўлиб кетган бўлса, демак, алдамабди. Агар бошқача бўлса, ундан шерик чиқмайди. Яхшилаб таъзирини бер-да, бу ерлардан йўқот. Шунда ўзинг ҳам тинч бўласан.

Икром устозининг ўгитига оғишмай амал қилди. Натижа ўзи кутганидай чиқди. Самандар бир оғиз ҳам ёлғон гапирмабди. Бу Икромнинг шаҳардаги дастлабки иши эди. Муваффақиятдан руҳланди, Самандарни ёнига олиб, вокзалдаги қолган икки ўғрини ҳам ўзига бўйсундирди. Энди улар тўрт кишидан иборат кичкинагина тўда эди. Тўртовлон бир бўлишиб режа тузишди. Биринчи навбатда универмаг деректорининг уйи “супуриб-сидирилди”. Ўлжа мўмайгина эди. Ётиб ейилса, бирор йилни ўтказиш мумкин эди. Эгамқул уларни бошқа “ов”га чиқармади. Унинг фикрича, ўғрилар ҳали жуда ожиз, мисоли чақалоқ эдилар, қўлга тушиб қолса тўрталаси ҳам қулоғини ушлаб кетишлари тайин. У ҳолда ҳеч ким жазодан қутқариб қололмайди. Яхшиси, ўзларига ўхшаган майда-майда тўдаларга ҳужум қилган маъқул, шунда улар чўтал тўлаб туради. Айни мулоҳаза ўғрибоши Икромга ҳам маъқул тушди. Аммо ҳужум

қилишдан аввал шундай тўдаларни топиш зарур эди. У устози бир пайтлар макон қилган чойхонани излаб топди. Эски чойхона бузилиб, ўрнига янгиси қурилган экан. У ерга тинимсиз икки ҳафта қатнади. Ва ниҳоят шу ерда қимор ўйнайдиганларнинг назарига тушди.

— Ўтирсам майлими? — елкалари кенг, қалин мўйловли, бўйи узун бир йигит пиёласидаги чойини эрмак қилиб ўтирган Икромга шундай деб ёнидаги столни кўрсатди.

— Бемалол, — дея илжайди Икром.

— Сизни анчадан бери кўраман. Ҳар келганингизда уч-тўрт соат ўтирасиз, бировни излаяпсизми? — гап бошлади нотаниш йигит.

— Нима десам экан... Умуман ҳеч кимни қидирмаяпман. Шу ер ёқиб қолди. Ўтириб чой ичсам, енгил тортаман.

— Бошқа жойдаям дам олиш мумкин.

— Шунақа-ку-я, лекин шу ер менга ёқди-да.

— Бу ер табаррук жой.

— Биламан, шунинг учун келдим-да.

— Қаёқдан билдингиз?

— Бундан тахминан йигирма йилча бурун, ҳали сиз билан мен ёш болалигимизда, амаким раҳматли икки-уч марта олиб келганди. Кўп оғайнилари бор эди. Шулар билан маза қилиб ўтирганини кўрганман. Амаким ўтиб кетди. Мен у киши кўп келадиган жойни қадрлаб, мана, келдим.

— Ким экан амакингиз?

— Балки сиз танимассиз, шундай бўлсаям, айтай, ҳақиқий оти Эштурди. Лақабиям бор эди, адашмасам, Шўртумшуқ.

Икромга Шўртумшуқ ҳақида устози: “Мени ўлдига чиқарганларидан кейин чойхонага Шўртумшуқ эгалик қила бошлабди. Мен у билан тенгдош эдим. Ниҳоятда тулки бола. Одами кўп эди. Фақат мендан кўрқарди...” деганди ўзининг тарихини гапираётганида. Икром Шўртумшуқнинг ўлган-ўлмаганлигини билмасди. Фақат устозининг тўқсондан ошганини ҳисобга олиб, Шўртумшуқни бу дунёдан ўтиб кетган тахмин қилди. Чунки ҳамма ҳам тўқсонга боравермайди-да.

Йигитнинг ранги ўзгарди. Зеро, у Шўртумшуқ ҳақида эшитганди. Иккита наркоман ўғлиниям, уларнинг отаси-

дан олдин ўлиб кетишганиниям биларди. Бир қизи ҳам бор бўлиб, у Россияда яшарди. Лекин жияни тўғрисида мутлақо эшитмаган экан.

— Шунақа денг... — деди ишонқирамай мўйловли йигит Икромнинг кўзига тикилганча. — У кишининг оғайниларидан бирортасини танийсизми?

— Афсус. Ёшликда кўрганман. Кейин амаким олиб келмай қўйганлар... Биз вилоятга кўчиб кетганмиз. Қон билан кирса, жон билан чиқаркан... Қаранг, орадан неча йил ўтса ҳам, шу ерни соғиниб қолдим. Келдим.

— Исмингиз...

— Икром.

— Яхши, Икромбек, кечқурун соат тўққиздан кейин келинг. Амакингизнинг оғайниларидан бирортаси билан кўришиб қоларсиз.

Мўйловли йигит ўрнидан туриб кетди.

Айтилган пайтдан бир дақиқа ҳам кеч қолмай Икром чойхонага кирди. Одати бўйича чойхоначидан бир чойнак чой олди. Ўтириб, ҳали бир пиёла ҳам чой ичмасидан бурун, ёнига мўйловли йигит келди.

— Меҳмон, сиз ичкарига киринг, — деди у Икром билан ўта қуюқ сўрашганидан кейин.

Икром дарров ўрнидан туриб, унга эргашди. Ичкаридаги ҳужрада ёши қирқдан ошган икки киши нарда ташлаб ўтиришарди. Улар “меҳмон” эшикдан кирган заҳоти ўгирилишди, бироқ қимирлашмади. Икромнинг саломига бош иргаш билан алик олиб қўя қолишди. Икром ўтиришга таклиф бўлмаганидан кейин кирган жойида қаққайиб тураверди. Ўйнаётганлар ора-чора у томонга ўгирилмай гоҳ исмини, гоҳ ёшини сўраб қўйишар, кейин ҳеч нарса бўлмагандай яна ўйинни давом этказишарди. Туравериб Икромнинг оёқлари увушиб қолди. Лекин тишини-тишига босиб чидади. Кутди.

— Ие, — деди мезбонлардан бири ўйин охирлаганидан кейин, — ҳалиям турибсизми? Қани, манави ерга ўтириг.

У ўзининг ёнидан жой кўрсатди. Сўнг негадир ўнг оёғини шу томонга узатди. Кирганидан бери ҳар бир ҳаракатни зимдан диққат билан кузатиб турган Икромнинг эътиборидан бу четда қолмади. У кўрсатилган жойга ўтираётиб оёққа назар солишни унутмади. У ҳали ўтиришга улгурмай

оёқ ҳаракатга тушди. Икром эпчиллик қилиб ўрнидан турмаганида, биқинига товон тегиши аниқ эди. Чап беришга улгурган йигитнинг афт-ангорида ўзгариш бўлмади. У жилмайганча қотиб турар эди.

— Исминг нима?

— Икром.

— Бунисини айтмасанг ҳам биламиз. Ҳақиқийси.

— Ҳақиқийсини сизлардан умид қилиб келганман.

— Шўртумшукнинг номини нега сотдинг? — дея ўрнидан турди тепмоқчи бўлган одам.

— Сизларга қўшилишнинг бошқа иложи йўқ эди, — дадил жавоб қилди Икром.

— Шўртумшукни қаердан биласан?

— Эшитганим бор.

— Яна нимани биласан?

— Ҳеч нимани.

— Кўринишингдан тузукка ўхшайсан. Кел, танишамиз, — дея тепмоқчи бўлган киши қўлини узатди. — Менинг исмим Амирбек. Манави акангни эса, — у тиржайиб турган шеригини кўрсатди, — Мавлон деб чақирасан.

Икром ўзи томон чўзилган қўлнинг тарсаки бўлишидан бироз чўчиб, эҳтиёткорлик қилаётганди. Амирбек буни сезиб, кулди:

— Кўрқма, — сўнг Икромнинг қўлини маҳкам сиққанча гапида давом этди: — Мақсадингни очиқроқ айт.

— Сизга хизмат қилиш. Баҳонада ўзим ҳам одамдай яшаш.

Унинг гапи тугар-тугамас Амирбек қаҳқаҳа отиб кулиб юборди. Бирор икки-уч дақиқа маза қилиб кулиб, деди:

— Менга қўшилиб одамдай яшайман, дегин. Ким айтди сенга менга қўшилган одамни кайф-сафо қилиб яшайди, деб?

— Ўзим билдим.

Амирбекнинг башараси бирдан жиддийлашди. Кўзи ўт бўлиб ёнди. Бир қадам босиб Икромга юзма-юз бўлди-да:

— Очиқ гапирганинг учун сенга индамайман. Кейинги гал шунақа сайрайдиган бўлсанг онангни учкўргонда кўрасан, — деди важоҳат билан.

Унинг турқ-таровати кўрқинчли эди. Важоҳатидан от ҳуркарди. Гапи унчалик ҳам ҳайиқтирадиган бўлмаса-да,

ижро ваҳимали чиққан эди. Амирбекнинг истеъдоди ҳам шунда эди-да, артистлардай ролга кириб кетарди. Икром кўрқди. Ўт сачраётган кўзнинг эгасидан ҳар балони кутиш мумкин эди. Лекин Икромда ичидагини ташига чиқармайдиган хислат бор эди. Шу боисдан бурни бурнига тегиб турган одамдан кўрқмаётгандай қилт этмай тураверди.

Бу хислат Амирбекка ёқди. У қанчадан-қанча одамни сафига кўшмоқчи бўлганида шу тахлит синаб кўрган, уларнинг кўпчилиги йиғлаб юборганди. Бундайлар унинг қароргоҳида бир дақиқа ҳам турмас, дарров жавоби бериларди: омади борлари ўласи қилиб калтакланса-да, кейин озод этиларди, омади чопмаганларининг ҳолига маймунлар кўзёш тўқарди...

Икромга кетишга рухсат берилди. Жўяли бир гап айтилмади. Унга энг алам қилгани ҳам шу бўлди. На тўдага аъзо бўлганини билди ва на “имтиҳон”дан ўтмаганини. Шу боисдан чойхонадан чиқиб, жаҳл билан тез-тез юриб кетди. Йўл-йўлакай пойлоқчиликка кўйилган йигитлари унга кўшилди. Улар ҳўжайиннинг кайфияти йўқлигини дарров англашди. Шунинг учун ун чиқармай у билан ёнма-ён кетаверишди.

Қора дев Икромдан воқеа тафсилотларини миридан-сиригача эшитгач, юзига табассум югурди.

— Эртага яна бор ўша чойхонага. Аста-секин Амирбекнинг нима қарорга келганини билиб оласан.

Эгамқулнинг башорати бу сафар ҳам тўғри чиқди. Икром бир чойнак чойни тугатмасидан кечаги йигит яна рўпарасида пайдо бўлиб, ичкарига таклиф қилди. Икром бўйи узун, қотмадан келган, кўзлари пиёладай-пиёладай Амирбек билан унинг юзида қон борлиги мутлақо сезилмайдиган, қарашлари совуқдан-совуқ шериги Мавлонни кўраман, деб ўйлаган эди. Аммо ҳўжрага кирганидан кейин умуман бошқача манзарага гувоҳ бўлди: тутунга тўлиб кетган хонада кўнгилни айнитадиган қўланса ҳид ҳўкмрон эди. Беш киши давра қуриб, қимор ўйнаш билан овора. Мўйловли йигитнинг таклифи билан Икром ҳам қаторга кўшилди.

Ўйин тонггача чўзилди. Биров ютди, бошқаси ютқазди. Тикилаётган пулларнинг чўғи унчалик ҳам кўп эмасди. Шу боисдан ютган хурсанд, ютқазган хафа бўлмади.

Шу тариқа Икром қиморбозлар орасига кириб олди. Улар ҳафтада бир-икки бор учрашишар, қимор ўйнаб тонг оттиришарди. Тўрт-беш сўм учун бутун кечани бедор ўтказиш зерикарли эса-да, у айни кунларда шундай қилишга мажбур эди. Амирбекнинг эътиборига тушишнинг бирдан-бир йўли ҳам шунда эди унинг назарида.

Бугунгидай қиморда эса у биринчи марта иштирок этарди. Биринчиларга омад кулиб боқиши ростмиди, унинг ҳам қўли келди. Кўп пул ютди. Шу билан Амирбекка яқинлаштирадиган биринчи қадамни босди. Лекин кўнглида алланечук норозилик ҳукмрон эди. Бунга сабаб Шер ютуқнинг тенг ярмини олиб қўйди.

Икром ўзгача бир қувонч билан устозининг уйига кириб борди (у Қора девнинг кўрсатмасига биноан яна битта уй сотиб олганди. Ўзи ўша янги уйда турар, Қовунни эса Эгамқулнинг ихтиёрида қолдирганди. Ўзининг уй юмушларига бир аёлни ёллаган эди). Бироқ Қора девнинг кайфияти йўқлигини кўриб хурсандчилиги йўқолди.

— Нима бўлди? — деди у устози ўтирган каравотнинг ёнига тиз чўкиб.

— Эй-й, — Эгамқул чуқур нафас олди. — Қаригим келмаяпти...

— Сизга ким айтди қарияпсиз деб?

— Бировнинг айтишига ҳожат йўқ. Аввал оёқ-қўлимдан дармон қочганди. Бугун, биласанми, кўзим кўрмай қолди...

— деб пичирлади қари зўравон. Унинг юзи аянчли тус олган, вужуди титрар, кўзидан ёш сизиб чиққанди.

— Даволатаман, — деди унинг кўнглини кўтариш мақсадида Икром.

— Энди даволатганингда қаёққа борардим. Роса пишиб турган бўлсам... Ундан кўра ўзингни ишингдан гапир.

Икром устозига термилган кўйи жим қолди. Унинг кўз ўнгидан устозига дуч келган кун яшиндай ўтди. Хўрлиги келди. Шу боисдан тилига бир сўз келмади. Шодлигини эса умуман унутди.

— Бугун сизга янгилик олиб келгандим, — деди у бироздан кейин ўзига келиб, паст овозда гапираркан.

— Янгилик, қани гапир, тез... Биласан-у, қиморга кетган кунларинг мен ухлаёлмайман, — деди шошиб Қора дев қўли билан пайпаслаб шогирдининг елкасига туртар экан.

Унинг хатти-ҳаракатидан Икром бутунлай қайғу домда қолди. “Наҳотки одам бир кун ичида шундай аҳволга тушиб қолса-я...”

— Бир мошина пул ютдим...

— Қандай қилиб?

— Қимор катта бўлди. Лекин ярмини тортиб олишди.

— Ким?! — бирдан бақриб юборди қария, шунда пешонасидаги ажинлари жудаям кўплиги аён бўлди.

— Амирбек... Қиморда у йўқ эди, лекин мен унинг номини сотиб, омон қолдим, — деди Икром. Унинг сўнги гапида қандайдир хафақонлик аломатлари бор эди. Шу боисдан гапидан тўхтади. Шифтга, ён-атрофига қаради. Кейин ҳамма воқеани бирма-бир гапириб берди.

— Қиморда ютганингданам Амирқулни боплабсан, — деди ҳамма гапни қулоқ қоқмай эшитган Қора дев. — Унинг нияти умуман бошқа бўлган. Яъни, сенинг озгина таллашинингни кутган. Шунда сендан ҳамма пулни тортиб олар эди... Ўғлим, бунинг отини ишбилармонлик дейди. Амирбек, сендан пул тортиб олмаган, аксинча, бойлигининг ҳаммасини бой берган. Буни вақт-соати келса ўзинг билиб оласан... Бугун сен ухлама. Ухласанг, вақтдан ютқазасан. Йигитларингни йиғ-да, Қосимни топ. Уни ўйиндан бутунлай чиқариб ташлаш керак. Номарднинг жазоси шундай... Энди бор. Мен чарчадим. Озгина ухлай. Дам олсам, балки сўқир кўзларим илгаригидай яна кўриб қолар.

Икромнинг ҳам устозини ортиқча уринтириш нияти йўқ эди. Маслаҳатни олди, энди уни зудликда амалга ошириш керак. Бироқ у ўйлаганини қилолмади. Йигитларидан иккитаси уйида йўқ эди. Самандарни топиб келишга юборди-да, ўзи диванга чўзилди. Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас ухлаб қолди. Роса чарчаганидан қимир этмай ухлар эди у. Орадан маълум фурсат ўтганидан кейин эса туш кўра бошлади... Дарахлари қалин, соя-салқинли хиёбон... Икромнинг бир ўзи ялангоёқ кезиб юрарди. Шунда рўпарасида қоп-қора сочлари белига тушадиган, калта жинси юбка, оппоқ баданига ёпиштириб кофта кийган қиз пайдо бўлди. Унинг юзи сутдай тиниқ, киприклари узун, кўзи шахло эди, Икром жойида ҳайкалдек қотиб қолди. Қиз йигитнинг ёнидан ўтар экан, унга жилмайиб бир қараб қўйди... сўнг туши бирдан бошқа томонга ўтиб кетди.

Тоғлар, бузилиб ётган баланд иморатлар... Икром чор томонга югуриб, ҳозиргина кўрган қизини қидирди. Бироқ қиз осмонга учиб кетдими ёки ерга кириб кетдими, ҳеч қаерда йўқ эди...

— Икром ака, Икром ака, — кимдир уни туртгандай бўлди. Икром чўчиб уйғонди ва тепасида ўзига ҳайратланиб тикилиб турган Самандарни кўрди.

— Нима дейсан? — деди у бевақт уйғотганлари учун норозиланиб.

— Болаларни топиб келдим, — деди Қовун эшик томонга қараб олиб.

— Қайси гўрда юрган экан?

— Икковиям «иш» қилибди.

— Ним-ма?! — дея бирдан бўкириб юборди Икром. — Мен у итларга рухсатимсиз “иш”га чиқмайсан, дегандим-ку!

— Хўжайин, улар бошқача “иш”га боришган...

— Ҳа-а, — деди Икром чўзиб, — бирдан шунақа демаясанми? Соат неча бўлди?

— Ўндан ошди.

— Йўғ-э, шунча кўп ухладимми? — деб Икром ўрнидан турди-да, тез-тез юриб ювиниш хонасига кетар экан, Самандарга йигитларни ошхонага чақиритишни буюрди.

Самандар Икром ювиниб келгунича тамаддига таом тайёрлади. Лекин хўжайин унга қараб ҳам қўймади. Икромнинг хаёлини тушида кўрган париваш эгаллаб олган эди. Ювинаётган паллада ҳам у шу ҳақда ўйлади ва тиш чўткасини оғзидан олмаган кўйи: “Мен сени ернинг тагидан бўлса ҳам топаман. Топмагунимча қўймайман”, дея пичирлади.

Овқат ейилмаганидан кейин Самандар:

— Болаларга нима иш буюрай? — дейишга журъат этди.

— А-а? — деди чўчиб тушган Икром. — Қайси болаларга?

— Ўзимизникиларга, тонготарда топиб кел, дегандингиз-ку.

Самандарнинг шу гапидан кейингина Икром кечаги воқеаларни эслади ва машинада пул борлиги ёдига тушиб, ўрнидан сапчиб турди.

— Мошина қани, унга ҳеч ким тегингани йўқми? — дея қичқирди Самандарга.

— Подъезд олдида, ҳеч ким тегинмади, қандай қўйган бўлсангиз шундайлигича турибди.

— Юр, — деди Икром эшик томон йўналаркан.

У машина юкхонасини очишдан олдин атрофига яхшилаб разм солди. Битта-иккита одам нарида юрарди. Бироқ уларнинг бирортаси ҳам унга эътибор бераётгани йўқ.

Қопнинг бир томонидан Икром, иккинчи томонидан Самандар ушлади.

— Сизни овора қилгандан кўра болаларни олиб чиқсак бўларкан, — деди Қовун.

— Болаларнинг буни кўтарадиган иш қилгани йўқ! — деди кўполлик билан Икром.

Қоп меҳмонхонага олиб кирилди. Икром қолган икки йигитини ҳам шу ерга чақирди. Улар келгач қопнинг оғзини очиб, пулларни гилам устига сочиб ташлади. Ҳамманинг кўзи олайиб кетди.

— Хўж... хўжайин... — деди Самандар томоғига бир нима тикилгандай бўғилиб. — Банкни ўмардингизми?..

Икром кулди. Сўнг бир даста пулни ағдариб-тўнтариб томоша қилди-да:

— Шундай қилган бўлсам-чи, — деди.

— Бир ўзингиз-а?!

— Узумини егин-у, боғини суриштира, деган машой-ихлар. Манави сенларга, — деб қўлидаги пулни Самандар томон отиб юборди. — Арра қилларинг. Яна бир нарсани айтиб қўяй. Мен берган пулларни биронтанг ҳаром-ҳаришга ишлатсанг шу кунни ўлдим деявер!

Йигитларнинг қулоқларига унинг кейинги гаплари кирмаганди. Уларнинг эс-ҳуши теккан улушни бўлиш билан овора эди. “Шуниси ҳам тузук. Булар қанчалик очкўз бўлса, менга шунча яхши”, дея хаёлидан ўтказди Икром. Йигитларига гилам устидаги пулларни санашни буюриб, ўзи устозининг хонасига ўтди.

Уйда бўлган гап-сўзлардан Эгамқул шогирди айтганини бажармаганини билди ва уни хўмрайиб кутиб олди.

— Устоз, — деди Икром бошини эгиб, — мадорим етмади, болалар тўплангунча озгина чўзилай, деб диванга ётиб, шу билан қотиб қопман.

— Ҳамма нарсани вақтида қилган маъқул. Энди анча жабр чекишинга тўғри келади. Кеча Қосим деганинг жуда газабланган эди, шу боис кўп хато қиларди. Уни осонгина букиб ташлардинг. Бугун у ўзига келган. Анча-мунча нарсани режалаштириб қўйган. Эҳтимолки, жонингни олиб кетиш учун ажални чақириб қўйган чиқар, — бепарволик билан шундай деган Қора дев каравотига чўзилди. У доим Икромдан аччиқланган кезлари тескари ўгирилиб оларди. Бепарволиги ҳам ясама бўларди. Бир-икки марта шогирд ўзини оқламоқчи бўлиб аразлаган устозига гапириб кўрган. Ўшанда шунақанги дакки эшитганки, суяк-суягидан ўтиб кетган, шундан бери Қора девнинг жаҳли чиққанида, Икром сўз қотмайди. Ё унинг олдидан чиқиб кетади ёки бирор соат жим ўтиради, токи Эгамқулнинг ўзи гапирмагунча.

У берилиб пул санаётганларнинг олдига борди-да, кечки пайт ҳаммаси шу ерда тўпланиб туришларини тайинлаб ўзи ташқарига чиқди. Машинаси турган жойида қолаверди, киракаш машина тўхтатиб, шаҳар марказига кетди. Қаерда дарахтлар қалин, сўлим жойлар бўлса, ҳаммасини бир-бир кўздан кечирди. Тушига кирган қизни қидирди гўё. Бироқ тушидаги санам ҳеч қаерда йўқ эди. Шундан кейин боши айланиб, олий ўқув юртларидан бири олдидаги хиёбонга келиб қолди. У ердаги дарахтларни кўрганидан кейин кўнглига ажиб бир хурсандчилик кирди. “Нега авваллари бу ерларга келмаганман? — ўйлади у. — Зўр жой экан-ку”. Шу маҳал унинг кўзи анча наридаги талабалар ётоқхонасига тушди. “Шу ер, — дея гапириб юборди ўзига-ўзи, — аниқ!”

Ҳовлиқиб атрофига аланглади. Бир қараган тарафига сония ҳам сарфламади. Агар бир томонга кўпроқ қараса, бошқа томонидан қиз келиб, у кўрмай қоладигандек туйилаверди.

Бир соат, икки... учинчи соат ҳам охирлай бошлади. Кўп қизлар, кўп сулувлар ўтди. Бироқ уларнинг орасида тушида кўрган қиз йўқ эди. Шунда унинг ўзига-ўзининг ичи ачиди. “Аҳмоқ, тушгаям ишонасанми? Бунча соддасан?” — деди овоз чиқариб. Шу маҳал узоқдан, университет томондан бир қиз кўринди. Икромнинг кўзи ёнди гўё... Қиз келаётган тарафга бир-икки қадам босди...

Икром қизнинг ортидан югуриб бориб уни тўхтатиши, исмини сўраши мумкин эди. Қиз исмини яширган тақдирдаям бир-икки оғиз гапириши тайин эди. Шунинг ўзи Икромнинг дилини яйратишга етарди. Албатта, ҳозирча. Лекин у санамнинг ортидан бормади. Фурури йўл қўймади, паст кетгиси келмади. Қиз боланинг ортидан боришни у йигит кишининг шаънига тўғри келмайди, деб ҳисобларди. Бироқ ўша қизнинг кўнглини олмаса унга етишолмаслигини билмасди. Қиз кўздан ғойиб бўлгунча қаққайиб турди. Сўнг бир-бир босиб ортига қайтди.

Уйига келганида йигитлари аллақачон пулларни тахлаб, қанчалигини аниқлаб қўйишибди. Ҳатто бир шиша ароқ олиб келиб, тўртовлон баҳам кўришибди ҳам. Икром буни сезиши билан тутациб кетди.

— Маразлар! — деди кўзи олайиб. — Мен сенларга ичинглар деганмидим? Нега рухсатсиз ичинглар? Кекирдагингни узиб ташлайман!

У қўлларини мушт қилиб, важоҳатидан ит ҳуркадиган даражада аста-секин Самандарга яқинлаша бошлади.

— Ока, товба қилдим! Биз билмасдан... Бир қошиқ қонимиздан кечинг! — ёлворди Самандар оёғи қалтираб.

Икром муштини дўлайтирди-ю, уришга улгурмади. Чунки қўшни хонадан устозининг нимжон овози эшитилганди.

— Бахтинг бор экан, — деди Икром ва Эгамқулнинг ёнига кетди.

— Келдингми? — деди Қора дев Икром салом берганидан кейин. — Анча вақтдан бери сени сўроқлайман. Болаларингнинг биронтаси билмайди қаерга кетганингни. Топиб беришолмади.

— Тинчликми? — сўради Икром устозининг пойига тиз чўкар экан.

— Болам, менинг сендан бошқа ҳеч кимим йўқ. Ҳали олти ёшга тўлмасимдан ота-онам ўлиб кетди. Ҳозир ҳатто уларни эслолмайман ҳам. Ака-ука, опа-сингилларимам ёшлигимда ўлиб кетишган. Шунинг учун сени соғиниб қолаяпман-да. Кўргим келаяпти-да...

Икром Қора девнинг бу гапларини жуда кўп марта эшитган. Шу боисдан бепарво ўтирди. У битта нарсага тушунмасди. Нега устози мутлақо уйланмаган? Бола-чақа

орттирмаган? Ёшлигида бу ҳақда у Қора девдан сўраган, лекин жавоб ололмаганди. Эгамқул ўйланиб қолган-у, ҳеч нарса демаган. Шу-шу Икром учун бу савол жумбоқлиги-ча қолаверди. Ҳозир ҳам бу ҳақда у кўнглидан ўтказди. Бироқ сўрашга ботинолмади.

— Мен сенга охирги ўғитимни айтай. Чунки умрим охирлаб бораяпти. Ҳозир тирикман, бир соатдан кейин балки жоним чиқиб кетар. Орқамда сендан бошқа ҳеч ким йиғлаб қолмайди. Биласанми, нима учун, чунки менинг бола-чақам йўқ... — деди Қора дев худди шогирдининг кўнглидан кечганларни уқиб олгандай. — Билсанми, нега бола-чақам йўқ? Буниям билмайсан. Сенга айтмаганман. Мен тўғримда биладиганлар эса аллақачон қора ерга кириб кетган.

Икромнинг қулоғи бирдан динг бўлди. Бутун диққат-эътиборини Эгамқулнинг оғзидан чиқаётган гапларга қаратди.

— Ёшлигимда бир қизни яхши кўриб қолгандим. У мени яхши танирди. Шунинг учун кўриб қолса, бир тош наридан ўтиб кетарди. Лекин мен унинг орқасидан қолмасдим. Доим йўлини пойлардим. Бир куни ушлаб олдим-да, яхши кўришимни айтдим. Бечора қалтираб қолди. Бир оғиз ҳам гапирмай қочмоқчи бўлди. Лекин мен кўлидан тутиб қолдим. Шунда шайтон юзига уришимни буюрди. Жаҳл кўзимни кўр қилиб қўйганди, мен аҳмоқ унинг гапига кириб, бечора қизни бор кучим билан урибман. У орқасига ағанаб, қимирламай қолди. “Ўлдириб қўйдимми?” деб ўйладим мен, сўнг биров кўриб қолмасин, деб бечора қизни кўтариб олдим-да, уйга қараб югурдим. Кўчада учраганга қўшнимизнинг тоби қочиб қолганини айтиб кетавердим. Ўзиям биздан икки уй нарида турарди-да. У пайтлари ҳеч ким менинг зўравонлигимни билмасди. Шунинг учун гапимга чиппа-чин ишонишди.

Уйга оборганимдан кейин кўрпачага ётқизиб юрагига қулоқ тутдим. Бахтимга ўлмаган, юраги ураётган экан. Дарров латтани ҳўллаб келиб пешонасига босдим. Қиз кўзини очди. Мени кўриши билан аста-секин эшик томон силжий бошлади. Падарингга лаънат шайтон яна йўлдан оздирди, мен худди оч қолган йиртқичдай ўзимни қизнинг устига отдим. У чинқириб юборди. Аммо бу пайтда менинг кўзимга

ҳеч нарса кўринмас, кўз олдимни нафс пардаси қоплаганди... Лекин... эркаклик қилолмаслигимни билганимдан кейин мен бўкириб юбордим. Қиз бирпас ҳайратланиб турдида, кийимларини кийиб, қочиб қолди... Шу-шу уйланишдан воз кечдим. Душманларимнинг айбимдан хабар топиб, устимдан кулишларини истамадим...

Қора дев жимиб қолди. Унинг нафас олаётгани ҳам билинмасди. Фақат қалтираётган қўлларигина тириклигидан нишона бериб турарди. Икромнинг кўнглида устозига нисбатан ачиниш пайдо бўлди. Шу пайтгача қоядай мустаҳкам деб юрган одами жуда ғариб кўриниб кетди кўзига. У Эгамқулнинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб сўз қидирди. Тилига гап келмади, мум тишлагандай ўтираверди.

— Мана шундай гаплар... — оғир сўлиш олди устози бироздан кейин. — Лекин сенинг уйланишингни хоҳлаяпман. Боланг менга набира бўлади. Бир мартагина “бобо” дейишини эшитиш, биласанми, менга қандай роҳат беради!.. Шу кунларга етармиканман...

Икром устозининг йиғлаганини сира кўрмаганди. Ҳозир унинг сўқир кўзларидан ёш сизиб чиқди. Бундан шогирд титраб кетиб, секин Қора девнинг қўлидан тутди.

— Айтганингиз бўлади!.. — деди овози ҳам титраб. Кўнгли бузилиб, ортиқ ўтиролмади. Ўрнидан туриб бошқа хонага ўтди.

Йигитлари унинг кўзидаги қайғуни англаб етолмадилар. Улар Икром қайтиб келиб, яна бизни дўппослайди, деб ўйлашганди. Лекин ундай бўлиб чиқмади, сардор юмшоқ диванга ўтирди-да, гўё одамларини кўрмаётгандай, бир нуқтага термилиб, куни билан қидириб ниҳоят топган қизи ҳақида ўй сура бошлади. Шу тахлит бироз ўтирганидан кейин эса ухлаб қолди.

Уйғонганида Эгамқулнинг кўзёшлари ҳам, тушида кўриб, севиб қолган қиз ҳам эсидан чиққан эди. Ўрнидан турдида, йигитларини эргаштириб ташқарига чиқди.

— Биз жудаям озчиликмиз, — деди биринчи марта йигитларига очиқ гапириб. — Беш киши узоққа боролмаймиз. Ягона имкониятимиз — пулимиз. Кўпайишимиз керак.

Йигитлари унинг кўзига термилиб туришарди. Юқорида айтганимиздек, улар Икромни катта ўғрилар тўдасининг

одами деб билишарди. Энди ҳаммаси аниқ бўлгач, карахт бўп қолишди.

— Нега жимсанлар? — деди Икром йигитларининг миқ этишмаётганидан жаҳли чиқиб. — Ёки гапимга қаршимисанлар?

— Ака, — ниҳоят Самандардан ун чиқди, — сиз нима десангиз шу. Биз энди ҳамма нарсани тушуниб олдик... Кўпайишимиз керак бўлса, мен бугуннинг ўзида учтасини олдингизга олиб келаман. Ўзингиз кўрасиз, маъқул топсангиз, қўшасиз сафимизга, бўлмаса кетаверади-да... Лекин, ака, яна битта гап, — деб у чўнтагидан пичоқ чиқариб, кафтига ботирди. Пичоқ изидан сизиб чиқаётган қонни кўрган йигитларнинг кўзлари олайиб кетди.

— Мана шу қоним ҳаққи-ҳурмати, — деди Самандар ўзини мағрур тутиб, — мен сизга икки дунёда ҳам хиёнат қилмайман! Мен ҳар доим сизга содиқман!

— Раҳмат, — Икром тўлқинланиб кетиб, унинг ёнига келди-да, елкасидан оҳиста кучди. — Биз сен билан бугундан бошлаб биродарлармиз. Иссиғимиз ҳам, совуғимиз ҳам бир!

Кўрсатилган томоша қолган уч йигит учун ўрнак эди. Аммо уларнинг биронтаси ҳам Самандар қилган ишни қилмади. Демак, журъатсизликларини намоёйиш этиб қўйишди. Бу эса Қора девдан кераклича таълим олган Икромнинг эътиборидан четда қолмади.

— Бўпти, — деди Самандарни кучоғидан бўшатган Икром. — Бугундан бошлаб, мен йўқ пайтларимда Самандар сенларга бош бўлади... Шу билан гапимизнинг расмий қисми тамом... Энди тўрталанг ўша учта йигитни Чангал-зортепа қишлоғидаги бузилиб ётган уйга олиб борасанлар. Мен ўша ерда бўламан. Биласанларми, қишлоқнинг қаердалигини?

Ҳамма йигит бараварига бошларини чайқаб билмасликларини маълум қилишди.

— Чирчиқ дарёси бўйлаб юқорига юрганларингда тўртинчи қишлоқ. Қишлоқ охирида бузилган уй бор. Лекин бирор кишидан уйни қаердалигини сўрамайсанлар.

Йигитлари кетганидан кейин Икром устозининг олдига кирди. Унга катта ишни бошлаш арафасида турганини айтмоқчи эди. Бироқ эшикдан кириши билан ҳайкалдек қотиб

қолди. “Фақат бугун эмас!..” — дея оҳиста пичирлади унинг лаблари. Бир-бир қадам ташлаб, Эгамқул ётган каравотнинг ёнига келди-да, тиз чўкканча, эти суягига ёпишиб, жуда кичкина бўп қолган (у Қора девнинг аҳволини эндигина сезиб турган эди) устозининг қўлини ушлади.

— Келдингми? — деди Икром «Ўлиб қолган бўлса-я», дея хавотирланган одам. — Кутиб ётгандим.

— Келдим, — деди шогирд ғир ютиниб.

— Энди бошимгаям оғриқ кирди. Худо жонимни олгани афзал эди, бундан кўра. Кўрмасам, қўл-оёғим ишламаса, буям камдай, бошим... Бунақа узоқ яшагандан кўра ўлиб кетган афзал... — алаҳсираётгандай гапирарди Эгамқул. Икромнинг хаёлидан: “Ўлса қутуларди”, деган ўй ўтди. Лекин дилидагини тилига чиқармади. Аксинча, устозининг кўнглини кўтарди:

— Тирик жоннинг боши оғриydi. Ҳозир битта дори ичсангиз, ҳеч нарса кўрмагандай бўп кетасиз.

— Майли, берсанг бер. Лекин, менимча, бу оғриқ гўрга киргандан кейин қолади.

— Нафасингизни иссиқ қилинг, устоз. Ўзингиз айтдингиз-ку, набирамнинг бобо дейишини эшитгим келаяпти, деб. Худо хоҳласа эшитасиз.

— Менга билдирмай юрувдингми, битта-яримта билан...

— Қаёқда, энди... Биттасини кўрдим.

— Маъқул тушдимми?

— Ёқди.

— Ақлинггами, кўнглинггами?

— Нима деганингиз бу?

— Ақлинг билан шу қизни ёқтирдингми ёки кўнглинг билан деяпман!

— Унда, менимча, кўнглим билан бўлса керак. Чунки у қизни аввал тушимда кўрдим. Кейин излаб топдим... Қанақа қизлигини умуман билмайман.

— Бўлади. Фақат тўйни тезлаштир. Менам бу дунёга келиб битта тўй кўрай... Кўролмайман-у... Майли, шундай бўлсаям.

Чол яна жимиб қолди. Тагин кўзидан ёш оқди. “Бекор шундай дедим-да, — афсусланди Икром. — Тагин кўнглим бузилиб чиқиб кетадиган бўлдим... Бошқа нарсани айтмоқчийдим. Гап ўзани бошқа томонга кетиб қолди. Нега

ўзи майдалашадиган бўп қолдим? Илгари бунақанги ода-
тим йўқ эди-ку”.

— Устоз, — деди у томоғини қириб олиб, — сизнинг
дуонгизни олгани келувдим.

— Нимага, болам?

— Катта иш бошлаш арафасидаман. Атрофимга кўпроқ
одам йиғаяпман, — деди Икром ва бироз жимиб қолди.
Сўнг боягина йигитлари билан бўлиб ўтган суҳбатни гапи-
риб берди. Гапининг охирида, уларни иккаласи кўп йил-
лар бирга яшаган Чангалзортепага тўплашини кўшиб қўйди.

— Ҳаммаси яхши, — деди Қора дев, — фақат бекор у
ерни танлабсан. Шаҳар бўлганда беҳроқ бўларди. Бу ерда
қўшнилар бир-бирини тузук-қуруқ танимайди. Қишлоқда
этибор қилади. Керак бўлса кузатади. Бир-бировига айта-
ди... Лекин, майли, шу ёқдан бошлашни ният қилибсанми,
омадингни берсин... Энди, болам, менга бир пиёлагина
анави шайтоннинг сувидан бер. Озгина ўзимга келиб олай.

Икром унинг айтганини бажариш учун ўрнидан туриб,
илжайганча ошхонага ўтиб, музлатгичдан ароқ шишасини
олди.

* * *

Дилдора кейинги бекатгача қандай келиб қолганини ўзи
ҳам сезмай қолди. Шунчалик юраги тез урар, шунчалик
ҳаяжон босган эдики, ҳатто бир марта ортига қарашга ҳам
ботинолмади. “Жинни”, дейишга деб қўйди-ю, кейин ўзи
қўрқиб кетди. Ваҳоланки, бу сўзни айтаётганида, лаблари-
гина қимирлаган, овоз эса деярли чиқмаганди.

Бахтига автобус тезда кела қолди. Чиқди-ю, охирги ўрин-
диқлар бўш бўлишига қарамасдан, салоннинг ўртасига бор-
ди. Автобус юрганидан кейин қизнинг юраги «шув» этиб
кетди. Чунки у айнан ўша йигит томон кетаётганди. “Э,
Худо, — дея ёлворди у. — Ишқилиб, автобустга чиқмасин-
да... Шунча одамнинг олдида гапирса шарманда бўламан”.
Бироқ кейинги бекат тезюрар автобус тўхтамайдиган бе-
катлардан бири экан. Дилдора бундан қувониб кетди. Ле-
кин йигит турган бекатга қарашга юраги дов бермади.
“Ғалат бола экан, — дея ўйлади “хавфли жой” ортда қол-
ганидан кейин деразадан ташқарига қараб кетар экан. —
Ҳе йўқ, бе йўқ «севиб қолсам майлими»миш... Шунақаям
дейдими? Севги сўралармикан?..” Дилдоранинг юзига ним-

табассум югурди. Шунинг ўзи бегона йигитга нисбатан қизиқиш уйғонганини билдириб турар эди.

Шу кайфиятда уйига борса, келинойиси боласини эркалаб ҳовлида юрган экан. Қиз дарров сумкасини ерга ташлаб, болани келинойисининг қўлидан олди. Юзидан чўлпиллатиб ўпди. “Мениям ўп, мениям ўп”, дея эндигина бирга кирган болакайга юзини тутди. Болакай қиқирлаб кулди. Дилдора гўдакни қитиқлаб ўйнатаверди.

— Ҳой қиз, — деди паст овозда ёнида турган келинойиси. — Секинроқ, уйда меҳмон бор.

— Қанақа меҳмон? — ажабланди Дилдора болакайни эркалатишдан тўхтаб.

— Сизга келишибди.

— Вой, нега? — деди бояги кайфияти йўқолган қиз.

— Нима деганингиз бу? — деди ингичка қошларини биров чимирган келинойиси. — Бўйингиз етган, шунга сўраб келишган-да.

— Келинойижон, ўзимнинг келинойим, — дея Дилдора Нафисани (унинг келинойиси) кучоқлаб олди. — Айтинг, кетишсин. Ҳали эрга текким йўқ. Ҳали ёшман.

— Вой, менинг гапимга кулоқ солишармикан? Ойимлар билан адажон нима десалар — шу. Бериб юборишса, қайтанга тўй кўрамиз...

— Келинойи, ҳеч сиздан иссиқлик чиқмайди-я, доим бегоналарнинг қилиғини қиласиз, — аразлаб лабини чўччайтирди Дилдора.

— Ҳазиллашдим, Дилдорахон, яхши кўраман-да, шунга ҳазиллашгим келади. Хафа бўлманг. Ўзингиз севган одамдан бошқасига бердирмайман.

— Раҳмат, келинойи.

Жиянини келинойисига бериб, хонасига кирган Дилдора кўзгу ёнидаги курсичага ўтирди. Ойнага қараганча тилини чиқариб, ўзини-ўзи мазах қилди. Кейин жилмайди. “Қалайсан, Дилдор? — деди у ойнадаги аксига, — анави йигит тўғрисида гаплашамизми? Ёқдим сенга? Жинни экан-а, тўғрими? Шунақа йигитни севиб қолиш мумкинми?.. Ғалатсан, Дилдор. Сенга бор-йўғи бир мартагина севги ҳақида гапирди. Уни аввал кўрмагансан. Гаплашмагансан. Билмайсан кимлигини... Кейин, сени калака қилиш учун айтгандир. Сен бечора нуқул у ҳақида ўйлаб қолдинг... У

бола жинни эмас, ўзинг жиннисан. Эсингдан чиқар, тамом-вассалом...” Бироқ қизнинг нотаниш йигитни эсдан чиқаргиси келмаётганди. Тўғри, у ҳозир ўша “девона”нинг юз тузилишини умуман эслолмасди. Лекин қандайдир куч ойнадаги аксига айтган гапларига қарши борарди.

— Дилдора! — дея чақирди шу пайт ойиси ташқаридан.

— Ҳозир, ойижон, — деди Дилдора ва шоша-пиша кийимларини алмаштириб, эшик томон юрди.

Айвонда онаси бетоқатланиб у ёқдан-бу ёққа бориб келар эди. Қиз эшикни очиб, бироз Назира опани (унинг онаси) кузатди. Онасининг юришида дадиллик, бардамлик бордай эди. Қизини сабрсизлик билан кутаётганлиги шундоққина кўриниб турарди. Сабабини Дилдора англагандай бўлди ва қовоғи уйилди.

— Лаббай, ойижон, — деди паст овозда.

— Вой, қизим-а, намунча кийимларингни алмаштиринг қийин. Зарур пайтда имиллайсан-а. Дарров чой дамлагин-да, меҳмонларга олиб киргин.

Назира опанинг койиши ҳам, иш буюриши ҳам шунчалик майин эдики, Дилдора ҳатто қўрқиб кетди. “Наҳотки рози бўлган бўлишса”, деган ўй яшин тезлигида хаёлидан ўтди.

— Нега қаққайиб қолдинг, бўл тез!

Назира опа қизига: “Сенга совчи келибди. Яхши жойдан экан, айтишларича, бола уддабуррон, кўркамгина эмиш...” деган гапларни гапирмади, қизининг кўнглини кўтармади. Чой олиб киришни буюрди-ю, ўзи совчилар ўтирган хонага кириб кетди. Ана шуниси Дилдорага алам қилди. Яна бирозгина жойида қоққан қозикдай турди, сўнг истар-истамас ошхонага кирди. Чой дамлаб, меҳмонлар олдига кирди.

Узун, қоп-қора киприklar шаҳло кўзларни бекитган, оппоқ юзда озгина қизиллик пайдо бўлган, қадам олишлар ниҳоятда нафис... Совчилар бундай санамни кўришлари билан ўринларидан туриб кетаёзишди. Қиз чойнакни ибo билан стол устига қўйди-да, қайтариб, назокат билан совчиларга узатаётганида, қайнона бўлишни орзулаб келган аёл ўзини тутиб туролмади. Ўтирган стулни бироз ортга суриб, Дилдорадан кўзини узмаган кўйи унинг ёнига яқинлашди.

— Бўйларингиздан ўзим ўргилай!.. Ўзгинамга қиз бўласиз! — дея бир-биридан ширин сўзларни айтиб, Дилдоранинг пешонасидан ўпди. Қиз кутилмаганда бирдан сесканиб кетди-да, ёнидаги аёлга ҳадиксираб қараб қўйди ва тез-тез юриб уйдан чиқиб кетди.

— Ёввойи, — деди Назира опа у чиқиб кетиши билан. — Сизларга кўпам маъқул келмас-ов.

— Бекорларни айтибсиз, — дея жилмайди совчилардан яна бири — кўҳликкина жувон, — ақллилиги шундоққина кўриниб турибди. Чиройлилигини айтмайсизми, хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам шу қизингизни келин қиламиз. Худо хоҳласа, иккала ёш бахтини топиб кетади. Бир чиройли яшашсинки, кўзингиз қувнасин.

Дилдора бу гапларни эшик ортида эшитди ва бирдан эти музлаб кўзи жиққа ёшга тўлди. Югурганча хонасига кириб юмшоқ ўриндиққа ўзини ташлаганча хўнграб йиғлаб юборди.

* * *

Кўнғироқ жирингини эшитиб, Феруза Маҳфузага қаради.

— Адамлар бўлсалар керак. Бор, тез оч, яна жаҳллари чиқиб юрмасин.

— Ойижонимиз-чи, улар нима иш қиладилар очмасдан, — деди Маҳфуза кесатиб.

— Кўйсанг-чи, Маҳфуз, озмунча калтак едиларми, ҳозир бозорга кетганлар, сал ёзилиб ҳам келадилар. Ўзинг бор.

Маҳфуза бўёқларини ёнига қўйди-да, илдам қадамлар ташлаб ташқарига чиқиб кетди.

— Ким у? — сўради дарвоза ёнига етмасидан бурун.

— Мен... Яна иш билан келгандим, — деган таниш овоз эшитилди. Шу ондаёқ қизнинг оёғи юришдан тўхтади. Юзида қувонч аломатлари пайдо бўлди. Бир хаёли ортига қайтиб, опасига “Деразадан қаранг, сиз ҳам кўриб қўйин менга ёқиб қолган йигитни”, демоқчи бўлди. Лекин даров ниятидан қайтди.

— Сизмисиз? — деди дарвозанинг кичик табақасини очиб.

— Сизни олиб кетишга келдим, — деди Шокир ҳеч тортинмай.

Қиз ҳайратдан донг қотди. Нима деярини билмай довдираб қолди.

— Мен билан кетасизми, мен сизни олиб кетмоқчиман!
— деди қизнинг довдираб қолганини кўрган Шокир.

— Не... Нега?

— Менга кераксиз!.. — шундай деб Шокир Маҳфузанинг кўлидан тутди. Ҳали-ҳануз ўзига келолмаган қиз кўлини тортиб олишга ҳам ҳаракат қилмади. Йигитга тикилганча тураверди.

— Кетдик, — деб Шокир уни машинаси томон тортди. Шундагина қиз ўзига келди ва кўрқиб кетиб, ортига тисланди. Аммо чайир кўллар чангалидан қутулолмади.

— Ойижо-о-н! — бақирди у йиғламоқдан бери бўлиб. — Кўйворинг!

Унинг овози бақирришдан кўра ялинишга ўхшаб кетарди. Бу йигитни баттар дадиллаштирди. У ҳеч иккиланмай Маҳфузани бир силтаб тортган эди, қизнинг ўзи кучоғига кирди. Даст кўтарди-да, югуриб бориб машина эшигини очди ва қизни зўрлаб ўриндиққа ўтқизиб, эшикни ёпди. Қиз тинимсиз бақирарди. Аксига олиб кўчада бу пайтда ҳеч ким кўринмасди. Маҳфузанинг овози тезда опасига етиб боришига дераза халақит берди. У синглисининг бақирганини эшитди. Дераза ёнига бориб ташқарига қараганда эса кеч бўлган, машина жойидан жилганди. Юраги гупуриб кетган Феруза қуюндай ташқарига отилди. Эшикдан отилиб чиқиб, узоқлаб бораётган оппоқ “Жигули”ни кўрди.

— Тинч кетсангиз, ўзингизга яхши бўлади, хоним, — деди Шокир кўзгу орқали орқа ўриндиқда кўзларидан дув-дув ёш оқизиб, кўйиб юборишини ялиниб сўраётган қизга қараб. — Мен фақат сизни ўйлаб шундай қилдим. Барибир отангизнинг кўлидан ҳеч иш келмайди.

— Нима гуноҳ қилдим? — деди Маҳфуза кўзидаги ёшни кафти билан артар экан.

— Бегона кўзларга кўриниб қолганингиз — сизнинг айбингиз... Мен сизга яхшилик қилаяпман.

— Қаерга олиб кетаяпсиз?

— Борганда кўрасиз, — дея Шокир қовоғини уйганча кўзгу орқали қизга қаради.

Машина шаҳар чеккасидаги жин кўчалардан бирига бу-

рилди. Кейин яна бироз юргач, хароба бир уй олдида тўхтади. Шокир машинадан тушмай сигнал берди. Пастқамгина дарвозанинг очилишини уч дақиқадан зиёдроқ кутиб жаҳли сочининг учигача келган, Шокир сўкинмоқчи бўлиб турганида, қари кампирнинг қораси кўринди.

Машина ичкарига кирганидан кейин Маҳфуза ҳовлини кўрди-ю, кўнгли айниб кетди. Ҳаммаёқни ахлат босиб кетган, оёқ босишга жой йўқ эди. У кўрқа-писа атрофни кузатиб чиқаётганида, дарвозани очган кампир унинг ёнига келди. Сочлари оппоқ, тўзғиган, муштдай келадиган башараси “ғижим”, йиртиқ-ямоқ уст-боши кир, баданидан шунақанги бадбўй ҳид келардики, Маҳфузанинг афти бужмайди.

— Ҳозирча, — деди унинг аҳволини дарров тушунган Шокир, — шу ер энг ишончли. Агар бундан кейин ҳам яшашни истасангиз, албатта.

— Бунақа жойда яшагандан яшамаган минг карра афзал, — деди нафрати кўзиган қиз.

— Валя хола, — деди Шокир рус тилида нигоҳини Маҳфузадан олиб, — бу жононни ертўлага олиб тушинг.

— Ним-ма?! — дея чинқириб юборди қиз. — Қанақа ертўла, ундан кўра ўлдириб ташланг, розиман.

— Кўп қаҳрамонлик қилаверманг, хоним. Ҳар нарсанинг ўз вақти бор. Ҳозир бўлса дарров кампирга эргашинг.

Шокирнинг ўқрайиб қарашидан сўнг Маҳфуза кўрқиб кетиб, ортига тисарилди.

Ташқари қанчалик исқирт бўлса, ертўла ундан беш баттар экан. Қачондир бу ерда товуқ боқилганидан ҳидига чидаб бўлмасди. Бироқ кампир бемалол, худди атрофдан хушбўй ҳид таралаётгандай, илжайиб-тиржайиб ичкарига кирди. Сўнг ҳайвонларгина яшаши мумкин бўлган жойдаги якка-ю ягона кўрпачани кўрсатиб:

— Мана шу ерда ётиб турасан, — дея ҳиринглади ва тезда ортига қайтиб, эшикни қулфлади. У Шокирнинг қуруқ келмаганини яхши биларди.

— Бунинг олинг, — деди Шокир кампирга икки шиша винони машина юкхонасидан олиб узатаркан. — Қизга кўз-қулоқ бўлиб туринг. Овқатидан хабар олинг. Мен бугун тунда ёки эртага эрталаб келаман.

— Хўп бўлади. Қиздан хотиринг жам бўлсин, — деди кампир қилпанглаб. — Шундай боқайки, чўчқадай семириб кетсин.

Буни эшитиб Шокир гижинди.

— Кўзингга қара, битта сочи тўкилса, калланг билан жавоб берасан, — деди ва машинасига ўтириб жўнаб кетди.

* * *

Қосим амакиваччасиникидан руҳи кўтарилиб қайтди. У келибоқ йигитларига қўнғироқ қилиб, улардан иккитасини уйига қўриқчиликка қўйгандан сўнг амакиваччаси билан келишилган ишни бажариш учун кетмоқчи эди. Аммо дарвозахонада хотини билан катта қизини сочларини тўзитганча йиғлаб-сиқтаб у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган ҳолда кўрганидан кейин капалаги учиб кетди.

— Нима бўлди?! — деб бақириб юборди.

— Ада... Адажон, — деди Феруза ҳиқиллаб. — Маҳфузани ўғирлаб кетишди!

— Ўғ... Ўғ... — довдираб қолди Қосим. — Қач... қачон?!

— Бир соатча бўп қолди, адажон! Уйда икковимиз ўтирувдик, кимдир эшик қўнғироғини чалди. “Адажоним келган бўлсалар керак”, деб синглим бечора югуриб чиқиб кетди. Бир пайт унинг овози эшитилиб қолди. Ортидан югуриб чиқсам... Дарвоза ёнида Маҳфузанинг шиппаги қолибди!..

— Йиғлама қизим, йиғлама. Ҳали аданг тирик. Топаман! Ҳозироқ топаман... Итнинг боласи, энди шу йўлга ўтдингми, ичагингни бошингга салла қиламан, — деган Қосим эшиккача гандирақлаб борди. Отасини йиқилиб тушади, деб ўйлаган Феруза унинг ортидан югуриб бориб қўлтиғидан олиб, уйга киришга ёрдамлашди.

— Биров ўлиб қолдимми?! — деган овоз эшитилди шу пайт. Қосим ким гапирганини англай олмай қолди. Лекин қони бошқаролмайдиган даражада қизиди. Оёғига қайтадан дармон кириб, катта қизини итариб юборди-да, ортига қайтди.

Дарвозахонада ўғли Аббор тебраниб турар, хотини ҳадеб бошини яширарди.

— Папаша, — деди ўғил отасига ғалати боқиб, — ҳамма мотам тутаяптими?

— Ит! — бақирди ҳаётида илк маротаба ўглини ҳақорат қилиб Қосим. — Қайси гурда юрибсан?!

— Ад-а, мени шунақа деяпсизми? Мен ит бўп қолдим-ми?

— Ундан беш баттарсан! Падарингга лаънат, уйда босиб ўтирганингда... — деди-ю, қалтираб кетди Қосим ва тез-тез юриб ўглининг ёнига бориб, унинг юзига бор кучи билан шапалоқ тортиб юборди. Кайфи таранглигидан базўр турган Аброр гурсиллаб ёнига қулади.

— Аввалроқ шундай қилишим керак эди! — деди унинг тепасида турган Қосим ва дарров ортига қайтди.

Абдуҳамид Қосимни бунчалик тез кўнғироқ қилади, деб ўйламаганди.

— Нима бўлди, тинчликми? — сўради у амакиваччасининг овозини эшитиши билан.

— Бошимга ташвиш тушиб қолди. Маҳфузани ўғирлаб кетишибди... Буям анави итвачча, Икромнинг иши бўлса керак...

— Ҳовлиқма. Ўзингни бос! — деди Абдуҳамид. — Ҳозир етиб бораман. Уйингдан қимирламай тур. Ўзингча биронта иш қилма.

Гўшакни жойига қўйганидан кейин, Қосим ҳолсизланиб ўтириб қолди. Хаёлан минг бир кўчага кириб чиқди.

* * *

Икром билан Абдуҳамиднинг фикри бир жойдан чиқиб қолди. Яъни, майда-майда ўғрилар тўдасининг шохини қайириб, бўйсундириб олиш истаги ҳар иккаласида бор эди. Мақсад ҳам бир хил: Қосим аввал Икромни йўқ қилади, кейин Шерга ҳужумга ўтади. Икром ҳам худди шундай, Қосимни бир ёқли қилгач, шаҳарнинг биринчи рақамли авторитети билан ҳисоб-китоб қилади. Шокирнинг Маҳфузани ўғирлаб кетиши эса тарози палласини Икром томонга оғдириб юборди.

У ёшлигининг кўп вақтини ўтказган (эндиликда қаровсизликдан хароб бўлган) кулбага йигитларидан бир соат олдин борди. Эскириб, қорайиб кетган эшик-ромларни, қушлар ин қурган шифти бир қарич чанг босган хоналарни, сув йўқлигидан қурий бошлаган ҳовлидаги дарахтларни маъюс кузатиб чиқди. Ўзининг бу ерга келиб қолгани,

Қора дев билан учрашганини эслади. Энтикиб кетди. Ўша пайтда у ёш бола бўлса-да, устозининг кўзида қандайдир учқун борлигини сезганди. Яна болалар уйдаги тарбиячидек қулогидан тортмаслигини ёки оёғига хивич билан урмаслигини ҳам билганди. Хотира синиқлари қалбини оғир мунгга тўлдирди, ўкиниб кетди.

Ниҳоят йигитлари иккита машинада кўчани чангитиб етиб келишди. Уларга кўзи тушган заҳоти Икром уйга кириб, бурчакдаги бир оёғи синган стулга ўтирди. Бир пайтлари устози шундай ўтирар эди. У ўзи сезмаган ҳолда Эгамқулга тақлид қилаётганди. Стулнинг оёғини бу ердан кўчиб кетишларидан анча аввал Икром синдириб қўйганди. Бу кулбадан ёлғиз шу буюмгина олиб кетилмаганди. Қишлоқдагилар эгасиз бу кулбани кўрага айлантиришса ҳам стул тураверибди, ўтин бўлиб кетмабди. Шу нарсани ўйлаган Икромнинг кўнглида энди қишлоқ одамларига нисбатан илиқлик пайдо бўлди.

Уйга аввал Самандар, унинг ортидан учта “синов”дагилар, кейин эса эскилар кириб келди. Унга икки қадамча қолганида барчаси тўхтади. Худди аввалдан шундай бўлиши келишиб олингандай.

Икром янгиларга бирма-бир тикилди. Унинг назаридан, айниқса, кўзлар, кўзнинг ҳам қорачиқлари четда қолмади... Кузатувни тугатган Икром мийиғида кулди. Чунки у устозидан олган билимга таянадиган бўлса, бу келган уч йигитнинг иккитаси пихини ёрган ўғри, биттаси энди бошлаган, шекилли, анча-мунча соддалигини ошкор қилиб турарди.

— Хуш келибсизлар, — деди Икром берилган салом қадрини йўқотай деганда. — Сизларни кутадиган кошонамиз бўлмаганлиги сабабли шу ерга таклиф қилишдан бошқа чора тополмадик. Кулба маъқул бўлдимми?

Ўзининг йигитлари илжайди. Янгилар безрайиб тураверишди. Уларнинг мум тишлаб туриши Икромга ёқмади.

— Қани, сен яқинроқ кел-чи, — деб у бошқаларига нисбатан гавдалироқ йигитни ёнига чақирди.

Йигит бирозгина чўчиди, юзи оқаринқиради. “Юраксиз” деган тамға шу ондаёқ Икром томонидан хаёлан босилди унга.

— Исминг нима?

— Мамадиёр.

— Зўр. Энди гапир, Мамадиёр, қанча одамнинг чўнтагини “шумо” қилгансан?

Бу саволдан кейин йигит худди терговчининг рўпарасида тургандай ранги бўз бўлиб кетди. Нима деб жавоб беришни билмай довдиради.

— Ўтириб қўйдингми? Нимага безраясан?

— Мен, ҳалиги... Эндигина учта уйга тушгандим...

— Қовун! — дея бирдан бақириб юборди Икром. — Менинг олдимга кимни олиб келдинг?!

— Ока, — деди бирдан Самандар, — тарбиялаб одам қиламан.

— Унда аввал тарбияла, кейин гаплашаман. Ҳозирча, — деди кўзи ўт бўлиб чақнаган Икром Мамадиёрга қўлини бигиз қилиб, — қорангни ўчир!

Йигит ортига тисарилди ва икки қадам ҳам босмасдан оёқлари чалишиб, “гуп” этиб чалқанчасига йиқилди. Икром чидаб туролмади, қорнини ушлаганча қаҳ-қаҳ отиб кулишга тушди. Унга бошқалар жўр бўлди. Худди шу маҳал эски стул ҳам қилиқ кўрсатиб, қарсиллаганча яна битта оёғи синиб кетди. Энди Икром Мамадиёрнинг кунига тушди. Бироқ Икромнинг ўзидан бошқа ҳеч ким кулмади. Ҳамма тишини-тишига босиб чидаб турди.

“Имтиҳонга кирган” қолган икки йигитнинг омади чопди. Чунки “домла”нинг кайфияти анча кўтарилган, берган саволлари юмшоқ, уларнинг аксарияти ҳазилга йўғрилган эди.

— Самандар, — деди Икром қўлидаги тилларанг соатига қараб қўйиб. — Ҳозир бу ердан чиқиб, иккитанг анави тўнғизнинг уйидан хабар оласан. Тўрт соат турасанлар, шу вақт ичида у ерга ким кирди, ким чиқди, ҳисоблайсанлар, бирортаси кўздан қочмасин. Қолганлар ишини қилсин. Кечкурун “отчёт” бўлади.

У уйдан чиқиб кетаётиб ҳаммаёққа яна бир бор кўз қирини ташлаб, “Вақти келса, бу ерда қаср қураман”, дея кўнглидан ўтказди. Машинасига чиқаётганида эса бир хаёли кўни-қўшниларга “Илтимос, молларингизни киритманглар, молхона бўп кетибди. Ҳали бу ерга қайтиб келиш ниятимиз бор”, демоқчи бўлди-ю, дарров шаштидан қайтди. Чунки барибир унинг гапини сариқ чақага олишмай-

ди. Юзига айтмайди-ю, лекин кетганидан кейин “Ким бўпсанки, бу уйга хўжайинчилик қиласан, бу уйнинг эгалари аллақачон ўлиб кетишган”, дейишлари турган гап. Чунки у энди-энди балоғат ёшига етаётган маҳал қишлоқдошларининг “Шу боланинг оёқ олиши яхшимас, кўзиям ўйнайди”, қабилидаги гапларини орқаворатдан кўп эшитар, тенгқурларининг ундан ўзларини олиб қочишлари сабабини ҳам шунда деб биларди.

Икром шаҳарга етиб борганида шом тушиб қолганди. У тўғри устозининг ёнига йўл олди. Қора дев ҳамон шифтга юзини қаратиб ётар, ўлик-тириклигини билиб бўлмасди.

— Мен келдим, — деди паст овозда Икром.

Лекин унинг гапини қулоғи оғирлашиб қолган Эгамқул эшитмади. Шунда шогирд устозини туртиб кўрди. Қора девнинг бадани сезгини йўқотишга улгурмабди.

— Икром, келдингми, болам? — деди у нимжон овозда.

— Яхши ётибсизми?

— Ҳе, — деди Қора дев оғзини бироз қийшайтириб, шогирди унинг кулмоқчи бўлганини билди, — шу ётишнинг нимаси яхши экан?.. Сен гапир, янгиликлардан гапир.

— Янгилик... деярли йўқ. Учта йигитни қишлоқдаги уйимизга оборишди...

— Қандай экан?

— Иккитаси пичоққа илинади. Биттасини орқасига теппиб юбордим.

— Сенга бир гап айтай. Анави, ким эди оти, ҳа, эсимга тушди, сен “Қовун” дейсан-ку.

— Ҳа.

— У сенга ўнг қўлликка ярамайди. Сен, яхшиси, биронта жухуд топ. Фақат жуда эҳтиёт бўл. Жухудлар тулкига дарс берадиганлардан. Лекин улардан фойдаланса бўлади. Шундаям кўпроқ фойдани у олганидан кейин озгинасини сенга бериб қўяди. Шу озгинанинг ўзиям бемалол етади сенга.

— Мен унисига чидолмайман. Мен ит эмасманки, суяк берса қаноат қип кетадиган.

— Менам унга ёпишиб ол, деяётганим йўқ. Албатта, масофа бўлсин. Кейин... Уҳи... Уҳи... — Қора дев гапини давом эттиролмади. Йўтал шунчалик қаттиқ тутдики, би-

роҳ уч дақиқалар тўхтаётган бўлмади. Икром оғзига тутган сувдан ичганидан кейингина бироз ўзига келди. Шундаям қисқа-қисқа йўталиб қўярди. Шу билан суҳбат унут бўлди.

Икром қўшни хонага ўтиб, оромкурсига ўтирди-да, хаёлга толди. Устозининг гапларини таҳлил қилди. Кейин неча кундан бери нариги уйига бормагани ёдига келиб, ўрнидан турди. У эшикка йўналганида уйининг олдида уни кутиб туришганидан ҳали беҳабар эди.

* * *

Қосим Абдуҳамидга қўнғироқ қилишдан аввал Шернинг ёнига бориб, унга дардини дастурхон қилмоқчи бўлди. Бироқ дарров бу ниятидан қайтди. Чунки ундан умид йўқлигини биларди. Эҳтимол, Шер унинг ишини тез баҳариб берар. Лекин кейин ҳамма режаси барбод бўлади. Эвазига Амирбек Қосимнинг мол-мулкини қўлга киритади. Ҳеч нарса қолдирмайди. Балки ўзини ҳам...

Унинг оёқ-қўли қалтирар, ҳаяжондан юраги қафасидан чиқиб кетай дерди. “Ифлос, — дея хаёлан Икромни сўкарди, — пандавақи ялангоёқ, барибир ичагингни бошингга салла қилмагунча тинчимайман...” У ўрнидан турди. Ташқарига чиқишга юраги бетламади. Йигитларига қўнғироқ қилиб, ҳаммасига тезда етиб келишни буюрди.

Орадан кўп ўтмай унинг уйи одамга тўлди.

— Итялоқ қаерда пайдо бўлиши мумкин бўлса, ҳамма жойга одам юбориш керак, — деди Абдуҳамид узоқ ўйлаб ўтирмай.

— Болалар неча кундан бери уйини қўриқляпти. Мараз ҳаммасидан хабар топганга ўхшайди, шу кетганича даф бўлган. Ёки окахоннинг қанотига кириб олганмикан? — деди унга жавобан Қосим бир нуқтага тикилиб. — Менимча, шаҳардан чиқиб кетган. Лекин қаерга кетган?! Номард, эркак бўлсанг ке, яккама-якка олиш!

— Ўзингни бос. Йигитларимнинг иккитаси Шернинг болалари билан таниш. Аниқроғи, ўзим атайлаб қилганман буни. Душманнинг ичида бўлган яхши-да. Боя сен телефон қилганиндаёқ уларни ўша ёққа жўнатганман. Ҳали замон кеп қолади. Агар анави мараз Маҳфузани шу ёққа оборган бўлса, Шер ўзидан кўрсин. Атом бомба тайёрлаб қўйибман. Ҳар қанча осмонда бўлмасин, куйиб кетади!

— Лекин мен одамларингизни қачон келаркан, деб кутиб ўтиролмаيمان. Ичим ёниб кетаяпти!.. Маҳфуза ҳозир қандай аҳволдалигини икковимизам билмаймиз. Балки... — Қосим жимиб қолди. “Қиз бола эмасдир”, деган гап оғзидан чиқиб кетишига сал қолди. Лекин айтмагани билан шу ҳақда ўзи ўйлади. Аламига чидолмай, ўрнидан туриб кетди.

Қосимнинг гапини амакиваччаси “Маҳфузани ўлдириб қўйишгандир аллақачон”, деган маънода тушунди. Шу боисдан:

— Ўчир овозингни! — деди тутоқиб. — Одам аввал ниятни яхши қилади.

Шу пайт хонага Феруза кириб келди-ю, уларнинг гапи узилди.

— Нима бор сенга?! — деди Қосим қизига жаҳл билан.

— Аброрингиз қўлига арқон олиб, ўзимни осаман, деб юрибди... — деди Феруза кўзига ёш олиб.

Қосим буни эшитиб баттар тутоқиб кетди. Ўрнидан сакраб туриб ташқарига йўналмоқчи бўлганида Абдуҳамид қўлидан ушлаб қолди:

— Сен тўхта, ўзим гаплашаман.

Абдуҳамид ташқарига чиққанида Аброр гаплашадиган аҳволда эмасди. У боя отасидан еган калтакдан кейин хонасига кириб, бўкиб қолгунча ичган, сўнг ҳовлига чиқиб “Ўзимни ўлдираман”, деб тўполон кўтарган эди.

Абдуҳамид йигитларига Аброрни ваннада обдон сувга пишишларини, кейин хонасига олиб кириб оёқ-қўлини боғлаб каравотига ётқизиб қўйишларини буюрди.

У шу ишлар билан банд бўлиб турган пайтда пойлоқчилик қилаётган йигитлардан бири ҳовлиққанча кириб келди ва Икромнинг уйига келганлиги ҳақида хабар берди.

Абдуҳамид буни Қосимга айтиб ўтирмай, ўзи ҳал қилиб қўя қолди.

— Учтанг машинага ўтириб уч, итнинг оёқ-қўлини боғлаб олиб келинглар. Унинг уйига киришдан аввал атрофни яхшилаб кўздан кечирларинг, тагин тузоқ қўйган бўлмасин, — деди у Талаба лақабли йигитга.

Талаба Абдуҳамиднинг йигитлари орасида чапдастлиги билан ажралиб турарди. Ҳамма ишни қойилмақом бажарарди. Бўйи ўрта бўлган бу йигит жуда шум эди. Ҳеч

қачон ичидаги гапни бировга айтмас, сирини олдирмасди. У саккиз йилдан бери олийгоҳда ўқир, деярли ҳар йили ўқишдан ҳайдалиб, қайта тиклатарди. Лақаби шундан эди. Абдуҳамидга унинг ҳар битта гапни ўта мулойимлик билан айтиши ёқарди. Шу боисдан ҳам бошқаларга нисбатан уни ўзига яқин оларди.

— Айтганингиздай бўлади, — деди Талаба ва сал нарида турган йигитларга им қоқди.

* * *

«Уй соҳибасини иккита вино билан алдаб кетиш мумкин», Маҳфуза уйга кирган заҳоти шундай хулосага келганди. Бироқ афт-ангор ҳамма вақт ҳам ичга тўғри келмаслигини у ҳали билмасди. Шокир кетиши билан ертўла дарчасидан зўр бериб ташқарига қараганча кампирни қидирди. Бироқ у яқин- атрофда кўринмади. Шундай бўлса-да, кирдан қорайиб кетган ойнани қайта-қайта артиб ташқарига термилиб тураверди. Бу маҳал кампир уйда Шокир қолдирган вино билан қақраган томоғини хўллаб ўтирарди. Шиша яримлаганда у маст бўлиб, қўшиқ куйлашни бошлаб юборди. Қўшиғи ҳам узундан-узун, Валя уни қачон, қаерда ёдлаганини эслолмайди. Лекин шу қўшиқни айтса, маза қилади. Худди ёшариб кетгандай бўлаверади. Бироз ўтиб унинг кўзини уйку босиб, қуп-қуруқ ерга ўзини ташлаганча хуррак ота бошлади. У роппа-роса икки соат қотиб ухлагач, сесканиб уйғониб кетди. Туш кўрибди... Шаҳар ташқарисидаги ахлатхонани титиб юрганмиш. Шунда орқасидан битта қиз келиб белига чунонам тепибдики, калласи билан ахлат орасига кириб кетибди... Шу маҳал уйғониб кетди. Эркаклардай қўшқаватли қилиб сўкинганча ўрнидан туриб ўтираркан, белини силаб қўйди ва стаканни шишада қолган вино билан тўлдириб, уни ютоқиб симирди. Нафси бироз ором олгач, эмаклаганча эшикнинг ёнига борди. Қўли билан эшикка суяниб, оёққа туриб олди. У тинимсиз сўкинарди.

— Мен ҳозир сенга тепиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман... — гўлдираб ташқарига чиқди. Тушида тепган қиз Маҳфузага жуда-жуда ўхшаб кетарди. Валя илгари, бундан уч-тўрт йил муқаддам, ўнгида одамлардан кўп тепки еган эди. Ҳар сафар калтакланганида унга хўрлангани алам қиларди. Чунки у ҳеч кимга озор бермас, бошқалар

эса уни кўришлари билан афтини бужмайтирар, сўкар, ошириб юборганлари қўллари билан уришга ҳазар қилиб тепишарди... Энди у ҳаммасидан бир йўла ўч олмоқчи бўлди. Айни дамда шундай имконият бор эди унда: қандайдир арзанда қиз унинг асираси. Албатта, қизга унинг кучи етмайди. Мабодо ертўла эшигини очадиган бўлса, у ерга ўзи қамалиб қолиши мумкин. Буни кампир яхши билади. Шу боисдан қизни кўрқитишни мўлжал қилди. Шундай кўрқитсинки, қизнинг жони оғзига келиб, туғилганига пушаймон бўлсин.

Валя гандираклаганча каталакдай келадиган омборхона-сига кирди ва бурчакдаги кичкина саватни очди. Ундаги бир-биридан бадбашара учта сичқонни кампир меҳр билан боқарди. Қўшниси Варвара доим “Сичқон боқсанг, ризқ-насибанг кўп бўлади. Бойиб кетасан”, дер ва ўзининг оппоқ сичқончаларини меҳр билан қўлга олар, эркалар, оғзидан ўпиб кўяр эди. Валянинг ҳаваси келди. У ҳам бойиб кетишни орзу қилди ва қидира-қидира шу учта сичқонни топди. Тўғри, унинг сичқонлари Варвараникидай оппоқ эмас, аксинча, жуда жирканч эди. Лекин бунга у аҳамият бермади. Унинг учун муҳими, бу жониворлар бойлик келтирса бўлди. Буни қарангки, орадан кўп вақт ўтмай биринчи аломат бўй кўрсатди: кампир Шокир билан танишиб қолди ва ҳафтада бўлмади деганда битта-иккита текин винога эга бўла бошлади.

Валя авайлабгина сичқончаларидан бирини қўлга олди. Бошини силаб:

— Ўзимнинг овунчоғим, бойлигим, — дея эркалади. Гандираклаганча омборхонадан чиқиб, ошхонага кирди-да, яғири чиқиб кетган кичкинагина идишга эҳтиёткорлик билан сичқонини жойлаштирди ва тиржайиб ертўла эшигининг ёнига борди.

— Жонгинам, — деди мулойимлик билан. — Қорнинг ҳам очгандир, а? Сенга овқат олиб келдим. Ўз қўлим билан тайёрладим.

Деразадан ташқарига термилавериб тинка-мадори қуриб, охири исқирт кўрпачага ўтирган Маҳфуза кампирнинг овозини эшитган заҳоти ўрнидан сапчиб турди ва зинадан кўтарилиб эшик ёнига борди.

— Хайрият, олиб келдингизми, қорним очганлигидан

ўлай деб тургандим, — деди у ҳам имкон қадар юмшоқ гапиришга уриниб.

— Ҳозир, ўзимнинг жонгинам, — кампир эшикни қия очди ва оғзи ёпиқ идишни Маҳфузага узатди.

— Ўзингиз ҳам киринг, бирга овқатланамиз, — деди Маҳфуза илтифот кўрсатган бўлиб.

— Бе, — деди эшикни шарақ-шуруқ қилиб бекитаётган кампир. — Мен деярли овқат емайман. Озгина вино ичман, тамом-вассалом.

Маҳфуза идишни очди-ю, “Вой-дод!” деб қичқирганча пастга думалаб кетди.

— Ха-ха-ха! — ёвузона кулганча кафтларини бир-бирига уриб рақсга туша кетди Валя.

Бироздан кейин у чарчади ва виносини қўмсаб, ертўладан узоқлашди.

Маҳфуза қаттиқ йиқилган эди. У пастга юмалаб тушаётганда зинага боши билан урилган, кўз олди қоронгилашиб кетганди. Талай муддат шу алпозда ётди. Ўзига келиб олгач, бошини ушлаганча афти бужмайиб ўрнида турди. Сичқон кампирнинг эркалалашларига ўрганиб қолганди. Шу боисдан одамдан ҳайиқмайдиган, одамни кўрса бирон нима берармикан, дегандай чийиллаб юборадиган бўлганди. У Маҳфуза йиқилиб ётганида, чийиллаганча атрофида гирдиқапалак бўлди. Бироқ қиз сичқоннинг на овозини эшитди ва на ўзини кўрди. Ўрнидан тургач эса оёқларига суйкалиб чийиллаб гирдиқапалак бўлаётган сичқонга кўзи тушди-ю, газаби қайнаб кетди ва махлуқни шундай қаттиқ босдики, ичак-чавоғи “варқ” этиб чиқиб кетди.

— Баш-шаранг курсин! — деди қиз гижиниб, сўнг оёғини ерга артганча нарироққа бориб, йиғлаб юборди.

Ҳар қалай, соат миллари ярим тунга яқинлашиб қолганида кампирнинг меҳрибонлиги тутди. Тўғрироғи, у Шокир айтган гапларни эслаб қолди ва иккитагина картошкани чойнакдаги сувга солиб, уни газга қўйди.

Ижирганиб, ухламасдан ўтирган Маҳфуза анча пишиқ бўлиб қолганди. Кампирнинг овозини эшитиб, ўрнидан турмай ўтираверди. Кейин миясига келган фикрдан юзида табассум пайдо бўлиб, тезда зиналардан кўтарилиб, кампирга боягидан-да мулойимроқ муомала қилди-да, интиқлик билан эшикни очишини кутди.

Қизнинг мулойим овозини иккинчи марта эшитиб турган кампир ғўдайиб кетди, ўзини амалдорлардай тутиб:

— Ҳамманг бир гўрсан. Яшашни билмайсан. Бунақа ёшлар билан қаёққа кетаяпмиз, худо билади, — дея эри-нибгина қулфни туширди. Худди шуни кутиб турган қиз эшикни шундай шиддат билан итардики, эндигина пастга энгашган кампирнинг башарасига қарсиллаб эшикнинг тутқичи тегди. Кўзидан ўт чиқиб кетган Валя шу ондаёқ ортига қулади ва жимиб қолди. Маҳфузанинг ҳам қўли қайрилиб кетиб, қаттиқ оғриқ бераётганди. У оғриқли қўлини соғи билан ушлаганча, кампирнинг тепасида бироз қараб турди. Валянинг кўзлари юмуқ, оғзи-бурни қонга тўлганди.

— Бу кунингдан баттар бўл, ялмоғиз кампир, — деди қиз ва эртароқ бу хавф-хатарга тўла уйдан чиқиб кетиш учун эшик томонга юрди.

Уни Шокир бу ёққа олиб келаётганида Маҳфуза йиғи билан овора бўлиб, шаҳарнинг қайси томонига кетаётган-ликларига эътибор бермаган экан. Деярли югургудек бўлиб тор кўчадан чиқиб олди-ю, кейин қаёққа боришини билмай, бироз туриб қолди. Сўнг онда-сонда ўтаётган ўткинчи машиналарга қўл кўтара бошлади. Бироқ ҳадеганда машина тўхтавермади. “Балки кўринишим даҳшатли бўп кетгандир”, дея ўйлай бошлаган бир маҳалда, оппоқ “Жигули” унинг ёнгинасига келиб тормоз берди. Қувониб кетган қиз орқа ўриндиққа жойлашиб олди.

— Хўш, қаерга борамиз? — сўради қоп-қора костюм-шим ва оппоқ қўйлак кийиб, бўйинбоғ таққан киши.

Суюнчиққа бошини қўйиб, кўзини юмиб олган қиз манзилни айтди.

Маҳфуза ҳали кўргиликлари тугамаганини, қордан қутулиб, дўлга тутилганини билмасди.

* * *

Амирбек арқонни анча узун ташлаган эди. У ҳамма нарсадан хабар топиб улгурди. Хулоса чиқараётганда мийигида кулимсираб ёнига Полвонни чақирди.

— Хизмат борми, хўжайин? — гурсиллаб кириб келди Полвон.

— Маслаҳат бор, — деди Шер бепарво. — Икромнинг

уйига пойлоқчиликка кетган йигитларинг қайтиб келди-ми?

— Келди. Қосимнинг йигитлари узукун ўша ерда эмиш. Бечора роса қидираяпти, шекилли.

— Бир ҳисобдан бир-бирининг гўштини еганлариям яхши. Кейин осонлик билан эзғилаб ташлаймиз тирик қолганини.

— Хўжайин, шундоғам қийналмасак керак. Ким бўпти улар?

— Сен умрингда ҳеч хўроз уриштирганмисан? — деди хиёл жилмайган Шер.

— Насиб қилмаган экан, — деди афсус билан бошини кимирлатиб Полвон.

— Шунинг учун ҳеч нарсани тушунмайсан-да. Улар иккита жўжахўроздай гап. Чўқишганларини кўрсам, маза қиламан. Зўри ютсин, кейин мен ўша зўрнинг патини юлиб, қозонга ташлайман. Нима дейсан?

— Зўр бўларди. Товуқ гўшти емаганимга ҳам анча бўп кетди. Бу уришган хўрозларнинг гўшти ҳам ширин бўлса кераг-а, худди кўпкаридан чиққан улоқдай.

— Во, унинг гўштини емабсан, бу дунёга келмабсан!.. Лекин мен бошқа нарсани ўйлаб қолдим. Биз ҳалигача Икромнинг кимлигини, авлод-аждодини билмаймиз. Орқасида биров борми ёки ёлғиз бўрими? Ана шуниси мени ўйга толдираяпти...

— Аниқлаймиз. Барибир ҳамма нарсани узоқ вақт яшириб юролмайди, — деди Полвон хожасига тикилиб.

— “Решотка”нинг орқасига хабар бердингми? Уларнинг орасида бўмаганмикан?

— Ўтирмаган.

— Бўлмаса қайси гўрдан келди? Бу даврада бемалол гапира оладиган одам, албатта, нимагадир суянади. Яна анави пермликка тегишли бўп чиқмасин?

— Йўғ-э, Коля билан зўрмиз-ку. Яқинда беш кило сариқни арзонга, сув текинга бериб юбордик.

Амирбек Полвонга энсаси қотиб қаради. “Аҳмоқ барибир аҳмоқлигича қолавераркан”, дея хаёлидан ўтказди-да:

— Эсимдан чиқишига оз қопти. Тиллафуруш маразинг доляни камайтириб юборибдими? — деди.

— Ревизия босганмиш. Бир ой деярли ишлолмаганмиш...

— Мен ҳозир чойхонага ўтаман. Йигитларингга айт, оборишсин.

Унинг бу гапи “Энди сенга жавоб”, деган мазмунни ҳам билдирар эди. Буни яхши тушунган Полвон тез-тез юриб ташқарига чиқиб кетди. Шер тилла магазини ҳақида сўз очганида, Полвоннинг юзида билинар-билинемас ўзгариш пайдо бўлди. Худди ана шундан Амирбек шубҳаланди. Полвон чиқиб кетганидан кейин ёнига Холматни чақириб:

✓— Мавлон окангни кузатинглар, — деб буюрди.

— Тинчликми, ока? — деди Холмат ҳайрон бўлиб. Амирбекни ўз ўнг қўли орқасидан пойлоқчи қўяди, деб ўйламаган эди.

— Айтганимни қил! — деди Шер кесиб ва ҳовлига чиқди. Одати бўйича атрофга бир қур назар ташлаб, гинжинглаган отдай тайёр турган қоп-қора “Волга” сига чиқди.

Холмат яна бир марта хожасининг ишига таажжубланди. Ҳар доим ёнида камида иккита тансоқчи билан кетадиган Амирбек бу сафар ёлғиз ўзи жўнаган эди. Қаёққа кетаётганлиги ҳақида ҳам лом-мим демади.

Амирбек “чойхона” деб шаҳарнинг шимолий томонидаги анҳор бўйида қурилган кичкинагина кафе-барни назарда тутганди. Полвон бу ернинг чойхона эмаслигини Шерга кўп маротаба айтган, аммо Амирбекка кафе-бар дейиш кўп ўтиришмай, “чойхона”ни ўзи учун маъқул топган эди. Албатта, бу иморат давлатники эди, лекин номига. Хўжайинлик аллақачон Шернинг қўлига ўтиб кетганди.

У ертўлага тушди. Ертўла унинг дам олиши учун махсус жиҳозланган эди. Юмшоқ каравотлар, қип-қизил гиламлар, телевизор, видео ускуналар... У бу ерга келганида чойхона ёпиларди. Шер бирорта одам ўзининг оромини бузишини истамасди.

Амирбекни елкага тушадиган сочлари сап-сарик, калта юбка, кўкрагининг ярмигача очиқ кофта кийган қиз кутиб олди ва нозланганча қўлтиғидан тутиб ичкарига бошлади.

— Қалай ўтирибсанлар? — ҳол сўради Шер йўл-йўлакай.

— Зерикиб кетдим, — деди қиз ўпка-гина қилиб. — Кейинги пайтларда жуда кам келадиган бўп қолдинг.

— Наташа... Наташа, қани энди ҳар куни келишга им-

кон бўлса, ишлар шунчалик кўпки, бош қашишга вақт йўқ.

— Лекин нима бўлган тақдирдаям мени эсингдан чиқариб қўймаслигинг керак-да.

— Ана шунинг учун ҳам келдим.

Шер юмшоқ диванга ўтирди, Наташа унинг тиззасидан жой олди.

— Кўриниб турибди чарчаганинг. Ҳозир ўзим яхшилаб дам олдираман. Чарчоғинг чиқиб кетади.

— Бор, — деди унинг юзидан ўпиб қўйган Амирбек, — аввал менга пиво опкел. Ундан кейин телевизорингни ёқ, маза қиладиган бирор нарса қўй.

* * *

Икром машинасини кўп қаватли уй олдида тўхтатди-да, тушмасдан атрофга бир қур назар ташлади. Шубҳали бирор нарса сезмади. Унинг юраги алланечук безовта, бу нимадандир далолат берарди. Гарчи кўзи бирорта шубҳали ҳаракатни илғамаган эса-да, қаердадир заҳарли илон уни пойлаб ётгандай туйилаверди. Синчиклаб кузатишлари иш бермади — хавотирлантирадиган ҳеч нарса йўқ эди. Ўзини ўзи кўрқоқликда айблаган Икром шахдам қадам ташлаб йўлак томон юрди. Қулфга калит солишдан аввал яна эҳтиёткорлиги тутиб, эшикни яхшилаб кўздан кечирди ва шундан кейингина уйга кирди.

Агар стол устига қўнган чангни ҳисобга олмаса, уйда ҳам ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Шундай бўлса-да, у ҳар битта хонани кўздан кечириб чиқди. Айвон ҳам унинг синчков назаридан четда қолмади. У кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида турарди. Икром уйни сотиб олганидаёқ айвондан ертўлага йўл очтириб қўйди. У ҳаёти хавфга тўлалигини билгани учун ҳам шу ишга қўл урганди. Ертўладан бемалол ташқарига чиқиб кетиш мумкин эди. Икром “подвал”ни ҳам бир кўздан кечириб қўяй, деган ўйда эшик устидаги столни суриб, энди гиламга эгилганида туйқус ташқи эшик қўнғироғи жиринглади. Икром қилаётган ишини дарров тўхтатди-да, оёқ учида эшик томон юриб, тирқишдан мўралади.

Кўлида бир талай газета ушлаган қиз эшикнинг тезда очилмаётганидан бетоқат бўлиб турарди. “Бунга нима бор

экан?” дея ажабланган Икром зулфинни тушириб эшикни қия очган эди, бир йўла учта барзанги уйга бостириб кирди. Нима бўлаётганига ақли етмаган йигит юзига теккан зарбдан чалқанчасига қулади. Босқинчилар унга ташланишиб, қўл-оёғини чандиб боғлаб ташлашди. Кейин навбатма-навбат гоҳ қорнига, гоҳ жағига мушт туширишди. Икром қонга беланди. У сабабини сўрамоққа қанча чоғланмасин, барзангилар гапиртиришга қўймади. Икромнинг кўзи тиниб, боши айланиб ҳушдан кетиш арафасида номаълум кимсалар уришни тўхташишди ва ҳамма хоналарни биттама-битта титиб чиқишди. Лекин қидирган нарсаларини топишолмади. Шундан сўнг Икромнинг боғланган қўлларига барзангилардан бири ўзининг костюмини ташлади.

— Кимсизлар, қаёққа олиб кетаяпсизлар? — сўради Икром машинада ўзига келиб.

— Борганда кўрасан, — дўқлади ҳайдовчининг ёнидаги сигарета чекиб кетаётган йигит кўзгу орқали орқа ўриндиқда иккита барзангининг ўртасида ўтирган Икромга қараб кўйиб. Шундан кейин “асир” ойнадан кўчаларга, иморатларга қараб, ўзича қай томонга кетаётганлигини аниқламоқчи бўлди. Аниқлади ҳам. Бу томонлар Қосимга тегишли. Агар тасодиф билан шу кўчалар орқали бошқа жойга кетилмаётган бўлса, бу машмашанинг бошида Қосим турибди. “Падарингга лаънат, номард! — сўкинди хаёлан Икром. — Ютқаздингми, тан ол-да. Пулларингни қайтариб олмоқчи бўлсанг, яна чақир, ўйнаймиз. Ютсанг ҳалолинг бўлсин”.

Қосимнинг дарвозаси очиқ эди. Шу боисдан машина тўхтамай, тўғри ичкарига кирди. Йигитлар шошганча машинадан тушдилар-да, Икромни ҳам пастга тортишди.

— Подвалга! — бақирди уни кўрган заҳоти Абдуҳамид.

Бу одамни Икром биринчи марта кўриб турарди. Нотаниш йигит Қосимнинг уйида буйруқ бераётгани уни бироз ажаблантирди.

Ертўла анча чуқур ва кенг эди. Унинг ўртасида сувсиз бассейн, атрофида эса турли спорт анжомлари турар, бир томонда бильярд, ундан кейин теннис столи жой олганди.

Икромни столга ўтқозишиб, оёқ-қўлларини маҳкам боғлашди. Сўнг устидан бир челак сув қуйиб юборишди. Икром уларнинг ана шу қилиғига тушунмади. “Оёқ-қўлим

боғланган бўлса, хоҳлаган ҳунарингни кўрсата олсанг, устимга сув сепишга бало борми?”, дея ўйлади у.

— Эй, қўлга тушмас, сувга чўкмас, ўтда ёнмас шу ердасу! — пичинг қилди бироздан кейин кириб келган Қосим хунук иржайиб: — Буни “вообще” кутмагандим.

У Икромнинг ёнига келиб туйқус жағига чунонам мушт туширдик, йигит боғланган столи билан бирга орқасига қулади. Бироқ “миқ” этмади. Орқаси билан ётганча жим тураверди. Аёнлар унинг столини турғазишди.

— Гапир, итдан тарқаган! — бўкирди Қосим. — Маҳфузани қаёққа олиб қочдинг?!

Икром оғзидан сизиб чиққан қонни енгига артди. Кейин:

— Қайси Маҳфуза? — деди пешонасини тириштириб Қосимга қараркан.

— Мана бунақа! — дея яна битта мушт туширди Қосим. Унга аёнлари ҳам қўшилмоқчи бўлиб хезланишди. Аммо Абдуҳамид қўлини кўтариб уларни тўхтатди.

Кўзидан ўт чиқиб кетган Икромнинг боши бир томонга бориб келди. Бурнидан оқаётган қон икки ҳисса кўпайди, лекин жойидан жилмай қотиб тураверди.

— Шошма, — дея Қосимнинг елкасига қўлини қўйиб, уни уришдан тўхтатди Абдуҳамид. — Бошқа йўли бор. “Мент”лар, биласанми, гапирмаганни қандай гапиртиришади? Билмайсан-да, ишинг тушмаган.

У ортига бурилиб, йигитларига игна олиб келишларини буюрди. Ўзи эса чўнтагидан сигарета чиқариб, уни эринмасдан тутатди-да, ҳузур қилиб тутун ютди. Қосим Икромнинг бутун уруғ-аймоғини бир қилиб сўқар, у ёқдан-бу ёққа тинмай бориб келарди. Алами жунбушга келганида Икромни урмоққа хезланар, аммо амакиваччасининг ишораси билан яна шаштидан қайтар эди.

— Мана, қараб тур, — деди Икромнинг бармоғини ушлаган Абдуҳамид, — бармоқни бироз ўзинга тортасан. Кейин игнани тиқасан, — дея у асирнинг тирноғи орасига секинлик билан игна тиқа бошлади. Икромнинг жони бўғзига келиб, бор овозда бақаришга тушди.

Абдуҳамиднинг иржайиши дарров Қосимга ҳам юқди. У қизининг йўқолганини ҳам унутиб амакиваччасининг қўлидан игнани олди-да, Икромнинг иккинчи бармоғини уш-

лади. Аммо асирни амакиваччаси каби азоблаш унга насиб этмади. Абдуҳамиднинг йигитларидан бири югуриб келиб унинг қулоғига алланималар деб шивирлаганидан кейин, у Қосимни тўхтатиб:

— Бу ёққа юр, — деганча ташқарига бошлади. Абдуҳамид Икромнинг аҳволидан Шернинг ҳид олгани, тезда қўйиб юборилмаса, бошга қўп ташвиш келтиришини айтаётганида Икром ҳали-ҳамон бармогининг зирқираб оғриётганидан азоб чекмоқда эди.

— Қўйиб юбордик ҳам дейлик, — деди жиғибийрони чиққан Қосим. — Маҳфузани кейин қаердан топамиз? Ким уни бизга топиб беради?!

— Шернинг ўзига ультиматум қўямиз.

— Кучимиз етмайди-ку! Қандай ультиматум?..

— Менинг Россия билан алоқам борлигини у яхши билади. Фиди-биди қиладиган бўлса хабар жўнатишимданам хабардор. Хуллас, анави итгаччанинг жазосини биз эмас, Шернинг ўзи беради. Муҳими Маҳфузанинг топилиши. Қолган ишларни план бўйича қилаверамиз.

— Менинг ҳеч кўнглим чопмаяпти. Бу ерда бир гап борга ўхшайди. Бекорга Шер одам жўнатмаган.

— Бу ёғини менга қўйиб бер.

Улар олдинма-кетин ҳовлига чиқишди. Қосим йигитларига ертўладан Икромни олиб чиқишларини буюриб, “совчи”ликка ким келганини билиш учун дарвозахона томон юрди.

Бу пайтда Феруза ўзининг хонасига кириб олганча тинимсиз йиғлар, гоҳ ўзини қаравотига отар, гоҳида ўрнидан туриб, у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. У нимадир эсига тушгандай жавонни очиб, ундан онасининг расмини қидириб топди-да, титраётган бармоқлари билан суратни силади:

— Ойижоним... Ойижон, нега бизни ташлаб кетдингиз?! Сиз тирик бўлганингизда биз бундай аҳволга тушмаган бўлардик... Ойижон!.. Сизга берган ваъдамнинг устидан чиқолмаяпман. Синглимни ўғирлаб кетишди ёмон одамлар... Тополмаяпмиз ҳеч қаердан... Мен ҳам ёнингизга кетгим келаяпти... ҳамма ташвишлардан қутулгим келаяпти...

Феруза ўзига-ўзи сўзланган кўйи дераза ёнига бориб, пардани сурди. Дарвоза ёнида турган машинага аввалига

эътибор бермади. Кўзидаги ёшни кафти билан артиб, мазмунсиз термилиб турди. Кейин бирдан миясига: “Бу ўша!” деган фикр урилди. Қўлидаги суратни дуч келган тарафга отиб, ташқарига отилди.

— Адажон! Адажон! — дея бақирди эшикдан чиқарчиқмас. Дарвоза ортида Амирбекнинг одами билан гаплашиб турган Қосим қизининг овозини эшитиб чўчиб тушди ва дарвозанинг кичик табақасини очиб, ичкарига кирди:

— Нима гап?! — деди у сочлари тўзгиганча ҳовлида гирдикапалак бўлиб отасини излаётган қизига.

— Дарвоза олдида турган машина! Худди шунга ўхшайдиган машина олиб кетган Маҳфузани! Мен орқасидан кўргандим! — дея бақирди Феруза ўзини босолмай.

— Қ... Қай-си?! — деди жойида ҳайкалдай қотган Қосим. У ҳар қанчалик тубан одам бўлмасин, қўлидан адоқсиз жирканч ишлар келадиган ваҳший бўлмасин, жигаргўшаларининг ташвиши олдида ўта кўрқоққа айланар эди. Абдуҳамид унинг мана шу ожизлигини биларди. Агар ҳозир ҳамма ишни ўз қўлига олмаса, Қосим ҳаммасининг расвосини чиқариши ҳам унга кундай аён эди. У ҳам қизнинг гапларини эшитди. Нафақат у, ҳовлида ким бўлса ҳаммаси хабар топди. Отни эса Абдуҳамид қамчилади. У шитоб билан кўчага чиқиб, Шернинг одамига илжайиб қаради.

— Тинчликми, ока? — деди йигит ичкаридаги қийчувга ишора қилиб.

— Озгина келишмовчилик бор. Сен хўжайинга ҳозир ўзлари Икромни олиб етиб келишади, деб айтгин. Келишдикми?

— Яхши, — деди йигит машинаси томон юриб. — Фақат кеч қолманглар, ока кечикканларни ёқтирмайди.

“Оканг билан қўшиб онанг...” ичида сўкинган Абдуҳамид нафратли нигоҳи билан “меҳмон”ни кузатиб қўйди.

— Нега қўйиб юбординг?! — бақирди дарвозадан чиқиб келган Қосим кўзлари чақнаб.

— Ўзингни бос, — деди Абдуҳамид қўлини унинг елкасига қўйиб.

Қосим яна бир марта тишини-тишига босди. Ичкарига қайтиб кириши билан йигитларига ароқ олиб келишларини буюрди.

Икромнинг азоби ҳали замон босиладиганга ўхшамас, аксинча борган сари кучайиб кетаётгандай эди. Аввал барча оғриқларга мардона чидаган йигит азоб кучайгач, ўзи билмаган ҳолда ингроқ сас чиқара бошлади. Ароқ ичиб, газагига сигарета чекаётган Қосим унга қараб туриб газаби баттар жўшди. “Шу итдан тарқаган бўлмаганда, бошимда бунақанги ташвишлар йўқ эди”, деб ўйлади нафрат билан.

— Ичасанми? — деди Қосим қўлидаги шишага ишора қилиб.

— Ичаман! — деди Икром. Унинг овози қалтираб чиқди.

— Ма, — дея унга пиёлани узатди Қосим.

“Мени калака қилмоқчимисан?” — деган ўй Икромнинг хаёлидан яшин тезлигида ўтди, шу боисдан ҳам Қосимнинг қўлида пиёла бироз туриб қолди.

— Ичириб ҳам қўяйми, ҳезалак! — бақириб юборди Қосим.

Бу гап Икромнинг суяк-суягига бориб қадалди. Аламидан бўкириб юборай деди.

— Шишаси билан, — дея қўлини узатди у ранги оқариб.

Иккита бир-бирини кўришга кўзи, отишга ўқи бўлмаган ашаддий душман қўл узатишиб туришарди. Аъёнлар ва ҳатто Абдуҳамид ҳам бу саҳнани жим туриб кузатишарди. Ҳамманинг кўнглида ҳозир бирон нима бўлади, деган ўй бор эди. Бироқ барининг ўйлари чиппакка чиқди. Қосим шишани берди. Икром қулқуллатиб шайтон сувини смирди.

— Бало экансан, — деди Қосим шиша яримлаб қолганини кўрганидан кейин, — лекин ўзбошимчасан-да. Ана шу ўзбошимчалигинг бир куни бошингга етади.

— Закускага сигарет беринг, — деди унга жавобан Икром.

— Сендан нима кам демоқчисан-да, — дея Қосим йигитларга ишора қилган эди, улар Икромга сўраганини беришди.

— Майнавозчиликни бас қилинглар, — деди Абдуҳамид энсаси қотиб. — Шунақа иноқ экансанлар, нима қилардинг бир-бирингга гўр қазиб? Машинага ўтирларинг, кетдик!

Орадан уч дақиқа ўтар-ўтмасдан Қосимнинг ҳовлисида иккита машина шитоб билан чиқиб кетди.

Ҳамма ишни Полвоннинг ўзи бошқараётганди. Шер кайф-сафо билан андармон, Икромнинг аҳволдан беҳабар эди. Мавлон Қосим билан Икромнинг чигал ишини ўзининг фойдасига ечиб, хожасидан мақтов эшитмоқчи бўлди.

— “Разбор”га олиб боринглар анави иккита маразни, мен ўша ёқда бўламан, — дея “элчи”ни жўнатиб, ўзи чойхонага йўл олди.

У чойхонада ошиқ тепаётганларнинг устидан чиқди. Улар орасида Қосимнинг ҳамтовоқлари, шунингдек, Тақирбош ҳам бор эди.

— Ҳорманглар, — деди уларга бирма-бир назар ташлаб чиққан Полвон. — Авжига чиқиб қолдингларми? Одам деб бизни чақирмайсанлар ҳам!

Полвоннинг кимлигини яхши билган қиморбозлар гур этиб ўринларидан туриб, салом беришди. Мавлон уларга яна бир-иккита гина игналарини “санчмоқчи” бўлди-ю, яна ўзига эриш туйилди. Қиморбозларни яна жойларига ўтказиб, ўзи ҳам бир четга чўк тушди. У илгарилари кўп ошиқ тепган. Лекин уқувсизлик қилиб, доим ютқазар эди. Бунга ҳам бирор беш йилча бўлиб, шундан бери қиморбозликни йиғиштирганди.

Ҳурмат юзасидан ошиқни биринчи Полвон тепди. Аввалгиларидан фарқли равишда бу галги “юриш”и муваффақиятли чиқди. Унинг кейинги жонбозликлари ҳам бесамар бўлмади — қайта-қайта ютаверди. Албатта, тикилаётган пуллар унчалик кўп эмасди. Чунки ҳамма ҳозир айнан Мавлон ютишини биларди. Унга узатилган ошиққа миттигина оҳанрабо парчаси ёпиштириб қўйилган эди. Оддий кўз билан қаралганда бу сезилмасди. Уни кўриш учун ошиқни синчиклаб кўздан кечириш лозим эди. Бундан ташқари, оддий одам ошиққа ёпиштирилган оҳанрабо парчаси билан суякни бир-биридан ажратиб ололмасди. Бироқ бу ердагиларнинг бари, шунингдек, Полвоннинг ўзи ҳам “ўйин ичида ўйин” бўлаётганини яхши билишарди. Мавлон ҳар ошиқ тепганида у икки мартагина айланиб, кўзланган томони билан туриб қоларди. “Кўғирчоқ ўйини”дан Полвоннинг асло жаҳли чиқмасди. Ўзи ҳам хожаси билан нарда ташлаганда Шернинг қилган фирромликларига чи-

дарди. Айни дамда Полвон ўзи сезмаган ҳолда унга тақлид қиларди.

Полвоннинг олдида пул уюми пайдо бўлган маҳал йигитларидан бири унинг қулоғига шипшиди. “Ҳм-м!” дея бош сермаган Полвон қиморбозларга ўқрайиб қаради. Бу уларнинг тезда бу ерни бўшатишлари зарурлигини билдирарди. Ҳамма бирин-сирин ўрнидан турди ва чойхонани тарк этди.

Улар кетгач, Полвон ҳам эринибгина бошқа ҳужрага ўтди. Бу хона бир қарашда қассобхонага ўхшарди. Тепада гўшт иладиган симлар осиглиқ турибди. Ўртада худди қас-собларникига ўхшаш қон юқидан қизарган юмалоқ кунда. Усти пичоқ, болта тегаверганидан уринган эди. Бу ерда шунақа “разбор” бўлишини биладиган одам илк маротаба кириб қолса, эси чиқиб кетиши аниқ эди. Кушхонанинг кундасида мол, қўй гўшти нимталанса, бу ерда... Ана шу даҳшатли ўй одамни ларзага солар эди. Айниқса, ўша кезлари кимнингдир еяётган сомсаси, яна кимнингдир бозордан сотиб олган гўшти ичидан одам аъзоси чиқиб қолгани ҳақидаги шов-шувлар урчигандан-урчиб бормоқдайдики, бунақа хабарлардан кейин мана бундай жойларга келиб қолиш ҳар қандай кишининг эсхонасини чиқариб юборарди.

Полвон яхшилаб жойлашиб ўтириб олиб, муздай пиво ичганидан кейин аъёнларига “меҳмон”ларни олиб келишни буюрди.

Аввал Абдуҳамид, унинг ортидан Қосим, сўнгра кўзи кўқарган Икром кирди. Ҳаммасининг юзида қайғу бор эди. Кирганлари заҳоти учаласининг ҳам ранги ўчди. Бир муддат нима мақсадда келганларини унутишди. Барчасининг хаёлини “Кимнинг боши кундага қўйилар экан?” — деган ўй эгаллаб олганди.

— Кўзинг “очки” бўп қоптими? — деди Полвон Икромга чақчайиб. — Ким сенга “фенгал” кўйди?

— Мен, — дея Икромдан олдин жавоб қилди Қосим.

— Вой, — энди уни масхаралай бошлади Полвон, — бировнинг беозор боласига нега кучингни кўрсатдинг?

— Бу итдан тарқаган қизимни ўғирлаб кетди!

— Ни-ма?! Қизингни? Сен шунчалик бемалол айтаяп-санки! — Мавлоннинг кўзи олайиб кетди.

“Тамом, — дея ўйлади Икром, — бу бепаросат ҳам ҳеч нарсани суриштирмай уришга тушади”.

— Бунинг аллақачон абжағини чиқариш керак эди, — дея гапида давом этди Полвон. — Бундайларни, биласанларми, нима қилади? Қоидага мувофиқ “қиз бола”га айлантирилади!..

* * *

Қора девнинг аҳволига ҳавас қилиб бўлмасди. Оёқ-қўли ишламаётгани камлик қилгандай, Икром билан гаплашганидан кейин қулоғи ҳам мутлақо том битди. Бошқалар тугул унинг ўзи ҳам на тириклигини ва на ўликлигини сезар эди. Агар ўлдим, деса, эшитганлари ҳали мутлақо содир бўлмаган, яъни ажал даҳшатли бир қиёфада келиб (унинг фикрича, шундай эди. Бошқа исталган одамнинг олдига у чиройли қиёфада келиши мумкин, лекин ўзининг олдига...), оғзидан кириб, товонидан жонини суғуриб олиб кетганича йўқ. Жонимни бермайман, деб талашмади ҳам. Демак, ҳали тирик. Лекин тирик, дейдиган бўлса, бутун олам зим-зиё, қора рангдан иборат... Оёғи билан қўлини-ку унутганига анча бўлган... Қора дев бир неча марта бақириб, Икромни чақирди. Лекин буларнинг бари бекор кетди. Унинг олдига ҳеч ким сўроқлаб келмади. Аслида келган эди. Хизматчи аёл ҳар бақирганида келиб:

— Нима керак сенга, сассиқ чол?! Жонимга тегиб кетдинг-ку! Бўғиб ўлдириб кўяйми? Шунда сен мараздан ҳамма қутулган бўларди! — дея пўписа қилган, лекин унинг гапларини эшитмаган Эгамқул яна бақирешда давом этар, кетма-кет Икромни чақирарди. Безор бўлган хизматчи аёл эшикни ёпиб қўйди-да, овқат пишириб еди. Ҳеч ким келавермагач, юмшоққина ўриндиққа ётганча телевизор томоша қилди. Сўнг озгина мизғиб ҳам олди.

Замону маконни бутунлай унутган Эгамқул энди ўзига ўзи гапира бошлади. Охири бундай сўзлашувнинг ҳам поёни етиб, ёнига илк маротаба ўлдирган одами келди. Қора дев кўрқиб кетмади. Фақат ажабланди.

— Сен қаердан келиб қолдинг, Саттор?

— Мен ҳар доим ёнингдаман! — деди шарпа бақрайиб.

— Сенинг бўйнингни қайириб ўлдиргандим-ку! — деди Эгамқул баттар таажжубланиб.

— Лекин мен ўлмагандим. Мана, олдингга келдим-ку.

— Бунча озиб кетдинг? Фақат суягинг қолибдими?

— Ўзингам мендан қолишмайсан... Вақти келди, мен сендан қасдимни олмоқчиман.

— Сенга бир марта ўлиш камлик қилибди-да. Ҳозир...

— Эгамқул Саттор томон қўлини чўзди.

Ажабо, қўллари худди Саттор айтганидай жудаям ориқ эди. Бу қўлларнинг олдида Сатторники анча бақувват. Юрагини кўрқув эгаллади. Қочмоқчи бўлиб чор томонига қаради. Аммо бунинг иложи йўқ, ҳамма томонида аланга ёнмоқда.

— Сен, — деди ҳамон илжайиб турган Саттор, — отимни минишга бермаганим учун ўлдирган эдинг. Яна ўзингнинг уйингда дастурхон атрофида ўтирганимизда... Отни ўша куни ўғлим миниб кетган эди. Буни мен сенга айтган эдим. Тушунтиргандим. Келсин, бориб келасан, дегандим. Чунки сенинг итлигингни яхши билардим. Лекин сен барибир итлик қилдинг. Гапимга ишонмай, қизганчиқлик қилаяпсан, деб бўйнимни қайириб синдириб юбординг. Кейин ҳовлингнинг тўрига обориб кўмдинг... Ҳозир менинг устимга катта иморат қурилган. У ерда фақат калламининг ярми ётибди. Қолганлари шаҳар ташқарисига тупроққа қўшилиб чиқиб кетган. Ҳозир сочилиб ётибди. Лекин мен қайси суягим қаердалигини яхши биламан. Вақти келса ҳаммасини йиғиб оламан... Унгача сени қийнайман.

— Энди қўй, — деди аъзойи баданига титроқ кирган Эгамқул, — ўтган ишга саловат. Ўшанда сенга ишонмаганман-да. Ишонганимда... Ёшлигингда кўп ёлғон гапирардинг. Шунинг учун сенга ишонмаганман. Кўрдингми, ўзинг айбдорсан. Энди менинг ёшим тўқсондан ошиб кетди. Қаридим...

— Лекин сенга ёлғон гапирмаганман. Кўрқардим сендан... Кўрққаним бўлди, сен биринчи бўлиб мени ўлдирдинг. Энди менинг галим келди.

— Ҳозир шогирдим келади. Суякларингни ун қилиб тегирмондан чиқариб ташлайди. Шунинг учун сен мендан кўрқ.

Саттор қорнини ушлаб қотиб-қотиб кулди. Шунда унинг кўзлари жирканч тарзда олайди-да, сўнг битта-битта косасидан пастга оқиб туша бошлади...

— Ёрдам беринг! Ёрдам! — дея бақирришга тушди Қора

дев. Лекин унинг ноласини биров эшитмади. Саттор эса битта-битта босиб унга яқинлашаверди. Шу пайт унинг атрофини қизиллик қоплади. Қондай қизиллик. Эгамқул қочмоқчи бўлиб қанча ҳаракат қилмасин, оёқлари мутлақо жойидан жилмасди. Шунда бирдан Саттор хунук иржайиб қўйди-да, кўздан йўқолди. Дарров бояги қизиллик ўрнини қоронғилик эгаллади. “Кетганида бирортасини ёрдамга чақирай”, деган фикрга борган Қора дев яна бақиршига тушди.

Бу пайтда уйга Самандар келган, чолнинг қичқираётганини эшитиб, “Ота, сизга нима бўлаяпти?” — дея сўраган, жавоб бўлмагач, қўлидан ушлаб, силтаб кўрган эди. Худди ана шу пайт туш кўраётган Эгамқул уйғониб кетди.

Самандар яна бир-икки марта уни силтади. Шундагина чол ёнига кимдир келганини сезди.

— Икром, келдингми, болам? — деди хаста овозда. — Мени бу ердан олиб кет. Саттор ўлдираман, деб қўймапти...

— Ота, босинқирабсиз-да, — деди Самандар. — Икром акам бир ёққа кетган, мен Самандарман.

Лекин унинг овозини Қора дев эшитмас, ёнидаги шарпани Икром хаёл қилиб, ялинишга тушиб кетганди.

Шундан кейингина Қовун беморнинг эшитмай қолганини англади. Афсус билан бош чайқаганча хонадан чиқиб, хизматкор аёлни сўроққа тутди. Хизматчи аёл сипо, оппоқ эди. У ўзининг қилган ишларини биттама-битта санашга тушди. Бу “рўйхат”да бир неча марта чолнинг таги тозалангани ҳам бор эди. Айни шуни айтаётган маҳали у кўзига ёш олди. “Бераётган пулларингни кўпайтирма-санглар бўлмайди. Ишим шунчалик оғир бўлиб, эвазига арзимаган чойчақа билан қолаверсам, эшитган одам устимдан кулади”, деди. Ваҳоланки, хизматчи аёлнинг ҳунарлари туфайли Эгамқулнинг ичида овқат деган нарсадан асар ҳам қолмаган, шу боис табиий заруратга эҳтиёж сезмасди.

— Ҳозир овқат бер, — деди унинг гапларини бепарво эшитган Самандар. — Оканинг ўзларига айтасан маошингни.

Хизматчи аёл ўзича бир нарсаларни гўлдираб ошхонага ўтди.

Эгамқул оч-тўқлигини ўзи билмасди. Қошиқ билан оғзига

солиб қўйилган овқатни шунақанги шошиб ердик, худди оғзидагини биров тортиб оладигандай. Уйда Самандар борлиги боис, хизматчи аёл насибасини “чалп-чулп” қилганча чайнаётган чолга қараб, тишини-тишига босиб базўр чи-дарди. Ниҳоят бир коса суюқ овқат билан битта нон тамом бўлди.

— Бўлди, — деди хизматчи аёл. — Бу туришда ёрилиб кетасиз.

Аммо унинг гапини эшитмаган чол тамшанаверди.

— Уф-ф, — дея аёл секин эшик томонга қаради, ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, Қора девни чимчиб олди.

— Вой! — дея бақирди чол. — Икром, болам, қаердасан, манави ялмоғиз мени ураяпти!

У ҳали кўриш-эшитиш қобилятини йўқотмаганида Икром хизматчи дея етаклаб келган аёл ўзига овқат едириб қўяр эди. Аввалбошда у ниҳоятда юмшоқлик билан чолга муомала қилар, ҳатто оғзигача артиб қўяр эди. Эгамқулнинг кўриши ёмонлашгани сайин, аёлнинг ҳам феъли айниб борди. Бунини ҳали-ҳамон зийраклигини йўқотмаган бемор тезда илғаб олди. Бироқ шогирдига ҳеч нарса демади. Шунчалик хизмат қиляпти, шунисига ҳам шукур, деб ётаверди.

Ҳозир овқат едириб қўйган аёлни ўша хизматчи деб билганди.

Эгамқулнинг овозини эшитган Самандар югуриб келди-да:

— Нима бўлаяпти? — деб сўради аёлдан.

— Ҳайронман, — деди аёл ўзини бечора, камситилган кўрсатиб. — Бир балоларни гапиради. Алаҳсирайди. Ҳозир бўлса кимнидир ураяпти, деб бақириб ётибди. Балки дўхтир-пўхтирга кўрсатиб келиш керакдир.

Қовун чолнинг тепасига келиб, унинг юзига термилди. Эгамқул ҳали-ҳамон, “Манави ялмоғиз мени ураяпти”, дея пичирлашда давом этмоқда эди. Шундан кейин Самандар ҳам хизматчи аёлнинг гапига чиппа-чин ишонди. Бошини сарак-сарак қилганча хонадан чиқиб кетди. Аёл эса мамнун жилмайиб қўйди-да, чолнинг қалтираётган қўлига мушти билан бир уриб, ўрнидан турди.

Қорин гами кетганидан кейин бироз мизғиб олишни ўйлаган Қора девнинг боши туйқус лўқиллаб оғрий бошлади.

Икромнинг газаби қўзиди, нафрат ўти жизганак қилди. “Ким бўпсанлар сенлар? — дея ёзғирди хаёлан. — Суриштириб келса аждодинг итга бориб тақалади. Ялоқхўр! Агар ҳозир Шер шу ерда бўлиб бир ўқрайиб қараганида борми, баринг думингни қисиб, дамингни чиқармай қолардинг. Мени суд қилишга сен итваччаларнинг қандай ҳаддиларинг сизди?! Ҳали ҳаммаси учун жавоб берасан! Кейин кўрамиз ким айғиру ким байтал!..”

— Исбот? — деди у совуққина қилиб, ичидаги галаённи сиртига чиқармасликка уринаркан.

Полвон Икромдан бундай савол кутмаганди. “Ҳозир олдимда тиз чўкканча ялинишга тушади, “Бир қошиқ қонимдан кечинг. Бир умр қулингиз бўлай. Тавба қилдим, акажон”, дейди”, деб ўйлаган эди. Бироқ... Икром исбот талаб қилиб қолди. Шу боисдан ҳам Полвон бироз шаштидан тушди.

— Қани, Қосимбой, гапир-чи энди сен. Бу, — дея қўлини бигиз қилиб Икромни кўрсатди, — қизингни ўғирлаб кетётганини кўрганмидинг?

— Кўрмадим, — деди Қосим бироз қизариб.

— Кўрмаган бўлсанг ниманга жириллайсан!.. — ўшқирди Полвон жаҳли чиқиб.

— Ёлғиз душманам мана шу. Қимордаям ҳаммани алдаб қочган. Қўлга туширолмай юргандим. Бу молнусха менинг қидириб юрганимдан хабар топиб, аламига чидолмай қизимни олиб қочган.

— Тахмин исбот бўлолмайди, — деди Икром ҳамон ўзини вазмин тутишга ҳаракат қилиб.

— Сенинг тилинг бурроми дейман? — ўдағайлади қони қайнаган Полвон. — Нима исбот бўлиш-бўлмаслигини сендан сўраб ўтирмайман!

У шу гапни айтди-ю, тилини тишлади. Полвон худди жиноят оламининг ҳокимидай гапираётганди. Агар бу гапларини Шер эшитиб қолса, “Ҳали менинг ўрнимга ўтгинг келиб қолдими?” деб терисига сомон тиқиши аниқ. Якка ҳокимга тобелик қанчалар огир эканлигини у шу дамда тушуниб етди. Аммо якка ҳокимлиқ юкининг енгил бўлмаслигини англашга унинг ақли а-анча торлик қилар эди...

— Ока, — деди Абдуҳамид гапга аралашиб, — сизнинг

қанчалик обрўли одамлигингизни ҳаммамиз яхши биламиз... Қосимнинг гапида барибир жон бор. Ҳозирча исбот йўқ бўлса-да, эрта-индин барибир топилади. Шунинг учун бу, — Абдуҳамид қўлини бигиз қилиб Икромни кўрсатди, — бирон жойга суриб юбормаслиги учун сизнинг ихтиёрингизда туриб турса, ҳамма нарса аниқ бўлгач, ҳукмниям ўзингиз чиқарсангиз.

Абдуҳамиднинг гаплари Мавлонга мойдай ёқди. У силлиққина қилиб мақсадини тушунтирган эди. Аммо айёрликни жуда тез иллаган Икром бу “келишув”га чидолмади.

— Кечирасиз, ока, — деди у Абдуҳамидга юзланиб, — аввал айбимни бўйнимга қўйинглар. Ундан кейин нима қилсанглар ихтиёрларинг.

Бу талаб ҳам Икромнинг ўзидан бошқа ҳеч кимга маъқул бўлмади. Албатта, улар бу гапни шунчаки қабул қилмадилар, қилолмасдилар ҳам. Улар мутлақо бошқа тоифа одамлари эдилар. Ўзидан зўрларга рўпара келганда ерга кириб кетгудай эгилсалар, кучсизлар қаршисида арслонга айландилар.

Полвоннинг кўзи қонга тўлиб, секин ўрнидан турди-да, Икромга яқинлашди ва уни илк маротаба кўриб тургандай бошдан-оёқ қаттиқ тикилди. Сўнг кутилмаганда юз-кўзи аралаш мушт туширди. Икром шундай бўлишини кутган эди, ҳатто чап бериб қолсамми, деб ҳам ўйлади. Лекин бундай қилиш ўта ақлсизлик эканлигини дарров англагач, зарбага ўзини тутиб берди.

Кўзидан ўт чақнаб кетган Икром “гурс” этиб ерга қулади. Кейин ўрнидан турмоқчи бўлганида, Полвон биқинига ҳам тепди. Буни кўрган Қосимнинг ҳам юраги тошди. Икромнинг иккинчи биқинини мўлжалга олиб турганида, амакиваччаси қўлидан ушлаб “тегма”, дегандай имо қилди.

Полвон Икромнинг яшилаб ақлини киритиб қўйиш учун бош бармоғини кесмоқчи ва пиёлани қонга тўлдириб, Қосимга ичирмоқчи эди. Бироқ ниятига эришолмади.

* * *

Амирбек кино кўриш билан бирга ишратдан ҳам кўнгли кўтарилиб, ўзини қушдай енгил ҳис қилди. Анчадан бери бундай ҳузур қилмаганди. Ҳатто ўзига ишончи ҳам сўнаёт-

ганди. Наташа усталик қилди. Хизматини бекаму кўст адо этди.

Холмат кириб борганида, Шер ухламоққа чоғланиб турган эди. Йигитининг келганини айтганларидан кейин бирдан сергак тортди ва Холматни киритишларига рухсат берди.

— Хўжайин, — деди Холмат алланечук қизариб, — Мавлон акам сиздан берухсат бир иш қилиб қўйдилар.

— Нима экан? — деди лабига сигарет қистирган Амирбек.

— Биттасини “разбор” қилаяпти.

— Ним-ма?! — деди кўзи олайиб кетган Шер. — Мен ундан тарқаганга “разбор”ни тақиқлагандим-ку! Оёгини ерга теккизмай ҳозирнинг ўзида етказ.

— Хўп бўлади, хўжайин! — Холмат ташқарига отилди.

У етиб келганида Полвон ниятини амалга ошириш учун қўлига пичоқ олган эди. Буни кўрган Қосим билан Абдуҳамиднинг капалаги учиб кетган, “Агар ҳозир Мавлон Икромни ўлдириб қўйса, Маҳфузани қаердан топамиз”, дея типирчилаб туришарди.

— Мавлон ака, — деди Холмат ҳарсиллаб, — сизни хўжайин чақираяптилар, ҳозирнинг ўзида етиб бораркансиз.

Полвоннинг юраги “шув” этиб кетди. Бир марта, гарчи Шер рухсат бермаган эса-да, ишни қойил қилиб ўзини кўрсатиб қўймоқчи эди, эпллолмади. У Холматга бир ўкрайиб қараб қўйди-да:

— Сенларга жавоб, — деди Қосим билан Абдуҳамидга ўгирилиб, — Икром шу ерда қолади. Мен хўжайиннинг олдига бораман-у, қайтиб келиб ишни давом этказаман. Бунинг учун сенларнинг керакларинг йўқ.

Оғзидагини олдирган қарғадай шалпайиб ташқарига чиқишди амакиваччалар.

Мавлон Амирбек ўтирган маконга етгунча хаёлан минг бир кўчага кириб чиқди. Шернинг нимани сўраши, ўзининг қандай жавоб қилиши ҳақида ўйлади. У хожасининг жаҳли чиққанида ҳеч нарсадан қайтмаслигини яхши билар, гарчи ўзини унинг энг яқин одами деб ҳисобласа-да, хожаси билан гаплашаётганда ҳайиқиб турарди. Холматдан “Хўжайин мени нега чақирди?” деб сўрамоқчи ҳам бўлди,

лекин дарров ниятидан қайтди. Худди ўзига нисбатан уни Шерга яқин тутаётгандай туйилиб кетди. Охири “Нима бўлса бўлар, хўжайин мени ўлдириб юбормас, балки бирор маслаҳатли иш чиқиб қолгандир, шунга чақиргандир. Мен бўлса қўрқиб юрибман”, деб ўзига-ўзи таскин берди.

Манзилга етгач, машинадан хотиржам тушиб, кафе томон илдам юриб кетди. Ортдан қараб турган Холмат мийиғида кулимсираб қўйди.

— Мени ўлдига чиқариб қўйдингми, Мавлон? — деди Шер уни кўриши билан.

— Йўғ-э, нималар деяпсиз, ока. Сиз умрбод яшайсиз, — ялтоқланди Полвон илжайиб.

— Нега бўлмаса қилма деган ишни қилиб юрибсан?!

— Ҳалиги... Хўжайин, сизни хурсанд қилмоқчийдим. Шу арзимаган ишгаям сизни безовта қилишни ўзимга эп билмадим.

— Шунақа дегин, унда мен сени жазолашни ўзимга эп кўрдим. Манави ерга чўк, — деб Шер тўғрисидаги стулни кўрсатди.

Жазо ҳақидаги гапни эшитган Мавлоннинг эти музлади. У секин кўрсатилган жойга ўтириб, хожасига термилди.

— Ма, — дея Шер унинг қўлига пичоқ тутқазди, — бармоғингни тил.

— Хўжайин, — ялинди Мавлон овози титраб, — содиқ кулингизман...

— Шуни билиш учун айтаяпман.

Полвон бундан ярим соат аввалги воқеани хотирлади. Ўшанда у Икромнинг бош бармоғини кесиб ташламоқчи бўлганди. Лекин Икром анча иродали экан: қуллигини тан олмади, ялинмади, ёлвормади. Энди ўзининг бошига унинг куни тушиб турибди. Тақдир чархпалаги, деб шунга айтишса керак.

Мавлон қўли қалтираганча пичоқ тигини бармоғи этига ботирди. Шундай бир оғриқ турдики, бўкириб юборишига оз қолди. Лекин ун чиқармади, қўрқди. Хожасининг бутунлай жаҳл отига минишидан чўчиди.

Пичоқ ўрнида қон пайдо бўлди ва секин кафтига оқа бошлади.

— Яша, — деди Амирбек илжайиб, — энди манави тузни бос.

— Хўж...

— Айтганимни қил. Овозинг чиқса, каллангни оламан!

Терини тилиш ҳолва экан. Ярага туз босилганидан кейин Полвон ўрнида ўтиролмади қолди. Пешонасидан совуқ тер қуйилди. Тишларини гириҳ қилиб олди. Кўзидан ёш чиқиб кетди. Лекин сас чиқармади.

— Маладес, — мақтади Шер. — Ана энди садоқатингга шубҳам қолмади. Бориб қўлингни муздай сувда ювишинг мумкин.

Шу гап Амирбекнинг оғзидан чиқиши билан Полвон ўрнидан сакраб туриб, эшик томон югурди. Туз ҳартугул майда экан, дарров эришга улгурибди. Сувга тегиши билан ювилиб кетди. Шундан сўнггина Полвонга бироз жон кириб, хожасини ичида шунақанги бўралаб сўкдики, шу кунгача биронта одамни бунақа сўкмаган эди.

Амирбек қилган ишидан мамнун эди. У Мавлонни яхши биларди. Гарчи унинг гавдасидан ҳўкиз ҳуркса-да, ичи пўк, юраги чумчуқникидай эди. Бунақа одамларда қасд олиш нияти умуман бўлмаслигини Шер аллақачон англаб етган, қайтиб келган Мавлонга иккита яхши гап айтса, унинг орқаси ўчоқдай бўлиши ҳам унга кундай аён эди.

— Ўзингга келдингми? — деди Амирбек Полвон кириб келгач.

— Ҳм-м... — Мавлон бош қимирлатиб қўйди.

— Ҳалиям бу сафар осон қутулдинг. Агар яна бир марта чизган чизғимдан чиқсанг, бошқача бўлади. Унда тирик қолишингга кафолат бермайман. Лекин эркаклигингни яна бир марта кўрсатдинг. Қойил қолдим. Аммо мен тупурган тупугини қайтиб оладиганлардан эмасман... Бўпти, бориб анави болани қўйиб юбор. Қочиб ҳеч қаёққа кетмайди. Ернинг тагидан бўлсаям барибир топаман... Ҳозирча ўйнаб турсин.

Полвон Шер ўйлаганидек ҳамма нарсани бирдан эсидан чиқариб қўймади. Тўғри, мақтовдан бироз кўнгли яйради. Аммо жон оғриғи кўксига муҳрланиб қолди. Мабодо ҳозир “Жазоланишингнинг сабабчисини сен ҳам тавбасига таянтир”, деган буйруқ олса борми, Икромни бўлак-бўлак қилиб ташлаши аниқ эди.

* * *

Иссиғида билинмаган экан. Икром ҳужрада ёлғиз ўзи қолгач, биқинидаги оғриқ кучайди. У секин ўрнидан тур-

ди ва боя Полвон ялпайиб ўтирган ўриндиққа бориб ўтирди-да, чуқур нафас ола бошлади.

— Одамнинг устидан кулиш қанақа бўлишини ҳали сенларга кўрсатиб қўяман, — у ўзига-ўзи гапира бошлади. — Кичкина деб, билганларингни қилмоқчисанлар-да. Кўрамиз. Узоққа бормайсанлар. Биттама-битта каллангни олмасам отимни бошқа қўяман. Ҳамма қилмиши учун жавоб беради!

Орадан бир ярим соатча ўтганидан кейин хужрага Полвон илжайиб кириб келди. Уни кўриши билан Икромнинг қўллари мушт бўлиб тугилди. Лекин ғазабини ошкор этмай, ерга боқди.

— Қайсидир ишинг худога ёққан экан, — деди Мавлон баланд овозда. — Хўжайиннинг олдига бориб келгунимча сенга ичим ачиб, қўйворгим келиб қолди. Лекин кўзингни оч, бола, ҳамма вақт ҳам бундай бўлавермайди.

Икром унинг гапларидан қувонмади. Аксинча, ичида гижинди. У Амирбек буйруқ берганини англаб турар, шу боисдан ҳам Полвон ўзини меҳрибон қилиб кўрсатаётганидан энсаси қотганди. Кўзига рўпарасидаги одам шунақа пасткаш кўриниб кетдики, чивиндай эзгилаб ташлагиси келди.

— Унда кетаверайми? — деди у нигоҳини Мавлонга қадаб.

— Кетавер. Лекин бу ерда бўлганинг ҳақида бировга чурқ этма. Бошинг кетади.

— Раҳмат, огоҳлантирганингиз учун, — деди Икром киноя билан. — Бўлмаса болалигимга бориб, бирон жойда оғзимдан гуллаб қўярмидим.

— Йўқол, кўзимга кўринма! Бир кун келиб, тилингни суғуриб оламан.

Самандар Икромни бунақа аҳволда қайтиб келади, деб ҳечам ўйламаганди. У хўжайини келиши билан устозининг аҳволи оғирлашиб қолганини, унинг ҳеч нарса сезмаётганини айтмоқчи эди. Бироқ кўзи кўкарган, лаби ёрилган Икромга кўзи тушди-ю, ҳамма нарсани унутди.

— Нима бўлди?! — деди у ҳовлиқиб. — Ким сизни...

Икром қўлини силтади. Кейин:

— Ҳар қандай жойдан йўлини қилиб чиқиб кетиш керак. Ҳатто битта-иккита мушт есанг ҳам, — деб кулимси-

ради-да, ювиниш хонасига ўтиб кетди. У илиқ сувда узоқ ювинди. Тўғрироғи, сувда хаёлга берилиб қолиб кетди. Ўзича турли-туман режа тузди. Аввал Қосимга, ундан кейин қолганларга тузоқ қўйиш ҳақида бош қотирди. Лекин унинг миясига айна пайтда жўяли фикр келмаётган эди. Кўзини юмганча бошини сувга тикди. Нафаси етмай қолгунча шундай турди. Кейин сувдан бошини чиқариб чуқур нафас олди ва ўзининг бироз енгиллашганини ҳис қилди. Шундай бўлса-да, сувдан чиқмай ётаверди. Энди уни хаёл номаълум гўзал томон етаклаган эди. Ўша қизни кўргиси келди, қўмсади. У билан гаплашиш истаги юрагини ҳаприқтириб юборди. Лекин ҳозирги аҳволда унинг йўлини пойлаш у ёқда турсин, кўчага ҳам чиқолмас эди. Аммо хаёл ширин эди, ундан айрилиш азоб... Кейин бирдан яна ўзининг кимлиги ёдига тушди. Назарида, ҳозир қиз бола ҳақида ўйлаб, ўзининг обрўсини тушириб қўйгандай туйилди ва ўрnidан сакраб туриб, сочиққа ўранди.

Самандар Икромнинг чиқишини интизорлик билан кутиб турган эди. Чунки у хожаси чўмилиб чиққунча Қора девнинг хонасига кирган ва Эгамқулнинг аҳволи баттар оғирлашганини кўрганди.

— Ока, — деди Самандар шошиб гапириб, — устознинг мазаси қочиб қолганга ўхшайди.

— Йўғ-э, — хавотирга тушган Икром Қора девнинг хонаси томон юрди.

Эгамқул ўша-ўша қимирламай ётар, лекин оғзи чеккасидан қип-қизил суюқлик оқиб чиққани Икромнинг юрагини ўйнатиб юборди.

* * *

“Оғзингдан қоп-қора қонинг келсин”, қарғади Маҳфуза. Ҳеч ким қарғанимни эшитмади, деб ўйлаганди. Бироқ бутун диққат-эътиборини қизга қаратган маньяк унинг гапини аниқ-тиниқ эшитди.

— Мени қарғаяпсизми? — деди у.

— Кечирасиз, — деди бирдан уялиб кетган Маҳфуза, — кўзим илинибди шекилли, тушимда гапирадиган одатим бор. Ёнлигимдан шунақаман.

— Тушингизда қарғашни эмас, бошқа нарсани гапиришни ўрганишингиз керак экан. Масалан, севги-муҳаббат тўғрисида гапирсангиз. Мен сени севиб қолдим, сенсиз

яшашим қийин, десангиз, эшитган одамни хурсанд қилган бўлардингиз. Чунки сизга севги, ҳа, фақат севги ҳақида гапириш ярашади... Лекин ҳозир ухламагандингиз. Ухла-сангиз яхши экан.

Ҳайдовчининг гап қоли анчагина семизлигини дарров сезган Маҳфуза бунақа одамдан яхшилик чиқмайди, деган хаёлга борди-да, деразадан қорайиб турган дарахтлар, уй-ларни кузатиб кета бошлади. Ўз-ўзидан суҳбат бўлинди. Маньяк қиз гапни давом этказиб кетса керак, деб ўйла-ганди. Лекин Маҳфуза жим бўлиб қолгач, у ҳам тилини тийишга мажбур бўлди.

Машина икки-уч бурилишдан кейин яна шаҳар ташқариси томонга шитоб билан елиб кета бошлади. Аввалига қиз мутлақо бошқа томонга кетишаётганини сезмади. Бироқ машина бир кўприкдан ўтаётганда хаёли қочди. Шу кўприк орқали улар бир неча марта шаҳардан ташқарига дарёга боришганди. Қолаверса, уларнинг дала ҳовлиси ҳам шу томонда эди.

— Қаерга кетаяпмиз? — дея сўради у ҳаликсираб.

— Менинг исмим Элёр, раҳматли адам шундай деб қўйганлар, — дея гап бошлади ҳайдовчи унинг гапига эътибор бермасдан. — Эл орасида завқ-шавққа тўлиб юр-син, деб шундай исм қўйган эканлар.

— Мен сизнинг исмингизни сўрамадим, шекилли, мен қаерга кетаётганимизни билмоқчиман.

— Мен билан танишишни истамаётганингиздан, очиги, қувондим, — деб яна гапни бошқа томонга бурди маньяк. — Аслида худди сизга ўхшаган қизларни ёқтираман.

— Тўхтатинг мошинани, мен тушиб қоламан, — деди кўрқиб кетган Маҳфуза.

— Мошинага минаётганингизда осмонга қараганмидин-гиз?

— Осмон билан нима ишим бор? Тўхтатинг мошинани!

— Афсуски, энди осмон билан ҳисоблашишингизга тўғри келади. Чунки ҳаво булут, ёмғир ёғишга тайёргарлик кўра-япти.

— Ёзда ёмғирга бало борми? Тўхтатинг, дедим!

Маньяк бирдан қаттиқ тормоз берди. Чийиллаган овоз чиқарган машина ортидан қоп-қора из қолдириб тўхтади. Қаттиқ силтанишдан қиз олдинги ўриндиққа ёпишиб қолаёз-

ди. Ҳайдовчи шартта ортига ўгирилди-да, Маҳфузанинг сочини гижимлаб, томоғига пичоқ тиради:

— Ёнимга ўт!

Қизнинг юраги чиқиб кетди. У титраб-қақшаб ҳайдовчи кўрсатган жойга ўтиб ўтирди.

— Энди, — деди ҳайдовчи қизга еб қўйгудай тикилиб, — битта ортиқча гапирсанг сўйиб ташлайман. Ҳозир дачамга борамиз. Менга хизмат қиласан. Агар хизматинг ёқса, қўйиб юбораман, уйингга кетаверасан. Ёқмаса, ўша ерда сўяман сени. “Какраз”, гўшт ҳам қолмаганди. Бироз озгинсан-у, лекин бирор ҳафта амалласа бўлади.

— Элёр акажон, — дея ялинишга тушди қиз, — жуда қийналган қизман. Ўзи бировнинг чангалидан зўрға қочиб қутулгандим. Мени қўйиб юборинг, омон-эсон уйимга ет-волай.

— Ўчир овозингни! — бўқирди ҳайдовчи бу сафар пичоқни қизнинг биқинига тираб. — Сўйиб ташлайман. Мен сен билан бирга маишат қилишим керак!

Машина қанчалик тез тўхтаган бўлса, худди шундай шитоб билан жойидан кўзгалди. Маньяк қиз томонга мутлақо қарамас, кўзини йўлдан узмасди. Маҳфузанинг эса ичи ағдар-тўнтар бўлиб кетди. У бироздан сўнг нималар содир бўлишини тахминан билар эди. Қолаверса, маньякнинг ўзи ҳам аниқ-тиниқ қилиб мақсадини бирдан айтиб қўйди. “Энди қутулишнинг иложи йўқ, шарманда бўлганимдан кўра ўлганим яхши”, дея ўйлади қиз. Ўлим ҳақидаги ўй унинг хаёлига беҳосдан келди ва вужудига енгил титроқ кирди. Деразадан ташқарига қаради. Атроф қоронғи бўлса-да, қорайиб турган нарсаларнинг лип-лип этиб жуда тез ўтиб кетаётганлигидан билдики, ҳайдовчи шошаяпти. Қиз бир марта чуқур нафас олиб, маньякка қаради. У ҳамон ўша аҳволда кетиб борар эди. “Айни вақти”, хаёлидан ўтказди Маҳфуза ва бирдан ўзини рулга отди.

— Нима қилаяпсан?! — дея бақирди маньяк. Унинг овози ҳали ҳавога сингмасданоқ “Ойи-жо-н-н!” деган чинқириқ янгради. Йўлдан чиқиб кетган машина қалинлиги ярим қулочча келадиган теракка ёнбоши билан урилди. Худди шу маҳал Маҳфуза синган олдинги ойнадан ташқарига отилиб чиқиб кетди.

Дилдора йиғлай-йиғлай ухлаб қолди. Туш кўрди. Тушида ўша йигит яна йўлини тўсибди. Худди аввалгидек “Сизни севиш мумкинми?” дея сўрармиш. Дилдора унга қараб жилмаяр, лекин жавоб беролмасмиш. Кўнглида “Мумкин”, дермиш-у, лекин тили калимага келмасмиш. Йигит эса унинг қўлидан ушлаб олганча саволини қайта-қайта такрорлайверармиш. Охири Дилдора “Билмадим”, дебди...

Худди шу маҳал:

— Дилдорахон, Дилдорахон! — дея қўлидан ушлаб бирозгина силтади келинойиси.

Қиз тезда уйғонмади. “Билмадим”, деган сўзни икки марта такрорлади. Шундан кейингина кўзини очди.

— Тинчликми? — деди унга қараб сирли жилмайиб турган келинойиси. — Нимани билмайсиз, хоним?

Дилдора нима бўлаётганлигини, ўзининг қаердалигини дарров илғаёлмади. Англаганида эса дув қизарди.

— Бу қизнинг ичида бир балоси бо-ор! — деди келинойиси кўрсаткич бармоғини ҳавода қимирлатиб.

Дилдора унга жавобан жилмайиб қўйди-да:

— Нега уйғотдингиз? — дея сўради.

— Сизни ойижон сўроқлаяптилар, қувончли янгилик борга ўхшайди. Шунинг учун аввал яхшилаб ювиниб олинг, ундан кейин ойнага қараб, чиройли юзингизни томоша қилиб, ойижоннинг олдиларига чиқинг.

Келинойисининг гаплари қизнинг дилини яна хуфтон қилди. Бирпасда бояги ширин хаёлларидан асар ҳам қолмади. Зеро, унинг фикру зикрини воқелик эгаллаганди. Онасининг ҳам нима дейишини тахминан биларди. У шу кайфиятда ювинди. Аммо келинойиси айтганидек, чиройли юзини томоша қилмади, буни истамади.

Дилдора кириб борганида, меҳмонхонада онаси елпигич билан елпиниб ўтирарди. Афтидан, у қизи киргунча қаттиқ ўйга берилган, шу боисдан бўлса керак, чехрасида жилдийлик аломати бор эди. Аммо қизи кириб келганидан кейин унинг лабига табассум югурди. Ҳатто қизининг ҳурматига ўрнидан турди. Унинг бу қилиғи ҳурматдан кўра хушомадга яқинроқ эди. Қизиқ, вақти келса она боласига ҳам хушомад қилар экан.

— Қизим, қаёққа кетиб қолдинг? — дея сўради у Дилдорадан.

— Хонамда эдим.

— Сенга битта гапни айтмай, қизим. Мен билан аданг ҳеч қачон сенга ёмонлик тиламаймиз. Буни ўзинг яхши биласан. Шунга... Ҳалиги келган совчиларни ўзинг ҳам кўрдинг. Бирам ширинсўз, фаросатли одамлар экан. Одамнинг гаплашган сайин гаплашгиси келади. Шунга сенинг дилингдагини билмоқчийдим. Менга қолса, келин бўлсанг кам бўлмайсан. Ҳали-замон аданг ҳам ишдан келиб қолса, айтаман. Менимча, у киши ҳам йўқ демаса керак. Ўзларининг айтишларича, тагли-тугли оила эмиш. Йигит университетни бу йил тугатармиш. Бунинг устига, армияга ҳам бориб, ҳаётнинг паст-баландини кўриб келибди. Яна жуда меҳнаткаш экан. Хуллас, гапнинг қисқаси, шу бола билан учрашсанг, гаплашсанг. Нима дейсан, қизим?

— Ойижон, — деди қиз йиғламоқдан бери бўлиб, — мен ҳали ёшман-ку! Эндигина биринчи курсни тугатайпман. Яна озгина ўқий, оила қуриш қочиб кетмас.

— Вой, болам-ай, ўқишингни кейин ҳам қилаверасан. Бошга қўнган бахт қушини учуриб юборсанг...

— Балки бахт қушимасдир. Ҳаммаси сохтадир. Совчиларнинг ҳамма гаплари ёлғондир. Сиз қаёқдан билиб ўтирибсиз? Совчиликка келган одам қўпол гапирарканми? Бир марта келишганиданоқ мени учрашувга чиқ дейсиз, — деди Дилдора ҳаяжонланиб.

— Биринчидан, мен сен ўйлаганчалик содда эмасман. Иккинчидан, улар келмасликларидан бурун менга Солиҳа холанг айтганди. Жуда яхши оиладан уйингизга совчилар боради, деганди. Совчилар бегона бўдсаям, холанг ўзимизники-ку... Ёки бирорта кўнгил қўйганинг борми, очигини айтавер...

Онасининг сўнги гапидан кейин Дилдора бирдан қизариб кетди. Хаёлидан ўша нотаниш йигит яшин тезлигида ўтди. Ширин энтикиб қўйди. “Йўқ, ҳеч ким билан гаплашмайман”, демоққа энди оғиз жуфтлаганида, ҳовлида дадасининг гапиргани эшитилди. Она-бола бирдан дераза томонга қаради.

— Ойижон, — деди Дилдора шошиб, — адамларга айт-

май тулинг. Ҳали сиз билан келишиб олайлик, ундан кейин...

— Қизим, совчилар эртага яна келармиш...

— Намунча тез, ойи? Бунча мендан қутулгингиз келди!..

— Ойинг ўргилсин, куёв бўлмишнинг додаси оғир касал бўлиб ётганмиш. Набирамнинг тўйини кўриб кетай, ҳеч курса, деганмиш.

— Уф-ф, менинг унга нима алоқам бор? Қизлар кўп-ку, борсин ўшаларга. Нечтаси эрга теголмай юрибди. Агар жа топишолмаса, бирга ўқийдиган дугоналаримнинг биронтасини тўғрилаб бераман. Фақат мени тинч қўйишса бўлгани...

Дилдора гапини охирига етказолмади. Дадаси томоқ қириб кириб келди:

— Ҳа, нима гап? Она- бола нимани бўлишолмаяпсизлар? — деб сўради мийиғида кулиб.

Дилдора дадасига салом берди-да, чаққон ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди. У ниҳоятда асабийлашар, шу боисдан, титраб кетаётганди. Қайнсинглисининг уйдан чиққанини кўрган Нафиса тез-тез юриб унга яқинлаша бошлади. Аммо Дилдора келинойисига бир ўқрайиб қаради-да, хонасига кириб кетди. Яна ўзини тўшакка ташлади. Бироз кўзёш тўкди. Кейин хаёл сура бошлади.

У ўша куни келинойиси-ю онаси неча марталаб айтиб кетишларига қарамасдан кечки овқатга чиқмади. Охири қизидан хавотирланган ота кириб келди. Қиз дадасига нима дейишини билмай бош эгиб тураверди.

— Майли, қизим, — деди Абдулазиз ака, — келинойингга айтаман, овқатингни шу ерга олиб келиб беради... Кейин нима бўлган тақдирда ҳам розилигингиз иш қилмаймиз.

Бу гапни эшитганидан кейин қизнинг кўзлари порлаб кетди. “Ура! — ҳайқирди ичида. — Мен фақат севганимга турмушга чиқарканман!”

Абдулазиз ака индамай чиқиб кетди. Шунда Дилдоранинг хаёлига бошқа ўй келиб, бояги хурсандчилиги дарров ортга чекинди: “Мабодо ўша бола ичиб олиб, мени эрмак қилган бўлса-чи? Балки наркомандир, нега мен дарров уни кўришни қўмсаб қолдим? У унчалик ҳам ёқимтойга ўхша-

мади-ку. Ойим билан адажонимнинг олдиларида шарманда бўлиб қолмасмиканман?..”

Эртасига Дилдора имтиҳонни зўрға топширди. Аввалдан яхши тайёрланган эди. Бироқ билганлари ҳечам хаёлига келавермади. Яхшики, курсдош дугоналари ёрдамлашиб юборишди. Хуллас, амаллаб баҳосини олиб, ташқарига чиқди. Жуда секин қадам босиб кета бошлади. Нигоҳи билан ён-атрофдан кимнидир қидирди. Шунда анча наридан ўзи томон шошиб келаётган йигитга кўзи тушиб, бирдан юраги “шув” этиб кетди.

* * *

Қиз отилиб кетгани сабаб омон қолди. Тўғри, у қаттиқ шикастланган, пешонаси ёрилиб, юзи қонга беланган, ҳушдан кетган бўлса-да, жони омон қолганди. Бироқ маньякнинг куни битган экан. Машина рули кўкрагини сиқиб қўйган, кўзи олайиб, даҳшатдан қотиб қолган юзи қўрқинчли тусга кирган эди. Ҳатто орадан ярим соат ўтганидан кейин етиб келган милиционерлар ҳам Элёрнинг аҳволини кўриб сесканиб кетишди. Дарров уни машинадан суғуриб олишга юраклари бетламади. Фақат “Тез ёрдам” етиб келганидан кейингина маньякни чиқариб олиш тараддудига тушишди. Шунда ҳам анча овора бўлишди. Элёрни суғуриб олиш учун аввал машинанинг эшиги билан ўриндигини олиб ташлашга тўғри келди.

Қизининг хастахонада эканлиги ҳақидаги хабарни эшитиб Қосимнинг ранги оқарди. Икромни бўралатиб сўқиб, иккита аъёни ҳамроҳлигида касалхонага йўл олди. Вазият у ўйлаганидан бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Тўғри, ҳали Маҳфуза ўзига келмаган, лекин у билан машинада ҳалокатга учраган йигит мутлақо бошқа бўлиб чиқди. Қосим уни Икромнинг йигитларидан бири, деб хаёл қилди. Аммо бу тахминининг умри ҳам узоққа бормади. Касалхонада қизнинг ўзига келишини худди унинг отаси каби интизорлик билан кутаётган милиционер, Маҳфузанинг анча вақтдан бери қизларнинг номусига тегиб, кейин чавақлаб кетаётган одам деб тахмин қилинаётган кимса билан бир машинада фалокатга йўлиққанини айтиб қолди. Милиционернинг гапидан Қосимнинг жаҳли чиқса-да, ҳеч нарса дея олмади. Асабийлашиб ташқарига чиқиб, сигарета чекди. “Шарманда бўлмасам гўргайди, — у хаёлига келаётган

бир-биридан шубҳали ўйлар қуршовидан чиқолмасди. — “Кимсан Қосимбойнинг қизи ярим кечаси битта бола билан кетаётганида авария бўпти. Ҳаром йўлга юрганидан кейин бундан баттариям бўлади-да...” Бундай гап душманларимга қўл келади. Дуч келган жойда сайрайди. Анави зўравон Шер очиқчасига “Битта қизни эплаёлмадингми?” деб юзимга солишиям турган гап... Нима бўлган тақдирдаям ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиши керак. Ҳозир мен... Йигитларим билишади... Тўхта... Амирбекнинг одамлари милисалардан билган бўлиши мумкин-ку. Пул бераман оғзига сиққанича. Шунда бирови ҳам гинг демайди... Агар, ўлган одам ҳақиқатан ҳам маньяк бўладиган бўлса, унда қизим орқали герой бўп кетишим ҳам ҳеч гап эмас. Қиз бола боши билан қилган ишини қаранг. Жони кўзига кўринмаганини...” Кўп ўтмай касалхонага Абдуҳамид ҳам етиб келди. Маҳфузанинг аҳволини билгач, бир четга “чирт” этказиб тупурди-да:

— Икромнинг ишига ўхшамаяпти бу ишлар. Бу ердан бошқа нарсанинг ҳиди келаяпти... — дея энди гап бошлаган эди, Маҳфузанинг ўзига келганини хабар қилиб қолишди. Қосим амакиваччасининг гапини эшитмай югурганча ичкарига кириб кетди. Аммо уни қизининг ёнига қўйишмади. Милиционернинг у билан гаплашаётганини айтишди.

— Ким бўпти у? — орқадан етиб келган Абдуҳамид бу гапни эшитиб жаҳли чиқди. — Аввал отаси гаплашсин. Энди ўзига келган қизчани ҳар хил савол бериб кўрқитиб юборади.

У кесиб-кесиб гапираркан, ҳамширага еб қўйгудек тикиларди. Абдуҳамиднинг қарашидан ранги оқариб кетган ҳамшира қиз дарров йўл бўшатди.

— Ҳеч ким кирмасин девдим-ку! — уларни кўриб жаҳл билан бақирди милиционер.

— Бизга мумкин, — деди Қосим қош чимириб. — Отаси бўла туриб қизимдан ҳол сўрамайманми?

— Илгарироқ сўраш керак эди, шу қўйга тушмасидан олдин.

— Энди шундай қиламиз, ука. Фалокатни олдиндан биламиз-да, дарров ҳолини сўраймиз.

Пичингни илғаган милиционер асабийлашди.

— Майли, — деди у қизариб, — ҳали ҳаммасига ойдинлик киритамиз, ҳозирча гаплашиб туринглар. Кейин бош врачнинг хонасига кирасиз иккалангизам. Ана у ерда гаплашамиз.

Шундай деб милиционер ғоз юриш қилиб чиқиб кетди. Абдуҳамид милиционерни кўрсатиб, маъноли кўз қисиб қўйди. Бўлаётган гапларни эшитиб ётган Маҳфуза ҳам отасига қараб синиқ жилмайиб қўйди.

Қосим эгилиб қизининг пешонасидан ўпди.

— Яхшимисан? — унинг ҳол сўраши совуқроқдай туйилди. Аслида Қосим меҳр билан қизини ўпмоқчи, ширин сўзлар билан кўнглини кўтармоқчи эди. Лекин бундай қилолмади. Қизининг кутилмаганда йўқолиши унинг дилини хира қилганди. У энди негадир Маҳфузани ҳам айбдор ҳисоблаётганди.

— Яхши, — деди қизи мўлтираб.

— Ким? — деди ота бироз ҳаяжонланиб.

Маҳфуза хўрсинди, кўзидан бир томчи ёш сизиб чиқди. Ўпкаси тўлиб гапиролмай қолди. Бошини тескари ўгирди. Қосимнинг кўнглида қизнинг йўқолишида ўзининг ҳиссаси борлигига шубҳа қолмади. Жаҳли чиқиб энди бақирмоқчи бўлганида Маҳфуза тилга кирди. Бошидан ўтган ҳамма воқеаларни бирма-бир гапириб берди. Пиёниста кампирнинг хурмача қилиқларини гапираётганида Қосимнинг қони қизиб, беихтиёр сўкиниб юборди. Қўлларини мушт қилиб, тишларини ғижирлатди.

— Ўзимнинг қизим, маладес, — мақтади Қосим Маҳфуза сўзлашдан тўхтагач, амакиваччасига бир қараб олиб. — Энди сен бу ерда ётмайсан, керак бўлса дўхтирлар уйга бориб сени даволашади.

— Шундай, — дея унинг гапини маъқуллаган Абдуҳамид ота-болани ёлғиз қолдириб палатадан чиқди.

Бироз вақт ўтиб милиционер бош врач билан Абдуҳамид ҳамроҳлигида кириб келди. Унинг юзида табассум бор эди. Бош врач ҳам илжайиб турарди. Қосим амакиваччаси ишни дарров қойил қилганини сезди!

— Қизим, — деди бош врач меҳрибонлик билан, — мен сизга навбатчи тайинлайман. У ҳар куни уйингизда бўлади. Муолажанинг қолганини уйда оладиган бўлдингиз.

Милиционер ҳам бу сафар мулойимлик билан у-бу нар-

са сўраган бўлди. Сўнг Маҳфузага эртароқ соғайиб кетишини тилаб, маньякни йўқ қилишда кўрсатган жасорати учун алоҳида миннатдорчилик билдирди.

Қосим қизининг гапидан ўғри Амирбекнинг одами эканини билган эса-да, айти лаҳзада чорасиз эди. Шернинг олдига “Йигитларинг менинг қизимни ўғирлаб кетишибди”, деб боролмасди. Шу боисдан ҳаммасини ичига ютишга мажбур бўлди. Амакиваччаси билан бирга меҳмонхонага кириб, аламига ичкиликбозликни бошлаб юборди.

* * *

Шокир оёғи куйган товукдай типирчилаб қолди. Валянинг ўлиб ётиши, қизнинг ғойиб бўлиши... Бунақа бўлишини у мутлақо кутмаганди. Шу кеча у бир келмоқчи бўлди. Лекин эртага қолдириб, тонг отишини кутди.

У болахонадор сўкинганча машинага газ бериб, Валянинг уйидан чиқиб кетди. “Хўжайин ўзбошимчалик қилганимни билса, теримга сомон тикади. Бунинг устига, уни алладим ҳам... Чувалашиб кетди бари... Ишни яна бошидан бошлашга тўғри келади...” У тўғри Полвоннинг ёнига борди. Нима мақсадда борганини ўзи ҳам билмас, карахт бир аҳволда эди. Бироқ кичик хожасининг олдида ҳам кўнгли таскин топмади. Ичини нимадир кемираверар, қандайдир хавф таъқиб қилаётгандай туйилаверди. Аксига олгандек, Полвон ҳам асабийлашиб турган экан, Шокирға кўзи тушиши билан заҳрини соча бошлади. Уришиб ҳовуридан тушгач, болахонадаги йигитларнинг ёнида бўлиб туришини тайинлади.

* * *

Қора девнинг оғзини ўзининг рўмолчаси билан артган Икром устозининг сўнгги кунларини, балки охирги сонияларини яшаётганига амин бўлди ва Самандарга мулла топиб келишни буюрди. Сўнг ҳар эҳтимолга қарши Эгамқулнинг қўлидан ушлаб қимирлатди. Қора дев кечаги тушининг давомини кўрар, Саттор бераётган азобга дош беролмай бақирар, бироқ овози чиқмасди. Суяклари бири-бирига ишқаланар, жағи бир томонга ўтиб кетар; Саттор буларни қилиб бўлганидан кейин унинг қорнини ёрардида, ичак-чавоғини чиқариб ташларди. Кейин яна ҳаммаси бошидан бошланарди... Қора дев буларнинг бари ўнгимда

содир бўлаяпти, деб ўйлаётган эди. Икромнинг бир неча бор турткилашидан кейин, Саттор: “Ҳали шошмай тур”, деганча ғойиб бўлди. У кетиши билан Эгамқул енгил тортиди. Икром унинг қўлини яна бир-икки марта силтаганидан кейин эса уйғониб кетди.

— Икромжон, — деди йиғламсираб, — келдингми, болам?

— Мен шу ердман. Аҳволингиз яхшими? — устозининг овозини эшитиб қувониб кетди шогирди.

Лекин унинг гапларини Қора дев эшитмади.

— Болам, мени Саттор азоблаяпти. Кун бермай қўйди. Мени бир бало қилиб ўлдир. Қутулай унинг азобларидан. У тагин келади. Жон болам, мени ўлдир!

Икром устозини алаҳсираяпти, ҳали уйғонмаган, шекилли, деб ўйлаб, Эгамқулнинг қўлини яна қимирлатди.

— Мени туртма, болам. Ундан кўра пичоқла. Ёки бўғиб ўлдир... Йигитларингга айтсанг ҳам майли. Нима бўлсаям ўлдирсанг бўлди. Қутулсам бўлди...

Шогирд устозига тикилиб қолди. У энди Қора девнинг алаҳсирамаётганини англади-ю, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. “Бу ёғи қандай бўлади?!” Ахир, неча йиллардан бери у билан бирга яшаб, тутинган отасига айланган кишига қаттиқ ўрганиб қолганди. Энди у ўлса, қандай қилиб ёлғиз яшашга кўникади? “Мен сизни ўлдиролмайман. Қўлим бормайди. Илтимос, бошқа ҳар қандай ишни буюринг, бажаришга тайёрман, лекин сизга тиф кўтаролмайман”, дея хаёлан илтимос қилди Икром.

— Нимага қараб турибсан, Икромжон? Менинг азобланишимни шунчалик хоҳлайсанми?.. Ҳеч бўлмаса, болаларингга айт, шулар ўлдиришсин, илтимос!

Қора девнинг сўқир кўзидан ёш сизиб чиқди. У унсиз йиғларди. Икром қараб туролмади. Шартта ўрnidан туриб хонадан чиқиб кетди.

Унинг чиқиб кетганини сезмаган Қора дев ҳали-ҳамон ялинарди.

— Менда қасдинг бормиди, Икром! — бақриб юборди Эгамқул сабр косаси тўлиб.

Унинг овозини қўшни хонада бошини кафтлари орасига олиб, эзилиб ўтирган шогирд эшитиб, чўчиб кетди. Кўзидаги ёшни кафти билан артиб ўрnidан турди.

— Оқ қиламан!

Икром энди ростмана йиғлади. Чорасизликдан, қўлидан ҳеч вақо келмаётганидан ўксиб-ўксиб йиғлади. Ошхонага ўтиб, пичоқни олди. Лекин туғиб туролмай, тарақлатиб ерга ташлаб юборди. Эгилишга ҳаракат қилмади. Лабларини қонатгудай тишлаб, устозининг хонаси томон юрди. “Ҳали сиз кўп яшайсиз, мулла чақирдим, бир ўқиб юборадиди, дарров отдай бўлиб кетасиз, кўзингизга ҳар бало кўринавермайди”, деб устозини юпатгиси келди. Лекин Эгамқул кошки унинг гапларини эшитса.

“Оқ қиламан! Оқ қиламан!” Қора дев тинмай шундай дерди. Чидай олмаган Икром бир зумгина ақлини йўқотди ва Қора девнинг боши остидаги ёстиқни суғуриб олиб, уни устозининг оғзига босмоқчи бўлди.

— Хайрият-э, — деб юборди Қора дев хурсанд бўлиб.

Бу гапни эшитган Икром ёстиқни кўтарган кўйи қотиб қолди.

Қора дев бир... икки дақиқа кутди. Лекин унинг ўйлагани бўлавермади.

— Болам, нимани кутаяпсан? Ёстиқни оғзимга бос, шунда мен сендан рози бўламан. Бос, болам!

Икром кўзини юмди. Чуқур-чуқур нафас олди, сўнг:

— Мени кечиринг! — деганча ёстиқни устозининг юзига қаттиқ босди.

Чолнинг деярли кучи қолмаган экан. Бирозгина типирчилади, холос. Хиёл ўтмай жимиб қолди.

Икром унинг юзидан ёстиқни олди-да, ўкраб йиғлаб юборди. Қора девнинг нурсиз сўқир кўзлари бақрайганча унга қараб турарди.

— Кечиринг! — Икром қўлидаги ёстиқни уйнинг тўрига отиб юбориб, югурганча чиқиб кетди.

Самандар муллани етаклаб кириб келганида, у бошини хам қилиб остонада ўтирарди.

— Ока, олиб келдим, — деди Самандар томоғини қириб олиб.

Икром унга юзланди. Унинг кўзлари қизариб кетганди. Шунинг ўзиёқ устозининг қазо қилганини билдириб турарди.

— Кечикдикми?... — минғирлади бошқа гап тополмаган Самандар.

— Қори ака, — деди Икром Самандарнинг орқасидаги калта соқолли, салла ўраб, чопон кийган кишига қараб, — отам ўлиб қолди...

— Жойлари жаннатда бўлсин. Худо сабр берсин. Марҳум қаерда? — сўради қори мулойимлик билан.

Икром қўли билан устози ётган хонани кўрсатди. Мулла шу томонга юрди. Унга Самандар эргашиди. Орадан бир дақиқа ҳам ўтмасдан қорининг Қуръон тиловат қилгани эшитилди. Икром сочларини гижимлаганча ўкириб юборди...

— Сабр-қаноат берсин, — бироздан кейин қайтиб чиққан қори паст овозда ҳамдардлик билдирди.

— Қачон?.. Қачон кўмсақ бўлади, Қори ака? — сўради Икром.

— Бугун кеч бўлди, ўғлим. Одамларни эртага пешинга чақираверасиз.

— Одам йўқ... Мендан бошқа ҳеч кими йўқ. Менинг бўлса, беш-олтита яқиним бор, — деди Икром ўзининг йигитларини назарда тутиб.

Қори бирпас жимиб қолди. “Нега?” дея сўрамоққа оғиз жуфтлади-ю, ниманидир андиша қилиб тилини тишлади. Унинг ўрнига:

— Эртага айтилган вақтда масжиддан тўрт-беш киши бўлиб келамиз. Тайёргарлигингизни кўринг. Бу ерда янги-га ўхшайсиз. Қабристонга бориб, гўрковга майитни олиб бориш вақтини албатта тайинлаб келинг, — деб йўл-йўриқ кўрсатди.

Икром “Хўп бўлади”, дегандек бошини қимирлатди.

Икром туни билан ухламади. Тонггача устозининг ёнида ўтириб чиқди. Қилган ишидан афсус чекиб, кўзини ёшлади. Қайта-қайта кечирим сўради. Оят ўқиш кераклиги эса хаёлига келмади. Умуман олганда, у майитнинг ёнида туни билан ёлғиз ўтирмаслик кераклигини, ўтирилган тақдирда ҳам Қуръон оятларидан ўқиш зарурлигини билмасди. Бундай нарсаларни биров ўргатмаганди унга. Ким ҳам ўргатсин? Қора девми? Ўзининг ҳеч вақодан хабари йўқ бўлса. Умри қасд олиш, ўзгаларни измига юргазиш, зўравонлик билан ўтди. У намоз ҳақида ҳаттоки ўйламаган ҳам эди. Дин, охират ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасди. Шундай одамнинг қўлида тарбия топгач, нимадан хабари бўлиши мумкин?..

Қора девни қора тупроққа қўйиб, ҳамма уйга қайтиб келди.

— Энди нима қилай? — деб сўради Икром яқиндай бўлиб қолган қоридан.

Унинг мана шу гапидан сўнг қори бу йигитнинг мусулмончиликдан мутлақо хабари йўқлигини англаб етди ва босиқлик билан марҳумнинг худойиси, йигирмаси, қирқини ўтказиш лозимлигини тушунтирди. Бу маросимларнинг қанчалик аҳамиятли эканлиги ҳақида ҳам талай муддат гапирди. Айниқса, унинг охират ҳақидаги гапларини Икром кулоқ қоқмай эшитди. Чуқур ўйга толди, ўзи ва устозининг қилган ишларини тарозига солгач эса кўрқиб кетди. “Мен учун жаҳаннам нақд экан”, деган хулосага келди. Қори сўзлаётиб суҳбатдошига қараб-қараб кўяр эди. У Икромнинг юзи кўкарганини кўриб, атрофида юрган йигитларга бераётган буйруқларини эшитиб, унинг қандай одам эканлигини ўзича чамалаганди. Шу боисдан ҳам кўпроқ сўзлади. Ўғирлик, қаллобликнинг гуноҳи нечоғлик оғирлигини алоҳида таъкидлади. Сўнгра унга масжидга бориб туриш кераклигини тайинлади.

Икром қорининг гапларига устозининг худойиси ўтгунча амал қилди. Ундан сўнг чидай олмади. Қараса, кечагина йигитлари сафига қўшилган, ўзининг назаридаги, гўдак болалар ҳам у билан бемалол гаплашаяпти. Ҳатто ақл ўргатишаяпти. “Йўқ, — деди у ўзига-ўзи, — мен талтайиб кетишларингга йўл қўймайман. Ўзларингча тараллабедод қилиб юрмоқчисанлар-да...”

Йигитларини йиғди. Худди аввалги тилда, аввалги қиёфада ҳар бирининг майда-чуйда айбларини топиб койиди. Шу билан устозининг вафотидан ўзини йўқотиб қўймаганини, ҳали-ҳануз ўша-ўшалигини намоиш этди.

— Сен, — деди у Самандарга гапининг охирида, — Кўктерак гузарининг ёнида янги қурилган ресторанга бор. Яхшилаб об-ҳавосини ўрган. Кимга тегишлилигини бил.

— Давлат...

— Биламан, лекин ким эга чиққанини аниқла. Ундан кейин сал миянгни ишлат, одамга ўхшаб...

“Янгилар” олдида хожасининг бундай дейиши Самандарга бироз оғир ботди. Бироқ “ғинг” демади. Топшириқ-

ни қойиллатиб бажариб, ўзини кўрсатиб қўйиш учун йигитлардан иккитасини олиб йўлга тушди.

Аъёнларига топшириқ бериб бўлганидан кейин Икром оромкурсига чўзилди. Туйқус хаёлига Дилдора келди. У устозини ўлдиришидан олдин ҳам, мотам кунлари ҳам уни ўйлаган эди. Шу кунларда ҳамма нарса унинг жонига текканди. Фақат шу қиз билан гаплашса, кўнгли таскин топади, деб ўйлаётганди. Айни пайтда қизнинг йўлини пойлаш, унинг ортидан эргашиш жуда бачкана туйилиб кетаётганди ўзига. Борса, қиз бемалол гаплашса, севгисига рад жавобини бермаса. “Майли, сиз ҳам менга ёқдингиз”, демаса ҳам индамай гаплашиб юраверса. Мабодо у: “Мени тинч қўйинг, бошқа келманг, менинг севганим бор”, деб қолса борми, Икромнинг бутун ғурури поймол бўлади. Ўзини камситилган ҳисоблаб, қизни бирор нарса қилиб қўйиши мумкин. Икром ана шундан кўрқаётган эди.

У узоқ вақт ётолмади. Сиқилиб кетаверди. Соатга қараб, қизнинг ўқишдан чиқишига икки соатча вақт борлигини билди. Икром ўша кунги вақт билан ҳисоб-китоб қилаётганди. “Ҳозир йўлга чиқсам, ярим соатда етиб бораман. Озгина у ёқ-бу ёқни айланиб турарман”, деган ўйда у кийиниб, йўлга тушди.

Дилдора ўша куни ўзини четга олди. Бироқ кўча бўйида жойлашган газета дўкони ёнида тўхтаб, ўзича газеталардан бирини олди-да, зимдан йўлакдан келаётган йигитга назар ташлади. Йигит анча наридан ўтиб кетди. Шундай бўлса-да, қиз унинг ўша куни ўзига дуч келиб, ғалати гаплар гапирган йигит эмаслигини кўрди. Енгил нафас олди. Айни чоғда юрагининг бир бурчида афсус туйғуси ҳам борлигини ҳис қилди. У ўша нотаниш йигитни кўрсам, деб ўйларди. Бироқ унга дуч келиб қолишдан кўрқаётганди. Нима деб гапиришни билмасди.

Кейинги кунлари ҳам у зимдан атрофни кузатиб юрди. Бироқ уни учратмади. Шундан кейин унинг шунчаки эрмак қилиб гапирганини англади. Дилдора шундай деб ўйлаётган ва бу фикри уйдаги вазиятни бутунлай ўзгартириб юборганди. Онасига, келинойисига юмшоқ гапирди. Улар куёв тўғрисида гап очганларида жилмайиб қўйди. Буни кўриб қайнона-келин Дилдорани куёвликка даъвогар билан учраштириш пайига тушиб қолдилар. Бунисига қиз

унамади. Бироз ўтсин, деди. Ёнроқ нега шундай деганини унинг ўзи ҳам билмасди. Аммо кейинги кун...

Икром Дилдорани узоқдан таниди. Қизнинг эғнидаги кийими бошқа эди. Аммо юриши ўша-ўша. Йигитнинг юраги ҳаприқиб кетди. Қиз томонга бир-икки қадам босиб, тўхтади. Қандайдир куч унинг олдинга интилишига йўл қўймаётган эди. Шу бўйи қизга тикилганча қотиб тураверди.

Дилдоранинг хаёли бутунлай бошқа ёқда эди. У хиргойи қилганча аста-секин йигитга яқинлашиб келди-да, бор-йўғи икки қадам қолганида бирдан тўхтади.

— Сиз?! — деди у вужудига енгил титроқ кириб.

— Кутмаганмидингиз? — Икром кулимсиради.

Қиз “йўқ”, дегандек бошини қимирлатди.

— Мен бўлсам кутмаётганлигингиз учун келдим.

— Нега? — дея Дилдора худди унинг бегона йигит билан гаплашаётганини бирор таниши кўриб қоладигандек атрофга олазарак боқди.

— Сизни кўргим келди. Келавердим.

— Мен шошиб тургандим, — деди қиз бошқа гап тополмай.

— Менинг вақтим бемалол, сизни кузатиб қўяман.

— Сиз бегона-сиз-ку. Мен бегоналар кузатишини хоҳламайман.

— Адашдингиз, мен сизга ҳечам бегона эмасман.

— Бир марта кўрганингиз...

— Учинчи марта кўриб туришим... Биринчисида тушимда кўрганман.

— Вой, — қиз кулиб юборди, — қизиқ экансиз. Тушингизда кўрган бўлсангиз... Тўхтанг, қандай қилиб тушингизда кўрасиз? Биз аввалдан танишмасмиз-ку.

— Лекин мен барибир сизни кўрганман. Ўшанда била-сизми, нима бўлган? Мен сизни севиб қолганман.

— Ғалати экансиз! — деди қиз қизариб. — Одам... унақа бўмайди. Илтимос, йўлимни тўсманг.

— Билмадим, мен шунақа бўп қолдим. Тушимда кўрганмандан кейин кун билан сизни қидирдим. Кейин топдим. Яхши кўриб қолганлигимни ичимда сақлаб туролмадим. Гапим рост. Ишонинг, ҳечам алдаётганим йўқ.

— Мен сизни мутлақо танитайман.

— Унда танишамиз, Икром, — дея йигит қўл чўзди.

Дилдора ҳам қўлини беихтиёр қўтарди-ю, кейин бирдан тортиб олди.

— Кечирасиз, — деди сўнгра, — мен умуман... Исми Дилдора.

Икромнинг қўли ҳавода бироз муаллақ турди. Кейин секин тушди. У бундай бўлишини мутлақо кутмаганди. Қизлар билан кўп гаплашмагани боис, улар ҳам танишаётган пайтлари бир-бирларининг кафтларини қисишади, деган ҳаёлда эди. Орага сукунат чўкди.

— Мен борай, — деди қиз бошини эгиб.

— Мен сизни кузатиб қўяман.

— Ихтиёрингиз, — деди Дилдора эшитилар-эшитилмас, бир-бир босиб бекат томон юра бошларкан.

Икром нимадан гап бошлашни билмас, қиз ҳам жим кетарди. Бу аҳвол автобусда ҳам такрорланди. Фақат онда-сонда нигоҳлари учрашарди. Шунинг ўзи бир дунё нарсани англатарди. Фақат буни сўз билан ифодалаш мушкул. Сўзсиз ички туйғуларни ошкор этиш, дейилса, балки ҳақиқатга бироз яқин бўлар.

— Уйингиз узоқми? — деб сўради Икром жимликни бузиб.

— Яна битта автобусга чиқишим керак, — деди қиз майин овозда.

Бу хабар йигитни бирдан хурсанд қилиб юборди. У қизга жилмайиб қараб, энди оғиз жуфтлаганди, қизнинг ўзи сўз бошлаб қолди:

— Мен ўзимни жудаям ноқулай сезаяпман. Битта илтимосимни бажаринг. Бу илтимос шунчалик осонки, сизнинг қўлингиздан келишига ҳечам шубҳам йўқ.

— Сизнинг ҳар қандай гапингиз ерда қолмайди. Барига тайёрман, — дея ўзини дадил тутишга ҳаракат қилди Икром.

— Кейинги автобусга чиқманг. Ҳамма нарсани бирдан... Мен довдираб қолдим. Нима дейишгайм ҳайронман. Аслида шилқимларни жиним суймайди... Сиз билан умуман гаплашмаслигим керак эди.

— Мен унақаларданмасман... Айтдим-ку, кўп қидирдим

деб... Кейин бирорта қиз билан гаплашмаганман. Шунга балки нўноқлик қилаётгандирман...

— Нўноққа ўхшамайсиз. Ҳамма гапларингизни бемалол, тортинмай айтаяпсиз. Севган одам, менимча, бутунлай бошқача бўлади. Дарров туйғуларини ошкор қилишга кучи етмайди. Сиз...

— Майли, айтганингизни қиламан. Фақат сиз ёмон хаёлга борманг. Кўнглимда ёмон ният йўқ. Хоҳласангиз, узоқдан мени кўриб кетаверинг, денг. Шунисигаям розиман.

Қиз чуқур хўрсинди. Автобусдан кўчага боқиб кетаверди.

— Сизни кўргани келиб турсам майлими?

Қиз нима деб жавоб қилишни билмай қолди. Келманг, деса, ўзи бу қўполгина йигитни кўришни истайди. Келинг, дейдиган бўлса, ҳали унинг кимлигини мутлақо билмайди. У биров иккиланишдан кейин яна:

— Ихтиёрингиз, — дея мавҳум жавоб берди. — Кейинги бекатда тушаман.

Икром автобуснинг олдига юрди. Дилдора унга эргашди.

— Автобус ҳам бугун мен томонда бўлди, — деди Икром пастга тушганларидан кейин.

— Нега? — деди Дилдора жилмайиб.

— Ҳар доим тиқилинч бўларди. Бу сафар ҳеч ким йўқ. Баҳонада мен сиз билан гаплашиб олдим.

— Ҳа, омадли экансиз. Энди мен шу ерда қоламан. Сиз бошқа бекатга боринг. Келадиган автобусда қўшниларимиз ҳам бўп қолиши мумкин, хайр, — деди Дилдора.

Икром қизни бунчалик тез хайрлашади, деб ўйламаган эди. Кетгиси келмади.

— Бўпти, автобуснинг қораси кўриниши билан мен сал нарига бориб тураман. Шунда қўшниларингиз мени бошқа автобусни кутаяпти, деб ўйлашади.

У шундай дейиши билан сал нарига қоп-қора “Волга” тўхтади. Ундан кутилмаганда Қосим тушди ва йигит билан қизга бир қараб қўйиб, бекат орқасидаги дўкон томон юрди. У икки қадам босар-босмас тўхтади ва гаплашиб турганларга яна бир марта қаради ва илжайиб қўйди. “Аввал қирқ кунда қайтган бўлса, ҳозир тўрт кунгаям етиб бормаяпти, Икромбой”, деди хаёлан.

Қосим терисига сиғмай қувониб, қуюндай амакивачча-синикига учди. Йўл-йўлакай мияси тезлик билан ишлаб, режа тузиб борди. Қизни қўлга туширишнинг турли йўллари йўлаб чиқди. Ҳамма режаси, ўзининг назарида, кўнгилдагидек, барида Икромнинг азобланиши муқаррар эди. Қосим хурсанд бўлиб хиргойи қилиб кетди. Аммо Абдуҳамидни уйдан тополмагач, бирдан ҳафсаласи пир бўлиб, жаҳли чиқди. “Доим керакли пайтда бир гўрга йўқолади, ҳайвон”, деб гудранди ўзича. Дилидагини тилига чиқармай келинойисига тиржайиб қаради. Узатган бир пиёла чойини кўкларга кўтариб мақтаганча ичди, сўнг тарвузи қўлтиғидан тушиб, шалпайганча изига қайтди. Эҳ, режаларини амакиваччасига айтиб, унинг мақтовларини эшитмоқчи, роҳатланмоқчи эди. Бари осмонга учди. Бари саробга айланди. Энди Абдуҳамидга дуч келиб, кўнглига тугиб қўйганларини бирма-бир гапириб берган тақдирда ҳам боягидай завқ ололмайди. Энг ачинарлиси мана шу эди.

Кутганидек Абдуҳамид унга одам жўнатди. Чойхонага келсин, дебди. Қосим ҳамма нарсага лоқайд боқиб, йўлга тушди. Бояги хурсандчилиги барҳам топган, хиргойи тўхтаган. Ўлганининг кунидан машинанинг тезлигини алмаштирар, чорраҳаларда қизил чироққа тўғри келиб қолса, бўралаб сўкинарди.

— Ҳа, биров арпангни хом ўрдими, қовоғинг билан ерни супуриб келаяпсан, — деди Абдуҳамид уни кўриши билан.

— Ҳеч битта жойда ўтирмайсан-а. Бир йўқолсанг изингиям топиб бўлмайди, — деди унга жавобан Қосим норози оҳангда.

— Бизам тирик бандамиз. У ёқ-бу ёққа чиқиб турамиз. Келаркансан, телефон-пелефон қилиб қўйсанг, ўласанми?

— Йўлдагидим, зўр иш чиқиб қолувди. Шунга тўғри уйингга борсам, йўқсан.

— Мана энди гапир. Нима гап, тинчликми ўзи?

— Битта идея туғилди, — деди Қосим шошилмасдан чорпоя усига чиқиб ястаниб ўтириб олганидан кейин чойнакка қўлини узатиб. — Лекин зўр. Ўч олишнинг айни пайти.

— Очикроқ гапир мижговланмай, — жеркиб берди Абдухамид.

Қосим унга қараб ўқрайди. Агар ҳозир қариндошининг ўрнида бегона бўлганида яхшилаб чақиб олар эди.

— Короче, — деди у пиёлани қўлига олиб, — Икромни битта қиз билан кўриб қолдим.

— Нима бўпти шунга? — деди Абдухамид энсаси қотиб.

— Ғалатисан-а, мен қизимни йўқотиб қўйиб не кўйга тушдим? Эсингдан чиқдими дарров? — шу гапларни айта туриб унинг юзи қизариб, қоши уча бошлади. Абдухамид ҳозир унга ортиқча гап айтишнинг ўрни эмаслигини илғаб, Қосимнинг мақсади нима эканлигини сўраб қўяқолди.

— Болаларга ўша қизнинг ким эканлигини аниқлаштираман. Агар Икромга тегишли томони бўладиган бўлса, дарров гум қиламан. Кейин шилтасини чиқариб, қўлига топшираман, — деди Қосим чўнтагидан сигарета чиқариб, лабига қистираркан.

— Қизингни Икром ўғирламаган экан-ку. Нима қиласан яна уни безовта қилиб? Ўзинг кўрдинг, Шер ҳам у томонда. Яна бир балони бошлаб кўймагин.

— Кўрқаяпсанми? Айт, очиқ айтавер. Мени аралаштирма, ўзинг қилавер, де, — Қосим амакиваччасининг ўзини олиб қочаётганидан жиғибийрон бўлди.

— Нималар деб валдираяпсан? Бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирмоқчимисан! Ўйлаб иш қилиш керак. Мен сени ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймайман. Аммо бир нарса қилишдан аввал охирини яхшилаб ўйлаган маъқул. Яхшиси, икки кундан кейин қимор бўлади. Худди аввал ўйнаган уйларида. Бу сафар мен ҳам бораман. Яна қовун тушириб кўймаслигинг учун. Ўшанда яхшилаб эзамиз. Бўйнига ила-миз, ўзимизга қулвачча қилиб оламиз.

— Бунча осон қилиб айтасан, — деди Қосим унинг гапидан норози бўлиб.

— Яхши бир қиморбоз топдим. Синдириб ташлайди. Қарталарни шунақанги терадики, бир кўришда оғзим очилиб қолди, — дея мақтанди Абдухамид.

— Шернинг одами бўлиб чиқмасин тагин.

— Қирғизистонлик. Бу ерга яқинда келган. Албатта, тагини текшириб кўрамиз. Бунақаларнинг орқаси тоза бўлмайди. Камида ўтириб чиққанлар шундай қилолади.

— Нимагадир кўнглим тўлмаяпти. Бўпти, сен айтганча бўла қолсин. Лекин унгача барибир Икромнинг шохини қайириб қўяман. Қимор унга иккинчи зарба бўлади.

— Ишқал, — Қосим йўриғига юрмаётганидан Абдуҳамид асабийлаша бошлади. — Билганингни қил. Лекин бир балони бошласанг, ўзинг жавоб берасан. Уқдингми?

Қосим мийиғида кулганча маза қилиб керишиб олди.

— Бу ёғини менга қўйиб бер. Аввал шокка тушиб қолгандим. У мараз бу сафар қўлимдан осонликча чиқиб кетолмайди.

Абдуҳамид унга қараб илжайди. “Шунчалар ҳам бефаросат бўладими одам деган? Аввал қўлингга тушириб ол, ундан кейин чиқармайсан”, дея хаёлидан ўтказди у.

— Унда мен кетдим, — деди Қосим сукутни бузиб, сўнг ёлкасидан оғир юк босиб тургандай афти бужмайиб ўридан турди. Унинг шу биргина юз ўзгариши амакиваччасидан қанчалик норози эканини кўрсатиб турарди. Бу билан у “Барибир манзилимиз бошқа-бошқа экан, ҳар қалай, қариндош-уруғчилигимиз бўлсаям, бир қориндан туғилмаганмиз-да”, демоқчидай эди. Унинг аҳволини кўрган Абдуҳамид оғринди. У хайр-хўшни ҳам бутунлай эсдан чиқариб эшик томонга одимлаган Қосимнинг ёлкасидан тутиб, деди:

— Сени ёлғизлатиб қўймайман. Майли, айтганингча бўла қолсин. Сенинг душманг — менинг душманим. Душман бўғиб ўлдирилди нима-ю, сўйиб ўлдирилди нима?

Амакиваччасининг бу гапи Қосимга хуш ёқди. У ҳам ёзилиб илжайди.

— Энди ишга киришамиз, — дея гапини давом этказди Абдуҳамид. — Йигитларингга тайинла, Икромни кузатишсин. Ҳар битта қадам олишини кўздан қочиришмасин. Кейин у билан бирга юрган қизнинг унга ким бўлишини ҳам аниқлашсин. Агар синглизиси ёки яқин қариндоши чиқиб қолса худонинг бергани. Юрадиган қизи бўлса янаям яхши. Ҳозир Икром қиз учун жонини берадиган ёшда.

Улар бир қарорга келишиб, хайрлашишди.

Абдуҳамид Қосимни кузатиб қўйганидан кейин яна қайтиб хужрага кирди. Сўнг йигитларидан иккитасини чақириб, Қосимга кўз-қулоқ бўлиб туришларини тайинлади. Ўзи эса чордона қуриб ўтириб олди-да, қайноқ чой билан

наша олиб келишларини буюрди. Кўз очиб-юмгунча унинг айтгани муҳайё бўлди. Абдуҳамид аввал пиёлани чойга тўлдирди. Кейин нашани докага солиб, устидан секин-секин тош билан уриб майдалади. Кейин кукунни докадан айирмаган ҳолда чойга солиб, чойнинг қизаришини кузатиб ўтирди. Нашанинг қиёми чиқиб, чой ҳақиқий кефирга айланганидан кейин оҳиста уни қўлига олиб, сипқора бошлади.

Орадан уч дақиқача вақт ўтганидан сўнг Абдуҳамид енгил тортди. Билакларига ғойибдан куч-қувват киргандай туйилди. Кейин шунақанги қорни очдики, у ёқ-бу ёғи йўқ. У чойхонага келиши билан қўй ёғига ош буюриб қўйган, Қосим билан бирга еймиз, деб ўйлаган эди. Аммо бўлиб ўтган гап-сўзлардан кейин ош мутлақо эсидан чиқиб кетди. Фақат қорни очқанидан кейингина ёдига тушди. Бироқ ош ҳали тайёр эмас экан. Шу боисдан у нонни чойга ботириб ямлай бошлади. Хиёл ўтмай, иккита тандир нон тугаса-да, унинг қорни тўймади.

— Ҳов, падарингга лаънат ошпаз! Нима қилдинг ошни?! — дея бақирди очик эшикдан.

Аввал унга ҳеч ким жавоб қилмади. Лекин зум ўтмай йигитларидан бири югуриб кириб:

— Ҳали озгина дам ейиши керак экан, — деди шошганча.

— Менинг қорнимда ейди даммини, олиб кел! — деди сабр-бардоши тугаб Абдуҳамид.

Ош хушхўр туйилди унга, кафтини тўлдириб-тўлдириб ошай бошлади. У илгаридан ёнида шерик бўлмаса, оғзига урвоқ ҳам олмасди. Шу боисдан агар атрофида яқинларидан биронтаси бўлмаса, йигитларини шерикликка чорларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди-ю, аммо хожаси билан бирга тановул қилишга келган йигит Абдуҳамиднинг ош ейишини томоша қилишдан нарига ўтолмади. Унинг қўли мой бўлмай туриб таом ҳам тугади.

— Зўр бўпти, — деди қўлидаги ёғни ялай бошлаган Абдуҳамид, — озгина дам ейиши керак экан-у, лекин қорин очганда қараб турмайсан-ку, тўғрими? — дея йигитига кулимсираб қаради.

— Ҳа-ҳа... тўғри, — деди йигит ҳам қўлини ялаган бўлиб.

Абдуҳамид ошдан сўнг шопириб-шопириб уч пиёла чой ичганидан кейин қорнини сийпалаганча ўрнидан турди.

Бундан ўн беш йилча муқаддам у энди-энди нашага ўрганаётган кезларида кўп ош еб, ошқозонини ишдан чиқарганди. Чунки қорнини тўйдириб болишга ёнбошлаганча пинакка кетган, уйғонганида эса қорни қурғур бураб оғриб ётарди... Шу-шу тўйиб овқатландими, яёв у-бу ерни айланади. Ҳозир ҳам шундай қилди. Чойхонадан чиқиб, йўлакдан хаёл сурганча кетаверди. Унинг ортидан иккита йигити эргашишди. Улар хожасидан бирор ўн қадамча ортда эдилар. Ҳар иккисининг ҳам битта қўли чўнтагида, тўппончанинг дастидан маҳкам ушлаб олишганди. Абдуҳамид ўтмиши, ёшлик йиллари ҳақида ўйларкан, ёнгинасидан зувиллаб ўтиб кетаётган машиналарга мутлақо эътибор қилмасди. Тўғри, гоҳ-гоҳида уларнинг овози қулоғига чалиниб қоларди. Шунда хаёли бузилиб чексиз нафрат билан ўтаётган машинага қараб, ичида сўкинишни канда қилмасди. Кейин ўйини келган жойидан давом эттирарди. Бир пайт шундоққина ёнгинасида қизил “Москвич” чийиллаганча тормоз берди. Абдуҳамиднинг бирдан капалаги учиб кетди. Бир дақиқа ранги оқариб сўз айтолмасдан машинага қараб турди-да:

— Онангни..., мол! Кўзми, тешикми, итдан тарқаган! Урворишингга озгина қолди-ку! — дея сўкинишга тушиб кетди.

Худди шу маҳал унинг йигитлари югурганча етиб келишиб, энди эшикни очган ҳайдовчини машина ичидан сугуриб олишди-да, дўппослашга тушиб кетишди. Улар гўё қутуриб кетишганди, ҳайдовчини икки дақиқа ичида қора қонига бўяшди.

— Тўхтанглар, барака топгурлар, тўхтанглар! — дея қичқира бошлади ҳайдовчининг ёнида ўтирган киши машинадан тушиб.

Шу билан у ҳам балога қолди. Йигитлардан бири ҳайдовчини шеригига қолдириб, унинг ёнига келди-да, қулочкашлаб юзига мушт туширди. Бунақа зарбани умрида кўрмаган киши кўзидан ўт чақнаб орқаси билан йўлкага қулади. Унинг ҳам бурнидан қон отилиб чиқди. Шундан кейин ҳам Абдуҳамиднинг йигити уришини тўхтатмади. Бечоранинг оч биқинига қайта-қайта тепаверди.

— Абдуҳамид ака! — деб бақриб юборди йўлда букчайиб ётган одам.

Ўзининг номини эшитган Абдуҳамид бирдан йигитларини уришдан тўхтатди ва битта-битта қадам ташлаб, ерда қонига беланиб ётганнинг ёнига келди-да, ижирганиб бироз қараб турди, сўнг:

— Кимсан?! — дея сўради дағаллик билан.

— Акажо-о-н, — деди ҳалиги одам инқиллаб, — сизнинг ёнингизга келаётгандик.

— Ҳм-м, — дея илжайди Абдуҳамид, сўнг йигитларига буюрди: — Машинага ортинглар буларни!

Ўзи эса чойхонага йўл олди.

Можарони бир талай одам кўрган, уларнинг деярли ҳаммаси жанжал бўлаётган жойнинг ёнгинасидан ўтишганди, аммо бирортаси машинасини тўхтатиб, “Ҳов, нега буларни ураяпсанлар, қўйинглар”, демади. Шунчаки машиналарининг деразаларидан томоша қилиб ўтиб кетишди. Ора-чора битта-иккита “ў-ў, жўжахўрозлар”, дегувчилари бўлди, лекин эрта бир куни ўзлари мана шундай қўйга тушиб қолишларини хаёлларига-да келтиришмади.

Абдуҳамид чойхонага етиб боргунича унинг йигитлари ёрдам сўраб келганларни яхшилаб ювинтиришиб, савол-жавобга тайёр қилиб қўйишганди. Улар худди қаҳрамонлардай хожасига пешвоз чиқишди. Бироқ Абдуҳамид уларга мурувват кўрсатмади. Балки ҳовлиқмаликлари учун ўқрайиб қўйди-да, ёнларидан ўтиб, бир-бирига термилганча миқ этмай ўтирган “меҳмонлар”нинг ёнига борди. Салом-алик қилмади. Бунинг айна пайтда ўрни ҳам эмасди.

— Кимсан? — деди Абдуҳамид уларни менсимасдан.

— Мен, — деди мўйлови-ю сочига қиров тушган, пешонасини ажин босган, қотмадан келган киши, — Сулаймонман. Илгари сиз билан қўшни бўлганмиз. Кейин сизлар кўчиб кетгансизлар. Сизни қора тортиб келаётувдим.

Абдуҳамиднинг пешонаси тиришди. Ўзича Бештут маҳалласини, у ердаги одамларни эслади. Лекин орадан ўттиз йилдан мўлроқ вақт ўтганди. Рўпарасидагини эслай олмади.

— Анча йиллар ўтиб кетди, ёш кетаяпти, қарияпмиз, шунинг учун таний олмадим, — деди сўнг у юмшоқлик билан.

— Мен ҳам сизни кўча-кўйда учратиб қолсам танимасдим. Боя номингизни айтсам, уришмас деб ўйлаб, исмингизни айтувдим. Худди ўзингизга рўпара бўлган эканман... Узр, укам, — дея Сулаймон ёнидаги йигитга қаради, — шошиб қолди. Сизга яқинлашганимизда: “Шу одамдан сўрайлик-чи, балки Абдуҳамид акамларни танир”, дегандим, шартта тормоз босди... Узр, минг бор узр!

— Энди танимасни сийламас, дейдилар. Болаларимизнинг ҳам сал ҳовлиқмалиги бор-да. Сизларам хафа бўлмай-сизлар, — дея илжайди Абдуҳамид, сўнг ортига ўгирилди ва эшик ёнида турган йигитга: — Дастурхон ёзиб, чой-пой олиб келларинг, — дея буурди.

— Овора қиламиз-да, — хижолат бўлди Сулаймон. У бояги калтаклардан сўнг, Абдуҳамиднинг қовоғини осилтириб киришидан кейин бунақа мурувват кўрсатилишини мутлақо кутмаганди. — Биз бирровга... озгина ишимиз бор, шунга...

— Овораси бораканми, шундоқ маҳалладошларим мени сўраб келади-ю, бир пиёла чой қуймасам, уят бўлади. Албатта, кўчадаги ҳисобмас, — деди Абдуҳамид кулиб.

Дастурхон ёзилди, қанд-қурс олиб келинди. Ошдан сўнг ошпаз ўзлари учун чўққа кабоб қўйганди. Унинг ҳам баракасини учуриб, ярмини дастурхонга келтиришди.

Абдуҳамид меҳмонларни дастурхонга ундади. Бироқ Сулаймон билан унинг укаси бирон нима ейдиган аҳволда эмасдилар: иккисининг ҳам жағи сал қимирлатса оғриётганди. Улар Абдуҳамид билан гаплашишнинг зўрға эпини қилиб туришганди. Шу боисдан чой ичишди-ю, лекин таомдан тотинган бўлишди, холос. Шунингдек, суҳбат ҳам энди узуқ-юлуқ, бир-бирига қовушмаётганди. Шунинг учун Абдуҳамид узоқ чидаб туrolмади.

— Маҳалладагилар тинчми? — дея меҳмонларини мақсадга кўчишга ундади.

— Маҳалла-ку тинч, — дея бошини эгиб сўз бошлади Сулаймон, — лекин бизнинг уйимиздан тинчлик йўқолиб қолди-да, ака. Шунга сиздан ёрдам сўраб келдик. Бу муаммони сиз ҳал қилиб бермасангиз, бошқанинг кўлидан келмайди.

— Оилавий ишларингни мен қандай ҳал қилиб беришим мумкин? Ўзларинг келишиб кетаверинглар, — деди Абду-

хамид ҳам ҳайрон бўлиб, ҳам эски маҳалладошларининг икир-чикирлар билан унинг ёнига келганидан бироз асабийлашиб.

— Бизнинг кўлимиз калталиқ қилиб қолди, ака. Кучимиз етмади. Шунга бошимизни эгиб олдингизга келдик. Бир ёрдамингизни аяманг. Биздан қайтмаса, худодан қайтсин...

— Очикроқ гапиринг. Нима бўлди ўзи? — деди Абдуҳамид унинг гапларини охиригача эшитишга сабри чидамай.

— Манави укам, — дея Сулаймон ёнида суд залидаги қора курсида ўтирган одамдай бошини эгганча миқ этмай ўтирган йигитни кўрсатди, — универмагда ишлайди. Яқинда бошлиғи бўйнига йўқ жойдаги айбларни босиб, нақ етти мингга туширибди. Ўзи камбағал-бечора бўлсак, шунча пулни қаёқдан топамиз? Агар эртагача олиб бормаса, бир ёқлик қилиб юборар эмиш.

— Ким бўлиб ишлайсиз ўша магазинда, ука? — дея сўради Абдуҳамид йигитдан.

— Оддий юк ташувчиман, — жавоб қилди йигит айбдорона.

— Магазин қаерда?

— Шаҳарнинг биқинида жойлашган.

— Эртага якшанба, — деди Абдуҳамид ўйланқираб, сўнг секин ўрнидан турди-да, ташқарига йўналди. Меҳмонлар бақрайганча унинг оғзига термилиб ўтиришарди. Бироқ мезбон ҳеч нарса демади. Фақат ташқарига чиққанидан кейин йигитларидан бирини ёнига чақириб, универмагининг кимга тегишли эканлигини билиб келишни буюрди. Сўнг ортига қайтиб, маҳалладошларига: “Кечга бир хабар олинглар, бирорта гап чиқиб қолса айтаман”, деди. Унинг ўй-хаёли ўша универмагда эди. Чунки у агар Шерга қарашли бўлиб чиқмаса, Абдуҳамид нафақат маҳалладошларининг ишларини битиради, балки ўзига яна битта яхшигина “соғин сигир” ҳам топиб олади.

Йигити хушxabар билан келди. Универмаг ҳеч кимга тегишли эмас, директор ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб, топганини маза қилиб еб юрибди. Бу гапларни эшитганидан кейин Абдуҳамид ҳайрон бўлди: “Қандай қилиб у кўздан панада қолиб кетди? Нега унга шу пайтгача Шер-

нинг назари тушмади?.. Ёки Шернинг ҳам дасти етмайдиган бирорта амалдорникимикан?”

— Эртага ўша директор бозорга янги мошинасини сотгани олиб чиқармиш, — деди кечга томон келган Сулаймон худди дунё топгандай оғзи қулоғида илжайиб. У анчадан бери Абдуҳамиднинг кимлигини яхши билар, унинг жиноят оламида обрў-эътибор топганидан хабардор эди. Шу боисдан ҳам ундан нажот истаб келганди. Укасининг хўжайини машинасини сотишини эшитганида эса хурсанд бўлди ва ўйладики, агар бу гапни Абдуҳамидга бориб айтса, унинг ҳам боши осмонга етади. Яна хизмат ҳақига ҳеч нарса сўрамаслиги ҳам мумкин.

Бироқ у Абдуҳамиднинг юзидан қувонч аломатини кўрмади. Аксинча, ғамгиндай ва ҳатто хафадай туйилди унга.

Абдуҳамид кўп ўйлади. Кечаси билан кўзига уйқу келмади. Қосимдан маслаҳат ҳам сўрамоқчи бўлди, аммо амакиваччасидан тузук-қуруқ гап чиқишига кўзи етмай, дарров ниятидан қайтди. Тонг отгач, таваккал қилиб йигитларидан тўрттасини ёнига олди-да, бозорга йўл олди. Универмаг директорини топиш қийин бўлмади, айғоқчиликка юборган йигити дарров уни таниди, лекин тезда олдига бормади. Бозор айланиб, нарх-навони суриштирди. Вазиятни билди, ундан кейингина универмаг директорининг машинасига яқинлашиб, уни обдон кўздан кечирди. У “Жигули”нинг атрофида юрганда сотувчи машинадан тушмай, орқа ўриндиқдаги бир аёл ва қиз билан гаплашиб ўтирди. Аёл қирқни қоралаб қолган, қиз эса ўн етти-ўн саккиз ёшда, оппоқ юзи, елкасига тушган сочлари, қарашлари жодули эди.

— Ака, — деди Абдуҳамид ойнадан мўралаб, — мошинанинг нархи қанча?

— Ўн бир, — деди сотувчи пинак бузмай, у томонга бир қараб қўяр экан.

— Анча қиммат-ку, озгина тушиб берарсиз, — деди Абдуҳамид ялингандай бўлиб.

— Олиш ният борми ўзи? — деди директор афтини бужмайтириб.

— Ният бўлмаганда сўрармидик? Мошинадан тушсангиз, келишиб олармидик.

Директор қўлларини икки ёнига ёзиб керишди, кейин оҳиста эшикни очди-да, бир оёғини ерга қўйди. Шунда Абдуҳамид унинг қорни бўйига нисбатан анча катталигини кўриб, ичида кулиб қўйди.

— Ука, — деди директор кўрсаткич бармоғини юқорига кўтариб, — бўладиганини айтай, ўн ярим, бошқа тушираман деб овора бўлманг.

Абдуҳамид бир машинага, бир директорга қаради-да:

— Шу туриши ўн ярим, тўғрими? — деб сўради.

— Шу туриши ўн ярим минг, — деди директор илжайиб.

— Нодир, — йигитларига юзланди Абдуҳамид, — олиб кел.

Кичкина жомадон кўтарган жуссаси ҳам кичиккина йигит пилдираб келди-да, жомадонни очди. Даста-даста пулни кўриб, директорнинг кўзи олайди. Хаёлидан “Бекор нархни туширибман”, деган ўй яшин тезлигида ўтди.

— Хоҳласангиз шу ерда санаб олинг, хоҳласангиз нотариусга борамиз, — деди Абдуҳамид жилмайганча.

— Нотариусга боргунча бу ёғини санаб қўя қолайлик, — дея илжайди директор ва машинасининг деразасидан ичкарига қараб: — Онаси, Диля, тушинглар, — деди.

Аёл машинанинг эшигини очиши билан Абдуҳамид унинг ёнига тез-тез юриб борганча:

— Хоним, ўтиринг. Сиз билан қизингизни ҳам сотиб олдик, — деб илжайди.

* * *

Икром хайрлашгач, худди қиз айтганидай бекатда ундан уч-тўрт қадам нарида турди. Гўё автобусни кутаётган бетоқат одамдай тутди ўзини. Бироқ бутун фикри-зикри қизда эди, автобуснинг соатлаб келмай қолишини истаётганди. Лекин унинг хоҳиши ижобат бўлмай, вошиллаганча автоулов бекатда тўхтади. Икром Дилдора томонга қаради, “чиқма”, дегандек бош чайқади. Лекин қиз уни куйдириб ўша “қоработир”га чиқиб олди.

Дилдора хурсанд ҳолда уйга кириб борди.

Ҳар кимнинг хаёли ҳар жойда юради, деб бежиз айтишмаса керак-да, қизининг юзидаги қувончни кўрган онанинг кўзлари порлаб кетди, “Ҳойнаҳой, бу қизи тушмагур

куёв билан учрашиб, гаглашиб келаяпти, шекилли... Ишқилиб, қизгинамнинг кўнгани рост бўлсин-да!” деб хаёлидан ўтказиб, уни ўпиб қўйди. Дилдора ҳали уйга кириб улгурмай, она-бола айвонда дуч келишганди. Доимо қизининг саломига алик олиш билан чекланадиган онанинг бу сафар ўпиб қўйиши Дилдоранинг кўнглида шубҳа уйғотган эса-да, ортиқ эътибор бермади. Тўғрироғи, хурсандлигидан ўзи ҳам онасини қучоқлаб олди.

— Уйга кириб кийимларингни алмаштириб чиқ, кенонинг ширингина овқат қилган, маза қилиб ичиб оласан, — дея она қизини қучоғидан бўшатди.

Қиз хонасига кириб, тошойна олдида талай муддат қолиб кетди. Ҳали сочларини турмаклайди, ҳали ёзади, ҳали лабларини баттар қизартиради, жодули баданини силайди. Кўзгудаги гўзалнинг сулувлигидан рашки келиб, тилини чиқариб, уни эрмаклайди. Кейин қилиғидан ўзи кулиб юборади... Кўнгли ўша — бор-йўғи икки марта кўрган Икром томон талпинаётган эса-да, буни ақл рад қиларди. Хаёлида “Унинг кимлигини билмайман, бунчалик шу болани деб ёниб-куймасам”, деган ўй ҳам йўқ эмасди. Бироқ бу хаёллар кўнглидаги ишқ алангаси олдида ҳеч нарса эмасди. Агар у йигит билан яна бир маротаба учрашса, ёниб кулга айланишини ўзи ҳам билиб турарди.

Онасининг чақирришидан ўзига келган Дилдора чиққиси келмай, кўзгу қаршисида яна бироз турди. Кейин ўзининг ҳолатидан ўзи уялиб кетди. Ички қўйлақда, бўртиб кўришиб турган сийнаси-ю хипча белини кўришдан уялди ва юзига қизиллик югуриб, нигоҳини кўзгудан олди. Агар онаси уни чақирмаганида, балки у уялмаган ва яна талай муддат ўзини-ўзи томоша қилиб, ширин хаёллар оғушида бўларди... У бирдан кафти билан юзини бекитди-да, қўйлагини ўриндиғи устидан олди.

Дилдора ошхонага кирганида ўртадаги стол байрамона безатилган эди.

— Чиқишинг қийин бўп кетди, — деди она қизига табассум билан боқиб.

— Ётиб ухлаб қолай дебман. Чарчаган бўлсам керак-да. Ўзи бугун институтда кўп ўқидик, яқинда охирги имтиҳонни топширамыз. Домла жуда ўжар, инжиқ. Яхшилаб

тайёрланмаса, дарров йиқитади, — деди Дилдора ёлғонларни қаторлаштириб. Гўё шундай демаса онаси билан келинойиси хаёлидагиларни билиб оладигандек эди.

— Бир гап бўлар, — деди Назира опа ҳафсаласизлик билан кўл силтаб. — Ўзингни кўп уринтираверма. Қиз бола уйнинг одами. Ўқиганда дунё олиб келмайди. Асосийси, куёв бола топармон-тутармон бўлса, бўлгани.

Дилдоранинг бирдан қовоғи осилди. У онаси “куёв” деб кимни назарда тутаётганини яхши англаганди.

— Уф-ф, — деди у ерга қараб, — ойижон, яна бошландими?

Назира опа қизидан бундай гапни умуман кутмаганди. Чунки Дилдора кейинги пайтларда анча ўзгариб қолган, онаси назарда тутган куёв ҳақида гап кетганида жилмайиб кўядиган, ҳатто бирор ойлардан сўнг учрашувга чиқишга кўнганди ҳам. Энди бўлса, мутлақо бошқача гапираяпти.

— Нима бўлди сенга, қизим? Кечагина ойдай юрувдинг... Шу ўқиш жойингда бир гап борга ўхшайди-да. Ўқишга борсанг феълинг айниб келасан, — деди Назира опа қизига нигоҳини қадаб.

— Ойи, ўқишим жойида. Фақат менга турмушга чиқиш ҳақида гапирманг. Нимагадир шу гапни эшитсам, аллергиям кўзийди.

Дилдора шундай деди-ю, кейин ўзи кўрқиб кетди. Икром билан бир-икки ой гаплашиб юрса, кейин у совчиларини жўнатса-ю... “Қандай қилиб шу йигитни яхши кўраман, фақат шунгагина тегаман, дейман?”

Назира опа қизига бир ёвқараш қилди, сўнг хўрсиниб кўйди-да, косасидаги овқатни нари сурди. Бу билан у аразлаганини ошкор қилиб кўйди. Шундан кейин на она ва на қиздан садо чиқди. Дилдора онасига қарамасдан овқатини тез-тез ичиб тугатди-да, ўрнидан турди.

— Намунча тез турдингиз? — деди худди шу пайт ошхонага боласини кўтариб келган Нафиса.

— Кечирасиз, кеннойи, иштаҳам йўқроқ, бунинг устига, чарчабман, озгина дам олай, — дея Дилдора зипиллаб унинг ёнидан ўтиб кетди.

— Яна тутиб қолди, шекилли, — деди қизи кетганидан кейин Назира опа овқатини ўзи томон тортаркан. — Битта гап кам, иккита гап кўп бунга.

— Бирон нарса деганмидингиз? — сўради унга тикилиб келин.

— Бирор нима деб бўладими унга, қайлиқ тўғрисида озгина гапирувдим, бирдан оғзимга урди. Нима эмиш, куёв тўғрисида гапирсак, унинг аллергияси қўзғармиш. Билмадим, бу қиз кимга ўхшаган? Ҳали куйдириб ўлдирса керак!..

— Ойижон, балки севган йигити бордир. Ўзим секин сўраб кўрайми? Ҳар қалай, кеннойисиман-ку, мендан яширмас, нима дедингиз?

— Билмадим-ов, ишқилиб, сизниям тишлаб отмаса гўргайди, — деди Назира опа бошини сарак-сарак қилиб. — Адаси у томонда бўлмагандаям бир бало қилиб кўндирардик. Адасиниям жин урганми, нима бало, ўзи топган йигитга турмушга берамиз, дейди. Ёшгина қизча одам ажратишни билармикан?

— Ойижон, менам ўғлингизни яхши кўриб текканман.

— Қизим, менинг ўғлимга ўхшагани ҳамма вақт учрайвермайди-да. Ҳай, майли, ҳозирча индамай турайлик-чи, бир куни ўзи ёрилиб қолар... Сиз ҳам, қизим, бир кўнглига қўл солиб кўринг, балки ҳақиқатан ҳам битта-яримтаси билан кўришиб тургандир. Лекин-чи, нима деса ҳаммасини оқизмай-томизмай ўзимга айтиб берасиз.

— Хўп бўлади, ойижон, сиз нима десангиз ҳаммасини қиламан.

Бироқ Нафисанинг ҳамма ҳаракати бекор кетиб, Дилдорадан бир оғиз ҳам сўз ололмади. Аксинча, қиз келинойисини жеркиб берди:

— Кеннойи, сиз эрга тегаётганингизда мен аралашганмидим? Бошимни қотириб ҳар балоларни сўрайверманг...

Шу билан Нафиса мум тишлади. Қайнонасининг ёнига бориб қизининг гапларини айтиб берди.

— Унда бундай қиласиз, қизим, — деди Назира опа бироз ўйланиб турганидан кейин, — эртага ўқишга кетаётганида орқасидан тушасиз. Ким билан учрашади, ким унинг бошини айлантириб юрибди, ҳаммасини билиб келасиз.

— Хўп бўлади, ойижон, — деди Нафиса ўта жиддий вазифа олган аскардай жиддий туриб.

Аммо ўша лаҳзада на у, на Дилдора эртага қандай даҳшатли воқеалар содир бўлишини билишмасди.

Қосим Абдухамиднинг ёнидан чиққанидан сўнг йигитларини бутун шаҳар бўйлаб тарқатиб юборди. Ҳатто уйига яқингинада қўйган қўриқчини ҳам қолдирмади. “Ўзим ўтираман, сен ҳам бор, қидир”, деди у.

Бу сафарги иши натижа берди. Аёнларидан иккитаси ўзбошимчалик билан вокзалга чиқиб, вилоятлардан марказга келаётган одамларнинг чўнтагини шилишни ниёт қилган Икромнинг йигитларидан бирини “асир” туширишиб олиб келишди. Бу йигит Икромнинг гуруҳига яқинда қўшилган эди. Икром ёшлиги ўтган ҳовлида уни имтиҳондан ўтказиб, кўнгли тўлмайд, иккилана-иккилана, шунда ҳам Самандарнинг оғзидан бол томиб мақташи билан қабул қилганди. Искандар эди унинг исми. Бўйи икки метрга яқин келадиган бу йигитнинг доимо кўзи ўйнаб турар, ўнта гапининг тўққизтаси албатта ёлғон ва қолган биттасига ҳам гумон аралашган бўларди. Аммо унинг ёлғончилиги Қосимга ўтмади. Уни аввал ертўлага олиб тушишиб, “Сен кимнинг томорқасига оралаб юрибсан?” деган айбни бўйнига илиб, тирноғи остига игна тиқишди. Шунда Искандар булбулигўёга айланиб, Икромнинг йигити эканлигини ва хўжайини мажбурлаб уни вокзалга чиқарганини сайрай кетди. Қосимга эса айни шу нарса керак эди. Агар у азобни яна кучайтирса, бошқа маълумотлар ҳам булоқдай отилиб чиқишини англади ва “асир”нинг кўз ўнгида игнани намақобга ботирди.

— Акаж-о-о-н! — ўкириб юборди Искандар. — Нима десангиз қиламан!!!

Қосим унинг наърасига эътибор ҳам бермай, шошилмасдан, худди жарроҳлик столидаги беморнинг терисини ўткир тиғи билан оғриқни қолдирувчи дорисиз кесаётган дўхтирдай, жиддий бир қиёфада игнанинг иккинчи томонидан секингина торта бошлади. Бунга сайин Искандар жони бўғзига келиб типирчилар, лекин маҳкам боғланган қўллари занжир орасидан суғуриб ололмас, кўзёшлари қароғини тўлдирганидан атрофни ҳам яхши кўролмас, томоша қилаётган Қосимнинг одамлари унинг кўзига қийшайган, буришган махлуқлардай кўринарди. Бундан Искандар баттар азобланар, тирик чиқиб кетишдан бутунлай умидини узганди. Қосим эса терисига сизмай қувонар, қилаётган

ишидан бир завқ олса, Искандарнинг жон алпоздаги ўкириклари юрагини икки марта шавққа тўлдирадди. Шундай усулни кўрсатган амакиваччасидан ҳам миннатдор эди.

Ниҳоят Қосим «ўйин»ига танаффус қилди. Ҳузур қилиб пешонасига тепчиган терни кафти билан артди. На спиртли ичимлик ва на бирорта аёл унга ҳозиргидек лаззат беролганди.

— Энди гапир, — деди у ниҳоят Искандарнинг тирноқлари орасидан намакобга ботирилган игнани суғуриб олгач, — Икром оканг бўларкан. Ҳалиям ўша боланинг ҳақиқурмати каллангни олмадик... Лекин окангдан ҳам хафа бўлганман, нима учун, биласанми?

Искандар кўзидан дув-дув ёшини оқизиб, “билмайман”, дегандек бош чайқади. Қосимга қаршисидаги йигитнинг ўта заифлиги нашъа қилди. Шундай одамлар унинг учун айни муддао эди. Қосим шунақалардан фойдаланишнинг устаси эди. Агар устози — амакиваччаси бўлмаганда ҳам у атрофига уч-тўртта одамни тўплай биларди. Фақат булар ўта заиф бўлиб, уларнинг боридан йўғи минг марта афзал бўларди. Лекин айнан душман томонда шундай тоифаларнинг борлиги унинг учун мисоли «гўшт» эди. Уларни маза қилиб “тановул” қилса, Қосимнинг баҳри-дили очиларди.

— Ана шу билмаслигинг учун сенинг терингни шилиб олсам ҳам кам! — ўшқирди Қосим.

— Акажон, бир қошиқ ҳаром қонимдан кечинг!

— Вой, “сволич”, жойи келса, қонингниям ҳаромга чиқариб ташлайсан-а... Бўпти, гапинг менга ёқди... Яхши бир оғайнимиз тўй қилувди. Шунга оканг келмади. Биз хафа бўлдик, — деди Қосим айёрлик билан.

— Таъзия бўп қолди, — дея Искандар бурнини кафтининг орқаси билан артди.

— Қанақа таъзия? — деди пешонасини тириштириб Қосим. — Нега бизнинг хабаримиз йўқ?

— Аканинг устози бор эди, тўқсондан ошган. Лақаби Қора дев эди. Самандар менга шундай деб айтувди. Анчадан бери касал ётувди. Ўлиб қолди. Шунга ака бирор ҳафтача ҳеч қаерга чиқолмади.

Қосим бу кутилмаган хабардан ҳайратланиб, кўзи чақчайиб кетди.

— Қанақа Қора дев? — деди у ажабланганини яширмай.

— Икром аканинг шунақа устози бор эди. Билмайман, улар қачон, қаерда танишишган. Айтишларича, акани унинг ўзи катта қилган экан.

— Эсиз, эсиз, — деди Қосим дарров ўзига келиб, бош чайқар экан. — Унда сен дамингни олиб тур.

Қосим ертўладан чиқди-да, уйга кириб телефон рақамларини терди. Бироқ дарров гўшакни жойига қўйди. “Йўқ, — деди ўзига-ўзи уқтириб, — бунисини бир ўзим қиламан. Қора дев ким? Нега унинг борлигини шу пайтгача ҳеч ким билмаган? Икромнинг у билан қанақа алоқаси бўлган? Ҳаммасини ўзим аниқлайман. Ундан кейин... Кейин шунга қараб иш тутаман. Ҳозир Икромнинг иблисчасидан Қора дев ҳақида тўлиқ билиб оламан. Агар билмаса, одам қўшиб Икромникига жўнатаман... Аввал шу ишнинг тагига етаман. Кейин анави қизини бир ёқли қиламан. Шунда биратўла Икромдан қутуламан”. Қосим уйдан чиқаётган маҳал бу ниятидан ҳам қайтди. Режасини амалга оширишга Искандарнинг заифлиги панд берди. Унинг тахминича, бу йигитча Икромни кўрар-кўрмас, бўлиб ўтган воқеаларни оқизмай-томизмай гапириб беради. Албатта, шундан кейин Икром уни соғ қўймайди. Шунинг билан бирга ўзининг ҳам режаси амалга ошмай қолади. “Яхшиси, қизни бирёқли қилиб олай, Икром “шок”ка тушиб қолгач, Қора девнинг кимлигини аниқлаб оламан. Бу маълумот Шерни ҳам қизиқтириб қолса керак. Чунки шундай одам ўтган бўлса, у қаергадир уруғ ташлаб кетган. Фақат Икромнигина ўзидан мерос қолдирмаган”, деган ўйга борди. Сўнг “Той”, дея йигитларидан бирини чақирди. Орадан фурсат ўтмасдан сочи тап-тақир қилиб олинган, озгин, кўзлари чақнаб турувчи, қошлари қалин, бўйни ингичка, ўн еттилар атрофидаги йигит болохонадан югуриб тушди-да, унинг ёнига келди.

— Той, — деди Қосим унинг елкасига қўлини қўйиб, — ўзингни кўрсатадиган вақт келди. Ҳозир Шернат аканг билан, — дея ертўладаги йигитлардан бирининг исмини айтди у, — анавини етаклаб у кўрсатган жойга бориб келасанлар.

— Хўп бўлади, хўжайин, — деди Той қўлини кўксига қўйиб.

— Фақат «хўп бўлади» билан битмайди бу иш, қарала-

ринг, яна у сенларни лаққа тушириб, ўзи суриб юборма-син, агар қочириб қўйсанглар нақ иккалангниям калланг-ни оламан!

— Хавотир олманг, хўжайин, худди айтганингиздай қила-миз, — деди Той хиёл жилмайиб.

— Бор, унда айтганимни бажар.

Қосим йигитлари вазифани бажариб келгунча, хонасида қамалиб ўтирди. У иши бунчалик илдамлаб кетганидан хурсанд эса-да, кўнглининг қаеридадир ғашлик бор эди. Ўша ғашлик унга тинчлик бермаётганди. У хаёлан бирон жойда адашиб қолмадиммикан, деб кўп ўйланди, ўзининг камчилигини излади, аммо тополмади. Шундан кейин бош оғриғидан қутулиш учун пиво ичди. Озгина ёзилгандай бўлди-ю, лекин барибир ғашлик кетмади.

Икромнинг иккинчи уйи ҳақидаги хабардан унинг юзи-га табассум югурди. Лекин бутунлай қувониб кетмади. Искандар қайтадан ертўлага қамалганидан кейин Той билан Шерматни ёнига чақирди.

— Икромни кузатинглар, уйдан бир қадам ҳам силжи-манглар, қаерга боради, ким билан учрашади, ҳаммасини билинглар, мабодо биронта қиз билан учрашиб қоладиган бўлса, дарров менга хабар беринглар, кейин ўша қизни уйигача кузатинглар, — деди ҳар икки аёнига ҳам еб қўйгудек тикилиб. У ўзининг шундай қараб турганини билмас, одатий гапираяпман, деб ўйларди. Ҳатто йигитла-рининг кўзларини олиб қочаётганликларидан ҳам ўзининг важоҳати бошқача эканини англаб етмади.

Йигитлари чиқиб кетганидан кейин Қосим ҳовлидаги бир пайтлар бобоси эккан, танаси кучоққа сигмайдиган ўрикнинг тагидаги столга оёғини чалиштириб ўтирди. Унинг шу ўрикка меҳри сингганди. Отаси тириклигида неча бор уни кесиб ташламоқчи бўлди, лекин ҳар сафар Қосим қаршилиқ қилаверди. Бобомдан ёдгорлик, деди, сояси яхши, деди, хуллас, ўрик яшаб қолди.

Қосим аввал ўзи яхши кўрадиган ўрикнинг танасига, сўнг шохларига тикилди. Шунда шундоққина боши тепа-сидаги йўғонроқ билакдай келадиган шохнинг қуриб қол-ганига кўзи тушди. “Синиб устимга тушиб кетса-я”, дея ўйлади у. Ва бу хаёли ҳали тарқашга улгурмай, қандайдир қуш потирлаб учиб келиб, айнан синиқ шохга қўнди. Қосим

сеҳрлангандай унга термилганча қотди. Ана шу лаҳзада шох қарсиллаб синиб кетди.

* * *

— Ним-ма?! — бақирди кўзи косасидан чиқиб кетай деган директор. — Яна бир марта қайтар!

Абдуҳамид тишининг оқини кўрсатиб илжайди, сўнг секин унинг ёнига келиб:

— Икки қулоғинг билан ҳам эшитиб ол. Мошина ичидаги аёл билан қиз мошинага қўшиб сотиб олинди, — деди.

— Сен валакисаланг нима деб валдираяпсан?! — дея тумшугини чўзган директор Абдуҳамиднинг ёқасидан ушлаб, уни энди силтамоқчи бўлганида, биқинига пичоқ тиралди.

— Мошинага ўтир! — деди важоҳат билан Абдуҳамид.

Директор бақириб, ён-атрофдагиларнинг эътиборини жалб қилмоқчи, шу йўл билан зўравонлар пўписасидан қутулиб қолмоқчи бўлди. Бироқ кўрқди. Биқинига тиралган пичоқ этига кириб кетишидан чўчиди ва секин юриб машинага ўтирди.

— Хоним, — деди Абдуҳамид орқа эшикни очиб, қизга мурожаат қилар экан, — сиз тушиб туринг. Акаларингиз зерикишибди, гаплашасиз.

Қизнинг кўрқувдан ранги оқарди. Бир Абдуҳамидга, бир ўта тушкун кайфиятда ўтирган отасига қаради. Отасидан ҳеч бир имдод бўлмагач, машинадан тушди. Унинг ўрнига Абдуҳамид ўтирди ва деразадан кўлини чиқарди-да, жомадонни ушлаб турган йигитга “олиб кел”, қабилида ишора қилди.

— Манави, — деди Абдуҳамид жомадонни очиб, — мен ваъда қилган пул, ҳозир айтган пулингни санаб кўлингга тутқазаман. Шу билан орамиз очиқ. Мен машинани бир аёл ва қизга қўшиб олиб кетаман. Сен пулли бўлиб қоласан. Нима дейсан?

Директор секин бошини кўтариб, орқа ўриндиққа ўгирилди.

— Хотиним билан қизимни олиб кетаман, — деди лаблари пирпираб.

— Гап йўқ, унисигаям кўнаверамиз. Фақат буларни мен сотаман.

— Қанча?!

— Ҳар биттаси ўн ярим мингдан, келишдикми?

— Ни... Қанақа қилиб ўн ярим минг?

— Пулинг етмайдами?.. Унда сен сотган машинанинг пулига биттасини, айтайлик, хотинингни сотиб ол, қизинг бўлса биз билан бирга кетади. Бизда қизлар учун хизмат кўп. Ишлатаверамиз.

— Маразлик қилма! — деди пешонаси тиришган директор.

— Агар яна бир марта кўполлашадиган бўлсанг, ҳаммасидан қуруқ қоласан. Ҳақоратнинг ҳам баҳоси бор. Гапир, қиз керакми-йўқми?

— Адажониси!.. — деб бирдан йиғлаб юборди шу пайт Абдуҳамиднинг ёнида ўтирган аёл. — Айтганини беринг, қутулайлик.

— Золотой хотин экансиз, — мақтади Абдуҳамид ҳамон тиржайганча.

— Бўпти, — рози бўлди директор оғир «ух» тортиб.

— Ана энди ўзингга келдинг. Эркак дегани бунақа бўптида.

Абдуҳамиднинг ишораси билан йигитларидан бири рулга ўтирди. Хожаси унга машинани бозордан олиб чиқишни буюрди.

— Тилдан ушлашни қойиллатар экансан, — дея директор яна Абдуҳамидга қаради. — Унда қизимни нега бу ерда қолдираяпсан?

— Қиз ҳозирча меники. Мен уни сендан сотиб олганман. Шунинг учун уни қаерда қолдириш менинг ишим.

— Эркакмисан?! — деди қизариб-бўзариб кетган директор.

— Кўрсатайми?.. “Карочче”, қизингни болалар ташқарига олиб чиқишади. Ундан хавотир олма. Сен пулни беришинг билан ҳаммангнинг тўрт томонинг қибла. Унгача ортиқча паразитлик қилмасдан босиб ўтир. Менинг сен билан пачакилашиб ўтиришга вақтим йўқ.

Директор шу гапдан кейин жим бўлиб, машина бозордан чиққунча жойидан қимирламай ўтирди.

Унинг ёнида Абдуҳамид айтган пул йўқ эди. Шу боисдан уйига хотинини зўравоннинг йигити билан бирга жўнатишга мажбур бўлди.

Орадан икки соат ўтганидан кейин Абдуҳамид йигитлари билан бирга оғзи қулоғида чойхонага қайтди. Хурсанд бўлмасинми, битта машина, яна қанча пул бор-йўғи ярим кун ичида қўлга кириб турибди. Нияти аъёнларига “эриш”, уларни яхшилаб сийлаш эди. Чойхонага етиб машинадан тушаётганида маҳалладошига кўзи тушди. У йўл ёқасида бошини хам қилганча, тинмай у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Абдуҳамиднинг юзи тундлашди. “Бу мендан пул сўраб келганмиди, ёки анави директор билан яхшилаб гаплашиб қўйишимни илтимос қилганмиди... Нега бунча канадай ёпишиб қолди, баччағар? Бир пайтлар сен яшаган маҳаллада яшаганим учун айбдор бўлдимми, энди?” — дея хаёлидан ўтказди ва гўё маҳалладошини кўрмагандай тез-тез чойхона томон юрди. Шунда ортидан:

— Абдуҳамид ака! — деган овоз келди. Бу ўша қўшниси эди. Афтидан, ерга қараб туравериш унинг машинадан тушаётганини кўрмай қолган, фақат Абдуҳамид чойхонага кириш арафасида шу томонга қараган ва нажоткорини ҳужрасига кириб кетмасидан бурун тўхтатиб қолмоқчи бўлган. Жиноят оламида эса ҳақиқий исмни айтиб узоқдан чақириш урф эмасди. Бу билан чақирилувчи камситилган, менсилмаган ҳисобланарди. Бундай чақирув, айниқса, авторитетларга нисбатан ишлатилса, ўша одам мутлақо кечирилмасди.

Абдуҳамид жойида таққа тўхтаб, тишларини гижирлатди. Қўлларини мушт қилиб, ёнидаги аъёнига:

— Ҳужрага олиб киришлар! — деб буюрди вишиллаб ва ўзи тез-тез юриб кетди.

Ҳали у сигаретасини тутатишга улгурмасидан, Сулаймонни етаклаб келишди.

— Ассалому алайкум, акажон, — деди Сулаймон эшикдан кириши билан. — Икки соатдан бери йўлингизни пойлаб тургандим.

— Бошқа қиладиган ишинг йўқми? — деди Абдуҳамид қошини чимириб.

— Энди, ака, битта иш охиригача етсин, дедим-да. Ўзи одатим шунақа...

— Эй, одатингга урай! — деди унинг гапларидан энсаси қотган Абдуҳамид. — Онангнинг уйимиди, итдай ивир-

сийсан бу ерда, ҳали анави шалпангқулоқ укангням етаклаб келгандирсан?

Сулаймон ток ургандай сесканиб кетди, вужудига енгил титроқ кирди. У маҳалладошидан бунақа муомала кутмаган эди. Сулаймон: «Абдуҳамид ака ҳамма ишни битириб келган бўлса, директор бизни ортиқча безовта қилмайдиган бўлса, чойга айтаман, бир мириқиб ўтирамиз», деб ўйлаганди. Аммо маҳалладошининг унинг саломига алик олиш у ёқда турсин, бирдан қўполдан-қўпол гапларни айтиши уни доводиратиб қўйди.

— Ҳалиги, ака, мен билмадим-да... Иш битмаган бўлса... Майли, узр, сизни безовта қилиб қўйдим. Чойга айтмоқчи бўлиб...

— Чойга айтгунча аввал бурнингни тозалаб ол, — деб бирдан унинг гапини бўлди Абдуҳамид. — Бошқа ишинг йўқ бўлса бемалол боравер.

— Хўп... Хўп, — деди Сулаймон ва ҳужранинг эшиги томон оғир қадамлар билан юраркан, — яхшиям, милисага айтганим, — деб юборди беихтиёр.

— Ним-ма?! — дея бирдан бақриб юборди Абдуҳамид. — Кимга айтиб қўйганинг?!

— Икки томондан унинг таноби тортиб қўйилса...

— Вой, итдан тарқаган! Вой, мараз! Сен ҳали милисага бордингми?!

Сулаймон оғзини очишга улгурмай, жағига Абдуҳамид қулочкашлаб мушт туширди. У чалқанчасига ерга қулаши билан Абдуҳамиднинг иккита йигити тинимсиз тепкилай бошлашди. Ора-чора аламига чидолмаган Абдуҳамиднинг ўзи ҳам уларга қўшилиб турди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас ҳаммаёғи қонга беланган Сулаймон ҳушидан кетиб, зарбаларни сезмай қолди.

— Ўлди, шекилли, — деди Абдуҳамид маҳалладоши жи-миб қолганидан кейин.

Йигитларидан бири дарров Сулаймоннинг томоқ томирини ушлаб кўрди-да, хожасига илжайиб:

— Ўлмабди, — деди.

— Ўлганида бошқа азоблардан қутулиб қўя қоларди. Яна ўзига жабр қилибди... Бу маразни шу аҳволда кўчага ташлаб кетсак, шунақа сасийдики, биз унинг исига чидолмай решотканинг орқасига бориб ўтиришимизга тўғри ке-

лади. Қоронғи тушганидан сўнг шаҳардан ташқарига оборинглар-да... ёқиб юборинглар. Токи кимлигини биров билмасин!

Абдуҳамид хужрадан ҳорғин кайфиятда чиқди. Унинг кўнглига ҳозир ҳеч нарса сиғмасди. Тўғри, аввал ҳам у иккита қотиллик қилганди. Биринчисида чўчиган эса-да, кейингисида бир туки ўзгармаганди. Ҳозирги аҳволи на униси ва на бунисига ўхшарди. Ҳозиргисида алам кучлироқ эди.

У хужрасидан уйга бориш учун чиққанди. Лекин машинасига ўтириши билан ниятидан қайтди. Рулда ўтирган йигитининг елкасига уриб:

— Дачага ҳайда, — деб буюрди-да, чўнтагидан сигарета чиқариб лабига қистирди.

Тамаки ҳам унинг кўнглидаги хижилликни ёзмади.

— Пиво борми мошинада? — дея сўради йигитидан.

— Исиб қолади, деб олмагандим, хўжайин, — деди йигит айбдорона овозда ойна орқали хожасига қараб олар экан.

— Бўпти, биронта дўкон ёнида тўхтаб ўтарсан... Айтмоқчи, мошинани нима қилдинглар?

— Худди айтганингиздай устага олиб бориб бердик. “Бир кунда сочиб ташлайман”, деди.

— Запчастларни ўтган галгидай арзон-гаровга сотиб юборманглар тагин. Мошина янги. Ўзининг нарҳини чиқарсин.

— Худди айтганингиздай бўлади, хўжайин, — деди ҳайдовчи йўлдан кўзини узмай.

Бу йигит Абдуҳамиднинг энг ишончли одамларидан ҳисобланарди. Қўшнисиникига ўғирликка тушгани учун уч йилга қамалиб чиққанди. Қамоқдан кейин икки йилча майдачуйда ўғирликлар билан кун ўтказиб юрди. Шундай кунларнинг бирида, ўша, ўзи ўғирликка тушган қўшнисига Абдуҳамиднинг кичик синглиси келин бўлди. Тўйга гарчи у айтилмаган бўлса ҳам борди. Елиб-югуриб хизмат қилди. Ўшанда «кўр кўрни қоронғида топди». Йигит Абдуҳамид ўтирган столга икки-уч маротаба ароқ олиб келди (у бу одамнинг бошқаларга нисбатан анча пўрим кийинганидан бирорта каттароқ амалдор бўлса керак, деб ўйлаган эди. Кейин шивир-шивирлардан унинг шаҳардаги катта ўғрилардан бири эканини билиб олди ва мумкин қадар у ерга

кўпроқ боришга, катта ўғрининг эътиборини ўзига жалб қилишга ҳаракат қилди). Учинчи келишида Абдуҳамид уни тўхтатди:

— Биз билан битта ол.

— Битта шартим бор, ака, — деди йигит дабдурустан.

— Мени ўзингизга қўшиб олсангиз.

— Тушунмадим, — деди қошини чимириб, унга бошдан-оёқ қараб чиққан Абдуҳамид.

— Сизнинг номингизни анчадан бери эшитиб юраман. Қаердан топишни билмай сарсон эдим. Тасодифан шу ердалигингизни эшитиб учиб келдим, — деди йигит киприк қоқмай.

Йигитнинг киприк қоқмай дангал гапириши Абдуҳамидга ёқди.

— Исминг нима? — деб сўради.

— Жўмард.

— Ғалати экан-ку, а? — деб Абдуҳамид ёнидагиларга қаради. — Қаёқдан топа қолдинг бунақа исмни?

— Билмадим, отам қўйган.

— Маъносини биласанми?

— Билмайман.

— Менам билмайман. Лекин зўр экан. Уйинг қаерда?

— Қудангизга қўшниман.

— Яхши, Жўмард ука. Эртага ўнга тайёр бўлиб тур, йигитлар олиб кетишади... Энди манагини ол, — деб Абдуҳамид унинг қўлига қадаҳ узатди.

Жўмард ўтирганларни яна қойил қолдирди: Абдуҳамиднинг қўлидан қадаҳни олди-ю, бир кўтаришда уни бўшатди ва нафас олмасдан яна бир тўлдириб уни ҳам ичиб юборди-да, кафтини ҳидлаб:

— Ака, сиздай одам билан танишиш мен учун байрам, — деди.

Эртасига Жўмардни Абдуҳамиднинг йигитлари чойхонага олиб боришди. Йигит юзини пичоқ билан кесиб қонини чиқарди-да:

— Бу сизга бўлган садоқатим белгиси, — деди.

Ўша лаҳзанинг ўзидаёқ Абдуҳамид уни “Тиртиқ” деган лақаб билан сийлади.

Мана, шунгаям беш йилдан кўпроқ вақт бўлди. Ўтган

давр мобайнида Тиртиқ Абдуҳамиднинг энг ишончли одамига айланиб улгурди.

Абдуҳамид деразадан талай муддат ташқарига қараб ўтирганидан кейин:

— Жўмард, — деди ҳорғин овозда, — мени бирорта пиво-барнинг ёнида қолдир, бироз пивоҳўрлик қилиб, кейин ўзим кетавераман, сен анави “қушча”ларингдан иккитасини дачага олиб бор. Озгина ёзилай.

— Маъкул, — деди Жўмард ва кўчани кузатиб кетаверди. Бироз юрганларидан сўнг у қидирган маскан “Юлдуз” ресторани кўринди.

Тиртиқнинг машинани шу томонга бурганини кўриб, Абдуҳамид койиди:

— Галча бўлдингми сен ҳам? Мен ресторанга олиб бор, демадим-ку. Оддий жойга бораман.

Жўмард машинани яна катта йўлга бурди.

Омонатгина турган бир қаватли бинонинг ҳовлисида кўрасини тутатганча кабобпаз ўз иши билан овора, ундан икки қадамча нарида оппоқ халат кийиб олган киши қозон кавлар, ён-атрофдаги столларни эса пивоҳўрлар, замондан узилиб, тирикликка қўл силтаб, каттакон қадаҳдаги ачимсиқ суюқлик — пиводан ичиб, папирос тутатганлар банд этган, айримлари ўзининг буюклигини шеригига исботлаш учун тинмай жавварди. Абдуҳамид улар билан ўтиришни хоҳламай, ертўлага тушди. Аксига олиб бу ер ҳам гавжум экан. У ноилож навбатда туриб, пиво, қуритилган балиқ олди, сўнг бориб бўш столлардан бирига ўтирди.

Биринчи қадаҳ худди сувдай кетди. Иккинчи, учинчиларини эса секинлик билан ичди. Шунинг баробарида маст бўла бошлади. Кулоғига шовқин-сурон эшитилмай қолди. Гўё бу ертўлада ўзидан бошқа ҳеч ким йўқдай ўзига-ўзи гапира бошлади. Ҳатто бир-иккига сирини ошкор этиб қўйди. Буни ўзидан бошқа биров эшитмади. Кейин тўртинчи-бешинчи қадаҳлар келтирилди. Ана шу пиволарни олаётган маҳал мастлик қилиб чўнтагидаги даста пулни ёнидагиларга кўрсатиб қўйди. Шу боисдан ҳам охириги қадаҳдаги пивони ичиш унга насиб этмади... Қаршисига сочсоқоли ўсиб кетган, одамни жиркантирадиган бадбўй ҳид таратганча, уст-боши йиртиқ, кир-чир маст киши келиб ўтирди.

— Сенга нима бор бу ерда, исқирт? — деди Абдуҳамид унга кўзини йириб қарар экан.

— Бақувват экансан, пиводан қарашиб юбор, — деди «меҳмон» хунук иржайиб.

Абдуҳамид чўнтагини кавлаб битта уч сўмлик чиқарди-да, унинг башарасига улоқтирди. «Бомж»нинг кўзи чақнаб кетди. Бу пул унинг учун жуда катта эди. Қанча вақтдан бери бунча пулни кўлида ушламаганди. Шу боисдан ҳам пулни оласола, пиво олиб келмоқчи бўлди-ю, аммо уларнинг ёнгинасида кўзларини лўқ қилиб қараб турган тўрт шеригидан кўрқди. Улар «бомж»ни бу “бойвачча”га тегажожлик қилиш учун юборишганди. Шундай бўлса-да, у пулни гижимлаганча чўнтагига тикди ва:

— Ичаётганингни бер, — деди Абдуҳамидга.

Боши айланиб, лаззат қилиб ўтирган Абдуҳамид унинг гапини яхши илғамай, яна бир марта кўзини йириб очишга мажбур бўлди.

— Ним-ма дединг, исқирт?

— Пивони бу ёққа узат, — дея «бомж» унинг қадаҳини ўзига тортди.

Бундан жаҳли чиққан Абдуҳамид бўш турган қадаҳни олиб энди урмоқчи бўлганида, ўзининг бошига қаттиқ бир нарса «гурс» этиб тушди. Оғриқдан кўзи тиниб, секин ёнига қулади.

* * *

Дилдора орқасидан «айғоқчи» тушганини билмасди. Ҳар доимгидек, гарчи модалар уйига умуман бормаган эса-да, худди у ердаги қизлар каби ўта назокат билан қадам ташлаб, бекатга келди. Ўзига зарур бўлган автобусни ўн беш дақиқача кутди ва яна одати бўйича автобусда бўш жойлар бўлишига қарамасдан тик турганча, деразадан ташқарини кузатиб, ширин хаёллар оғушида кета бошлади. Бироқ орқа ўриндиқ томонга бирров қараб кўйиш хаёлига келмади. Аслида қараганида ҳам фойдаси йўқ эди, чунки келинойиси сочларини орқасига ташлаб, енгсиз кўйлак кийиб олган, қайнсинглисига бир қараб кўйиб, яна тиззасидаги китобга термилганча кетар, шу аҳволида Дилдора уни таниб ололмасди.

Дилдоранинг бугун имтиҳони йўқ эди. У уйда ўтириб

зерикмаслик учун кутубхонага кирмоқчи бўлиб келаётганди.

Кўзи китоб сатрларида, бинойидек ўқиётган эса-да, ми-ясига ҳеч нарса кирмас, ўй-хаёли Икромда эди. Айни лаҳзада уни жуда-жуда кўргиси келаётганди. Баъзида у мана шундай истаги учун ўзининг устидан кулиб ҳам кўярди. “Йигит тополмай ўлиб юрганмидингки, бунча жониқасан! Агар у сенинг бу аҳволингни кўрса, роса мазах қилса керак?” — дерди ичида. Ва шу ўйидан кейин ҳам соатига бирров назар ташлаб кўяр, вақтнинг бунчалик секинлик билан ўтаётганидан жаҳли чиқар ва бирорта дугонам келмадимикан, деган ўйда, атрофига бир қур назар ташлаб кўяр, таниш қизлар кўринмагач, ҳафсаласи пир бўлиб, китобга тикиларди. Охири бу ерда ўтиришга ҳам чидамади. Китоб-дафтарларини йиғиштириб, ўрнидан турди.

Ҳар тугул факультетга борганидан кейин иккита курсдошини учратди. Улар кўзига шунақа яқин кўриниб кетиб, бориб қучоқлаб олгиси келди. Қизларнинг иккаласи ҳам узоқдан келиб ўқишар, ётоқхонада туришарди. Шаҳарлик қизлар билан улар орасида алоқа яхши эмасди. Салом-алик, бир-бирига китоб-дафтар бериб туришлар бўлиб турарди, лекин сирлашишлар улар учун ётдек эди. Бу сафар Дилдоранинг уларга нисбатан меҳри жўшиб, юрагига яқин олди. Шу боисдан ҳам унинг таклифи билан хоналардан бирига кириб анча вақт суҳбатлашиб ўтиришди. Айниқса гап ўзани севги-муҳаббатга бориб тақалганида, Дилдора алланечук бўлиб кетди. Ҳатто кенг хонага ҳам сизмади. Сабрсизланиб соатига қаради. Аммо дарс тугашига ҳали анча вақт бор эди.

— Сизнинг йигитингиз бўлса керак-а? — сўраб қолди бир маҳал қизлардан бири Дилдорадан. — Шундай гўзалсиз, бунинг устига, модний кийинасиз...

Дилдоранинг эти жимирлаб кетди. Кўз ўнгидан Икром ўтди. “Бор, ҳозир ҳам унинг келишини кутиб ўтирибман”, дегиси келди-ю, лекин уялди.

— Билмадим, йигитларнинг кўзига хунук кўринсам керак. Шунга биронтаси ҳам севги изҳор қилмайди, — деб кўя қолди.

— Алдашни эплай олмадингиз. Курсдош болаларнинг

дарс пайтида хат узатишларидан хабаримиз бор, — деди қиз жилмайиб.

— Менга кўпроқ бошқа касбагилар ёқади, айтайлик, қурувчими...

— Нега энди, шундай нозик қиз? — ҳайратини яширмади қиз.

— Билмадим. Кўзимга ўшалар бошқачароқ кўринади.

— Агар мен ўғил бола бўлганимда, тўғриси, сизни олиб қочиб кетган бўлардим. Қишлоғимга. Бир сигир соғдириб, ҳақиқий меҳнат қанақа бўлишини кўрсатиб кўярдим. Кейин сиз ҳам бизга ўхшаб шаҳарга интилиб қолардингиз.

Қизлар кулишди.

— Инженер бўлармидингиз? — деди Дилдора кўзлари чақнаб.

— Сиз нима десангиз биз шумиз-да. Ёки акамга келин қилайликми?

— Ҳай-ҳай, энди чегарадан чиқиб кетдик, менинг туйғуларимни овора қилиб қўймайлик, келинлар, менга қишлоқларинг ҳақида гапириб бериңлар, у ерларда тоғлар бўлса керак, булоқ сувлари оқиб ётгандир. Соя-салқин жойлар, маза қилиб дам олгандирсизлар? Ана шуларни гапиринглар. Тўғриси, мен тоғларни, ўрмонларни жуда яхши кўраман. Бир умр ўша ерларда яшасам дейман. Майли, сигир соғиш, ўтин теришларнинг барига чидайман. Умуман, ўчоққа ўт ёқиш менинг хоббим десаям бўлаверади. Маза-да, олов «чирс-чирс» этиб ёнади...

Дугоналар унга аввал жилмайиб қараб туришди. Кейин бирдан хохолаб кулиб юборишди.

— Қанақа тоғлар, қанақа зилол сувлар, биз яшайдиган жой теп-текис майдон... Соя-салқин? Уй деразаларини ёпиб ташласангиз ундан кейин бўлади салқин. Агар бунга ишдан қўлингиз тегса, албатта. Тоғ ўтинининг «чирс-чирс» этиб ёнишини тоғликлардан сўранг, бизда аввал таппи қиласиз, ундан кейин тутатиб ёқасиз...

Дилдоранинг ҳафсаласи пир бўлди. У шунчалик беғубор тасаввурда эдики... Бари... Ҳаммаёқ Саҳройи Кабир бўлиб кетди.

— Қизлар, мен бир ёққа боришим керак эди. Лекин сизлар билан маза қилиб гаплашдим, гапларинг бирам беғуборки, — дея ўрнидан турган Дилдора ҳар иккала

курсдошини ҳам юзидан ўпиб қўйганча, хонадан чиқиб кетди.

Кўча иссиқ эди. У университет ҳовлисидаги чинорларнинг тагидаги ўриндиққа бориб ўтириб, яна соатига қараб қўйди. “Чарчаб кетдим кутавериб, уйга кетсаммикан?” — дея ўйлади. Шу хаёлда ўрнидан туриб бир-икки қадам босди-ю, тўхтади. “Шунча кутдим, яна бор-йўғи бир соатгина қолибди. Озгина чидасам ўтиб кетади. Уйга бориб ҳам нима қилдим?” — дея пичирлади унинг лаблари ва қайтиб яна жойига ўтирди. Сумкачасини очди-да, маърузани ўқишга тутинди. Ўқишга қаттиқ берилиб, ёнгинасига келиб унга жилмайганча қараб турган йигитни сезмади.

— Барибир машғулотингизни бузишимга тўғри келади, — деди Икром Дилдоранинг ҳали-вери дафтаридан бош кўтармаслигига амин бўлиб.

Қиз чўчиб тушди.

— Вой, — деди лабига табассум югуриб.

— Кутмаганмидингиз? — деди Икром ва орқасига яшириб олган гулни унга берди.

Дилдора ич-ичидан шунчалик қувониб кетдики, қувонч таъсирида довдираб қолди.

— Шарт... Шарт эмасди, — деди у гулни олар экан.

— «Эмас»ини қўшманг. Шарт, тамом-вассалом.

Дилдоранинг ёноқлари қизариб, боши эгилди. У шу ҳолида шунақанги гўзал, ифбатли, нафосатли эдики, Икромнинг юраги ўйнаб кетди.

— Озгина айлансак майлими? — деди у ҳаяжонини яширолмай.

Қиз индамади. Индамаслик розилик белгиси эканлигини умрида биронта ҳам қиз билан гаплашиб кўрмаган, ҳаёти кимнидир чув туширишу қўйилган тузоқларга чап бериш ҳақидаги ўйлар билан ўтаётган йигит қаердан ҳам тушунсин? Таклифи жавобсиз қолганидан у ҳам қизариб-бўзариб қоққан қозикдай тураверди. Орадан бироз фурсат ўтгач, қиз илкис кўзларини ердан узиб унга қаради. Қиз билан йигитнинг нигоҳи туташди, ўртада соф, бирорта ғаразлик аралашмаган, чангу ғуборлардан холи, кибр яқинига ҳам йўламаган муҳаббат аланга олди. Бу шундай муҳаббат эдики, уни инсон онг-шуури билан бошқариб бўлмасди. У ён-атрофдагиларга бўйсунмасди. У ҳатто йигит билан

қизга ҳам қарамас эди. Хон эди, султон эди. Унинг олдида бошқа ҳамма нарса майда заррадан ҳам майдароқ эди. Унда шакл-шамойил йўқ эса-да, тоғни парчалашга қурби етадиган куч, қувват бор эди.

Икром беихтиёр Дилдоранинг қўлидан тутди. Муҳаббатдан юраги гупиллаб уриб турган қиз эътироз билдирмади.

— Вой ўлмасам, “индамас” қайнсинглим бало-ку, гап бу ёқда экан-да, — дея мийиғида кулди уларни кузатиб турган Нафиса. Хаёлидан ўзининг учрашувлари ўтди. Дилдоранинг акаси бунақа пайт жим турмас, худди гапга ўқиганга ўхшаб, тинимсиз гапирар, кулдирар, шу билан маъшуқасининг меҳрини кўпроқ қозонарди. Ҳозир Нафисанинг рашки келди. Унинг назарида ўзларининг тўйгача бўлган учрашувлари бу икки ёшнинг бир-бирига боқиб, тўймай туришининг олдида ўта ғариб туйилди. Гўё эридан ҳам уста йигитлар бордай, уларнинг суҳбатлари, гаплари қизиқроқдай эди. Нафиса енгил хўрсиниб, кўча томон кета бошляди.

— Кечирасиз, шу ерда ўқийсизми?

Туйқус берилган бу саволдан Нафиса ажабланиб ўгирилди. Қаршисида давангирдай иккита йигит турарди.

— Йўқ, — деди Нафиса, — ҳов анавилар ўқишади.

У ички бир рашк туфайли Дилдораларни кўрсатиб юборган эди.

— Уларни танийсизми? — деди йигитлардан бири жилмайиб.

— Ҳа, — деди Нафиса Дилдорага тикилиб, — афсуски, танийман.

— Кечирасиз, улар кимингиз бўлади? Ҳар қалай, исмларини айтсак, сўрайдиган нарсамизни аниқроқ айтишадида.

— Қайнсинглим, ёнидаги, адашмасам, йигити бўлса керак, биринчи кўриб туришим.

Йигитлар унинг ёнидан кетишди, аммо беш қадамча юрганларидан кейин тўхташди.

— Зўр бўлди-ю, — деди Той Шерматга юзланиб, — бир-йўла иккита “қушча”ни қафасга тикамиз, шекилли. Кўрдингми, келиноий ҳам ёмонмас экан. Хўжайинга совға қилишга арзийди. Аслида ўзимиздан ҳам ортмасди-ку, лекин хўжайиннинг олдида обрў яна ошади-да.

— Бундай қиламиз, — деди Шермат, — сен секин Икромни кузатасан. Мен келинойига аста гап ташлаб кўраман. Ўзиниям баданида борга ўхшайди. Ажабмас, дарров тўрга илинса.

— Келишдик, мошина менга қолади, — дея Той унга кўлини чўзди.

Нафисанинг ичига рашк туфайли шайтон кириб улгурган, шу боис кўнгли романтикани тусаб қолганди. Унга кутилмаган учрашув ҳозир зарурдай эди. Бу жудаям тез содир бўлиши керак эдики, унинг кўнглидаги эҳтирос ўчиб кетмасин... Нафиса бекатга етганида институт ҳовлисида дуч келган йигитлардан бирини яна учратиб қолди. У дастрўмоли билан пешонасидаги терни артаркан:

— Ҳаво жудаям исиб кетди-да бугун, — деб қўйди норози қиёфада осмонга қараркан.

— Тўғри айтасиз, — дея унинг гапини маъқуллади Нафиса.

— Автобусам ҳаммом бўп кетгандир. Автобусда юришни шунчалик ёмон кўраманки.

— Унда таксида юраверинг.

— Шундай қиламан, шекилли. Сиз қайси томонга кетасиз? Юринг, ташлаб ўтаман.

Нафиса иккиланиб ўтирмай манзилини айтиб юборди. Унга эркак зоти бегона эмасди. Эри билан кўп эҳтиросли дамларни бошидан ўтказганди. Бироқ ҳозирги ҳолатда у ўзини бошқаролмаётган, ичидаги туйғуга кучи етмаётганди.

Шерматнинг имоси билан киракаш машина тўхтагач, у орқа эшикни очиб Нафисани таклиф қилди.

Жувон, орқа ўриндиқда бир ўзим ўтирсам керак, деб ўйлаган эди. Бироқ ундай бўлиб чиқмади. Йигит худди авваллари ҳам бир-икки у билан суҳбатлашгандай бемалол ёнига ўтириб олди. Ўтирганда ҳам жувонга тиқилиброқ, оёқларини оёқларига теккизиб ўтирди. Қилиғидан ўзининг завқи келди. Аллақачон хаёлида суюқоёққа чиқариб кўйган Нафисанинг белига қўл юборди. Ана шундагина жувон ҳушёр тортди. Эшик томонга сурилиб, йигитга ёвқараш қилди. Шермат илжайди ва яна жувонга яқинроқ сурилди. Бу сафар унинг белидан кучишга ҳаракат қилмади. Оппоқ, нозик, узун бармоқларини ушлади. Нафиса

қизариб кетди ва ҳансирай бошлади. Буни Шермат ўзгача тушуниб, жувонни ўзига тортди.

— Қўйворинг, — деди йигитнинг қучоғига кириб бўлган Нафиса тилга кириб. — Мен тушиб қоламан!..

— Оппоғим, — дея унинг қулоғига лабини босди Шермат, — бугун меникисан.

* * *

Хожасининг ҳаяллаб қолганидан хавотир олган Тиртиқ Абдуҳамидни қолдирган пивохонага келди. Бу ерда одам қолмаган, ҳамма қаёққадир гумдон бўлганди. Жўмард бу ерни илгаридан биларди: ярим тунгача пиво сотилар, шунгача мижозлар, айниқса, “бомж”лар бу ерни тарк этмасди. У ҳайрон бўлиб, ертўлага тушди. Атрофни бир қур назардан ўтказди ва пулларни эринчоқлик билан санаётган сотувчининг ёнига борди.

— Бугун эрта ёпилибдими? — деди илжайиб.

— Биттасининг бошини чақиб қўйишди, — деди сотувчи бепарво жавоб қилиб. — Шунга милиса келди. Ҳамма қочиб кетди.

— Ким экан ўша боши чақилган? — сўради Тиртиқ хавотирланиб.

— Билмадим. Уни биринчи кўришим. Анча сипо кийинган экан, — деди сотувчи бир даста пулни ип билан ўрар экан. — Бало бормиди бу ерда? Шунча пулинг бор экан, ана, ресторанга бор. Биров мушугингни пишт демайди.

— Ҳов, мараз, — деди унинг ёқасидан чаққонлик билан ушлаган Тиртиқ. — Нима деб сасияпсан?

— Оғайни... Оғайни, мен унинг кимлигини қаердан билибман, ўзи озгина лақма экан-да...

Унинг оғзидан шу гап чиқиши билан Жўмард жағига қулочкашлаб мушт туширди. Сотувчи аввалдан шундай бўлишини билган эди. Бироқ чап беришга семизлиги халақит қилди. Жим турмай у ҳам Тиртиқни уриш ҳаракатига тушди. Аммо Жўмард чаққон йигит бўлгани учун сотувчининг ҳамма зарбалари ҳавога учди. Шундан сўнг сотувчининг башарасига шунчалик кўп мушт келиб тегдики, бечоранинг кўзидан ўт чақнаб, ҳеч нарсани кўрмай қолди. Охири у инграганча ерга гурсиллаб қулади.

— Итдан тарқаган! — сўкинди пишқариб Жўмард. — Ким урди? Кимни урди?!

— Айтдим-ку, — деди пишиллаб қолган сотувчи оғзидан қон оқиб. — Кимлигини билмайман. “Бомж”лар уришди. Улар пулни кўришса қутуриб кетишади.

— Юр бу ёққа, — дея Тиртиқ унинг ёқасидан ушлаб турғазди-да, ташқарига етаклади.

У ўзича чамалаб, агар хожаси калтак еган бўлса, травматология касалхонасига олиб боришган, деган хулосага келди ва шу томонга сотувчи билан бирга кетди.

Уни сезгиси алдамаган экан. Боши ёрилиб ҳушдан кетган Абдуҳамид бўлиб чиқди. Улар борган пайтда авторитет ўзига келган, лекин ҳали нима бўлганини англолмай шифтга қараб ётарди.

— Хўжайин, — деди унинг ёнига бориб тиз чўккан Жўмард, — кимлар қилди?

Абдуҳамид унга ўгирилиб қараб, аёнига тикилиб қолди. Шундан кейингина унинг хаёлидан бошидан кечирганлари бир-бир ўта бошлади. “Бомж”ларнинг калтакларини эслганда эса кўнгил оғриғидан бўкириб юбораёзди.

— Топ! — бақирди Тиртиққа. — Ернинг тагидан бўлсам ҳаммасини топ. Битта қолдирмай ҳаммасининг калласини ол, пиво сотувчиникига қўшиб!

— Хўп, хўжайин, — деди билакларига куч оқиб кела бошлаган Жўмард қўлларини мушт қилиб. — Бугундан қолдирмайман.

У ҳовлиққанча иккинчи қаватдан пиллапоярларнинг икки-учтасини бир қилиб пастга тушди. Касалхонадан чиқиб машинасига борганидан кейин эса бирдан тутоқиб кетди: сотувчи йўқ эди. Жўмард унга: “Мен уйингнинг қаердалигини биламан. Иш жойинг ҳам маълум. Агар қайтиб келгунимча жойингдан қимирласанг, хотининг бошқа эр қилади”, деганди. Сотувчи титраб-қалтираб ҳеч қаёққа кетмасликка сўз берганди. Энди эса у йўқ, зўравоннинг хастахонага кириб кетганидан фойдаланиб, қуённинг расмини чизибди. Жўмард сўкиниб машинани жойидан шахд билан кўзғади. Биринчи чорраҳадан ўнгга бурилиб, олди-орқасига қарамай шитоб билан кетаётган “асир”ига кўзи тушди.

— Вой мараз, ҳали мендан қочиб қутулмоқчи бўлдингми? — дея Жўмард унинг ёнига етиши билан ғийқиллатиб тормоз берганча, машинани тўхтатди. Филдиракларнинг

чиқарган овозидан йўлакда кетаётган одам чўчиб тушди-да, кўзлари косасидан чиққудай бўлиб машинага олайди.

Тиртиқ ҳовлиққанча машинадан тушиб, “асир”и томон икки қадам босди-да, жойида тўхтади.

— Ке... Кечирасиз, — деди ундан кўзини узмай, — сизни биттасига ўхшатиб юборибман.

— Ўхшатсанг шунақа қилиб мошина тўхтатасанми, юрагимни ёриб юборай дединг-ку, — дея туюқиб кетди йўловчи ўзига келиб.

Жўмарднинг қони қизиди. Унга йўловчининг гаплари зиғирча таъсир қилмаган, айнан унинг бошқа одамлиги асабига текканди. Шу боисдан, ғазабдан титраганча машинасига қайтиб ўтирди-да, тезлик билан жойидан жилди. У кўпроқ ўзидан хафа бўлаётган, “Лақма бўлмасам, итдан тарқаган тўнғизнинг бир ўзини мошинада ташлаб кетаманми? Уйини билмайман-ку, шунчаки, биламан, деб уни кўрқитиб қўймоқчийдим. Шуниям эпини қилолмадим”, деб ўзини-ўзи койирди.

Жўмард таксофон ёнига келиб тўхтади ва йигитларга кўнғироқ қилиб, пивохоначининг ёнига тезда етиб келишни тайинлади.

Йигитлар кўп куттиришмай, ярим соат деганда ҳаммаси жам бўлди. Тиртиқ уларга вазиятни тез ва қисқа қилиб тушунтириб, “бомжлар” билан пиво сотувчисини, Жўмарднинг тили билан айтганда, “тўнғиз”ни топиш кераклигини айтди.

— Сизлар ахлатхоналарни титиб туринглар, — деди йигитлардан бири, — мен ўша тўнғизни ўзим топиб келаман. Унинг оти Акбар, Чилонзорда турарди. Аввалдан яхшигина танийман.

Жўмард унинг гапига кулиб қўйди. Бошқа пайт бўлганида, яхшилаб таъзирини бериб қўйган бўларди. Чунки у ўзи билиб-билмай, шерикларига “ахлат титасизлар” қабилада гапирганди.

— Яхши, — деди Жўмард, — мана шу ерга олиб кел.

Кўз очиб-юмгунча йигитлар тарқаб кетди. Биргина Тиртиқ қолди. У машинага бориб ўтирганча, кўзини юмиб, дам ола бошлади. Ҳақиқатан ҳам у бугун жуда чарчаганди. Аввал “қушча”ларни қидирди. Уларнинг “ин”ини яхши биларди. Аммо у борганида, ўша уйдан ҳеч кимни топма-

ди. Ташқарида кутишга мажбур бўлди. Вақт ўтди. Бунга сайин унинг асаб томирлари таранглашди. Ниҳоят, уларнинг биттаси келди. Келиши баробарида Тиртиқдан роса сўкиш эшитди. Сўнг биргалашиб дугонасини қидиришди. Уни шаҳарнинг бошқа чеккасидан, қариндошиникидан топишди. Бу орада кўп вақт ўтиб кетганди. Шу боисдан Жўмард жиғибийрон бўларди.

Дала ҳовлига борганларидан кейин у Абдуҳамиднинг йўқлигини кўриб, хурсанд бўлиб кетди ва пайтдан фойдаланиб “қушча”лари билан бирга тўкин дастурхон тузади.

Тиртиқ хожасини барибир ичиб келади, ҳид билмайди, деган ўйда ароқ ичди. Кайфи бироз ошгач, қизларга кўнгли кетди. Бироқ улар билан ишрат қилишга ҳадди сиғмади. Тўғрироғи, кўрқди. Шу бўйи икки соатдан мўлроқ кутди. Хўжайинидан эса дарак йўқ. Аслида унинг ўзи ҳам Абдуҳамиднинг келишини истамаётганди... Аммо хожасини изламаса унинг бошига анча ташвиш тушиши мумкин эди. Бунга унинг ақли етарди...

“Бомж”лар тез топилди. Улар ғирт маст эдилар. Афтангорига қараб Жўмард ижирганиб кетди.

— Бу исқиртларни қаердан олиб келдинглар? — деди у ҳамтовоқларига башарасини бужмайтириб, — одам қўл теккизишгаям ирганади.

— Бир-бирини етаклаб келишди, — деди йигитлардан бири кулиб.

— Бундайлигини билганимда ўша ёқнинг ўзида бир ёқли қилиб келаверинглар, дердим.

— Биз ҳам, — деди тўсатдан кўзини базўр очиб турган “бомж”лардан бири, — одаммиз.

— Сен одаммисан, маймун тузукроқ сендан. — деди унга бошдан-оёқ қараб чиққан Жўмард. У шу дамда Абдуҳамидгаям қойил қолмади, келиб-келиб шу ипирисқилар макон топган жойни кўнгли тусаб қолгани унинг ғашига тегди. — Ҳаммаси шу ердами? — дея сўради у йигитларга юзланиб.

— Биттаси топилмади.

— Керагиям йўқ. Буларнинг тиригидан ўлиги қиммат. Ўша ахлатхонасига обориб тинчитиб ташланглар. Фақат қон чиқмасин.

Боягина гап қотган “бомж”нинг кўзи бу гапдан кейин мошдай очилди ва бирдан кўлини кўтариб:

— Биз ўламизми? — деди йиғламоқдан бери бўлиб.

— Тирик юрганингда нима каромат кўрсатардинг, сендақаларнинг боридан йўғи афзал, — дея жавоб қилди Жўмард.

— Унда армон бўлмасин, битта вино обер. Ичиб, ўлганимни сезмай қолай.

Тиртиқ билан унинг елкадошлари хохолаб кулиб юборишди.

— Падарингга лаънат, армонингга урай. Туя ҳаммомни орзу қилгандай, қилган ниятига қаранглар! Винони энди нариги дунёда ичасан.

“Бомж”нинг армони барибир ушалди. Бошқа йигитлар раҳм қилишиб, ҳар биттасига вино олиб беришди. Бироқ шишани бутунлай бўшатмасдан маст бўп қолишди. Сўнг тўрталаси ҳам бирма-бир бўғилди. Жон таслим қилаётганларида бирозгина типирчилашди, холос.

Гарчи хожаси пивофурушга ҳам ўлим жазосини берган эса-да, Жўмард унинг мана шу буйруғига ўзгартириш киритди, яъни аввал сотувчининг чўнтагидаги бор пулини шилиб олди. Ундан кейин ҳафтасига солиқ тўлаш шарти билан тирик қолдирди.

Абдуҳамид ётолмай, ўша куниёқ касалхонадан чиқди. Ҳайратланган шифокорларга: “Уйда даволанаман”, деди. Бироқ йўлни дала ҳовли томон солди. Озгина ҳаво алмаштириб дам олгиси келганди, бироқ у ерда ҳам қололмади. Юраги кўксига сиғмай, қафасидан чиққудек бўлаверди. Ваҳоланки, табиат хушманзара эди. Дала ҳовлининг атрофига соя берувчи дарахтлар қатор қилиб экилган, уларнинг тагидан булоқ суви оқиб турар эди. У ерга борилса, бас, одамнинг баҳри-дили очиларди. Аммо бу Абдуҳамиднинг хаёлига ҳам келмади. Кўз ўнгидан ўша тасқара “бомж”лар ўтаверди. Шунда у ўтган гапларни унутиш учун ароқ ичиб кўрди. Кайфи ошди. Эсига универмаг директори келди. Шунчаки келиб қолмади. У ҳозирги ҳолатидан чиқиш йўлини кўп ўйлаб, бир қарорга келганди.

— Жўмард, — дея ўзидан беш-олти қадам нарида чалқанча ётиб сигарет чекаётган йигитини чақирди.

— Лаббай, хўжайин, — деди Тиртиқ ўрнидан туриб.

— Анави падарингга лаънат универмагнинг директори нима бўлди?

Тиртиқ бироз ўйланиб турди-да, кейин югуриб хожасининг ёнига келиб паст овозда:

— Хўжайин, кайфиятингизни бузмаслик учун индамаган эдим. У уйига бориб, жўнаворибди. Ҳозир Шернинг одамлари ғимирлаб қолган эмиш, — деди.

— Шер?! — сўради бирдан капалаги учган Абдуҳамид. — Падарингга лаънат у ҳақида ҳеч нарса демаганди-ку.

— Хўжайин, унинг мошинасини тортиб олишга олди-у, бўйнига ойига етти мингдан илиб бекор қилдикми, дейман-да?

Абдуҳамиднинг вужудига энгил титроқ кирди.

* * *

Икром Дилдора билан ёнма-ён юриб, машинасининг олдига келди.

— Ўтиринг, — таклиф қилди у ўнг эшикни очиб.

— Қаерга борамиз? — сўради Дилдора жилмайиб.

— Бутун шаҳарни айланамиз. То жонимизга теккунча.

— Агар жонимизга тегмаса-чи?

— Унда яна айланамиз.

Машина жойидан жилди. “Нега бунақа бўлаяпти? Нега мен унинг ҳамма айтганларига кўнаяпман? Агар ҳозир у аҳмоқлик қилса, унда нима қиламан? Ота-онамнинг олдига ким деган одам бўламан?” дея хаёлидан ўтказган Дилдора йигитга зимдан қараб қўйди. Шунда Икромнинг юзида чексиз қувонч борлигини кўрди. Аввалига бундан унинг ўзи ҳам хурсанд бўлди. Аммо бироз ўтиб яна ўйга чўмди. Ўйларининг биронтаси яхшилик билан тугамасди. Бегона йигит, танимаган йигит, синалмаган йигит... Ундан ҳамма нарса кутиш мумкин эди.

— Мен барибир ҳеч нарсага тушунмаяпман, — деди у ниҳоят юрак ютиб. — Сиз билан деярли гаплашмадик. Лекин...

— Бир оғиз ҳам гаплашмасимиздан бурун, ҳатто ўзингизни кўрмасдан олдин ёқтириб қолганман сизни, — дея унинг гапини бўлди Икром.

— Сиз менинг кимлигимни билмайсиз-ку! Ундан кейин, мен ҳам сиз ҳақингизда бирор нарса билмайман.

— Ана, гап топилди, — дея Икром қиз томонга қараб қўйди. — Мен сиз ҳақингизда сўрайман. Сиз менинг кимлигимни билиб оласиз.

Икром туйқус жиддий тортди. Яхшики, ундаги ўзга-ришни бошқа томонга қараб кетаётган қиз сезмади, йўқса, ҳадиксираб қоларди. Икром илк бора ўзининг кимлигини бировга айтишга қўрқаётган эди. “Нима дейман? Ўғри эканлигимни, қиморбозлигимни билиб қолса, қандай жавоб қиламан? Кетиб қолса тамом бўламан-ку”, дея ташвишланарди у.

— Оддийроқ бирорта кафедра гаплаша қолайлик, — деди Дилдора унинг хаёлини бўлиб.

— Мен ҳам шу ҳақда ўйлаётгандим. Машинада юрсак тузук-қуруқ гаплашолмаймиз. Менинг бутун диққат-этиборим йўлда бўлади, — деди Икром унинг гапини маъқуллаб, жилмайишга уринаркан.

Йигит қизни анҳор бўйидаги ўзи жуда кўп келадиган кафега олиб кирди. Бу ернинг табиати жуда бошқача эди. Шундоққина сув устига сўри қилинган, сўрига мажнун-толлар эгилиб турарди.

Дилдора столга ўтирганидан кейин атрофга бир қур назар ташлади. Эсаётган муздай шабададан кўкрагини тўлдириб нафас олди.

— Жуда бошқача жой экан, — деди у шодлигини яширмай. — Қандай топгансиз бу ерни?

— Роса чарчаган кезларим келаман. Ўзиям соатлаб ўтираман. Кайфиятим кўтарилади, чарчоғим ёзилади.

— Бир ўзингиз келасизми? Бошқа столларда ёлғиз ўтирган бирорта ҳам одамни кўрмаяпман. Ҳаммаси жуфт-жуфт. Менимча, севишганлар бўлса керак, — деди Дилдора мийигида қулиб.

— Лекин мен ҳақиқатан ҳам ёлғиз келардим. Бундан буён мен ҳам бир ўзим бўлмайман. Ҳар доим сиз бўласиз мен билан...

Қиз ибo билан бошини эгди. Юзига қизиллик югурди.

— Биласизми, — дея бирдан гапини давом эттирди Икром яна суҳбатлари узилиб қолишдан қўрқиб, — мен тасодифан бу ерга келиб қолганман. Қандайдир иш билан кетаётганимда, худди мана шу кафенинг рўпарасида мошинам бузилиб қолган, у ёғини кавлаганман, бу ёғини кавла-

ганман, лекин тузатолмаганман. Кейин роса чанқаб кетиб, бир пиёла сув ичиш мақсадида кирганман. Қарасам, маза қилиб ўтирадиган жой...

— Кейин қизлар билан келгансиз, — деди Дилдора қувноқлик билан.

— Лекин унақаси бўлмаган, — деди Икром ҳам кулиб.

— Ишондим, — дея Дилдора Икромнинг елкаси оша орқасига қаради. — Ана, сизга ўхшаган биттаси келиб ўтирди.

Икром ҳам ўгирилди. Дарҳақиқат, кўк кўйлак кийган, сочларини тақир қилиб олдирган, икки юзи қип-қизил барзанги йигит бир ўзи ўтирарди. Йигит Икромнинг ўзига қараганини кўриб, бирдан саросималанди. Шартта таомномани олиб, гўёки уни кўздан кечирган киши бўлди.

— Тушунарли, — деб юборди беихтиёр Икром унинг бекорга келмаганини сезиб.

— Нима тушунарли? — ҳайрон бўлди Дилдора.

— Ўша боланинг ёлғиз ўтириши. Аниқ биламан, у нимадандир қаттиқ сиқилган. Худди менга ўхшаб. Шунинг учун бу ерни холи билиб ўтирибди. Агар бу гапларимгаям ишонмасангиз, унга кўз қирингизни ташланг. Биз томонга тез-тез қараб кўйяпти. Биласизми, у нима учун шундай қилаяпти? Бу саволгаям ўзим жавоб берай. Унинг ўйларига халақит бериб кўйдик. Айниқса, мен. Ўгирилиб қарадим.

Бу гаплар севиб қолган одамники эмасди, албатта. Икром қисқа фурсат ўзининг асл ҳолига қайтган, рўпарасида севган қизи эмас, балки йигитларидан бирортаси ўтиргандай мулоҳаза қилаётганди.

— Сиз қаердан билдингиз буларнинг барини? — дея ажабланиб сўради Дилдора.

— Аввал сиз менга айтинг, у биз томонга қараб кўйяптими?

— Ҳа.

— Билишимга сабаб — бошимдан ўтказганман.

— Кўп сиқилганмисиз?

— Нима десам экан... Анча-мунча... Келинг, яхшиси, буларнинг барини эсдан чиқарайлик, асосийси, ҳозир маза қилиб ўтирибман. Айтмоқчи, биз ҳали ҳеч нарса буюрмадик-ку. Ҳа, огоҳлантириб қўяй, бугун уйдан чиқаётганим-

да фақат сиз истаган таомни ейишни ният қилганман. Шунинг учун ҳамма “жабр” бўйнингизда. Танлайсиз, кейин биз сизга қўшилиб, ейишни қойиллатамиз.

Дилдора кулиб юбориб, таомномани қўлига олди-да, унга кўз югуртира бошлади.

“Бу ит қайси гўрдан келиб қолди? — дея ўйлай бошлади Икром. — Шу ердаям эмин-эркин ўтиришга қўйишмайди. Агар бирорта гап қилиб, Дилдоранинг олдида асабимга тегса сўйиб ташлайман... Буларга айғоқчилик қандай бўлишини кўрсатиб қўяман... Ҳойнаҳой, яна анави Қосим итнинг одами бўлса керак... Қачон “дум” бўлишга улгура қолди?”

— Хўш, — деди Дилдора таомномадан кўзини узиб, Икромга қараркан, — биринчисига фақат сиз учун чучвара, иккинчисига...

— Чучварани иккаламиз еймиз. Қаранг, қанча озғинман, кўп овқат кетмайди, — дея Икром ҳазилкашлик билан унинг гапини бўлди.

— Ўзим сизни семиртириб оламан...

Бу гап Дилдоранинг оғзидан қандай чиқиб кетди, унинг ўзи ҳам сезмай қолди. Шу боис уялиб кетди. Икром эса меҳрибонлиги учун ўрnidан туриб уни қучиб олишига сал қолди.

— Айтдингиз-ку, нимани танласангиз барини ейман деб, — деди қиз ўзини оқлаб. — Ваъдангизда турмайсизми?

— Тураман, иккинчисини айтинг. Лекин иккинчисидан ўзингизга ҳам бўлсин.

Дилдора жилмайиб, “хўп”, дегандай бошини қимирлатди.

Икром эрталаб икки пиёла чой билан қаноатланганди. Шунинг учун овқатни зўр иштаҳа билан еди.

— Икром ака, — деди Дилдора тушлик ниҳояланганидан кейин бармоғи билан олдида турган пиёланинг лабини силаб, — сизга битта гапни айтишим керак.

— Бемалол, — дея унга нигоҳини қадади Икром, — жоним билан эшитаман.

— Уйимизга совчилар келишган. Мени турмушга беришмоқчи...

— Қ-қачон?

— Мен розилик бермай юрибман. Лекин узоқ шу аҳволда юролмасам керак.

— Эртагаёқ совчи юбораман. Сизни ўзимники қиламан барибир.

— Мен қўрқаман.

— Нимадан?

— Ҳали сизни умуман танимайман, десам ҳам бўлаверади.

— Ҳалиги... биласизми... мен ўзи яхши боламан, — деди Икром бошқа гап тополмай.

— Биладан, — деди Дилдора кулимсираб.

— Йўқ, мен тушунтиролмадим. Нима десам экан?.. Ҳар қалай, афсусланмайсиз... Бошқа гап тополмаяпман... Сиз мендан бошқага турмушга чиқманг, — дея Икром қизнинг кўзларига илтижоли термилди. Кейин негадир ўрнидан турди. Афтидан, ҳозир қизга кўп нарса айтмоқчи эди. Бироқ тили калимага келмаётганди. Иккита стол нарида ўтириб, кўзини улардан узмаётган тақирбош халақит бераётгандай эди.

— Мен ҳозир, — деди Икром қизнинг жавобини ҳам кутмай, — ҳозир келаман.

Шундай дея у тез-тез юриб тақирбошнинг ёнига бориб:

— Сигаретадан топилмайдими? — деди.

— Топилади, — деди тақирбош бу худди табиий ҳолдай ўзини бемалол тутиб.

— Гугурт ҳам берсангиз, — деди Икром унинг қўлидан сигаретани олар экан.

Тақирбош гугурт чақиб, унга тутди. Икром сигаретини тутатган киши бўлиб энгашди-да:

— Агар ҳозирнинг ўзида қорангни ўчирмасанг, онангни учқўрғондан кўрасан, — деди таҳдид билан.

Тақирбош ҳақоратга чидолмай ўрнидан туриб кетаёзди. Бироқ шу онда хожасининг гаплари эсига тушди-ю, ғазаб билан ёнаётган гугуртни пуфлаб ўчираркан:

— Сизни тушунмадим, оғайни, — деди ўзини гўлликка солиб.

— Кейин кеч бўлади, ҳозир тушунганинг маъқул, — деди тутунни ичига ютмасдан пуфлаб юборган Икром, — омадингни берсин.

— Қизингизни рашк қилаяпсизми? Мен унга мутлақо эътибор бераётганим йўқ.

— Айтдим-қўйдимда, — дея Икром илжайиб қўйиб изига қайтди.

— Танишингизмиди? — деди Дилдора Икром жойига қайтиб келиб ўтириб, бояги тахлит сигаретасини чекар экан.

— Йўқ, у билан бу ернинг ҳавоси яхшилиги ҳақида гаплашдик.

— Сигарета чекишни билмаскансиз-ку, — деди Дилдора унинг қилиғига кулиб.

— Қаердан биласиз?

— Адам чекадилар.

— Қанақа қилиб чекадилар?

— Тутунни ичига ютадилар.

— Мен-чи?

— Сиз ютмаяпсиз... Анави одам кетаяпти, — деди Дилдора кўзи билан тақирбошга имо қилиб.

— Дам олиб бўлган, шекилли, — деди Икром безътибор.

— Сиздан ҳам шунақа сигарет сўраб туришармиди?

— Бўп турарди.

Дилдора соатига қаради-да:

— Анча кеч бўп қолибди. Энди борай, уйдагилар хавотир олиб қолишмасин.

— Дилдора, ҳалиги, биласизми, мен боя гапимни охиригача айтолмагандим. Аслида сигаретага шунинг учун боргандим. Биласизми...

Икромнинг гапи узилиб қолди, тақирбош унинг ёнидан ўтиб кетаётиб гугурти қўлидан тушиб кетди, сўнг уни олиш учун энкайди. Икром ҳам унга қаради.

— Узр, — деди тақирбош гугуртини олиб қаддини ростларкан қизга қараб, — сизларни безовта қилиб қўйдим. Лекин йигитингизга гап йўқ экан. Сиз ҳам, хоним, шу болага моссиз.

— Раҳмат, — дея Икром ўрнидан турди, — агар сиз айтмаганингизда, бир умр билмасдан ўтиб кетар эдик... Менимча, кўчага чиқиш йўлини билсангиз керак.

— Шунақа, шекилли, — дея тақирбош улардан узоқлашди.

Икром унинг орқасидан нафрат билан тикилди. Ичида сўкинди. Кейин пешонаси тиришиб жойига ўтирди.

— Икром ака, — дея Дилдора илк бора ўзи йигитнинг қўлидан тутди, шунчаки дўст дўстни овутиш учун ушлагандай, — хафа бўлманг. Бир шилқимга ўхшайди. Бунақалар хафа бўлишгаям арзимамайди.

— Узр, — деди Икром қизнинг юзига қарашга ботинолмай, айна пайтда, Дилдоранинг силлиқ, оппоқ, майин, иссиқ қўлидан ўзгача роҳат олиб, — сизнинг олдингизда жуда ноқулай бўлди.

— Мен сиздан ҳечам хафа эмасман... Энди борайлик. Бўлмаса ойимдан гап эшитиб қоламан.

— Ҳечам ажрагим келмаяпти, — дея Икром қизнинг қўлини маҳкамроқ сиқди.

Дилдора ана шундагина бармоқлари йигитнинг кафтида эканлигини сизди. У қўлини секин тортиб олишга ҳаракат қилди. Бироқ Икром қўйиб юбормади. Шунда бошини эгганча:

— Бошқа кунлар ҳам бор-ку, — деди паст овозда.

— Тўғри, лекин бир соатнинг ўтишини айтинг... Эртага кўришамизми?

— Билмадим.

— Эртага ҳам худди шу пайтда институтга бораман.

— Майли.

Яна бирор муддат улар шу алпозда ўтиришди. Дилдора саросималаниб соатига қараб қўяверди. Икром уни мутлақо қўйиб юборгиси келмаётганди, лекин айна чоғда севиб қолган қизининг гап эшитишини ҳам истамасди. Шу боис, мажбуран, худди биров зўрлаётгандай базўр ўрнидан турди.

Улар машинага ўтирганларидан кейин, Икром Дилдорага телефон рақамини бериб, “Кечқурун албатта қўнғироқ қиласиз”, деди. Қиз ўша жон ўртагувчи табассумини ҳады қилиб, “хўп”, дегандай бош ирғади.

Машина жойидан енгил қўзғалиб, аста-секин тезлиги оша бошлади. Дилдоранинг қўнглини қандайдир мубҳам кайфият эгаллаб олди. Унга Икром билан юриш ёмондай туйила бошлади. Шу боисдан ҳам деразадан ташқарига термилганча ўйга чўмди. Шунда қулоғига Икромнинг:

— Мошинани ҳам шунақа ҳайдайдими? — деган гапи

эшитилди ва беихтиёр тўғрига қаради. Дарҳақиқат, уларнинг олдидаги оқ “Жигули” йўлнинг у ёғидан-бу ёғига бориб келарди.

— Мастга ўхшайди, — деди Икром, — яхшиям, бу йўлда машина жуда кам бўлади. Агар шу ҳолда катта кўчага чиқса борми?

— Икром ака, секинроқ ҳайданг, биздан ўтиб кетсин, — деди Дилдора йигитга бир қараб кўйиб.

Худди шу маҳал қарама-қарши томондан келаётган юк машинаси “Жигули”дан қочаман, деб уларнинг йўлига чиқиб қолди. Масофа жуда қисқа эди. Узоғи билан ўн метр... Икром шошиб қолди.

— Ой-и-жо-о-н!!! — Дилдора даҳшат ичида бақириб юборди.

* * *

— Шофёр ака! Шофёр ака! Мошинангизни тўхтатинг, илтимос! — дея бақирди Нафиса.

— Жонидан, — дея маҳкамроқ кучди Шермат жувонни, — типирчилама, иккаламиз ҳам бир-биримизни хоҳлаб турибмиз-ку!

— Ни-ма?! Кўйворинг мени, мен боламини эмизишим керак, кўйворинг деяпман! — деб бақирди бу сафар Нафиса таҳдид аралаш. Таҳдиди шунчалик ожиз, қалтироқ эдики, бундан фақатгина рақибни фойдаланиши мумкин эди, холос. Шундай ҳам бўлди. Шермат оч қолган бўридай жувоннинг томоғи-ю юзини ялашга тушиб кетди, лабидан эса, ҳарчанд уринмасин, ўполмади. Нафиса типирчилаб бошини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ташлаб, ўзини олиб қочди.

Шермат шилқимликни бошлагандаёқ ҳайдовчининг жаҳли чиққан эди. Кейин булар бир-бирини яхши кўришади-ю, қиз бирон сабаб билан аразлаб қолган, шунга йигит унинг кўнглини овлаш билан овора, деб ўйлади. Ҳатто йигитга ачинди ҳам. Бироқ қизнинг оғзидан боласи ҳақидаги гаплар чиқиб, шунда ҳам йигит “ўйин”ини тўхтатмагач, қиз мутлақо бу одамга тегишли эмаслигини англади ва жаҳли чиқиб, машинани йўл чеккасига чиқариб тўхтатди.

— Ҳов, братан, — деди Шермат ҳайрон бўлиб, — нега тўхтадингиз?

Ҳайдовчи шошилмасдан ортига ўгирилиб:

— Машинадан туш! — деди важоҳат билан.

— Ҳов, нималар деб валдираяпсан? Аравангни судрасанг-чи, ёки ўлгинг келдими? — деди бирдан афти бужмайиб кетган Шермат.

Ҳайдовчининг қўллари бақувват, чайир эди. Ўзи ҳам Шерматдан беш-олти ёш катта эди.

У шартта йўловчининг ёқасидан олди.

— Нима деб валдираётганимни ҳозир сенга яхшилаб тушунтириб қўяман, жибириқи! Сур бу ердан, қиз қолади! — деди.

— Ҳо, — дея илжайди Шермат, — иштаҳалари карнай-ку. Биз тайёрлаб қўйган “ош”ни ичмоқчимилар?

— Ошингни ҳозир кўрсатиб қўяман, сен маразга!.. Мен сенга ўзбекчалаб айтаяпман. Машинадан туш!

Шермат унинг қўлини ушлаб силтади. Аммо чангалидан қутулолмади. Билдики, ҳайдовчи ўзидан кучли. Бундай пайтда фақат шумлик билан вазиятдан чиқиб кетиш мумкин. Пихини ёрган ўғри учун бу нарса албатта янгилик эмас.

— Окажон, — деди у юмшоқлик билан, — битта қизни деб иккаламиз “сан-ман”га борамизми? Дунёда қиздан кўпи борми? Келинг, келишамиз.

— Менга қиз-пизинг керак эмас. Уйимдаги хотиним ҳам етиб-ортади, лекин сенинг эмизикли аёлга бунақа тармашишинг мусулмончиликка тўғри келмайди. Яхшиси, тушиб кет, мен бу қизни уйига обориб қўяман.

— Биринчидан, бу қиз, “нормальный” бўлганида, таксига мен билан чиқмасди. Иккинчидан, у болам бор, деб алдаяпти. Учинчидан, уни ҳақиқатан ҳам уйига обориб қўйишингизга ким кафолат беради?

— Пастга туш-да, бошқа такси ушла. Унгача мен кутиб тураман. Кейин орқамдан тушасанлар.

— Пулим йўқ-да.

— Ҳе, пулингга урай. Ҳали шу ҳолингга чиранаяпсанми, мол! — деб ҳайдовчи аччиқ устида Шерматнинг юзига мушт туширди.

Шерматнинг кўзидан ўт чақнаб, боши орқага силтанди. Шу ондаёқ бурнидан қон отилди.

— Вой, мараз, — деганча бир қўли билан юзини беки-таркан, иккинчи қўлини чўнтагидаги пичоққа юборди. Ҳай-

довчи унинг гапга кирмаслигини англагач, ўзи машинадан тушиб, Шермат томондаги эшикни очди. Шу маҳал Шермат қизни маҳкам кучоқлаганча бўйнига пичоқ тиради.

— Ҳозир, — дея бўкирди у, — аравангни ҳайдамасанг, бу манжалақини сўйиб ташлайман.

Ҳайдовчи унга кўзидан ўт чақнаганча бироз термилиб тургач, машина калитини унга улоқтирди.

— Ол, — деди у ғазабдан титраб, — ўзинг ҳайдаб кет. Мен сенинг ифлослигингга аралашмайман.

У шундай деб орқага қараб юрди.

— Ҳе, — дея кулди Шермат, сўнг Нафисанинг юзини силаб: — Кўрдингми акангни, қулоқсизларни ақлли қилиб қўяди. Энди сенам, мошинаям менга қолди. Ҳозир мен мошинани ҳайдайман. Рулга ўтиргунимча, қочиб қолишга уринадиган бўлсанг, ўзингдан кўр, сўяман. Йўқ, яхшиси, босиб ўтиб кетаман мошина билан, — деди.

Томоғига пичоқ тиралган жувон қалтираганча, “хўп”, деди киприкларини пирпиратиб.

— Шундай бўлсин, — деган Шермат машина эшигини очди-да, у ёқ-бу ёққа қаради, сўнг тушиб олд томонга юрди. Ана шу лаҳзада машина орқасига яшириниб турган ҳайдовчи қаддини ростлаб, у томонга югурди. Аммо Шерматни тутиш унга насиб этмади. Гарчи қўлида пичоқ бўлса-да, чайир ҳайдовчига кучи етмаслигини билган Шермат рақибини кўрган заҳоти қочишга тушди.

Бутунлай карахт аҳволга тушган Нафиса йиғлашини ҳам, машинадан тушиб қочишини ҳам билмас, киприк қоқмасдан жойида ўтирар эди. Ҳайдовчи қайтиб келиб, жойига ўтирди. Бирор муддат машинасини ўрнидан қўзғатмади. Қўллари қалтиради. Кейин орқасига қараб: “Синглим, хафа бўлманг... Энди... Майли... уйингиз қаердалигини айтинг”, деди. Худди шу лаҳзада Нафисанинг ёноғига икки томчи ёш оқиб тушди. У “қулт” этиб ютинди-да:

— Мен тушиб қолай, — деди.

— Қанақа одамсиз?! — дея бирдан бақириб юборди ҳайдовчи. — Ўзи базўр анави ит эмганнинг чангалидан қутулдингиз. Сиз ҳам мен билан айтишаётганида тушиб қоча қолмадингиз...

— Қўлимдан ушлаб турганди-да, — дея ўкириб юборди Нафиса.

— Энди яна мошинадан тушиб, шу шалтоққа рўпара бўлмоқчимисиз?!

— Йў... Йўқ, — деди Нафиса кўзидан ёши селдай оқиб, — кўрқаяпман.

— Бўпти, манзилни айтинг.

Нафиса сумкачасидан дастрўмолини олиб, юзига босар экан, йиғламсираб ҳайдовчининг саволига жавоб берди.

Назира опа келини дарвозахонада пайдо бўлиши билан йиғлаб юборай деди.

— Қаерларда юрибсиз, болам, сизгинани қизимнинг ортидан жўнатмай мен ўлай, — дея кўлидаги гўдакни овута бошлади. — Неварагинам кетганингиздан бери йиғлайвериб, ичаклари куйиб кетди. Тезроқ эмизинг.

Нафиса югуриб келиб, боласини қайнонасининг кўлидан олди-да, оғзига кўкрак тутди. Бола ичига ширин, иссиқ сут кириши билан бирдан тинчиди. Бироқ она ўзини босиб ололмади. Ўпкаси тўлиб, кўкраги силтаниб йиғлайверди.

— Нима бўлди?! — сўради унинг ёнига келиб Назира опа. Келини унга алам билан бир қаради-да, уйи томонга югуриб кетди.

* * *

Полвоннинг ўзбошимчалиги, Абдуҳамид билан Қосимнинг жонланиб қолгани Шерни ўйлантириб қўйди. Аввалбошда у Икром билан Қосимнинг “ўйин”ини томоша қилиб ҳузурланмоқчи эди. Мушукнинг сичқонни қувгани бошқа-ю, иккита сичқон бир-бирини мажруҳ қилиб ташлаши бошқа. Ўшанда унга меҳнатсиз емиш тайёр бўлади... Лекин сичқон каламуш билан чатишиб кетса, ёмон бўлар экан. Унда у мушукни менсимамай қўяди ва омбордаги кўзга кўрингулик ҳамма нарсани кемириб ташлайди... “Полвонни йўқотишим керак, — дея ўйлади Шер, — у мушук эмас, каламуш. Сичқон билан алоқа боғлаган. Ҳозир вақти. Улар болалаб, кўпайишиб, бижғиб кетмаслиги керак”. У бироз ўтириб ўйини қайтадан таҳлил қилиб кўрди. Маъқул. Маъқулдай туйилди унга.

— Холмат, — деди у эшикка қараб.

— Холмат акам ҳозиргина кўчага чиққанди, — деди унинг овози чиқиши билан йигитларидан бири эшикни очиб.

— Тез чақир.

— Хўп бўлади.

Орадан беш дақиқа ҳам ўтмасдан Холмат кириб келди. Унинг бутун диққат-эътибори хожасида эди.

— Битта иш чиқиб қолди, ука, — деди Шер вазминлик билан, — уддалоласанми?

— Ака, бутун жон-танзим билан сизга хизмат қиламан.

— Менга хушомаднинг кераги йўқ. “Конкрет” гапир.

— Уддалайман, ака.

— Унда эшит. Бугун кечга яқин бахтсиз ҳодиса рўй берармиш. Бечора Полвон акангдан айрилиб қоларканмиз. Уқдингми?

Холмат ҳайратдан қотиб қолди. У эртами-кеч Шернинг шундай қилишини сезган эди. Бироқ воқеа бунчалик тез амалга ошишини кутмаганди. “Ўнг қўл”нинг мен билмайдиган айблари ҳам бор экан-да”, дея ўйлади у ва ичичидан Шернинг сезгирлигига қойил қолди.

— Нега қоққан қозикдай турибсан? — деди Шер аъенининг жимиб қолганини кўриб.

— Уддалайман, ака. Кечқурун аэропортнинг йўлида. Россиядан келаётган меҳмонларни кутиб олиш учун чиқаётганимизда, — деди Холмат нимтабассум билан.

— Бор.

Холмат кўчага чиққанида кайфияти кўтаринки эди. Эртага эрталаб у кимсан Шернинг ўнг қўли бўлиб уйғонади. Дарров қанчадан-қанча эшиклар унинг учун очилади. Тўсиқлар сони кескин қисқаради. Аммо шу ондаёқ унинг хаёлига “Шер мени синаётган бўлса-чи”, деган хаёл келиб, баданидан совуқ тер чиқиб кетди. У ҳолда унинг шўри қурийди. Полвон тирик қўймайди. Бир муддат унинг боши қотди. Не қиларини билмай, у ёқдан-бу ёққа юрди. Ўзини оёғи билан тузоққа тушган оҳу каби сезди. Йўқ, оҳу эмас. Ўғри-баттолнинг хаёлига оҳу келишига бало борми, бўрийиртқич десак, тўғрироқ бўлар. Йиртқич йиртқичга тузоқ қўйди. Бунга учинчи бир йиртқич сабабчи. “Пешонамдан кўрдим. Омадим келса, худонинг “ол, қулим”, дегани бўлади. Йўқса...” У ёғини Холмат ўйлагиси келмади. Чунки нима бўлган тақдирда ҳам у яшашни жуда-жуда истар эди.

Вақтни ўлдириш оғир кечди. Уйига борди. Якка-ю ёлғиз ўғлини худди охирги марта кучаётгандай, охирги марта

кўраётгандай эркалади. Кейин хотинига ҳам юмшоқ га-
пирди. Албатта, баджаҳд, бутун сир-синоатини фақат ўзи
билан олиб юрадиган эрининг ўзгариб қолганидан аёли
хайрон бўлди. Лекин буни билдирмади. Эрининг яна ай-
ниб қолишидан кўрқди.

Холмат хожасининг қароргоҳига келганида қуёш уфққа
оққан эди. У аввал Полвонга қўнғироқ қилди. “Мавлон
ака, Оренбургдан меҳмонлар келаётган экан. Аэропортга
чиқиб кутиб оларканмиз. Хўжайин қаттиқ тайинлади”, деди.

— Бўпти, мошинани жўнатинглар, — дея жавоб қилди
Полвон, креслога яхшилаб жойлашиб, яна рўпарасидаги
рангли телевизорга нигоҳини қаратар экан.

У хурсанд эди. Шер унга яна иш буюрди. Бу — яхши.
Демак, четлатилмаган. Россиядан келадиган махсус меҳ-
монларни унга ишониб топширган. Бошқага ишонмаган.
Билганки, ундан бошқасининг эплаши қийинроқ. Келадиг-
ан меҳмонлар анча нозик. Ахир, шунга яраша муомала
бўлиши керак-да. Холматга ўхшаганлар бунақа ишларни
умрида қилиб кўрмаган. Ундан кейин, уқуви ҳам йўқроқ.

— Хотин, — деди Мавлон телевизордан кўзини узмай,
— холодильникда битта ароқ бор, шуни олиб кел.

— Хўп, — деди хотини. Бироқ унинг овози қайси то-
мондан чиққанига Полвон эътибор ҳам бермади.

Бир пайт хотини ароқ олиб келиш ўрнига тўртта расм
кўтариб келди.

— Адаси, — деди у жилмайиб, — қизингиз билан рас-
мларни томоша қилиб ўтирувдик, ичидан манавилар чиқиб
қолди. Эсингизда бўлса, йигирма йил аввал тушгандик,
кўриб бошқача бўп кетдим. Ёшлигим эсимга тушди.

Полвон унга норози қиёфада қаради. Сўнг хотинининг
қўлидан истар-истамас суратларни олиб, бирма-бир кўра
бошлади. Дарҳақиқат, расмлар йигирма йил аввал олинган
эди. У маҳаллари Полвон ёш эди. Юзи тиниқ, билагини
кучга тўлганди... Мавлон ичикди. Расмда кўриб турган
ёшлик дамларини соғинди. Бир юмалаб ёш бўлишни иста-
ди. Сўнг у билан бирга тушганларга разм солди. Хотини,
унинг ёнида Каламушнинг аёли, кейин Каламушнинг ўзи...

Каламуш Шернинг энг қадрдон ўртоғи эди. Ҳамма ишни
Шер у билан бирга бошлаганди. Четдан уларни “ичак-
қорин” дейишарди. Ўша пайтларда ҳадди сиққанлар, “Сиз-

лар ҳожатга ҳам бирга борасизлар”, деб ҳазил қилишарди. Кейинчалик орадан бир неча фасл ўтиб, Шер у билан келишолмай қолди. Тўғрироғи, у отасининг айтганини қилди: «Битта қозонда битта қўчқорнинг боши қайнаши керак, иккинчисиники ортиқчалик қилади». Бечора Каламуш қирққа чиқмай ўлиб кетди...

— Шошма! — дея бирдан бақриб юборди Полвон. — Шошма, шошма!

— Нима бўлди, адаси?! — деди хотини Полвоннинг бирдан бақриб юборганидан қўрқиб кетиб.

— Жим, жим, — деди Полвон чуқур-чуқур нафас олиб, — сен бор, ишингни қил... Ароқни олиб кел!

“Вой, мараз, — дея сўзланди Мавлон хотини чиқиб кетганидан кейин, — Каламуш айна россиялик меҳмонларни кутиб олиш учун чиқаётганида ўлганди. Ўлдирилганди. Мошина уриб кетганди. Мен уриб кетган эдим. Энди, ўзимни... Тўхта, аниқлаштираман. Ҳали вақт бор. Улгураман. Улгураман!”

У деярли югуриб телефон олдига борди ва қўллари қалтираганча аэропорт сўровхонасига қўнғироқ қилди. Ёшгина қизча нозик овозда фақат Москвадан самолёт келишини, у ҳам бўлса ярим тунда қўнишини айтди. Шундан кейин Полвонни титроқ босди. “Нега? Нима учун?” дея ўйлади ва ўзи сезмаган ҳолда ташқарига чиқа бошлади.

— Адаси, — дея уни эшик ёнида тўхтатди хотини, — ҳамма нарсани тайёрлаб қўйдим... Ҳалиги, тинчликми, нима бўлди сизга?

— Ҳеч нарса, ҳеч нима бўлмади. Ҳаммаси ўтиб кетади, — деди Полвон ва орқасига қайтиб ошхонага кирди ва стол устида турган ароқдан пиёлани тўлдириб бир кўтаришда ичиб юборди.

“Ҳаракат қилишим керак. Бўлмаса кеч бўлади. Ҳали ҳеч нарсага улгурганим йўқ. Бор-йўғи биттагина боламни уйлантирдим. Бир нарса ўйлаб топишим зарур... Қочиш... Йўқ, бўмайди. Қочсам, у мараз уйимдагиларни бир ёқли қилади. Бошқа тузукроқ йўл керак, — дея яна ўзига-ўзи гапириб, кресло ёнига борди. — Ишончли одамларим нечта? — дея ўйлади у ва ўзи билан бирга юрадиган йигитларни бир-бир кўз олдидан ўтказа бошлади. — Болохондаги икки йигит, кейин Шалпангқулоқ, Зебра... яна... яна

кўкчалик бола. Ҳаммаси бўлиб беш киши, мен билан ол-
тита. Иш қилса бўлади”.

У шуларни хаёлидан ўтказганидан кейин шошиб ташқа-
рига чиқди-да, болохонадаги йигитларни ёнига чақириб,
ярим соат ичида қолган учта йигитни топишларини буюр-
ди. Йигитлар бирин-кетин кўчага чиқиб кетишди.

— Сизлар анча қийналиб қолдинглар, — деди у йигит-
лари ўйлаганидан ҳам тезроқ тўпланганидан хурсанд бўлиб.
— Келганларингга анча бўлди. Ҳалиям худди давлатнинг
ишида ишлаган одамдай бирларинг икки бўлгани йўқ. Битта
“проблема” бор. Агар ўшани текисласак, ваъда бераман,
зўр бўлади. Биласизлар, мен эркакман, сўзида турадиган-
ларданман. “Раз”, гапирдимми, тамом, ўша гапим гап. Шу-
нинг учун Полвон деган лақабни олганман... Ҳозир қила-
диган ишимиз анча нозик. Жуда эҳтиёткор бўлмасак, охи-
ри чатоқ бўп кетиши мумкин.

— Ока, биз сиз билан доим бирга бўлганмиз. Сизга
нима бўлса, бизгаям шу, — деди Зебра лақабли йигит.

— Унда эшитинглар, “ока” мизнинг мазаси йўқроқ. Ту-
залмайдиган касал орттириб олган!

Полвоннинг оғзидан шу гап чиқиши билан йигитлари-
нинг бирдан кўзлари олайиб кетди ва бир-бирига қараб
қўйишди. Шу маҳал Полвон ҳам уларнинг ҳар бирига
диққат билан қарашга улгурди.

— Бунақа нарсалар аслида сизларга айтилмайди. Лекин
мен айтишга қарор қилдим. Хоҳлайсанми-йўқми шундай
пайтда отни қамчилаган улоқни олиб кетади... Ҳозиргина
оканинг ёнидан келдим. Илтимос қилди. “Ўзинг кузатиб
қўй”, деди. Кейин бу нарсани биров билмасин, деб тайин-
ладиям. Агар ҳозирда битта-яримта, айниқса, Холматга ўхша-
ганлар сезиб қолса, “гражданлар” уруши бошланиб кетади.

У гапиргани сайин йигитларидан бирининг пешонасидан
тер чиқиб кетган бўлса, иккинчисини титроқ босган, яна
бири кўзи олайиб атрофга алангларди.

— “Корочче”, ҳозир ҳаммамиз хўжайинни кига борамиз.
Мен билан Зебрадан бошқалар ҳовлида қолади. Биз “иш”-
ни битириб чиққанимиздан кейин, у ердагиларга озгина
таълим берамиз. Уқдингларми?

Йигитлар бошларини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини
қилишди. Сўнг Полвон соатига қаради. “Холматнинг етиб

келишига йигирма минут қолибди. Ҳозир у йўлга чиққан. Ҳаракатни бошлаш керак”, деб ўйлади ва иккита йигити билан ертўлага тушди. У ерга бир пайтлар Полвон ўнга яқин тўппончани ҳар эҳтимолга қарши яшириб қўйган эди. “Пухталигим бор экан, — деди у ичида ўзидан мамнун бўлиб, — шу матоҳларниям анави ифлос Шерга олиб беришимга оз қолувди. Вақтида ақлим кирган экан. Мана, асқотиб турибди”.

Йигитларнинг учови бунақа “ўйинчоқ”ни биринчи бор кўргани боис, кўзлари олайиб кетди. Қўлларига ушлаганларидан кейин енгилмас баҳодирлардай ҳис қила бошладилар ўзларини. “Шунисиям яхши, — дея ичида кулиб қўйди Полвон, — иш беради”.

Мавлон ҳақиқатан ҳам ҳисоб-китобни тўғри олган эди. Шернинг уйига айланма йўл билан етиб борганларида, Холмат у ердан чиқиб Полвоннинг уйи томон минг бир иккиланишу ўйланишлар билан кетиб борарди.

Болохонада турган йигитлар Полвонни кўришлари билан хожасига хабар бермасдан ичкарига киритиб юбордилар. Мавлон атрофни зимдан кузатиб чиқди. Сўнг йигитларига паст овозда: “Бохабар бўлинглар”, дея Зебра билан бирга хожаси ўтирган уйга кирди.

Шер қушларини томоша қилиш билан овора эди. Эшикнинг очилиб ёпилганини сизди. Лекин бурилиб қарамади. Шу лаҳзада Полвон чўнтагидаги тўппончани олиб, қўлини орқасига яширди-да:

— Ассалому алайкум, — деди.

Полвоннинг овозини эшитган Шер бирдан у томонга қаради-да, бироз термилиб тургач, бақира кетди:

— Сен ифлос бу ерда ... еб юрибсанми? Меҳмонларни онангни эри кутиб оладими?!

Илгарилари Шернинг ҳақоратлари Полвонга чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмасди. Бу сафар суяк-суягигача ўтиб кетди. Бутун вужуди олов бўлиб ёниб, қўлидаги тўппончани Шернинг пешонасига тўғрилади.

* * *

Икром ғайри ихтиёрий чаққонлик билан рулни чапга буриб, газни охиригача босди. Иккала машина бир-бирига теккудай бўлиб ўтиб кетишди. Бирор эллик метрлардан

кейин йигит тормоз берди. Дилдора ҳушидан кетиб қолгандай қарахт эди. Ҳеч нарсани идрок этмасди. Қўллари билан юзини бекитганча, фожиа юз беришини, ўзининг мажақланиб кетишини кутарди. Шу боис, юраги такапука урар, ич-ичида ота-онаси, қариндошлари, келинойиси, жияни билан хайрлашарди.

Икром юк машинасининг орқасидан қувмоққа шайланган бир пайтда, Дилдоранинг боши дераза томонга қийшайиб қолди. Буни кўрган йигитнинг жон-пони чиқиб кетди.

— Дилдора! Дилдора! — дея у машинадан сакраб тушдида, айланиб ўтиб қиз томондаги эшикни очди. Сўнг қизнинг кўкрагига қулоғини қўйиб, юрак уришини эшитди. Ҳар тугул «дук-дук» этган овоз келди. Икром доимо ўзи билан олиб юрадиган шишадаги сувни қизнинг юзига сепди. Дилдора бир сесканиб, кўзини очди.

— Мен қаердаман? — унинг биринчи айтган гапи шу бўлди.

— Ҳаммаси яхши, ҳаммаси ўтиб кетди... кўрқитиб юбордингиз... Манави сувдан озгина ичинг, — деди Икром шошиб.

Лекин Дилдора ичолмади. Қўллари қалтиради, лаблари титради, сув устига тўкилиб кетди. Кейин шишани Икромни ўзи унинг оғзига тутди. Сўнг чўнтагидан дастрўмолини чиқариб ҳўлади-да, қизнинг пешонасига босди. Шундан сўнггина Дилдора бироз ўзига келди.

— Нима бўлди? — деб сўради у қалтироқ овозда.

— Анави... — дея сўкинмоқчи бўлган Икром тилини тишлади, бироз гап тополмай тўхтаб турди, кейин: — Мастга ўхшайди, йўлимизга чиқиб кетди. Ҳали жавоб беради, — деб қўйди.

— Икром ака, — деди Дилдора ялинчоқ овозда, — мени уйимга обориб қўйинг.

— Ҳўп, ҳозир, — дея йигит шошиб рулга ўтирди-да, машинани жойидан қўзгатди.

У юк машинасининг қарама-қарши йўналишга чиқиши шунчаки тасодиф эмаслигини яхши билар эди. Буни ёнидан ўтиб кетаётган оқ “Жигули”ни кўрганидаёқ сезганди. Бироқ ўша бир неча лаҳзалик эътиборсизлиги бевақт ўлиб кетишига олиб келиши ҳеч гап эмасди.

Йўл-йўлакай на Икромдан ва на Дилдорадан садо чиқди. Иккаласи ҳам мум тишлагандай жим кетди. Фақат ора-чора қиз чуқур хўрсиниб кўярди.

Машина Дилдора тушадиган бекатга етганидан кейин тўхтади.

— Узр, — деди Икром, — кутилмаганда шундай бўп қолди.

— Майли, атайлабдан қилганингиз йўқ-ку. Хафамасман. Лекин кўрқиб кетдим... Хўп, хайр, — дея Дилдора баъзўр жилмайиб, машинадан тушди. Сўнг Икромга қайрилиб қарамай уйига равона бўлди.

Шу лаҳзаларда Дилдоранинг дадаси ҳам ишдан қайтган ва автобусдан тушганди. У машинани кўрди. Бироқ эътибор қилмади. Бироз нарироққа бориб, ғайриихтиёрий тарзда ортига бурилди-ю, қизининг айнан ўша машинадан тушганлигига кўзи тушиб, жаҳли чиқди. Бироқ дарров ўзини босди. Қизининг бошини эгганча ортига бирров қараб кўймаганини кўрганидан кейин бирорта киракашнинг машинаси бўлса керак, деган хаёлга борди (у пайтларда фақат давлатнинг махсус, сариқ рангга бўялган “Волга”ларигина киракашлик қиларди).

Икром бўлиб ўтган воқеаларнинг бошида Қосим турганлигига шубҳа қилмасди. Шу боисдан ҳам то уйига етиб боргунча унинг гўрига гишт қалади. Кейинроқ ўйга чўмди: “Итдан тарқаган қайси гўрдан ортимдан тушди? Уйимни билмайди. Одамлари... Одамларининг кўпчилиги мени танийди. Лекин... Бу ерда бошқа гап борга ўхшайди. Ичимдан ола чиқмадимикан? Агар шундай бўлса-чи? Ҳали тузук-қуруқ оёққа турмасимдан-а... Бугуннинг ўзида аниқлайман. Топаман. Агар ҳақиқатан ҳам сотқин бор бўлса, терисини тириклай шилиб оламан”. У ўй билан андармон бўлиб олдида кетаётган машинани туртиб юборай деди. Яхшиям вақтида тормоз босгани, йўқса...

— Хўжайин, тинчликми? — сўради Икром уйга кириб борганидан кейин унинг вазоҳатини кўриб ҳайрон бўлган Самандар.

— Уруш, — деди унга еб кўйгудек бўлиб тикилган Икром, — энди ҳақиқатан уруш бошланди. Бу урушда ё енгиб чиқиб ҳамма нарсага эга бўламиз, ёки ҳаммамиз асфаласофилинга жўнаймиз.

Самандар “култ” этиб ютинди.

— Ким? Ким билан? — сўради у.

— Кўлингни, бармоқларингни кўрсат, — деди Икром хаёлига келган ўйдан ўзи хурсанд бўлиб.

Самандар у томонга қўлларини узатар экан, қалтираб кетди. Шу ондаёқ Икромда унга нисбатан шубҳа уйғонди. “Наҳотки шу мараз бўлса?” гумон қилди у.

— Бугун куни билан қаерда эдинг?

— Сиз кетгунингизгача сиз билан бирга, кейин бир ўзим уйда ўтирдим.

— Бирорта одам билан учрашдингми? Ёки телефон қилдингми?

— Қизим бор, юрадиган. Шу билан гаплашдим, телефонда. Бошқа биронта...

— Одамларингни йиғ, — дея унинг гапини бўлди бирдан Икром.

Самандар қутулганига шукур қилиб, секин ортига чекинди ва йигитларга биттама-битта телефон қила бошлади. Бахтига Искандардан бошқа ҳамма йигитлар уйида ўтирган экан.

— Искандаринг қайси гўрда юрибди? — деди Икром унинг гапини эшитганидан кейин. — Маразлар, битта жойда босиб ўтиролмайсанлар! Ҳаммасига сен айбдорсан. Ялпайиб, қизчанг билан гаплашганингдан кўра, итваччаларингни иш билан андармон қил эди!

Орадан икки соатдан мўлроқ вақт ўтганидан кейин йигитлар тўпланди. Икром ҳаммасининг қўлларини кўриб чиқди. Биронтасининг ҳам бармоқларида яра йўқ эди. “Наҳотки адашган бўлсам? Қосим... Қосим буларни “соққа” билан илинтирган бўлса-чи? Саволлар бунчалик ҳам кўп. Одам эзилиб кетади”, дея ўйланди у ва ҳолсизланганча диванга ўтирди. Кўз ўнгидан Дилдора иккаласи билан боғлиқ воқеалар ўта бошлади. У севгилисини соғинди. Унинг кўксига бошини қўйиб ухлагиси келди.

— Самандар, ароқ олиб кел, — деди кўзини юмиб. Кейин бошқа хоналарга кирган йигитларини қайтадан тўплади.

— Қуй, ҳаммага қуй, — дея Икром аввал қаддини ростлади. Сўнг ўрнидан туриб, пиёлага қуйилган ароқни ичиб

бўлди-да, пиёлани ерга уриб чил-чил синдирди ва бошқаларга ҳам шундай қилишни буюрди.

— Энди, — деди у илжайиб, — битта саёҳат қиламиз.

Икромнинг ортидан йўлга тушган йигитлар ҳайрон эдилар. Хўжайиннинг ўзиям ҳали қаерга боришни билмасди. Шунчаки йигитлари билан бирга ташқарига чиқмоқчи бўлди. Чиққунча бирон нимани ўйлаб топишни мўлжаллади. Кетаётиб Қора девнинг руҳига илтижо қилди. Йўл-йўриқ кўрсатишни илтимос қилди. Йўқ, илтимоси ижобат бўлмади. Миясига тузук-қуруқ биронта режа келмади.

Бу пайт қуёш уфққа ёнбошлаган, атрофга қоронғилик аста-секин этагини ёзмоқда эди. Машинасининг ёнига борганидан кейин Икром осмонга термилди ва кўкрагини тўлдириб нафас олди-да:

— Қаерда зўр пиво бор? — дея Самандардан сўради.

Бунақа жойларни Қовун сув қилиб ичиб юборган эди. Шаҳардаги деярли ҳамма пивохоналарда бўлганди. Шу боисдан ўзига ёқадиган қайсидир нашриётнинг ертўласидаги пивохоначининг номини айтди.

— Кетдик ўша ёққа, — деди Икром баралла.

Қовун олиб борган жой ҳақиқатан ҳам яхши эди. Ерга мрамар тўшалган, шифтига бир кучоқ келадиган қандил осилган, деворларига аллақандай ҳайвонларнинг расми туширилганди.

— Бу ерга одам бўлиб келасан-да, ҳайвон бўп чиқиб кетасан, — деди Икром деворни томоша қилар экан.

Унинг гапига йигитлари кулишди.

Ичкиликбозлик талай муддат давом этди. Икром кайфи бирозгина ошганидан кейин Самандардан сигарета олиб чекди. Худди аввалгисидай. Сўнг кулдонга термилиб қолди.

— Болалар, — деди сўнгра йигитларига қараб, — тамом, бошқа ичмаймиз. Кетдик.

Икром машинага минганидан кейин бироз ўйланиб турди-да, Самандарга Қосимнинг уйига ҳайдашни буюрди. Самандар хожасининг хаёлида нима кечаётганини билмас эди. Лекин ҳаммалари ширакайф бўлиб қолган бир пайтда душман инига бориш хавfli туйилди. Шу боис:

— Ишни эртага қолдирсак бўлмайдими? — дейишга унинг ҳадди сиғди.

— Эртага кеч бўлади, ука. Қор ёғиб юборади. Кейин ҳаммамиз музлаб қоламиз. Тушундингми? Музлаб қолсанг анави қизинггаям ярамай қоласан, уқдингми?

Йигитлар хўжайиннинг гапини ҳазил билиб, қулиб юборишди. Аммо Икромнинг ўзи миқ этмади. Қайтанга маҳзун тортди. Чунки Қосимнинг уйига бориб нима топишини ўзи ҳам билмасди.

— Сенлар, — деди у йигитларига Қосимнинг уйига яқинлашганларида, — мана шу атрофда бўласанлар, менинг анави ипирисқи билан яккама-якка битирадиган ишим бор.

— Ака, — деди бирдан машинани тўхтатиб орқасига ўгирилган Самандар, — нималар деяпсиз? Унинг кимлигини яхши биламан. Эркакмас у. Битта ўзингиз кирсангиз, соғ қўймайди. Биз ҳам...

— Йўқ. Сенлар айтганимни бажаринглар. Агар бир соат ичида чиқмасам... бостириб кирилинглар... Болохонасида йигитлари бўлиши мумкин. Лекин сенлар киришнинг йўлини қиласанлар. Қани, бир ҳақиқий ўғриликларингни кўрсатиб қўйинглар-чи. Шу билан менинг яна битта синовимдан ўтасанлар.

Икром битта-битта қадам босиб, Қосимнинг уйига яқинлашаверди. Қўллари мушт бўлиб тугилган, танасида титроқ бор эди. Чуқур-чуқур нафас олсаям титроғи тўхтамади. У худди ажалнинг ёнига кетаётгандай ҳис қиларди ўзини. Ҳозир боради, у жонини суғуриб олади. Шу билан ҳаммаси тамом. Икром Қора девнинг қаршисида турибди!

* * *

Қосим тасодиф туфайлигина омон қолди. Шох унинг пешонасига тегишига озгина қолганида ғайриихтиёрий тарзда энгашди ва ўзи севиб, ардоқлаб юрадиган ўрик танасининг бир парчаси елкасига келиб урилди. “Ваҳ!” дея бақириб юбориб, юзтубан гурсиллаб йиқилди. Унинг ёнига биринчи бўлиб хотини, ўша ҳар куни бирор сабаб билан калтакланадиган, болаларининг ўгай онаси югуриб келди ва эрини ердан кўтаришга ҳаракат қилди. Кучи етмагач, бошқаларни ёрдамга чақира бошлади.

Орадан икки соатлар ўтиб, Қосим ўзига келди. Бунгача йигитлари “Тез ёрдам” чақирган, дўхтирлар кетма-кет бир неча марта укол қилишган эди. Улар аввалига Қосимни

касалхонага олиб кетишмоқчи бўлишди, аммо Қосимнинг йигитлари бунга кўнишмади.

— Нима бўлди? — деди Қосим кўзини очиб, атрофидигиларга ҳайрон қараб.

— Адаси, худо сизни бизга қайтиб...

— Ўчир! — дея Қосим бирдан хотинининг оғзини ёпди. — Ҳамма гапирсаям сен гапирма. Худо қайтиб бердиймиш. Бермаганда ўлиб кетармидим?!

У ўрнидан турмоқчи бўлганида боши айланиб, яна жойига ётиб қолди. Ёнида турган дўхтирлар бирдан кўмакка чоғланишди. Бироқ Қосим уларни силтаб ташлади.

— Бўлди! — деди у ҳайқариб. — Йўқолинглар! Ишларинг битди. Керак эмассизлар энди.

Ёрдамлашмоқчи бўлган иккала дўхтир ҳам мулзам бўлиб тўхтаб қолишди. Сўнг хафа бўлганлиги юзларида акс этганча ортга тисланишди. Лекин норозилиklarини тилларига чиқаришмади. Чиқаришолмади улар...

Орадан бироз фурсат ўтиб, Қосим яна туришга чоғланди. Бу сафар йигитларидан икkitаси қўлтигидан кириб, туришига кўмаклашишди. Қосим оёққа турганидан кейин биринчи қилган иши ароқ ичиш бўлди. Дўхтирлар бу қилиқ қанчалик зиён эканлигини билишарди. Лекин айтишолмади. Айтиб балога қолгандан кўра, жим туриб бу томошанинг эртароқ тугашини кутишди. Шундай ҳам бўлди. Қосим уларга жавоб бериб юборди, сўнг йигитларидан нима воқеа содир бўлганини сўради. Уларнинг гапларини эшитгач, илжайди.

— Адам валий бўлган экан, қойил, неча марталаб шу падарингга лаънатни йўқотмоқчи бўлди, лекин мен кўнмабман. Яхши кўрибман. Нимаси яхши экан? Ҳозироқ кесиб ташланглар, — дея буйруқ берди.

Шу билан қари ўрик умрига нуқта қўйилди. У қарсиллаганча йиқилди. Худди бўғизланаётган буқадай. Қосим ич-ичидан ачинди. Лекин начора, хиёнатни ўрикнинг ўзи бошлади. Жиноят оламида уларнинг қаторига кимдир қўшилган тақдирда (ўсимлик бўладими у, дарахт бўладими — фарқи йўқ), биттагина жазо берилади.

Хомуш ҳолда уйга кириб келган Қосимга Тойнинг кўнғироқ қилаётганини айтишди. Шундагина у Той билан Шерматга қандай буйруқ берганлигини эслади. Ва юзи жиддий

тус олиб, телефон ёнига борди-да, гўшакни қулоғига тутди.

— Хўжайин, хўжайин! — деди Той шошиб. — Икром қизчаси билан кафедра ўтирибди. Мен ҳам киргандим, Икром олақараш қилаверганидан, шубҳаланиб қолмасин, деб ташқарига чиқдим. Нима қилай, уйигача кузатиб борайми, ёки шу ернинг ўзида тинчитайми?

— Ҳовлиқма, — деди Қосим йигитининг довдираб қолганидан жаҳли чиқиб, сўнг бироз ўйланиб турди-да, қиздан воз кечди. “Уям бошқаларига ўхшаган-да, шуни кўлимда ушлаб нима барака топдим? Қайтанга муаммо кўпаяди”, деб ўйлади ва Икромни йўқ қилиш чорасини айтди. У узоқ мулоҳаза қилмади. Худди шоирлар хаёлига кутилмаганда шеър келиб қолганидай, унинг ҳам миясига кутилмаганда ўша ўй келди. Гарчи бу режа ўта тез, шошма-шошарлик билан тузилган эса-да, анча мукамал эдики, фақат бахтли тасодиф ва Икромнинг чаққонлигигина фожиа олдини олди (бунинг қандай содир бўлганини биз юқорида баён қилиб ўтдик).

Қосим гўшакни жойига шарақлатиб қўйди-да, кафтларини бир-бирига уриб, “Мен доҳийман”, деди ўзига-ўзи ва кўнгли егулик тусаб ошхона томон юрди.

Орадан бирор соатлар ўтганидан кейин ҳаллослаб Шермат кириб келди. Унинг ранг-қути ўчиб кетганди.

— Нима, ит қувдими ортингдан? — дея сўради Қосим.

— Хўжайин, — деди Шермат бирдан тиззалаб ўтириб қолганча, — рухсат беринг, яна битта қурбонлик қилай!..

— Нималар деб валдираяпсан? Нега Тойнинг бир ўзини ташлаб келдинг, мараз?! — дея бирдан қичқириб юборди Қосим.

Шермат унга жавдираб тикилганча, чуқур нафас олди-да, бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир гапириб берди.

— Зўр нарса, — деди кўзи чарақлаб кетган Қосим, — зўр нарса топиб келибсан! Лекин нима эканлигини сенинг ўзинг ҳам тушунмайсан. Тушунишинг учун сенда калла йўқ. Ошқовоқни кўтариб юрибсан калла деб, бор, ўйнаб тур. Кейинроқ чақираман.

Қосим ўзининг хаёлига келаётган бир-биридан ғаройиб ўйлардан завқланаётган эди. Ахир, унга омаднинг ўзи қўл бериб турганидан кейин қандай қилиб уни итариб ташла-

син? Қосимдай одам уни бағрига босиб, пешонасидан ўпмай-дими?

“Такси ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаган “гўшт”. Демак, битта йигит билан қиз тўғри келган таксига ўтиради. Улар мумкин қадар шаҳарнинг ташқарисига чиқишади. Йигит қизга тегажоқлик қилади. Таксичи ўзича “герой”лик қилмоқчи бўлади-ю, худди лаққа балиқдай тўрга илинади. Зўр фикр!” деб ўйлади у. Қосим ўзининг ўйидан ўзи хурсанд бўлиб ташқарига чиқди. Бу пайтда суюкли ўригининг танаси бурдаланмоқда эди. Қосим унга хотиржам қараб туrolмади. Шерматни ёнига чақириб, режалаб қўйган ишини унга буюрди.

— Ока, — деди Шерматнинг кўзлари чақнаб, — шунақанги “оригинал” гапларингиз учун сизни қаттиқ ҳурмат қиламан!

— Агар шунақанги гапларим бўлмаганида пол латта қилиб ташларкансан-да, — деди Қосим илжайиб.

— Йўғ-э, ока, сизнинг ҳамма гапингиз биз учун “закон”-ку! Ҳозир айтганингизни “есть” қиламан.

Шерматнинг оғзи қулоғида эди. Анчадан бери хўжайини бунақа муҳим иш бермаганди. Доим унинг елкасига кимнингдир уйини пойлаш ёки у хўжайиндан бунисиникига “қулоқ” бўлиб бориш топшириларди. Одамга ўхшаб “ов”га чиқмасди. Шу боис, чўнтагига бошқаларникига нисбатан камроқ муллажиринг кираётганди. Кейин айш-ишрат ҳам камайиб, Қосимнинг бошқа йигитларига: “Роса “занглаб” кетдим. Ишдан ортмаяпман”, деб нолийдиган одат чиқарганди.

У тўғри ўзининг тутинган “онаси”нинг олдида борди. “Она”си ўзининг бузуқлиги билан ном чиқарган кўчанинг бошидаги кўп қаватли уйлардан бирида турарди. Шермат машинасини шундоққина йўлак рўпарасига қўйиб, учинчи қаватга деярли югуриб чиқди. Шу боисдан ҳам қўнғироқ тугмачасини босаётганида ҳансираб қолди. Орадан бирор уч дақиқалар ўтганидан кейин эшикни ўзи кутган аёл очди.

— Намунча, Роза опа, — деди Шермат норози қиёфада, — очишингиз қийин бўп кетди.

— Сенинг келишинг тушимга кирибдими? Сал ўзимга

қараб олдимда аввал. Эрталаб милиса келиб миямни қотириб кетувди. Яна шу келдими, деб ўйловдим... Ярим оқшом келардинг-ку, ҳамма вақт. Бу сафар ўзгариб қопсанми? — деди уйдан чиқиб келган икки юзи қип-қизил, чўчқадай семиз бева аёл.

— Иш чиқиб қолди, — дея Шермат ичкарига кириб, эшикни ёпди. — “Карочче”, битта зўридан топасиз. Ўзим билан олиб кетаман.

— Яна хўжайининггами?

— Ўзимга.

— Олиб кетиб нима қиласан? Бекорга нархи ошиб кетади. Ундан кўра ўзим жой-пой тайёрлаб бераман.

— Менга иш учун керак, Роза опа. Нархингизни қўрқмай айтаверинг. Рози қиламан. Биласиз-ку, мен “мужик”ман.

— Менга ҳамма бир хил. Асли баринг бир гўрсан. Майли, сен учун биттасини бераман, — деб Роза Шерматнинг кўзига тикилди. — Тозаси, ҳали биттаям ит тегмаган. Бугун эрталаб вокзалдан топиб келишди.

— Йўғ-э, зўрми, унда икки ҳисса тўлайман. Гап бўлиши мумкинмас. Тез кўрсатинг, — деди Шермат ҳовлиқиб.

— Тўхта, ўзингни бос, — деб унинг кўкрагига дўмбоқ қўлини қўйди Роза. — Аввал мен сенга бир-иккита гапни айтай. Кейин шунга яраша иш қиласан.

— Тез айтинг, ичим ёниб кетаяпти.

— Бу қиз чекка областдан келган. Қочиб келган. Биласанми, кимлардан? Билмайсан. Катта битта амалдорнинг ўғли бор экан, артист. Ансамблининг оти... оти, ҳақ тилимининг учиди турибди-я. Ҳа, топдим: “Асл”. Ундаги инструментлар шу ердаям йўғакан. Ўша бола қизларга жа ўч эмиш. Шаҳарида қайси қиз кўзига яхши кўринса, ўшанинг шўрига шўрва тўкилармиш. У паразит ушлаб оларкан-да, аввал зўрларкан. Кейин кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноқларни бошига соларкан. Унинг олдида ҳатто фашистлар ҳам ип эшолмай қолармиш.

— Вой, ифлос! — деб юборди Шермат. У ўғри эди. Бундан ташқари, ҳар қандай ҳаром-хариш ишни бажаришга ҳам тайёр эди. Бироқ одамнинг бунчалик тубан кетиши ҳатто унинг ҳам тепа сочини тикка қилди. — Ҳам маишат қиласан, орқасидан уни хўрлайсан. Азоблайсан... Бу қизниям шундай қилган эканми?

— Йўқ, — деди мийиғида кулиб Роза, — қочишга улгурибди. Шу ергача қочиб келибди-ю, меникиларга дуч бўпти.

— Ёмғирдан қутулиб, қорга рўпара бўпти-да, бечора.

— Нималар деяпсан, қордан кейин ёмғирга дуч келган. Мен барибир артист қилган ишни қилолмайман.

— Яхши, чақиринг.

— Сен меҳмонхонага кириб тур. Лекин дарров ечиниб олма. У минилмаган тойдай гап. Хуркитиб кўясан.

— Бўпти... Бўпти, сиз чақираверинг, — дея Шермат меҳмонхона деб аталмиш бор жиҳози битта икки кишилик ётоқ каравоти-ю тўрга қўйилган шкафдангина иборат хонага кириши билан юзига бадбўй ҳид урилиб, афти бужмайди. “Падарингга лаънат, ҳеч бўмаса деразани очиб, унинг ҳавосини алмаштирмайсанми?!” деди пичирлаб. Сўнг гижимланган мато тўшалган каравотга ўтираётиб, ёстиққа кўзи тушди. Унинг устидаги беш-олти дона соч толаларини кўриб, мийиғида кулиб қўйди.

Бироз ўтганидан кейин Розанинг кимгадир гапираётгани эшитилди. “Сенга ёрдам бераркан. Уйингга бемалол қайтиб борасан. Ҳеч ким сенга халақит бермайди. Сен кўрқма. Озгина гаплашади. Нима бўлганини сўрайди. Кейин ўзи у ярамас билан шуғулланади”, дерди у. “Балосан, — дея ўйлади Шермат ичида, — хоҳласанг ҳамма нарсани қойиллатиб ташлайсан”. Кўп ўтмай хонага узун сочлари битта қилиб ўрилган, юзи оппоқ, қадди-қомати келишган, киприклари узун, истарали қиз бошини эгганча кириб келди. Уни кўриши билан Шерматнинг завқи ошиб, бехосдан ўрнидан туриб кетди.

— Ассалому алайкум, — салом берди қиз ердан кўзини узмасдан майин овозда.

— Келинг, келинг, — деди Шермат кўзи косасидан чиққудай бўлиб. — Ўтиринг манави ерга.

— Майли, — деди қиз паст овозда, — шу ердаям туравераман.

— Нозик оёқларингиз оғриб қолади, хоним. Ҳали улар кўп керак бўлади, — деди Шермат ўзича хушомадни қойиллатган бўлиб.

Унинг гапини эшитиши билан қиз бир қалқиб тушди-да, ортига бироз тисарилди.

Қосимга Икромнинг келганлигини айтишганда у қулоқларига ишонмай:

— Ким? — деб сўради болохонадан тушиб келган йигитдан.

— Икром, — деди йигит жиддий қиёфада.

— Ўз оёғи билан келибдими? — сўради Қосим ўйланиб.

— Менда нима иши бор экан? Неча киши?

— Бир ўзи.

— Бир ўзи?! Бўлиши мумкинмас. Илоннинг ёғини ялаган у бола. Тузукроқ қаранглар. Балки сал нарироқдадир... Ўзини бўлса, майли, киритинглар. Қани, нима гапи бор экан менда.

Қосим пешонасини қашлади. Сўнг ортига бурилиб меҳмонхонага кирди-да, креслога ястаниб ўтириб телевизорни ёқди. Бояги хушчақчақлиги аста-секин юзидан кета бошлади. Сабаби оддий эди. Ўзи режалаган фалокат рўй бермай, Икромнинг омон қолиши, яна ўз оёғи билан кириб келиши уни таажжублантирганди.

Эшик очилиб, аввал Қосимнинг йигити, унинг ортидан Икром кирди.

— Ие, Икромбой, — деди Қосим худди азиз меҳмонни қарши олаётгандай ўрnidан туриб. — Нечук, нечук, қандай шамоллар учирди? Бизниям йўқлар кунингиз бор эканку.

— Окахоним уйдалигини эшитиб, тўғри келавердим, — деди Икром унинг “мулозамат”ига “мулозамат” билан жавоб қайтарар экан.

— Келинг, қадрдоним, бир кучоқлай. Сиздай ўтқир болалар ҳамиша эъзозимизда, — дея Қосим қулочини кенг ёзиб, Икромни маҳкам кучоқлади. Анча вақт қўйиб юбормади. Хаёлига: “Эсиз, қўлимга пичоқ олмаган эканман. Биқинига шартта тиқиб, бутунлай қутулардим”, деган ўй ҳам келди. Кейин Икромни тўрга ўтқазди. Йигитлари дастурхонни турли ичимликлару егуликлар билан тўлдиришди. Шунгача икки рақиб у ёқ-бу ёқдан гаплашган бўлишди. Бироқ гаплари узилиб қолаверди. Бир пиёладан ароқ ичганларидан кейин эса бироз очилишди.

— Ука, — деди Қосим бир бўлак помидорни оғзига солар экан, — сен мендан қаттиқ хафа бўлгансан.

— Энди, ака, бўп туради-да, — дея жилмайишга ҳаракат қилди Икром. Лекин бу қўлидан келмай, лаблари титраб кетди.

— Йўқ, бўп турмайди. “Просто”, бир-биримизни тушунмадик. Одамзод гофил бўларкан-да. Нима дединг?

— Шундай, ака... Фақат сиздаги араз ҳеч тарқай дема-япти.

— Тушунмадим?

— Анови юк мошинасини айтаман-да.

— Қайси? — дея Қосим пешонасини тириштириб, ўзини гўлликка солди.

— Бугунги.

— Очиги, ука, мен ҳеч балога тушунмаяпман. Мошина, араз? Сени, биласанми, нима учун ҳурмат қиламан? Дангаллинг учун. Қимордаям ҳалол оп кетдинг... Тўғри, ўшанда бизники ачиб қолди, лекин ич-ичимдан тан бердим. Энди шундай бола, араз билан қанақангидир мен умуман билмайдиган юк мошина ҳақида гапирса, уят бўлади-да.

— Майли, ака, — деди Икром икки қўлини кўтариб, — мен пас... Анави зормандадан яна биттадан тўлдилинг.

— Иштаҳа очилдими, дейман, — деди Қосим тиржайганча қўлига ароқ шишасини олар экан.

— Энди сиздай оқалар билан ичмасак, ким билан ичамиз?

Навбатдаги пиёла уларни янада бўшаштирди. Бўшаштирмади. Улар ўзларини шундай кўрсатишга ҳаракат қилишарди.

— Мен сизга аслида ош қилдирмоқчийдим. Кейин ниятимдан қайтдим. Фалон пайтда бораман, битта ош қип берасиз, деб айтишга юзим чидамади, — деди Икром.

— Ука, битта ошдан эринадиган одаммасмиз... Умуман, ҳозир ҳам кечамас. Ошни ўзим пишираман. Мени билмайсан-да. Ош деганларини сайратиб юбораман, — дея Қосим йигитларини чақирмоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган эди, Икром уни тўхтатди.

— Майли, бошқа сафар, бу гал мен сиз билан оқа-ука бўлгани келдим. Яхши-ёмон кунимизда бир-биримизга елка тутишни таклиф қилиб келдим.

Қосим унга термилганча қотиб қолди. Хаёлида минг хил

ўй. Бири: “Бу уккағарнинг боласи тулкилик қилаяпти”, деса, иккинчиси: “Тан берибди-да, мочағар”, дерди. Учинчи, тўртинчи ўйлар ҳам бир-бирига қарши, бир-бирини инкор қиларди.

— Таклифим ёқмадими, ока? — деди Икром Қосимнинг жим бўлиб қолганини кўриб.

— Бе, нималар деяпсан? Мен улоқни яна олиб кетганинг учун сенга қойил қолиб ўтирибман. Аслида шу гапни кўтариб мен сенинг олдингга борганимда, ютардим. Энди илож қанча? — деб Қосим қўлларини икки ёнга ёзди. — Буни нишонлаймиз.

Пиёлалар яна ароққа тўлдирилди. Келажак учун, ўзаро ҳамкорлик учун ва ака-укачилик учун ичилди. Бир-бирини оёқларини ерга теккизмасдан мақташди. Лекин ҳеч бири сир бой бермади. Барибир орадаги девор қулаб тушмади.

— Энди мен борай, — деди Икром орадан бир соатга яқин вақт ўтганда бироз безовталаниб. У йигитларининг тўполон қилиб қолишларидан чўчиётганди.

— Ош-чи? — деди Қосим норозиланиб.

— Ошни энди, ока, чойхонада еймиз. Ўзингиз қўлбола қилиб девзира-ю кўй ёғидан бир ош қилиб берасиз-да.

— Битта ошга биз қарздор, — деди Қосим кўксига кўлини кўйиб.

— Энди борай.

— Майли. Лекин сенга ўхшаган бола билан одам гаплашиб тўймайди. “Раз” кетаман деб турибсанми, тўхтатолмайман ҳам. Ўжарлигингни яхши биламан-а, — деб Қосим кўзини қисди.

Бу гапдан иккаласи ҳам кулиб юборишди.

— Тирноқнинг, — деди Икром кулгидан тўхтаб, — таги эслатиб туради.

— Хато ўтган, хато ўтган, бўлди, бугундан бошлаб ҳаммасини унутамиз. Агар эсласам, анови сен ютиб олган пуллар ҳалиям меникени ачитади.

Яна кулги кўтарилди.

Шу билан дастурхонга иккиси ҳам бир-бирига омад тилашиб, фотиҳа ўқишди.

Икром қайтиб келганида унинг йигитлари машинанинг

ичида базўр ўтиришарди. Агар Икром яна бироз кечикканида тўполон бошлашлари аниқ эди.

— Қалай ўтирибсанлар? — деди хушчақчақ кайфиятда қайтиб келган Икром.

— Ака, — деди Самандар норози бўлиб, — бунақамас-да энди. Одамни пичоқсиз сўйиб кетдингиз-ку.

— Дарс, — деди Икром машинага ўтириб, — сенларга дарс бўлсин. Гоҳида душманнинг қўйнига қўл солиб ҳам туриш керак. Лекин баччағар ёрилмади. Барибир кўнглидагини тополмадим. Лекин эртами-кеч барибир уни ёраман. Ичак-чавоғининг ичидан топаман ўзимга керакли нарсани. Кетдик!

Машина ярим йўлга етганида, Икром ортига ўгирилди. Улардан тахминан юз қадамча нарида келаётган “Жигули”ни кўриб, мийиғида кулди: “Шундай бўлишини билардим”.

— Тинчликми, хўжайин? — деди Самандар хожасининг ўзи билан ўзи сўзлашаётганидан ҳайрон бўлиб.

— Орқадан “дум” келаяпти. Чаён билан ҳеч қачон ўртоқ бўлмаслик керак. Барибир у чақади, — деб Икром машинани бошқариб кетаётган йигитнинг елкасига қўлини қўйиб, — секинроқ ҳайда, — деди.

Орадан бироз ўтиб яна ортига ўгирилди ва “дум”нинг ҳам асталашганлигини кўрди.

— Адашмабман, — дея у Самандарга қаради, — боя қўлимиз қичияпти, деганмидинг? Ана, имконият туғилди.

— Маза қиларканмиз-да, — деди ҳайдовчининг ёнида ўтирган йигит.

— Агар кучинг етса... Яна иккита чорраҳадан кейин ўнгга бурилиш бор, — дея Икром олдинги ўриндиқ суянчиғини кучоқлади, — буриламиз-да, тўхтаимиз.

Танланган жой “дум”ни узиб ташлаш учун қулай эди. Чунки ўнг томонда қатор уйлар бўлиб, машина бурилибоқ тўхтаса, ортидан келаётган таъқибчи унинг тўхтаганини кўрмай қолар ва ўзини ошкор қилиб қўярди. Машина тўхтар-тўхтамас:

— Ҳамманг тушасанлар, рулга ўзим ўтираман, — деди Икром.

Бу буйруққа ҳам ҳеч ким эътироз билдирмади. Йигитлар бирин-сирин сакраб тушишди. Икром машинага газ

бериб, уни “жанг”га тайёрлаб турди. Кутилганидек, “дум” улар томон бурилди. Худди ўша маҳал Икром ўтирган машина ўқдай сапчиб, унинг нақ биқинига урилди. Кимларнингдир бақир-чақир, қарсиллаб чиққан овоз ҳаммаёқни босиб кетди. Шу ондаёқ Икромнинг йигитлари тўқнашув жойига югуриб келишди.

— Ҳаммасини тинчитинглар, — деди пешонасидан қон оқаётган Икром.

Самандар бошлиқ йигитлар биқинидан зарба еган машинага ёпирилишди ва у ердагиларнинг ҳаммасини битта-битта тигдан ўтказишди. Не ажабки, уларнинг ичида Қосим ҳам бор эди. Бироқ “ўрмон”га ўт кетганлиги сабаб “аланга” уни ҳам ўз домига олди. Вақт жудаям қисқа эди. Агар тезликда ҳаракат қилинмаса, ҳали-замон милиционерлар келиб қолиб, уларнинг ўзлари ҳам қўлга тушишлари муқаррар бўлиб турарди. Шу боисдан ҳам Икром машинадан тушмай, йигитларининг “иш”ни битиришини кутди.

— Тинчитдик, — деди бир маҳал машинанинг очиқ деразасидан бошини суққан Самандар, — энди нима қиламиз?

— Ўтиринглар, кетдик, — деди Икром унга қарамасдан.

— Радиатордан сув оқаяпти, узоққа боролмаймиз, — деди ташвишли оҳангда ҳайдовчи йигит.

— Ўргатма! Ўтир! — дея қичқирди Икром.

Ярим тун эди бу маҳал. Кўчада машина кам, ҳар-ҳар замон битта-иккита ўтиб қоларди. Бироқ пачоқланган машинани кўриб, бирортаси ҳам тўхтамасди. Фожиа ўзларининг ҳам бошига тушишидан чўчишарди.

Бирор йигирма чақиримча юрилганидан кейин Икром машинани тўхтатди.

— Мотор қизиб кетаяпти, — деди Икром. — Бундан бу ёғига итариб кетамиз.

— Ана, сув, — деди бирдан Самандар йўлак томонни кўрсатиб, — крандан оқиб ётибди.

— Давай, — деди Икром шошиб, — тез бўлинглар, багажда пақир бор.

Унинг назарида радиаторни сувга тўлдираётган йигитлар жуда секин юришарди. Бундан ташқари, унинг боши ҳам айланаётганди. Шу боисдан жиғибийрон бўла бошлади. Деразадан калласини чиқариб бир неча марта йигитларига

бақирди. Шунда ҳам тезроқ ишлашмагач, машинани ўт олдириб, жойидан кўзгатди. Йигитлари базўр машинага чиқишга улгуришди.

Икром уйига кириб борганида аъзойи бадани қалтирар, бошининг айланиши кучайган эди.

— Хўжайин, — деди унинг аҳволини кўриб саросималанган Самандар, — бошингиздан кўп қон оқибди.

— Оққан бўлса сен нега безрайиб турибсан?! Юв, баччагар!

— Хўп бўлади, — деб Самандар ювиниш хонаси томон жадал юрди. Унинг ортидан Икром ҳам борди.

Икром ювиниб чиқиб ярасини боғлатгандан кейин, бироз енгил тортди. Бироқ энди боши оғрий бошлади.

— Кўп қон йўқотганга ўхшайман, вино олиб келинглар. Озгина қоним кўпаяди, — деди у Самандарга.

— Хўжайин, балки дўхтир-пўхтир чақирармиз. “Мазгисотрасения” бўлган бўлсангиз битта-иккита укол ҳам қилиб кўяр эди, — деди Самандар пешонаси тиришганча хожасига тикилиб.

— Гапларинг ўзингдан ҳам совуғ-а, Қовун. “Нормальный”ман. Сен айтганимни бажар.

Самандар винонинг ўрнига коньяк кўтариб келди. Икром унга бир ўкрайиб қараб қўйди-да, кетма-кет икки қадаҳ ичди. Шундан кейин бироз ўзига келгандай бўлди. Ичида шундай “дори”ни ўйлаб топганга таҳсин ўқиди. Таҳсиниям кўполдан-кўпол, битта таҳсинга иккита сўкиш аралашганди. Аслида у сўкишни кам ишлатарди. Унинг ўрнини ҳар доим кўпол гаплари босиб кетарди. Лекин шу сафар сўкинди. Кўпол гаплари, унинг назарида, камбағаллик қилиб қолаётгандай эди. “Эртага ҳаммаёқ тўполон бўп кетади, — дея хаёл қилди Икром “таҳсин”дан кейин, — йигитларининг ҳаммаси чавақланганига Қосим чидаб туролмайди. Нақ михнинг устига ўтиради. Шунинг учун, эҳтимол, очиқчасига уруш ҳам бошлаб юборар. Балки “мент”ларга сотар... Аҳволим бироз оғирлашар экан... Айтмоқчи, мошинани йўқ қилиш керак”.

— Қовун... Самандар! — дея бирдан бақирди у.

Хўжайини оромкурсига ўтириб кўзини юмганча тинчиб қолганидан кейин қўшни хонага ўтиб юмшоқ ўриндиққа энди чўзилган Самандар Икромнинг овозини эшитиб, ўрни-

дан сапчиб турди. Сўнг уйқусини қочириш мақсади-да, юзига бир-икки шапатилаб, тез-тез юрганча Икромнинг ёнига борди.

— Мошинани нима қилдиларинг? — сўради тўдабоши.

— Подъезднинг ёнида турибди.

— Онангни эмгур, йўқот! Ҳозирнинг ўзида битта гараж топ-да, тиқ... Ҳе, ақлингга урай сенинг!

Бу буйруқ Самандарга малол келди. Бироқ бажармасдан иложи йўқ эди. Шунинг учун қулоғини ҳам қимирлатмай ортига қайтиб, иккита йигитни эргаштирганча ташқарига йўналди.

Бу пайтда айвонда Искандар ширин уйқуда эди. Унинг уйқуси шунчалик қаттиқ эдики, шунча бақир-чақир бўлишига қарамасдан уйғонмади. Балки у шу ётишда тонг оттириши ҳам мумкин эди. Агар Икром тоза ҳаво олиш учун айвонга чиқмаганида.

— Вой, мараз, — деб юборди Икром уни кўриши билан, — ҳамма иш билан овора-ю, бу баччағар бутини чайла қилиб хуррак отаяпти.

Биқинига тушган тепкидан Искандар чўчиб тушди ва кўзини йириб очганча Икромга қаради.

— Тур-э, итдан тарқаган! — деб сўкди Икром.

— Озгина... Озгина, кўзим кетиб қолибди... — дея Искандар сакраб ўрнидан турди.

— Ҳозир мен сен ҳайвонга кўрсатиб қўяман кўзинг кетиб қолишини, бу ёққа ўт, — деб Икром уни қўлидан ушлаб уйнинг ичига судради.

— Хўжайин, тоғамнинг маззаси қочиб қолган экан, шунга бориб, қоп кетдим, — дея сайрашни бошлади Искандар.

— Ҳозир мен сен маразга тоғангни кўрсатиб қўяман! Нега излаганда топилмадинг?!

— Айт...

Искандар гапини давом эттиролмади. Икром унинг юзига муштлади. Бундай пайтда Искандар нима қилишнинг ҳадисини олган эди. Шу боисдан, бирдан ўзини орқага ташлади-да, икки қўли билан юзини бекитди. Худди зарба ўта кучли чиқиб, у оғриқнинг зўридан шундай қилаётгандек. Аммо бу иши билан у бошқа сирни очиб қўйди: Икром унинг қорайган тирноқларини кўриб қолди.

— Ие, — деди у кўзи чарақлаб Искандарнинг бармоғи-

ни ўзи томонга тортар экан, — қўлингни поезд босиб кетдими?

Искандар шошганча қўлини тортиб олмоқчи бўлди-ю, бироқ уддасидан чиқолмади. Икром уни маҳкам ушлаб турарди.

— Ҳалиги... Ҳалиги... Тикон кириб...

— Кейин игна тикқансан, шундайми? — дея унинг гапини давом этказиб, илжайди Икром. — Ўзиям роса оғриган бўлса керак? Оғриққа чидолмай, ичингдаги ҳамма гапни тўкиб-солгансан. Бунисиям, менимча, тўғри бўлса керак-а? Шундайми?

Искандар унга ҳеч нарса деб жавоб қилмади. Аъзойи бадани титраганча, кўзида ёш билан Икромга термилиб тураверди.

— Шундай гапларни айтгансанки, мен мошинанинг тагида қолиб ўлиб кетишим керак бўлган. Тушунарли, энди ўрнингдан тур, сволочнинг боласи, тиконнинг озгинаси қолиб кетганга ўхшайди. Ким тозалаган бўлсаям, чала қилибди. Ўзим сени бир яхшилаб даволаб қўяй, — дея Икром уни ошхона томонга судрай бошлади. Искандар жон аччиғида қутулиб кетиш учун бир неча бор уринди. Аммо хожасининг чангалидан чиқиб кетолмади.

Икром ошхонага борганидан кейин қўлига гўшт майдалайдиган ошпичоқни олди.

— Акажон! — дея ўкириб юборган Искандар ўзини унинг оёғи остига ташлади. Аммо унинг ёлворишлари бекор эди. Чунки Икромнинг кўзи қонга тўлганди. Унда раҳм-шафқатдан асар ҳам йўқ эди.

* * *

Нафиса йиғлаб-сиқтаб боласини эмизар экан, кўкрагидаги тиш изларига кўзи тушди.

— Вой ўлмасам, — деди у қўрқиб кетиб, — бу яна нимаси, қайси гўрдан пайдо бўлди?!

У ҳали эмиб тўймаган гўдагини аста кўкрагидан уздида, секин каравотга ётқизди. Аксига олиб ана шу паллада қайнонаси кириб келди. Нафиса бирдан кўкрагини яширди.

— Бунча қайғу, қизим? — дея унинг ёнига келиб сўради Назира опа.

— Қизингизнинг ортидан кузатиб юравериб, кўкрагим сутга тўлиб оғриди. Уйга тезроқ етиб келай, деб шунча уринсам ҳам автобус ўлгур имилланиб... Йиғлаб юбордим, — дея яна кўзига ёш олди Нафиса. Ёлғон гапираётганидан унинг юзи қизариб кетганди.

— Шундай экан, дарров орқангизга қайтавермайсизми? Нима қилардингиз ўзингизни бунчалик қийнаб?! — деганча Назира опа уни меҳр билан бағрига босди.

— Айтганингизни охиригача бажарай дедим, — дея энди пиқиллаб йиғлашга тушди келин.

— Ҳечқиси йўқ, қизим. Мана, болангизам қорни тўйганидан кейин ухлаб қопти. Энди юринг ошхонага, битта чой дамлаб икковимиз бемалол гаплашиб оламиз.

— Ойижон, бошим шунақа лўқиллаб оғрияптики, иссиқ ҳам ўтиб кетдими дейман.

— Чой бош оғриғини дарров қолдиради. Ундан кейин, битта анальгин ичиб оласиз. Ҳаммаси яхши бўп кетади. Юринг, қизим. Келгунигизча ичим қизиб ўлдим.

Назира опа, гарчи келини истамаса-да, унинг қўлидан ушлаб ташқарига етаклади.

Чой устида Нафиса тутила-тутила кўзини дастурхондан узмай кўрганларининг барини гапириб берди. Лекин ўзи билан боғлиқ бўлганлари ҳақида лом-мим демади. Назира опа келини ҳамма гапни айтмаганини сизди. Аммо сезганини ичида сақлаб туролмади. Ахир, келини бекордан-бекорга айбдордай бошини эгиб турмайди. Бундай пайтда аёл деганлари жўшиб, кўзлари ёниб гапиради. Ҳатто қайн-синглисини айблашни ҳам унутмайди. Нафиса бўлса...

— Қизим, — дея узоқдан гап бошлади Назира опа, — ўша кўрган болангиз кўримлигинами?

— Юзини унчалик яхши кўролмадим. Орамиз анча узоқ эди. Лекин тузуккинага ўхшайди. Қизингиз термилганча қотиб қолди-ку, — деди Нафиса ҳали-ҳамон кўзини ерга тикиб.

— Фақат шугинами, болам? Нимагадир яна бошқа нарсаларни яшираётгандай бўлаяпсиз. Улар яна ҳамманинг кўз олдида шармандачилик қилишмадими? Айтаверинг. Кейин гишт қолипдан кўчиб куйгандан кўра, ҳозир куйиниб қўйганим яхши.

— Йўқ, ойижон, ҳеч нарса қилишмади. Ҳатто бола қизингизнинг қўлини ушлаганини ҳам кўрмадим.

— Бўлмаса нега бунча безовталанаяпсиз?

— Ойижон! — деди Нафиса ўпкаси тўлиб. — Ўғлингиз эшитмасин. Автобусда келаётсам иккита бола ичиб олиб менга шилқимлик қилиб, жонимга тегиб кетди. Яхшиям, шофёр яхши одам экан. Уларни уришиб-сўкиб автобусдан тушириб юборди.

Нафисанинг кўзидан тошган ёш томчилаб дастурхонга туша бошлади.

— Агар... Агар, — дея йиғлаганча гапини давом этказди келин, — ўғлингиз синглисининг орқасидан шпионга ўхшаб пойлаганимни, кейин ўзимнинг бундай аҳволга тушганимни эшитиб қолса, хафа бўлади. Мени уришади...

— Уйгинаси куйсин унақа алкаш болаларнинг! Ер юткурлар! Сиздан бошқа одам қуриб қоптими уларга?! — дея қарғанди Назира опа, сўнг Нафисани юпатишга тушди: — Хафа бўлманг, қизим. У ҳеч балони эшитмайди. Мабодо билган тақдирдаям, сиз сира кўрқманг. Мен борман. Ўзим тушунтираман. Биттагина синглиси ҳақида қайғурмаскан... Уришиб кўрсин-чи сизни!

Бироқ Нафиса юпанмади. Баттар ўксиниб кетаверди. Тишини-тишига босиб, ўзини зўрға ушлаб ўтирарди. Шу пайт дарвоза кўнғироғи жиринглаб қолди. Бўлмаса уввос солиб йиғлаб юбориши ҳам ҳеч гап эмасди. Чунки эридан ҳамма нарсани яшириш мумкин. Аммо кўкрагидаги тиш изларини қандай яширади?

— Сиз ўтира туринг, ўзим очаман, — деди қайнона меҳрибонлик билан.

Нафиса Назира опа ташқарига чиқиб кетиши билан ўрнидан туриб хонасига равона бўлди.

Ҳовлида қайнонаси билан қўшниси ниманидир шангиллашиб гаплашишар, Нафиса эса кийимларини ечиб ташлаб, кўкарган жойларини силаганча йиғларди. У шунчалик изтиробга тушган эдики, эри ишдан қайтиб ҳовлида онаси билан сўрашганини, сўнг у турган хонага келаётганини сезмай қолди. Ҳатто ташқи эшик ғийқиллаб очилганини ҳам эшитмади.

Нафисага худо раҳм-шафқат қилди. Эри ҳали уй эшигига етмасидан, ҳовлида қўшни хотин билан гаплашиб тур-

ган Назира опа Дилдоранинг бир аҳволда уйга кириб келганини кўриб, “Вой ўлмасам, сенга нима бўлди қизим?!” дея бақриб юборди. Буни эшитган ака уйга кирмасдан бирдан орқасига қайтди. Бу шовқинни эшитган Нафиса кўйлагини шоша-пиша кийиб олди.

Дилдора ранг-қути ўчган бир аҳволда кириб келди. Аввалига у дарвоза очиқлигидан хурсанд бўлди. “Ҳеч ким кўрмаса хонамга кириб ўзимга келиб оламан”, деб ўйлади. Ҳовлида қўшни аёл билан онасини кўрганидан кейин эса ҳам кўрқиб кетди, ҳам хўрлиги келиб ўпкаси тўлди. Ана шундай довдираган бир аҳволда онасига салом бериб ўтиб кетмоқчи бўлганида, Назира опа қизидаги ўзгаришни дарров сизди. Агарда келинидан Дилдоранинг ким билан учрашиб келаётганлиги ҳақида эшитмаганида эди, балки қизига унчалик ҳам эътибор бермас, рангининг оқариб кетганлигини кўрган тақдирида ҳам қизини бетоб бўлиб қолгандир, деб ўйлар эди. Энди эса хаёли бутунлай бошқа томонга кетди. Шу боисдан ҳам бақриб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Ҳеч нарса, — деди Дилдора қошини чимириб, — иссиқ...

— Иссиқдан одамнинг юзи қизаради, қизим. Айниқса, сендай оппоқларнинг.

— Ҳа, тўғри, Дилдора, рангингда қон қолмабди-я, қандайдир сўлиб қолганга ўхшайсан, — дея Назира опанинг гапини давом этказди қўшни аёл оқ оралаган чакка сочларини тузатар экан.

Унинг гапи она-болага ёқмади. Шунинг учун Назира опа қовоғи осилиб, қўшни аёлнинг олдида қизини ортиқча саволга тутмади. Бунинг устига, онасининг ваҳимали овозини эшитган ўғил ҳам ташқарига чиқиб, нималар бўлаётганлигини суриштира бошлаган эди.

— Нимага чиқдим девдингиз? — дея сўради Назира опа қўшнисини эртароқ кетказиш мақсадида.

— Ҳа, эсим курсин-а, — дея илжайди қўшни аёл ўзини гўлликка солиб, — элакка чиққан хотиннинг элик оғиз гапи бор деганларидек, мен ҳам валдираб қолибман. Бугун уйимизга хўжайиннинг ишхонасидан меҳмонлар келиши керак эди. Манти қозонимни қизим олиб кетувди. Эри...

— Ҳозир, — дея унинг гапини дарров бўлди Назира опа

баттар қовоғи уйилиб, сўнг уй томонга юзланиб: — Нафисахон! Ҳо, Нафисахон, манти қозонни олиб чиқинг, — деб овоз берди.

Нафисанинг кўриниши Дилдораникидан қолишмасди. Юраги гурсиллаб урар, юзи қизариб кетган эди. Эри келганини билганидан кейин ташқарига қандай чиқишни билмай ўтирганди, қайнонасининг гапидан кейин унга жон кирди. Тез юриб, ошхонага кирди-да, манти қасқонни олиб чиқди.

Қўшни аёлнинг жанжал ҳиди келиб турган хонадондан чиққиси келмаётганди. Назира опанинг қовоқ уйиб тургани, бунинг устига, иши тез битганидан кейин мажбуран чиқиб кетди. Кетар чоғи “Эсиз, қўшниларга маза қилиб гапириб берардим”, дея хаёлидан ўтказди.

Назира опа шошиб қизининг орқасидан борди ва Дилдоранинг кийимини ҳам алмаштирмасдан, ўринга чўзилиб олганлигини кўриб:

— Болам, сенга нима бўлди? — дея сўради унинг ёнига бориб меҳрибонлик билан.

— Ҳеч нарса, бошим лўқиллаб оғрияпти... Битта-иккита дори ичиб оламан, шекилли, — дея жавоб қилди Дилдора бошини кўтармасдан.

— Ҳеч бошинг оғриётганга ўхшамайди-да, болам. Бирон гап бўлганга ўхшайди. Бошинг оғриси бундай аҳволга тушмасдинг. Айтавер, онанг ўргилсин. Нима бўлди? Битта-яримта билан уришиб қолдингми ёки...

— Айтдим-ку, ойи, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Иссиққа бошим оғрияпти, бироз ётай, ўтиб кетади.

— Йў-ў-қ, сен мендан яширма. Яширганинг билан барибир билиб оламан. Сенда бир гап бор.

— Нима гап бўлиши мумкин, ойи?! Ҳеч одамни ҳолжонига қўймайсиз-а. Ҳар балоларни гапираверасиз.

— Ҳа, биз шунақа бўп қолганмиз, ҳар балоларни гапираверамиз.

— Уф-ф... — Дилдора бошини ёстиққа буркаб олди.

— Сен қизнинг охирги пайтларда оёқ олишинг бошқача бўп қолди.

Дилдора бу гапни эшитиши билан кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди ва зарда билан ёстиқни отиб юбориб, ўрнидан туриб ўтирди.

— Ойи, шу уйда яшайми-йўқми, нимага мени бунча қийнайсиз?! — деб йиғлаб юборди.

— Сен-ку, йиғлаб-йиғлаб қутулсан. Эртага мен йиғлаш тугул ўзимни оссам ҳам тавқи-лаънат бўйнимда кетади. Сен ҳеч шуни ўйлайсанми-йўқми, мен эртага кўчада юришим керакми ёки сенинг дастингдан юзим қора бўлсинми?

Дилдора икки қўли билан юзини бекитди. Азбаройи бақриб юбормаслик учун лабини тишлади. Сўнг асабий бир ҳаракат билан кўзёшларини кафтига артди.

— Ойи, нима десангиз денг, — деди у овозини бир парда кўтариб, — мен барибир сиз айтган болага турмушга чиқмайман!

Назира опа навбатдаги “ҳужум”га ўтолмади. Ҳовлидан эрининг овози келди.

— Менинг гапимга кирмайдиган бўп қопсан, — деди у қизига, — ана, аданг ҳам келди. Ҳозир ҳаммасини айтиб бераман. Ўзи гаплашсин.

У қизига зарда қилиб тез-тез юрганича чиқиб кетди. Дилдора ўзини яна каравотга ташлаб, унсиз йиғлай бошладди.

Назира опа ташқарига чиққунича хаёлида эрига нималар дейишини ўйлаб борди. Бироқ Абдулазиз аканинг вазоҳатини кўриб, ҳаммасини унутди.

— Яхши келдингизми, адажониси? — дейишга базўр тили борди.

— Яхши, — деди Абдулазиз ака кесатиб, — ўзларинг яхши ўтирибсиларми?

Назира опа нима деярини билмай каловланиб қолди. Кўзини ерга тикди.

— Бу ёққа юр! — дея Абдулазиз ака ўткир нигоҳини хотинидан узиб, уй томон кетди.

Назира опанинг юраги бирдан “шиғ” этиб кетди. Эрининг қизи ҳақида бирон нима дейиши мумкинлиги унинг хаёлига келмай, ўзидан хавотирланди.

— Нималар бўлаяпти бу уйда? — деди Абдулазиз ака ичкарига кирганидан кейин.

— Ҳаммаёқ тинч, фақат...

— Нима фақат?!

— Ҳалиги, Дилдора...

— Унинг қанақа мошинада уйга келётганидан хабаринг борми?

— Йўқ! — деди ичига кўрқув кирган Назира опа кўзи олайиб.

— Сен уйдан чиқма, хўпми? Сен қизингни тергама, майлими, йўл-йўриқ кўрсатма, бўптими?

— Адаси, — дея бирдан йиғлаб юборди Назира опа, — нима қилай, гапимни гап демай қўйган! Сал бурнидан баланд гапирсам, ваҳима қилиб юборади.

— Ҳе ваҳиманг билан қўшмозор бўл! Бугун қандай мошинада келганини кўрдим. Агар битта ортиқча гап чиқадиган бўлса, билиб қўй, биринчи ўринда сен жавоб бера-сан!

— Адаси... Адаси, — дея Назира опа кўзидаги ёшни артди, — ўзингиз ҳам бир гаплашиб қўйинг. Ундан кейин, анави келган совчиларга розилик бериб юборайлик. Дарров босилиб қолади.

— Миянги чиригур, — деб Абдулазиз ака қўл силтаганча, уйдан чиқиб кетди.

Нафиса манти қасқонни олиб чиққанидан кейин уйига кирмади. У-бу ишларни баҳона қилиб юраверди. Қайнотасининг асабий ҳолда уйга келганини кўрганидан кейин эса зарурати бўлмаса ҳам челақ билан супургини олиб ташқарига чиқди, кўчага сув сепишга тушди. Кейин уйга қайтиб келиб ошхонага кирганида қайнонасининг унсиз йиғлаётгани устидан чиқди.

— Ойижон, — деди унинг ўзи ҳам йиғламоқдан бери бўлиб, — ҳамма нарсага мен сабабчи бўлдим. Мен сизни шундай қийнаб қўйдим-а...

— Кўяверинг, қизим, — деди Назира опа, — асли бугун шунақа кун экан. Адангиз Дилдоранинг бегона машинадан тушганини кўрибди.

— Бирорта такси билан келгандир-да, ойижон, — дея Нафиса Назира опага далда берди.

— Билмадим-да, қизим... Ҳа майли, сиз овқатга уннанг, кеч бўп қолди.

Овқат маҳалиям Абдулазиз аканинг қовоғи очилмади. Олдига қўйилган косани миқ этмай бўшатди. Унинг ҳолати бошқаларгаям кўчган, ҳеч кимдан садо чиқмас эди. Дилдорани Нафиса бир неча марта чақирди. Лекин у иш-

таҳаси йўқлигини, боши оғриётганини баҳона қилди. Абдулазиз ака билан Назира опа эса қизларини кўргилари келмади, шекилли, кўп қисташмади.

Дилдоранинг акаси Баҳром бу асабий сукунатдан ҳайрон эди. Шу боис, бир неча марта хотинига ёвқараш қилди. Лекин Дилдоранинг нега овқатга чиқмаётганини сўрамади. Қўрқди, тўғрироғи, отасининг олдида ноқулай бўлди. Ота қовоғини уйиб, қизини сўрамагач, унга ўринсиздай туйилди. Шу боис хотинигагина кучи етди. Шунда ҳам қаҳрли қараш билан чекланди.

Бу нигоҳлар ўзини айбдор санаётган Нафисани бутунлай адо қилди. Кучоғидаги ўғлини эркалаган бўлиб юзини яширмоқчи бўлди. Лекин шунинг ҳам уддасидан чиқолмади. Лов-лов ёнаётган юзи эрига манамаман деб ўзини кўрса-тиб тураверди.

Дастурхонга фотиҳа ҳам шунга яраша ўқилди. Аввал Абдулазиз ака юзини кафти билан силаб ўрнидан туриб кетди. Ундан кейин Нафиса косаларни олиш баҳонасида кўзгалди, сўнг Баҳром. Назира опа эса жойидан жилмади. Ҳамма кетганидан кейин бир нуқтага термилганча ўйга чўмди.

— Адамга нима бўлди? — дея сўради Баҳром ётоққа кирганларидан кейин Нафисадан.

— Билмадим, ишдан шунақа кайфиятда келдила, — дея паст овозда жавоб қилди Нафиса.

— Дилдора-чи, уям ўқишдан шунақа келдими?

— Бошим оғрияпти, деди.

— Ишқилиб, тинчликми, сен ҳам нимагадир кўзимга бошқача кўринаяпсан.

— Билмадим. Бугун ҳаво ёмон, шекилли. Ҳамманинг кайфиятига таъсир қилган.

— Шунақа бўлса майли-ку-я...

Нафиса ухлаётган боласини секин жойига ётқизиб қўйиб, энди чироқни ўчирмоқчи бўлганида, ўғли уйғониб кетиб, йиғлай бошлади. Жувон ҳозир уни эмизса гўдаги тинчгина улашини яхши билар эди. Аммо эмизадиган бўлса, эри унинг кўкрагидаги тиш изларини кўриб қолиши мумкин эди. Шу боисдан ҳам боласини кўтариб ухлатишга уриниб кўрди. Сут эмиб ухлашга ўрганган гўдак баттар чирқиллай бошлади.

— Эмиз, — деди охири Баҳром тоқати тоқ бўлиб.

— Яқингинада эмизгандим.

— Уф-ф, — асабийлашган Баҳром ташқарига чиқиб кетди. Нафиса эса енгил тортиб, шоша-пиша кўкрагини чиқарди-да, ўглининг оғзига солди. Гўдак дарров тинчиб кўзини юмди.

— Болажоним, — дея шивирлади Нафиса, — тезроқ ухлай қолгин.

Ҳартугул Баҳром ташқарида анча вақт қолиб кетди. Нафиса ўглини ухлатиб қўйди-да, чироқни ўчириб, ечинмай юмшоқ каравотга юзтубан ётди. Эри қайтиб келиб чироқни ёқди. Сўнг хотинининг ёнига ётиб, аввал унинг сочларини силади. Сўнг тирғала бошлади. Нафисанинг ичига титроқ кирди. “Эй, худо, — дея илтижо қилди жувон ичида, — шарманда бўлдим. Эрим нақ сўйиб ташлайди...”

* * *

— Каламушнинг қандай қилиб ўлгани ҳали-ҳануз эсимда. Сен ўшандаям маразлик қилгансан. Сенга шунча хизмат қилиб, охири итдай ўлиб кетган. Тўғрироғи, сен ўлдирувдинг. Менинг қўлим билан. Энди худди шу усулда меням жаҳаннамга жўнатмоқчи бўлдингми? Чучварани хом санабсан. Аввал ўзингни жўнатаман, — деди Полвон қаҳр-ғазабга тўла нигоҳини Шерга қадаб.

— Эсинг жойидами, Полвон? Нималар деяпсан? Сен менинг қадрдонимсан-ку, — деди Шер қўрқувини билдирмасликка ҳаракат қилиб.

— Қадрдонмиз дегин. Ҳа, сен айна мана шундай пайтда қадрдонлигимизни эслаб қоласан. Бошқа вақт мендан ифлос одам бўлмайди сен учун. Бўпти, гапимиз чўзилиб кетди. Тепангдаги Азроилниям жаҳли чиқаяпти. Яхши бор.

Мавлон тепкини босди. Тўппончанинг овози ҳавога сингмасидан бурун Шер гурсиллаб орқасига қулади.

Полвон илжайди.

— Бор-йўқ аҳволинг шу эдими, шу аҳволингдан шунчалик қўрқувдикми? Осон экан-ку. Кутулса бўларкан-ку, — дея жонсиз танани бир тепди-да, бўйнини чўзиб худди ўзидек бахт қуши бошларига қўнганидан масрур бўлиб турган Зебрага қараб: — Ҳокимият бизники! — деди тантанавор оҳангда. — Ташқарига чиқ! Ҳамма йигитларни йиг. Холмат келгунича ишларни “текислаш” керак.

Зебра буйруқни эшитиши билан ташқарига қуюндай отилди.

Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас қўшни хонага Полвоннинг йигитлари билан бирга унга итоат этмайдиганлар ҳам тўпланди. Мавлон ёнидан тўппончасини чиқариб, юқорига кўтарди-да:

— Бугун кўзгалон бўлди! — деди баланд овозда. — Шоҳимиз хиёнат кўчасига кириб, бизни сотмоқчи бўлиб турган пайтда қўлга тушди. Ҳаммангга маълум, хиёнатчи фақат ўлдирилади!

Шернинг одамлари саросималаниб бир-бирларига қарашди.

— Ока, — деди доим болохонада турадиган, кенг елкали, узун бўйли, қорачадан келган, қалин мўйловли Толмас исмли йигит, — нима деяпсиз? Қанақа хиёнат? Ким кимга хиёнат қилди?

— Шер, Амирбек! Сенга, менга хиёнат қилди! Прокуратурага сотибди ҳаммамизни. Кейин ўзи қочиб кетишни мўлжаллаб қўйган экан. Бу ҳақда ҳозиргина унинг ўзи менга айтди. “Конечно”, мени сотганлигини айтгани йўқ. Лекин мен унинг гапларига чидолмадим. Чунки ҳар битта йигит менга қадрдон. Агар биронтасига...

— Ёлғон, — дея унинг гапини бўлди Толмас, — сиз бизни алдаяпсиз. Исботланг гапларингизни.

— Исботлардим. Лекин иложи йўқ. Чунки мурдалар гапирмайди!

— Ни-ма?! — дея бақариб юборган Толмас бирдан ёнидан пичоқ чиқарди.

— Сен ҳам хўжайинингнинг биттасисан. Демак, иккалангнинг тилинг бир бўлган. Бундай одамларга бизнинг орамизда жой йўқ! — дея Мавлон қўлидаги тўппончани унинг кўксига тўғрилаб кетма-кет икки марта тепкини босди. Толмас турган жойида бир сакради. Сўнг бироз гандираклаб, чалқанчасига қулади.

Буларнинг бари шунчалик тез содир бўлдики, Шернинг хос одамлари тугул, Полвоннинг ишончли йигитлари ҳам карахтланиб қолишди. Биринчи бўлиб Зебра ўзига келди.

— Нега қараб турибсанлар?! — дея бақирди у бошқаларга. — Ҳамманг тиз чўк. Энди бизнинг янги қиролимиз бор. Мавлон акам янги қирол!

Толмаснинг куни бошларига тушишидан кўрққан йигитларнинг ҳаммаси тиззалаб ўтириб, бошларини эгишди.

— Агар бундан буён менинг битта гапимни иккита қиладиган бўлсанг ҳаммангни манави итдай хор қилиб отиб ташлайман! — деди Полвон, сўнг йигитларга бирма-бир ўқрайиб қараб чиқди-да: — Зебра бугундан бошлаб менинг ўнг қўлим. Мен йўқ пайтимда у сенларга бош бўлади, — деди амирона оҳангда.

Шу билан қисқа, лўнда “танишув” маросими якунланди. Мавлон одамларини ташқарига олиб чиқмоқчи бўлиб турганида, телефон жириглаб қолди. Полвон унга гижиниб қаради-да, гўшакни бир кўтариб яна жойига қўйиб қўйди.

— Ана энди келасан. Келгандаям қушдай учиб келасан! — дея қўшиб қўйди у юзида айёрона табассум билан.

Полвон бу сафар ҳам мўлжални аниқ олган эди. Гўшакни Шер кўтариб жойига қўйиб қўйди, дея хаёл қилган Холматнинг кўнглига шубҳа оралади. “Хўжайин мени синов учун юборган, йўқса Полвон уйида бўларди, мен уни аэропорт йўлида тинчитардим”, дея ўйлаб дарров ортига қайтди. Шернинг дарвозаси ёнига келганидан кейин ҳаммаёққа синчиклаб назар солди. Шубҳали ҳеч нарса кўзга ташланмагач, ичкарига кирди. Ҳовли ҳам тинч эди. Шу боисдан ҳам у бемалол юриб хожаси ўтирган хонага кетаётганида кутилмаганда рўпарасидан Зебра чиқиб келди. Унинг афт-ангори, қарашлари жуда бошқача эди. Қарашларидан кибр, менсимаслик шундоққина кўриниб турарди. Унга кўзи тушиши билан Холмат: “Мени аниқ синамоқчи бўлишган”, деган яқуний хулосага келди.

— Ока, — деди Зебра кесатиб, — хўжайин анча вақтдан бери сизни сўроқлаяпти. Қаерда бунчалик санқиб юрибсиз?

Холмат унга ўқрайиб жойида тўхтади.

— Оғзингнинг чаккасини артиб қўй, — деди сўнг.

Зебра беихтиёр қўлини лабига олиб борди.

— Кўрдингми, — деди Холмат илжайиб, — ҳали она сутинг оғзингдан кетгани йўқ. Шунинг учун кимлигингни билиб, кейин савол бер.

Холмат ичкарида Шер билан Полвоннинг ёнма-ён ўтиришганига шубҳа қилмасди. Уни қийнаётган нарса Пол-

воннинг кўзига қараш эди. Албатта, хожасининг битта буйруғи билан Полвонни ўлдирмоқчи бўлганини Мавлон кечирмасди. Ҳозир-ку, Шернинг олдида ҳеч нима демаслиги мумкин, аммо кейинчалик, маълум вақт ўтганидан сўнг албатта ўч олади. У бунақа нарсаларни унутиб юборадиганлардан эмас.

Ана шунинг учун ҳам у ички титроғини Зебрага сездириб қўйди.

— Шунақа денг, окагинам, ҳали бизнинг оғзимиздан она сугимиз кетмабдими? Гапингиз яхши-ю, лекин бунинг учун жавоб беришингиз бор.

— Тушунмадим?!

— Ичкарига кириш, кейин тушуниб оласиз.

Холматнинг ғазоби бўғзига келди. Бироқ Зебрани уриш у ёқда турсин, ҳатто қаттиқроқ гап айтолмади. Ички титроғи бунга йўл қўймади.

У қўлини мушт қилганча хаёлида Шер ўтирган хонанинг эшигини очди-ю, ҳайкалдек қотди. Уй тўрида, қалин кўрпача устида Полвон ёнбошлаганча, сигарета тутатар эди. “Ҳаддидан ошиб қоптими? — ўйлади Холмат. — Хўжайиннинг уйида жа олифтачилик қилиб ётибди”.

— Холматбой! — деди Мавлон илжайиб, лабига сигаретасини қистирар экан. — Ишни бажариб келдингми?

— Қанақа иш, ака? — ўзини гўлликка солди Холмат.

— Мени ўлдиришни-да.

— Менга унақа юмуш буюрилмаган.

— Қўйсанг-чи, ошна. Дадил-дадил гапиравер-да.

— Бўлган гапни айтаяпман мен.

— Хотинлик қилма. Борини гапир.

— Бори шу.

— Ёлғон гапириб бекор қилдинг!

— Ёлғон?

— Бўлмасам-чи, — дея Полвон ётган жойидан туриб ўтирди, — лекин сенда айб йўқ, ука. Сен фақат буйруқни бажариш учун туғилгансан. Аммо эҳтиёткорлик, тезкорлик етишмайди сенда. Агар мана шу нарсалар бўлганида мен ҳозир жаҳаннамда, оловда куюётган бўлардим. Мендай одам бундан бошқасига нолайиқ-да, нима дединг?

— ...

— Зебра! — дея бақирди Полвон эшикка қараб.

Эшик ортида ичкарида қандай гаплар бўлаётганлигини билиш учун қулоғини динг қилиб турган Зебра ичкарига кириб, хожасига қуллуқ қилди.

— Адашмасам буям сенга ока эди-а? — деди унга қараб Полвон.

— Энди ёши катта бўлганлиги учун ҳурмат қилиб... Лекин ҳурматимизни билмаган бу одам.

— Унда нимага қараб турибсан? Менинг ёрдамчимми-сан? Қўл остингдаги одамлар сенга итоат қилиши керак. Бу бўлса сакраяпти, менга эмас, айнан сенга. Яъни, сени тан олмаяпти.

Зебрага шу гап керак эди. У айнан шуни кутиб турганди. Полвон гапини тугатар-тугатмас, Холматнинг жағига қулочкашлаб мушт туширди. Бунақа бўлишини мутлақо кутмаган эса-да, Холмат зарба кучидан йиқилиб тушмади. Лекин кўзидан ўт чиқиб кетди.

— Тиз чўк! — дея ўшқирди Зебра Холмат йиқилмагач, тепки билан “сийлар” экан.

Холмат тишини-тишига босиб базўр чидади. Ва ўзини мажбурлаб унинг айтганини бажарди. “Бу қилиқларинг учун ҳали иккаланг ҳам жавоб берасан”, дея хаёлидан ўтказди.

— Энди бор, — деди унга Полвон, — бугунча бўшсан. Эртадан бошлаб хизматга келасан.

Холмат ўрnidан тураётиб Мавлонга ёвқараш қилди ва шу ондаёқ келажакда ўч олиш нияти борлигини билдириб қўйди.

— Тўхта, — деди Полвон у энди ортига бурилганида, — битта ҳайвоннинг бошқасига айланиб қолганини кўрган-мисан?

Холмат “йўқ”, дегандек бош чайқади.

— Яша, мен ҳам кўрмаганман. Бундан кеп чиқадики, сен икки дунёдаям менга хизмат қилмайсан. Қайтанга мавридини топиб, ўч оласан. Бошқа томондан, у ёқда Шер аканггаям ёрдамчилар керак. Бўлмаса ёлғизланиб қолади, — дея Полвон кўрпачанинг остидан тўппонча чиқарди ва Холматнинг бошини мўлжалга олиб тепкини босди. Бу сафар битта ўқ отилди. Шунинг ўзи ҳам Холматга етиб-ортди. У ниятини ўзида қолдириб, хожасининг ортидан нариги дунёга равона бўлди.

— Буниям оғайнилариининг ёнига ётқизиб қўйинглар, ярим тунда шаҳардан ташқарига олиб чиқиб ёқиб юборасанлар, — деди Полвон порох ҳиди келиб турган тўппончасини яна кўрпача остига тикар экан.

Унинг айтгани бир зумда бажарилди. Кейин Полвон бошқа хонага ўтди. У ерда “ғалаба” муносабати билан дастурхон ёзилганди.

Мавлон шотирларини узоқ меҳмон қилмади. Икки қадаҳдан ўзининг шарафига ароқ ичганларидан кейин ҳаммасини чиқариб юбориб, ёнида биргина Зебрани олиб қолди.

— Менга қара, — деди Полвон ёрдамчисига, — бурунги замонда битта шоҳ иккинчи бир шоҳни мағлуб қилса, нималарга эга бўлган?

— Ҳамма нарсага, — деди Зебра оғзидаги луқмасини ютиб, — мол-давлатининг бари уники бўлган, кейин ерлари...

— Ютқазган шоҳнинг хотинлари-чи, улар кимга қолган?..

Зебра хожасига термилиб, бироз қотиб турди. Сўнг бирдан хохолаб қулиб юборди.

— Онангни эмгур, — дея илжайган Мавлон унинг елкасига енгилгина муштлади.

— Гап йўқ, гап йўқ, — дея базўр ўзини кулгидан тўхтатди Зебра, — лекин битта “но”си бор. Шернинг хотини қарибчириб, ҳеч балога ярамай қолган.

— Ҳов ит, — деди бироз жаҳли чиққан Полвон, — ўшанисини сенга инъом қиламан. Унинг тўртта қизи бор. Бир-биридан зўр. Оппоққина. Фигура даҳшат! Ўзлариям кўриб қўй, деяётгандай ярим-ёрти кийинишади. Кўрсанг, суқинг киради. Бунинг устига, ҳаммаси етилиб турибди. Ҳаммасини ўзимга хотинликка оламан!..

* * *

Шерматнинг кўзи ола-қула бўлиб кетди. Қосимнинг буйруғини бутунлай унутиб, эҳтиросга берилди.

— Исмингиз ким, яхши қиз? — деди ўрнидан туриб кетиб.

Қиз титраганча эшик рошини ушлади. Ҳозир унга яна битта ишқийга йўғрилган гап айтилса, тамом, хуркак оҳудай қочади. Олди-орқасига қарамай қочади, қочаверади. Токи

ҳориб-толиб, йиқилиб қолгунча қочади. Шермат қизнинг киприкларини пирпиратишидан, қалтирашидан, юзларининг қизариб кетганидан худди мана шуни укди ва бирдан тулкиликка ўтди.

— Яхши қиз, сиз ҳечам қўрқманг. Мен азбаройи сизга ёрдам бериш учун келдим. Шундаям Роза опа қаттиқ илтимос қилганидан кейин. Бўлмаса сиздан бошқа дардим йўқми, тиқилиб ётибди. Азбаройи опанинг ҳурмати учун... Сиз бўлсангиз худди мен еб қўядигандек қалтирайсиз. Бемалол кетаверинг, мен сизга тегмайман ҳам, ишим ҳам йўқ. Катта шаҳарда билганингизни қилиб юравермайсизми, — деб ён чўнтагини кавлади-да, сигарета олиб лабига қистирди.

— Сиз... Сиз менга тегмайсизми? — деди ниҳоят қизга ҳам забон битиб.

— Ҳе, — дея илжайди Шермат, — мен-чи, агар сизга очигини айтадиган бўлсам, сиздан ўн чандон зўрларини кўрганман.

— Мени... Менинг, — дея ичкарига бир қадам босди қиз ҳамон ҳаяжони йўқолмай, — исмим Ҳанифа.

— Яхши, шунга шунчами энди. Киринг, ўтиринг, Ҳанифа.

— Мени сизламанг. Кичкинаман, — деди қиз.

— Ие, нималар деяпсиз? — дея энди ростакамига кулди Шермат. — Фақат ўзидан катталарни сизлаш керакми? Ҳурмат, маданият деган нарсаларам бор. Ўтиринг манави диванга. Гапиринг бир бошидан. Нималар бўлди? Кимлар сизга тегажоқлик қилди? Ота-онангизнинг кўзи қаердайдими? Ҳаммасини қолдирмай гапиринг, — деди Шермат ва икки кишилик каравотнинг бир чеккасига ўтирди-да, сигарета тутунини ҳузур қилиб ичига ютди.

Қиз қўрқа-писа каравотнинг ёнига келди, аммо ўтирмади.

— Эй-й, — деди Шермат афтини буриштириб, сўнг: — Роза опа! О-о, Роза опа, бу ёққа келинг! — дея бақирди.

Зум ўтмай ҳансираганча, семиз гавдасини базўр кўтариб Шермат чақирган аёл кириб келди.

— Кимни менга рўпара қилдингиз? — деди Шермат унга қараб, — Вообше, гап уқмайди-ку. Яна мен бунга ёрдам берармишман. Қаранг, икки соат гапирибман. Энди

ёнимга келди. Шундаям ўтирмасмиш. Бунақада мен иш-
лолмаيمان.

— Во-ой, ўлмасам, — деди Розам опа ўзига ярашмайдиган юмшоқ овозда, Ҳанифанинг ёнига келиб, унинг қўлидан ушлар экан, — мен бу акангизни топгунимча тилим осилиб қолди, қизим. Нима дардингиз бўлса, уялмай, тортинмай ёнгинасига ўтириб айтаверинг... Яна менинг берган пулларим ҳавога совурилиб кетмасин. Булар текинга ишламайди. Яна мен айбдори бўлиб иш битмай қолса, пулимни қайтариб ҳам бермайди. Йигирма беш сўм кичкина пулмас, ахир.

— Шу ерда туриб гапирсам бўлмайдими? — деди қиз Розанинг келганидан бироз дадилланиб.

— Йўқ... Йўқ, — дея аёл Ҳанифанинг қўлидан тортиб, Шерматнинг ёнига ўтиргизиб қўйди-да, йигитни кўрсатиб: — Бу одам нимани буюрса ҳаммасини бажаринг. Бўлмаса уйингизга кетолмайсиз, — деди, кейин Шерматга бир кўз қисиб қўйиб, эшикка йўналди.

— Сиз ҳам шу ерда ўтиринг, — дея илтимос қилди Ҳанифа шу маҳал.

— Менинг қиладиган ишим кўп, меҳмонлар келиши керак, шуларга у-бу нарса тайёрлаб қўймасам бўлмайди, — деганча аёл беўхшов чаққонлик билан чиқиб кетди.

Шерматнинг тоқати тоқ бўлган эди. Шунинг учун бу ҳуркак “оҳу” билан ортиқча пачакилашиб ўтирмади. Ўрнидан туриб бориб деразани очди-да, қўлидаги сигаретини пастга улоқтириб юборди. Сўнг қайтиб келиб жойига ўтирди ва Ҳанифага юзланди.

— Мен, — деди қиз тиззалари йигитга тегиб турганидан ҳаяжонланиб, қалтираган овозда, — бозорга тушгандим...

У гапини давом эттиролмади. Шермат худди унга бургутдай ташланди-да, тўғри келган жойидан ўпишга тушиб кетди.

— Вой-дод! — қичқириб юборди қиз. — Роза опа! Ёрдам беринг, Роза опа!

Икром шафқат қилмади. Искандарнинг бармоғини столга босди-да, ошпичоқ билан шартта чопиб ташлаб қўйиб юборди.

— Ўлдим... Ўлдим! — дея қичқирган Искандар ўрнидан туриб сакрашга тушиб кетди.

— Сен, ифлос, бу билан қутулиб қолмайсан, — дея унинг ёқасидан ушлаб бўға бошлади Икром.

Аммо Искандар жон аччиғида шундай силтандики, ёқаси йиртилиб Икромнинг кўлидан чиқиб кетди.

— Ўлдираман! — дея қичқириб стол устидаги капгирга ташланди. — Сени соғ қўймайман!

Лекин ниятига етолмади. Икром унинг биқинига чунонам муштладики, столга энгашган кўйи ерга гурсиллаб йиқилди.

Ана шу пайт Самандар шошганча ошхонага кириб келди ва хўжайинига қўшилиб Искандарни бир-икки тепди.

— Қўй, тегинма, — деди унга Икром, — ўрнидан турғазиб, кўлини яхшилаб боғла-да, ундан кейин менинг ёнимга олиб кел.

Самандар Искандарнинг соғ кўлидан ушлаб турғазди. Искандарнинг юзи аянчли бир аҳволга келган, оғриққа чидолмай ўкириб йиғламоқда эди.

— Буям кам сен эшакка, — деди Икром ғазабнинг зўридан асабий қалтираб. — Ҳали сенга бунданам яхши совғаларни бераман.

У музлатгични очди-да, озгина ичилган ароқ шишасини олиб, пиёлани тўлдирди ва бир кўтаришда бўшатиб, лабини кафтига артди. Сўнг яна пиёлани ароққа тўлғазди. Бу сафарги шайтон сув унга яхшигина таъсир қилиб, кайфи ошди. Ҳамда оғзидан боди кириб-шоди чиқа бошлади. Кимни, нега сўқаётганлигини эса ўзи ҳам билмасди. Сўкина-сўкина столга бошини қўйиб ухлаб қолди.

Уйғонганида қуёш бир терак бўйи кўтарилганди. Шунда ҳам Самандар туртиб уйғотди. Бўлмаса пешингача ҳам ухлайверарди.

— Икром ака... Икром ака, кўзингизни очинг! — дерди у хожасини турткилаб.

— Нима дейсан? — деди Икром уйқули кўзларини йириб очар экан.

— Қосим ўлибди! Қосим!

— Ни-ма?! — дея лўқиллаб оғриётган бошини кўтарди Икром. — Қосим, қандай қилиб ўлади?!

— Кеча машинанинг ичида уям бор экан? Билмасдан тилворибмиз!..

— Йўғ-э, — деди Икром, ўрнидан туриб бошини кафтининг орасига олиб сиқар экан.

— Унинг ўзи орқамиздан тушибди... Ҳозир ҳаммаёқда шов-шув. Бизни Абдуҳамиднинг одамлари қидириб юрганмиш. Милисаям ишга тушган! — деди Самандар шошиб.

Бу гапдан кейин Икром ўрнидан туриб кетди ва тез-тез юриб, ювиниш хонасига борди-да, илиқ сувга бошини тикиб турди. Кейин сочиқни оласола у ердан чиқди.

— Нима қиламиз энди, хўжайин?! — деди Самандар кўзи олайиб.

— Йигитлар қани? — сўради Икром бошини артар экан.

— Нариги хонада ўтиришибди. Ҳаммасини ваҳима босган.

— Ҳали ҳеч нарса бўлгани йўқ. Айт, кўп ҳовлиқишмасин... Айтганча, машинани нима қилдинглар?

— Кеча гаражга тиққанмиз. Олимнинг амакисиникига. Турибди ўша ёқда.

— Менга қара, Олимга айт, ҳозирнинг ўзида амакисиникига борсин. Гаражнинг калитини ундан олиб, бирон жойга яшириб ташласин. Қолганларни шаҳарга тарқатиб юбор. Лекин кўп узоқлаб кетишмасин. Шаҳарда нима бўлаётган бўлса, ҳаммасини билиб туришсин... Қизиқ, Қосим менинг уйимни биларди. Бу ерни унга анави мараз Искандар сотган. Қани у?

— Балконда, оёқ-қўлини боғлаб ташлаганмиз, — деди Самандар Икромнинг кўзига термилиб.

— Қосимдан бошқа яна битта-иккита унинг йигити менинг уйимни билган, балки хўжайинига кўшилиб улар ҳам нариги дунёга кетгандир. Шунинг учун Абдуҳамид бизни тополмаган. Йўқса ҳозиргача ҳаммамиз қўлга тушган бўлардик, — деди Икром пешонасини тириштирар экан. — Лекин бу ерда кўп туришимиз ҳам хавфли.

* * *

Қосимнинг ўлганлиги ҳақидаги хабарни эшитган Абдуҳамиднинг кўзи қинидан чиқиб кетай деди. Бир муддат ҳайкалдек қотиб турди-да:

— Бўлмаган гап! — дея бақириб хабарчининг ёқасидан олди. — Ёлгон гапираяпсан, ифлос! Атайлаб менинг асабимга тегиш учун ўзингга ўлим тилаб топиб келдинг бу гапни!

— Йўқ, хўжайин, телефон қилишди. Қайта-қайта сўрадим, — деди хабарчи дағ-дағ қалтираб.

— Ким телефон қилди?

— Қиз бола, менимча, ўзининг қизи бўлса керак.

Абдуҳамид бирдан бўшашиб диванга ўтирди. Сўнг бошини кафтлари орасига олиб, чуқур хўрсинди. Кейин бирдан ўрнидан сакраб турди-да, ташқарига отилди.

У Қосимнинг уйи ёнига етгунича амакиваччасининг ўлганига ишонмай борди. Хаёлида кимдир аноним кўнғироқ қилган. Шу билан унинг оромини бузмоқчи бўлган. Лекин амакиваччасининг уйи олдида беш-олтита машина кўрганидан кейин юраги “шиғ” этиб кетди. “Ҳаммангнинг қонингни ичаман!” дея ўтирган жойида ўкирди, ўриндиқни муштлади, кўзидан ёш қўйилиб келди.

Машинадан тушганидан кейин бироз туриб қолди. Қосимнинг уйдан келаётган йиғи овози юрак-юрагига бориб урилаверди. У оёғини зўрға судраб босганча:

— Ким?! Ким?! — дея бақирди турган жойида.

Шу ондаёқ унинг атрофини йигитлари қуршаб олди. Иккитаси қўлтиғидан киришди. Улар хожаларини қайғуни кўтаролмай йиқилиб тушади, деб ўйлашган эди. Аммо шу ондаёқ Абдуҳамид йигитларини силтаб ташлади ва қайғухонага илдам юриб кетди. Йўл-йўлакай сўкинди. Оғзидан чиқаётган кўпол сўзларни айни дақиқада унинг ўзи англай олмаётган эди. Аммо таъзияга йиғилган кўни-қўшниларнинг таъблари хира тортар, дарров унинг йўлини очмоқда эдилар.

Ҳовлида уввос солиб йиғлаётган Маҳфузанинг кўзи газаб отига миниб, ўкирганча кириб келган амакиваччаси Абдуҳамидга тушди.

— Амакижо-о-он! — дея чинқирди у шу ондаёқ. — Адажонимдан айрилиб қолди-и-к!

— Жигари-и-и-м! — дея бақирган Абдуҳамид югурганча келиб, қизни бағрига маҳкам босди.

— Амаки-ж-о-н, адажонимни ўлдириб кетишибди! Энди нима қиламиз, амакижон, нима қиламиз?!

— Ҳаммасининг қонини ичаман, қизим! Қонини! Қасос қиёматга қолмайди!..

У гапини тугатар-тугатмас, Феруза бошқа томондан югуриб чиқиб келиб Абдуҳамидни қучоқлади. Унинг ҳам кўзидан тинимсиз ёш оқар, бироқ овози чиқмасди. Дарду аламлари, қайғулари ва ҳатто овози ёшига қўшилиб оқиб кетаётгандай эди.

Талай муддат қизлар билан ҳасратлашган Абдуҳамид ниҳоят ичкарига кирди. Қибла томонга боши кўйилган, устига оппоқ мато ёпилган Қосим уй тўрида кичкинагина кўрпача устида ётар эди. Уни кўрган Абдуҳамиднинг хўрлиги келди. Укириб-ўкириб йиғлаганча биродарининг ёнига бориб тиз чўкди.

— Мен сени асраб қололмадим! Мени кечир! — дея айтиб-айтиб йиғлаганча марҳумнинг бош қисмидаги матони озгина кўтарди-ю, кўрқиб кетганидан орқасига тисарилди. У “касби” сабаб жуда кўп мурдаларни кўрганди. Унинг назарида одам ўлгач, тириклигига нисбатан анча гўзаллашгандай туйиларди. Лекин ҳозир у мутлақо бошқача, ўта кўрқинчли мурдани кўриб турардики, юраги ўйнаб, матони ташлаб юборганча ортига тисарилиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. Дарров унинг юзи оқарди, оғзи қуруқлашди. Хаёлидан: “Мурдаям шунақанги даҳшат бўладими?” деган ўй ўтди. У шоша-пиша дастрўмолини кўзига босиб эшик томонга юрди.

Абдуҳамид ҳовлига чиққанидан кейин марҳумнинг қизлари яна кўзёш билан унга ёпишишди. Маҳфуза отасининг қотилини топиб беришни, ўзи қасд олишини баралла, ҳаммага эшиттириб, қўни-қўшниларни бутунлай таажжубга қолдириб, ҳаё деган нарсани юзидан бутунлай сидириб ташлаб, асли қандай қиз эканлигини бошқаларга намоиш қилиб айтарди. Кўпчилик унга нафрат назари билан қараган бўлса, Абдуҳамиднинг юраги алланечук бўлиб кетди. У ҳатто Қосимдан шундай мард қиз ёдгор қолганига хурсанд бўлиб, Маҳфузанинг бошидан ўпиш асносида кимнингдир бўралаб сўкинаётгани қулоғига чалинди ва бирдан овоз келаётган томонга қаради. Дарвозахона томондан Қосимнинг якка-ю ёлғиз ўғли Аброр тебранганча кириб қилмоқда эди.

— Ҳов, пахан, ... қилиб бизни ташлаб кетдингми?! Ик-

кита қизингни онангнинг эри эрга берадимми? Мени энди ким уйлантиради, сволоч?!

Қолган гапларни эшитишга Абдуҳамиднинг сабри чидамади. Қолаверса, Абдуҳамиднинг кўрсатган каромати-ю Маҳфузанинг гапларидан бутунлай оғизлари очилиб қолган қўшнилари Аброрнинг оғзидан чиқаётган сўзларни эшитишиб тирик ҳайкалга айланишганди.

— Йўқ-о-о-т!!! — буюрди кўзи косасидан чиқиб кетай деган Абдуҳамид йигитларига.

Иккита йигит югуриб борганча Аброрни ушлаб судраганча болохонага олиб чиқиб кетишди.

— Эркакнинг ишими шу?! Айтишлар, эркакнинг ишими?! Ўлиш осон экан деб ўлиб кетаверадимми?! — дея бақирарди Аброр йигитларга.

Абдуҳамид қизларни бағридан бўшатди ва устунга суянганча чўнтагидан сигарет чиқариб қалтираганча тутатди.

— Хўжайин, — деди унинг энг ишончли йигити Жўмард ёнига келиб. — Сизга жой қилиб кўйдик. Кириб, озгина...

— Юр, — деди Жўмард ҳали гапини тугатмасидан бурун Абдуҳамид.

Улар бирин-кетин меҳмонхонага киришди. Хонанинг ўртасидаги узун стол турли хил пишириқлар, гўштли таомлар ва спиртли ичимликлар билан тўла эди. Абдуҳамид столга ўтирар-ўтирмас, ароққа қўл чўзди.

— Ока, балки кўмиб келганимиздан кейин... — дея сўз бошлаган Жўмарднинг гапи оғзида қолди.

— Ишинг бўлмасин, — дея дўқлади Абдуҳамид ва битта стаканни ароққа тўлдирди-да, ичиб юбориб: — Ким? — дея сўради.

— Кеча кечқурун. Икром келган, — деди Тиртиқ.

— Икром?! — деди пешонасини тириштириб Абдуҳамид.

— Ҳа. Уни ҳеч ким таклиф қилмаган. Дабдурустан кириб келган. Кейин ока иккаласи худди мана шу хонада ичишган. Йигитларнинг гапларига қараганда, улар иккаласи ока-ука бўлишга келишиб олишган. Кейин Икром анча кайфи ошиб уйдан чиқиб кетган. Шундан сўнг ока йигитларини олиб, мошинада унинг орқасидан тушган. Кетиш олдидан ока болаларга: “Мошинанинг биттасини тайёрлаб кўйларинг, Икромни мозорга кўмиб келасанлар”, деган экан. Орадан икки соат ўтиб милиса қўнғироқ қилибди.

Болалар айтилган жойга боришса, машина мажақланган, ичидагиларнинг ҳаммасининг буйнига пичоқ тортилган...
Ҳаммаси ўлибди.

— Вой мараз! — деб юборди бирдан Абдуҳамид. — Бу Икромнинг, йўқ, фақат Икромнинг эмас, Шерниям иши. Унинг битта ўзи бундай қилолмайди. Икковининг тили бир бўлган. Аввалдан келишилган нарса бу!

— Хўжайин, — деди Жўмард Абдуҳамидга тикилиб. — Шернинг алоқаси йўқдир-ов.

— Сен қаёқдан биласан? — дея бирдан бақириб юборди Абдуҳамид.

— Шер ҳам тўсатдан ўлибди!

— Йўғ-э! — деди кўзлари каттариб кетган Абдуҳамид. — Ким айтди сенга?!

— Анави директорни текшир дегандингиз-ку, ўшанга борсам, болалари айтишди.

— Қайси директор?

— Мошинасини бозорда олиб қўйгандик.

— Ҳа-а, — деди қувончдан ўрнидан туриб кетаёзган Абдуҳамид, — кимнинг кучи етибди унга?

— Полвоннинг ўзи бир ёқли қилганмиш. Иккаласи келишмай юрган экан охириги пайтлари.

— Полвоннинг битта ўзининг кучи етмайди. Кимдир ёрдам берган унга. Хабаринг йўқми, россияликлар келишмабдими?

— Йўқ. Ҳеч ким келмаган. Менимча, уларнинг ҳали хабари ҳам йўқ экан. Шернинг алоқаси кучли эди Россия билан. Агар улар хабар топишса, Полвонни соғ қўйишмайди.

— Бўлиши мумкин, — деди ўйланиб қолган Абдуҳамид. — Лекин нима бўлган тақдирда ҳам Шернинг йўқолгани яхши бўпти. Жавобни Полвон беради, бизга эса йўл очилади. Эртароқ ҳаракат қилиш керак... Аввал Мавлонни табриклагани борамиз. Ундан кейин нима бўлишини кутамиз.

— Хўжайин, балки отни қамчилаб қолган маъқулми, дейман, — деди Жўмард Абдуҳамиднинг рўпарасидаги столга ўтирар экан. — Полвон Шерга ўхшаб тулки эмас. Айиққа ўхшаган у. Эртага айиққа хизмат қилиб қолмайлик, дейман-да.

— Гапингда жон бор. Аммо битта “но”сиям бор. Россия-дагилар бизни Полвонга алоқадор ҳисоблаб қўйиши ҳам мумкин... Шунинг учун... Йўқ, яхшиси, мен бир ўйлаб кўрай. Афсус, шундоқ байрам пайти Қосимнинг ўлиб қолганини қара... Зўр байрам қилардик, — дея Абдуҳамид яна ароққа қўл чўзди. — Сенлар Икромни ернинг тагидан бўлса ҳам топинглар. Ундан кейин ташқаридагиларга менинг давлениямни ошиб кетди, денглар.

— Оканинг обрўлари учун...

— Обрў бормиди у ифлосда! — дея жеркиб берди Абдуҳамид Жўмардни гапиртирмасдан. — Обрўси бўлганида итдай ўлиб кетмасди. Аҳмоқ. Бирор марта гапимга кирмади. Мана оқибати нима бўлди?! Бўпти, чиқаман, сен боравер.

Жўмард секин ўрнидан туриб кетди. Абдуҳамид унинг ортидан кўзини олайтириб қараб қоларкан, “Сен ифлосни ҳам йигитлар ҳурмат қиладиган бўлиб қопти. Ажабмаски, бир кун келиб Полвоннинг ишини қилсанг... Майли, аввал ҳамма ишларни бирёқли қилиб олай, ундан кейин сениям суробингни тўғрилаб қўяман”, дея хаёлидан ўтказди у. Абдуҳамид стаканни бир кўтаришда бўшатиб, ликобчага чиройли қилиб кесиб қўйилган помидор бўлагини санчқи билан олиб оғзига солди.

Абдуҳамид дарров ҳовлига чиқмади. Ароқ бошини қиздира бошлагач, столдан гиламга тушиб ўтириб, хаёл суриб қолди. Ташқаридаги қий-чув авжига чиққан пайтда у Қосим тўғрисида ўйлар, унга чин кўнгилдан ачинар, шовқинсурон пасайганида эса келажакда ўзи эришиши мумкин бўлган мавқе хаёлига келиб, ширин энтикиб кўярди. Шу бўйи марҳумни мозорга олиб кетиш чоғида Жўмард келиб уни безовта қилди. Унинг сира чиққиси йўқ эди. Шундай эса-да, ўзини ўзи мажбурлаб ўрнидан турди.

Улар қабристондан эндигина чиқаётганларида, оппоқ соқоли узун, салла ўраган, пешонасини ажин босган, қадди ҳам хиёл букик, аммо кўзидан ўт чақнаб турган кекса бир киши Абдуҳамидни тўхтатди.

— Менда нима ишингиз бор эди? — сўради Абдуҳамид ҳайрон бўлиб.

— Ука, сиз Қосимбойнинг кими бўласиз? — деди чол унинг кўзига тикилиб.

— Амакиваччаси, — деди чолнинг қаттиқ нигоҳидан бироз ўзини йўқотган Абдуҳамид.

— Кўринишингиздан бамаънига ўхшайсиз. Лекин, ука, мозор муқаддас даргоҳ, бу ерга биронта одамнинг, агар у шоҳ бўлган тақдирдаям, ичиб келиши мумкин эмас, — деди чол қошларини чимириб.

— Ким?.. Ким ичибди? — деди довдираб қолган Абдуҳамид.

— Айтдим-қўйдим-да, ука, кимлигини энди ўзингиз топиб олаверинг, — деди чол мулойимлик билан ва оқсоқланганча ундан узоқлашди.

Абдуҳамид жойида тахтадай қотганча чолнинг ортидан термилиб қолди. “Менинг ичганимни қаёқдан билибди бу чол? Менга қаерга қандай боришни ўргатаяптими? Афтидан, кимлигимни билмаганга ўхшайди. Шунинг учун гапирди. Бўлмаса... Дарвоқе, ким бўлсанг ҳам ўзингга, дедими? Вой, эсини еган сассиқ чол-э, мен билан ўйнашаман деб, тагин аҳволингни маймунлар томоша қилиб қолмасин!..”

— Ока, тинчликми? — деди унинг ёнига келган Жўмард. — Анави чол бирон нима деб кетдими? — дея қария томонга ишора қилди.

— Ҳеч нима, — деди Абдуҳамид хўрсиниб, — бу ердан тўғри Қосимнинг уйига борамиз. Мавлонни кечқурун табриклагани борсак ҳам бўлаверади.

— Айтганча, унинг иккита йигити келган. Нимагадир қарашлари бошқача, кўзлари ўйнаб турибди.

* * *

Қосим машиналар тўқнашувида оёғини синдириб олган эди. Оғриқ билан бўлиб кимлар ҳамла қилганини, ким томоғига тиг тортганини сезмай қолди. Бир муддат боши айланиб, оғриқни унутганча нима бўлаётганлигини англаёлмади. Сўнг боши эгилиб қолганлиги сабаб томоғидан оқаётган қип-қизил суюқликни аниқ-тиниқ кўрди. “Менга нима бўлди?” — дея ўйлаб бошини кўтаришга ҳаракат қилди. Аммо уддасидан чиқолмади. Аъзойи баданида чидаб бўлмас оғриқ туриб, ўкириб юборди. Йўқ, унинг овози чиқмади. Тили айланмади. Фақатгина хаёлида бақирди. Кейин нафас олиши қийинлашди. Ўлиши аниқ эканлиги-

ни тўла ҳис этди. Аммо бу жараён шунақа узоқ давом этдики, Қосимнинг ўзи Азроилнинг эртароқ келиб жонини олишини истай бошлади. Истак бажарилди. Бунга дақиқаларгина кифоя қилди. Лекин бу вақт Қосим учун жуда-жуда узоқ туйилди. Ҳатто бутун умрини бир томонга, жон олиш сонияларини иккинчи томонга қўйса, Азроилнинг қилган иши учун кетган вақт узоқроқдай эди. Бунинг устига, у жўнгина Қосимнинг жонини суғуриб олмади. Аввало ўзи даҳшатли бир қиёфада келди. Бундай махлуқнинг бўлиши мумкинлиги Қосимнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Шу боисдан ҳам унинг бирдан ўлгиси келмай қолди. Ёрдам сўраб дод-фарёд қилди. Бироқ энди уни эшитувчи бирон кимса йўқ эди. Кўз ўнгида биргина даҳшатли қиёфадаги Азроил. Шунда унинг руҳи бутун тана бўйлаб қочишга тушди. Бир неча юз бўлақларга бўлиниб кетди. Аммо қочиб ҳеч қаёққа боролмади, ҳаммаси йиғиб олинди. Олингандаям, Қосимнинг назарида бир парчадан этига қўшиб юлинди. Қосим бу қийноқларга чидолмаганидан туққан онасидан хафа бўлиб кетди. Ҳақорат қилишга эса унга изн берилмади.

Ниҳоят руҳи ҳавога кўтарилгач, у машина ичидаги танасини кўрди. Кўриб кўрқиб кетди. Унинг ҳаммаёғи қонга белангани етмаганидай, башараси исқирт, жирканч тусга кирган эдики, кўрган одамнинг юраги ёрилиб кетиши ҳеч гап эмас. У танасининг қай даражада хўрланиб машинадан тортиб олингани ва йигитларининг милиционерларга қилган илтимослари, пул тиқиштирганлари, амакиваччаси Абдуҳамиднинг номи тилга олинганлиги — ҳаммасини кўриб эшитди. Йиғлай деса иложи йўқ. Кўрмай деб бирон жойларга кетиб қолишни ҳам эплай олмайди...

Яна битта азоб эса унинг уйида ўзининг жигарлари, айниқса, Маҳфуза томонидан берилди унга. Қизининг айтиб-айтиб, сочларини юлиб йиғлашлари унинг руҳини чирқиратиб юборди... Аброрнинг наша чекиб келиши, унинг номига ҳақоратли гаплар айтиши, амакиваччасининг меҳмонхонада ичиши, кейинги кайфу сафоси ҳақидаги ўйлари Қосимнинг руҳини чексиз азоб исқанжасига солди. Бунинг устига, таъзияга келганларнинг биронтаси у ҳақида илиқ гап айтмаётган эди. Ҳаммаси битта зўравон камайганидан хурсанд эдилар. Кошки эди, буларнинг барчасини

Қосимнинг руҳи кўрмаганида... Уни шунга мажбур этишди. Танадан ажратиб олганларидан кейин осмону фалакка олиб кетиш ўрнига, “Кўриб қўй, кароматларинг эвазига қандай “совға” олаяпсан”, дегандек кўмиш жараёнигача бўлган барча воқеалар кўрсатиб турилди. Фақат у яшаган кўчанинг охирида турувчи соч-соқоли оппоқ нуроний Қамбар отанинг жаноза ўқиётганидагина руҳи тинчланиб, алланечук дам олди. Бирозгина роҳатланди. Лекин тобути кўтарилиб, қабристон томон олиб кетилаётганида, дод солди. “Ҳой одамлар, мени қаёққа олиб кетаяпсизлар?! Қайтаринглар, у ёққа оборманглар, менга ичларинг ачисин, мен дўзах азобига чидолмайман!” дея юзлаб маротаба бақирди. Унинг овозини бутун мавжудот эшитди. Фақат одамлар эмас. Улар “Эртароқ азоблан, эртароқ жаҳаннам тубига туш, руҳинг умрбод куйсин”, дея астойдил ният қилишганга ўхшар эдилар...

Қосимнинг устига тупроқ тортилгач, одамлар ҳали қабристондан чиқиб кетишларига улгурмасидан унинг руҳи яна танасига кирди. Шу лаҳзада жаҳаннам бор бўйи билан унга кўрсатилди. Умрида намоз, дин, иймон, инсоф, ҳалоллик, поклик нима эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган Қосимнинг руҳи шунчалик безовта бўлиб, титраб кетдики, бунинг таърифига тил ожиз. Шунда ғойибдан бир нидо келиб, “Ана шу жаҳаннамнинг энг тубидан жой оласан”, деди. У кўриб турган манзарасининг даҳшатидан ҳали ўзига келолмай туриб, қаршисида иккита фаришта — Мункар билан Накир пайдо бўлди. Уларнинг ҳайбати шунақанги ваҳимали, шунақанги кўрқинчли эдики, Қосим қабрининг ичида типирчилаб қолди. Лекин қочиб кетиши учун игнадай бўлсин тешик кўринмасди. Фаришталар узоқ куттирмай дарров сўроқни бошлаб юборишди. “Роббинг ким?” “Дининг нима?” “Пайгамбаринг ким?” “Қибланг қаер?” “Иймонинг нима?” “Амалинг нима?” дея сўрашди. Аммо буларга жавоб беришга Қосимда забон йўқ эди. Ўзича бирон нималар дегиси келарди-ю, лекин ўша нарсалар ҳечам хаёлига келмасди.

Фаришталар кетганларидан кейин “Энди қутулдим-ов”, деб ўйлаган Қосим қабри сиқувга ола бошлаганидан кейин чучварани хом санаганлигини англаб етди. Тўрт томонидан яқинлашиб келган девор унинг суяқларини бир-бирининг

устига чиқариб эзгилар эди ва азобнинг зўридан Қосим ўкириб юборар, “Энди тамом, мутлақо йўқ бўлиб кетсам керак”, деб ўйларди. Аммо қабр деворлари орқага чекинганидан кейин яна танаси ўз ҳолига қайтар, азоб бериш бошқатдан бошланарди... Шунда у: “Менинг айбим нима?! Нима ҳақларинг бор менинг бошимга бундай кўргиликларни солишга, жавоб беролмаган бўлсам, биронта одам менга шу нарсаларни ўргатмаган!” дея ўкирди. Овози ҳали ҳавога сингиб кетмасдан бурун унга ҳаётининг айрим лавҳалари кўрсатилди. Кўрсатилган лавҳалар мингдан зиёд бўлиб, ҳар бирида Қосимни инсофга ундовчи ишора бор эди. Қамбар ота у билан дуч келган кезлари: “Қосимбой, сизнинг кимлигингизни яхши биламиз. Иймонни эсдан чиқармаслик лозим. Ҳаётда намоз, рўза деган нарсалар ҳам бор. Булар сизнинг охиратингизни таъминлаб беради. Иним, ҳозирги йўлингиздан қайтинг”, дер ва шунда Қосим бироз муддат бўлса-да, “Ўлганимдан кейин қай аҳволга тушаман, балки қариянинг гапида жон бордир”, дея хаёлидан ўтказарди. Аммо бу хаёл қандай тезликда пайдо бўлган бўлса, худди шу тахлит яна йўқоларди... “Кўрдингми? Биз сени жуда кўп маротаба эзгуликка, иймонга бошладик, лекин сен амал қилмадинг. Агар бизнинг айтганимизни бажарганингда эди, ҳозир мана бу жойда бўлардинг”, деган нидо келди ва жаннат жуда қисқа сониялар ичида кўз олдида намоён этилди. Қосим у ердаги гўзаллик, тўкин-сочинликни кўриб анқайди ва бирдан наъра тортиб юборди.

Бу пайтда унинг гўри тағин “иш”га тушиб, суяқларини бир-бирига ишқалаганча, азоб беришни бошлаган эди.

* * *

Роза опа ҳаллослаб қий-чув бўлаётган ерга етиб келди ва қизга ёрдам бериб, Шерматнинг чангалидан қутқариш ўрнига, унинг орқасидан итариб, йигитга кўмаклашиб юборди. Ҳанифа энди бутунлай чорасиз қолди. Қанчалик типирчйламасин, дод-вой солмасин, бари бекор кетди. Шермат уни даст кўтариб, икки кишилик каравотга улоқтирганча, устидан ўзини ташлади. Воқеани кузатиб турган Роза илжайиб қўйди-да, кўнгли хотиржам тортиб, ортига қайтди.

Қиз бечора типирчилай-типирчилай охири ҳолдан тоя

бошлади. Шунда унинг хаёлига ўша артистдан қандай қутулгани келди. Ва бор кучини тўплаб бир қўлини бўшатиб олди-да, Шерматнинг нозик еридан ушлаб, шунақанги сиқдики, босқинчи йигит чинқириб юборганча, қочишга ҳаракат қилаётиб ерга қулади. Ҳанифа шоша-пиша ўрнидан туриб, кийимларини кийди, ҳамон нозик ерини чангаллаб думалаётган Шерматга нафрат кўзи билан қараб, йўлакка чиқди-да, ташқари эшик томонга шошиб бораётганида, рўпарасида Роза пайдо бўлди.

— Тинчликми, хоним? — деди Роза мийиғида кулиб.

— Сиз... Сиз, — дея ҳансираб нафас олди Ҳанифа, — менга ёрдам бермоқчи эдингиз, лекин...

У гапини тугатолмай йиғлаб юборди.

— Вой манжалақи, биласанми сенга қанча сарф-харажат қилиб ташлаганимни?! Сен бечоранинг ёнингда ҳемиринг йўқ, қандай узасан қарзингни? — деди бирдан юзи қаҳрли тус олиб, қошлари бир-бирига яқинлашган Роза.

Бу пайтда Шермат бироз ўзига келган ва сўкинганча ўрнидан тураётган эди. Ҳанифа унинг келиб қолишини ҳис этди. Агар ҳозир ҳаракатини қилмаса, кейин бу ердан соғ чиқмаслиги аниқ эди. Шу боисдан ҳам у Розанинг кўрқинчли башарасига чанг солди. Кутганидек кўшмачи хотин: “Вой!” деганча, иккала қўли билан юзини тўсди ва бирданига эркакча сўкишга тушиб кетди. Айни вақтдан фойдаланмоқчи бўлган қиз унинг ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлди-ю, лекин улгурмади. Роза унинг елкасидан бир қўли билан тутди-да, иккинчи қўли билан сочини бураб ушлаб олди. Ва тортқилай бошлади. Ҳанифа нозиккина қиз эмасми, бир зумда унинг оёқлари остига йиқилиб тушиб, йиғлашга тушди. Меҳр-шафқат нелигини тушида ҳам кўрмаган, кўзларидан ғазаб ўти чақнаётган кўшмачи аёл уни аяб ўтирмади. Сочларидан бураб ушлаган кўйи семиз оёқлари билан бир-икки тепди. Кейин бунга ҳам қаноат ҳосил қилмай, бесўнақай гавдасини Ҳанифанинг устига ташлади. Камига дам ўтмай етиб келган Шермат ҳам қўшилди. Шу тариқа бечора қиз калтақлар бўрони тагида қолди.

Ўзлари ҳансираб қолиб уришни бас қилган Роза билан Шермат бараварига сўкинишиб ундан узоқлашаётганларида юзи моматалоқ бўлиб, кўкармаган жойи қолмаган Ҳанифанинг ёрилган лаблари жилмайиб турар эди. Қиз шунча

хўрликлар кўришига қарамай номусини сақлаб қолганидан хурсанд эди.

У йўлакда икки соатдан кўпроқ ётди. Бу вақт мобайнида Роза билан Шермат ошхонада роса ичишди. Шермат ўзини майиб қилаёзган қизни ўлдирмоқчи ҳам бўлди. Лекин уни Роза шаштидан қайтарди.

— Кўй, бунақаларнинг тиригидан ўлиги қиммат. Ўзига келсин, уйдан ҳайдаб юбораман. Ана ундан кейин кўрасан аҳволини, итдай хор-зор бўлиб ўлиб кетади.

— Лекин, — деди Шермат Розага тикилиб, — менинг “иш” қилолмаганимни бировга гуллаб юрманг.

— Эй, нималар деяпсан? Мен уни аллақачон эсимдан чиқариб юборганман, — дея Роза қадаҳни ароққа тўлдирди-да, йигитга узатди.

— Лекин сенинг ўзинг ҳам ёмонмасга ўхшайсан. Йўқдан кўра бор, қуруқ кетмайман-ку бу ердан, — деди Шермат ароқни ичиб бўлганидан кейин кўзини қисиб Розага тикиларкан.

— Мени бошингга урасанми? Ярамайман сен айтган нарсага. Хоҳласанг учтаси ётибди. Улар кечаси билан “иш”-лашганди. Тозаси керак деганинг учун анави манжалақини рўпара қилгандим. Бор, кириб дамингни олиб чиқ.

Роза Шермат кетганидан кейин Ҳанифани судраб айвонга олиб чиқиб қўйди-да, устидан бир челақ сув сепиб юборди. Қиз ўзига келди-ю, лекин ўрнидан туролмади. Бир марта хириллаб, жойида ётаверди.

— Ўлмасанг одам бўласан. Ўладиган бўлсанг кўчага чиқариб ташлайман, — деди унга бироз қараб турган Роза, кейин ўзи яна ошхонага кириб, ичкиликбозликни давом эттирди...

Ҳанифа шу ётишда эртасига тонг энди бўзариб келаётганида ўзига келди. Аъзойи баданидаги оғриқдан афти бужмайиб ўрнидан турди. Бу пайтда Роза ўзининг хонасида хуррак отиб ухлаб ётар, унинг асранди қизлари ҳам ширин уйқу оғушида эдилар.

Ҳанифа аввал яхшилаб ювиниб олди. Кейин ойнага қараб тўзгиган сочларини таради. Сўнгра битта-битта қадам босиб, худонинг қарғиши теккан бу уйдан чиқиб кетди.

Кўчага чиққач, қаёққа кетарини билмай, бироз гарангсиз турди. Онда-сонда ўтаётган машиналарга термилди.

Ўзининг аҳволига ўзининг ичи ачиди, хўрлиги келди. Йиғ-ламоқчи бўлди-ю, яна ўзини босди. Йиғисини битта-яримта кўриб қолишидан чўчиди. Сўнг боши оққан томонга кета бошлади. Икки соатдан зиёд, оёқлари толиб қолгунча юрди. Аста-секин кўчада одамлар кўпаяверди. Юзи моматалоқ, уст-боши бир аҳволда бўлган Ҳанифага уларнинг бири ачиниб қараса, иккинчиси афтини буриштирар, учинчиси эса тортиниб ҳам ўтирмасдан очиқдан-очиқ уни пиёниста-ликда, фоҳишалликда айблаб ўтарди. Яна бировлари мут-лақо эътибор бермас эди. Лекин ҳеч бир кимса унга “Ҳолинг не? Нега бунақа аҳволда юрибсан?” деб сўрамади. Сўра-ганда ҳам балки у жавоб бермасди. Эҳтимол, қочишга тушар эди. Чунки илк бор бу заминга қадам босиши билан хиёнат, разолатга дуч келиб, юрагини олдириб қўйган-ди.

У одамлар саҳарлабдан гавжум бўладиган бекатга етганидан кейин тўхтади. Автобус кутиб, бетоқатланиб турган одамларнинг ёнига бормади. Бекатнинг бир четида, олдига кичкинагина рўмолча ёзиб олиб, ўтган-кетганга умид кўзла-ри билан боқиб ўтирган, жуссаси кичкина қари кампир-нинг ёнига борди.

— Сенга бу ерда нима бор? — деди кампир чийилдоқ овозда рўпарасидаги кўринишидан мастга ўхшаётган қизга адоват билан қарар экан. — Кўрмаяпсанми, аллақачон зай-нит қилиб қўйганман. Кет... Кет бу ердан. Одамлар шун-доғам фақир, тангадан нарига ўтишмаяпти. Бу туришда битта нонга лойиқ пул топаманми-йўқми, кет тез!

— Менга пул керакмас, — деди Ҳанифа қалтироқ овоз-да. — Ёнингизда озгина ўтирай, чарчаб кетдим.

— Шерикларинг ҳайдаб солишдимми? Сен бечорага му-сорхонаданам жой тегмабди-да... Лекин бу ерда ўтирма, нарироқда ўтир. Агар биронтага садақа сўраб қўлингни чўзсанг, мендан яхшилик кутма, тушундингми?

Ҳанифа синиқ фишт бўлагини топиб, устига оҳиста ўтир-ди-да, бошини қуйи солди. Шу ҳолатидаям оёқлари ором олди. Кейин эса уни тобора қизиётган қуёш нурлари эли-тиб, ухлаб қолди.

Автобуснинг қаттиқ тормоз бериши Ҳанифани уйғотиб юборди. У бошини кўтариб ён-атрофига қаради. Бекатда одамлар анча сийраклашган, кампир эса худди Ҳанифадай

мулгиб ўтирар эди. Қиз ўрнидан турди, боши эгилиб тура-верганидан бўйни оғриб қолган экан, кўли билан бироз силади. Сўнг ўзи ҳам сезмаган ҳолда дуч келган тарафга кета бошлади. Бироз юргач, қорни очди. Аксига олиб, худди шу маҳал ошхона тўғрисида турарди. У ерга кириб-чиқаётган одамларга қаради. Ҳамманинг юзида қандайдир табассум бордай эди. Ундан кейин ошхонага кириб-чиқувчиларнинг барчаси унинг устидан кулаётгандай туйилаверди. Ҳанифа бироз ошхона рўпарасида турди. Сўнг очликка чидай олмай, хўрандалар ортидан тушди. Саранжом-саришта ошхонанинг ичидаги беш-олтита столда одамлар турли таомларни ейиш билан овора эдилар. Ҳанифа аввал “қулт” этказиб югинди, оғзидан сўлагига оқди.

— Сенга бу ерда нима бор? — деди унинг туриб қолганини кўрган қирқ ёшлар атрофидаги аёл унинг ёнига келиб. — Бор, чиқиб кет. Бу ердагиларнинг иштаҳасини бўғма.

— Опажон, — деди Ҳанифа ялиниб, — нима иш бўлса қиламан. Бир косагина овқат беринг.

Аёлнинг афти буришди. Сўнг кўзи олайиб:

— Бутун ошхонани ҳаром қилмоқчимисан?! Тур йўқол! — деб бақириб берди. Худди шу пайт хизматчи аёлни чақириб қолишди. Аёлнинг юзига бирдан табассум югурди ва у пилдираб чақирган кишининг ёнига борди. Улар аллаларсала тўғрисида гаплашишди. Аёл Ҳанифани кўрсатиб бир нималар деди. Эркак бошини сарак-сарак қилди. Сўнг хизматчи аёлга нимадир буюриб, ўзи ичкарига кириб кетди.

Ҳанифа энди чиқиб кетмоқчи бўлиб турганида, аёл бир коса овқат билан яримта нон кўтариб келди.

— Манавиларни тез егин-да, кейин кўзимдан йўқол, — деди у Ҳанифага нафрат билан боқиб. Сўнг: — Хўжайин жуда кўнгилчан-да, буларга бир бериб ўргатсанг, кейин бу ердан кетмай қўяди, ҳаромхўрлар, — дея ўзича гўлдиради.

Ҳанифа унинг гапларига эътибор ҳам қилмади. Косадаги овқатни шоша-пиша еб, нафси бироз ором топганидан кейин раҳмат айтиш учун кўзи билан хизматчи аёлни қидирди. Лекин у йўқ эди. Шу боисдан ҳам қиз ўрнидан турди-да, ташқарига чиқиб кетди.

У то атрофга қоронғилик тушгунча кўчада санқиб юрди.

Оёқлари толиқди. Қорни яна очқади. Атрофига умид билан боқди. Аммо нажот келиши мумкин бўлган бирон жойга кўзи тушмади. Шу боис, юришда давом этди. Аста-секин кўчадаги одамлар сони камайиб бораверди. Энди уни “Қаерда ётаман?” деган ўй ташвишга сола бошлади. Чироқлари чароғон баланд иморатларга термилди. Кўзида ёш пайдо бўлди. Шу кўйи оёқларини судраб босишда давом этди. Бир маҳал ундан йигирма қадамча нарида хохолашиб келаётган қизларга кўзи тушди. “Ўшалардан ёрдам сўрайман, бошимдан ўтган воқеаларнинг ҳаммасини гап-риб бераман. Ичи ачиганидан ҳеч қурса бир кечага жой беришар”, деган умид билан Ҳанифа қадамини тезлатди. Оралиқ масофа бор-йўғи уч қадам қолганида эса бирдан жойида таққа тўхтади. Рўпарасидаги қизлар ҳам тўхташди. Ҳанифа уларнинг учаласини ҳам таниди ва миясига: “Розанинг қизлари”, деган ўй келди-ю, ортига бурилганча қочишга тушди.

* * *

Йигитлари чиқиб кетганидан кейин Икром Самандарни ёнига чақирди. Қовун унинг ёнига келди-да, юзига қараб “Энди нима қиламиз?” дегандай термилиб қолди.

— Машинани бугуннинг ўзида майдалаб запчаст қилиб ташланглар. Кейин мумкин қадар тезроқ кўздан йўқотинглар. Яна битта-яримтаси “ҳид” олиб қолмасин.

Самандар шошганча чиқиб кетди. Икром эса ўзини юмшоқ ўриндиққа ташлаб, хаёл дунёсига ғарқ бўлди. Ва илк бора бунақанги кува-қув, таҳликада яшаш жонига текканини ҳис қилди.

Орадан кўп вақт ўтмасдан йигитларидан бири унга кўнғироқ қилди.

— Нима гап? — деди Икром гўшакни қулоғига тутиб.

— Хўжайин! — деди хабарчи ҳовлиқиб. — Ҳаммаёқда дув-дув гап. Шерни ўлдиришибди!

— Ким ўлдиради?! — деди ҳайратдан кўзи олайиб кетган Икром.

— Буниси ҳали аниқ эмас. Гап-сўзларга қараганда, Полвоннинг иши эмиш.

— Вой мараз, — деб юборди Икром, — Шер кўйнида чаён борлигини билмай юрган эканми?

— Абдуҳамиднинг одамларидан биттасини кўрдим. Ай-

тишича, Қосимни ким ўлдиргани билан Абдухамид унчалик ҳам қизиқмаётган эмиш. Лекин милисадагилар изғиб қолишибди.

— Тушундим, — деди Икром гапни қисқа қилиб. — Яна бир-икки соат айланинглари-да, кейин вазиятга қараб бу ёққа келинглари.

Гўшакни жойига қўйган Икромнинг кўнгли бир оз хотиржам тортди. “Демак, — дея ўйлади у, — Абдухамидни бошқа нарса кўпроқ қизиқтиради. Ёки у муғомбирлик қилапти. Шу баҳонада мени ими-жимиди тинчителиш пайига тушган бўлса ҳам ажаб эмас... Бир кун кутаман. Ҳаммаёқ озгина совисин... Аммо Шер ҳали яшаши керак эди. У озгина бўлсаям мен томонга ён босаётганди. Ҳозирча унинг ёрдамидан фойдаланиб турсам бўларди. Эсиз, шундай одам-а... Энди бундан бу ёғига тахт учун кураш бошланиб кетиши аниқ”. Охири у бундай ўйлардан қийналиб кетди. Бунинг устига, ўтган кеча ҳам туни билан деярли ухламаган эди, шу боисдан чарчоқ кучини кўрсатиб, кўзлари юмилди.

Ўйфонганида кун аллақачон пешиндан ўтиб кетган, йигитларининг ҳаммаси шаҳарни айланишдан ҳориб қайтиб келганча, ошхонада тушлик қилар эди. Икром ювиниб бўлиб уларнинг ёнига борди-да:

— Шу экан-да меҳр-оқибат, — деди гўё ўпка-гина қилаётгандай. — Ўзларинг ураверинглари. Мен бўлсам нариги хонада ичагимни уқалаб ётаверай.

Йигитлари кулишди ва дарров унга жой бўшатишди. Аммо тамаддига ўтирган Икромнинг иштаҳаси бўлмади. Бир бурда нон чайнаб, бир пиёла чой ичди. Унга ароқ қуйиб узатишганларида эса афтини бужмайтириб:

— Кечаги ичганларим ҳалиям бўғзимда турибди. Шу сафар қўйинглари, озгина нарироққа кетсин, — деди.

— Ҳўжайин, — деди Самандар илжайиб, — бугунги кунни байрам қилсак ҳам бўларди. Қосимни одамларига қўшиб бир ёқли қилдик, у ёқда Шер ўз оёғи билан нариги дунёга суриб юборибди. Ҳа, энди байрамдан кам бўлаётгани йўқ!..

— Байрам бўлишига ҳали бор. Аввал ишларимизни режалаштириб олайлик. Менимча, анча чалкашиб кетдик. Агар ҳозироқ ўзимизга келмасак, эртага қийин бўлади, —

деди Икром ва ўрнидан туриб ўзининг хонасига кирди-да, нима қилиш кераклиги тўғрисида ўйлай бошлади. Аммо унинг хаёлига тезда жўялироқ фикр келавермади. Ҳамма нарсани тарозининг палласига қўйиб кўрди. Мўлжаллаган ишларининг бари вақт талаб қиларди. Шундан кейин у бугун йигитларига дам беришга қарор қилди.

Кўёш уфққа ёнбошлаб атрофга зулмат этагини ёзган паллада Икром кўчага чиқди. Аввал салқинлаб қолган ҳаводан кўкрагини тўлдириб симирди. Одатига кўра атрофни бир қур назардан ўтказиб, сўнг кўча бўйлаб юриб кетди. Унинг кўнглида Дилдорани кўриш иштиёқи шунчалик кучли эдики, уйга қайтиб кириш у ёқда турсин, ортига қараш ҳам юрагини сиқиб юбораётганди. Шу боисдан ҳам кўчадан кўнгли таскин топадиган бирон нима топиш илинжи бор эди унда. Аммо икки томонига чироқлар ўрнатилган кўчада бир соатдан мўлроқ юрса ҳам, юрагининг орзиқиши босилавермади. Шунда у такси тўхтатди-да, Дилдора яшайдиган маҳаллага йўл олди. Машинадан тушиб кўчада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Вақт имиллаб ўтарди. Кўчадаги одамлар аста-секин сийраклашиб, бора-бора онда-сонда битта одам учрайдиган бўлди. Шундан кейингина у ортига қайтиб кетди. Икром машинадан тушиб, энди уйи томонга кетаётганда қандайдир қизнинг чинқиргани қулоғига чалинди. Икром овоз келган томонга қараб, бир оз турди. Сўнг ҳафсаласизлик билан яна йўлида давом этаётганида, қиз шунақанги қайғули додладики, йигитнинг эти жимирлаб кетди ва овоз келган тарафга югурди.

* * *

Ҳанифа қўлга тушган эди. У қочди, жони борича югурди. Аммо чарчоқ барибир ишини қилди. Йигирма қадамлардан кейин оёғи чалкашиб, ўмбалоқ ошиб кетди. Унинг ортидан бир оз қувлаб, кейин тўхтамоқчи бўлган қизларнинг ичларига қувонч кирди. Ахир, Ҳанифа қочиб кетганини эшитганидан кейин “онахонлари” Розанинг қанчалик жаҳли чиққан, ҳеч нарсадан хабари йўқ қизларига озмунча захрини сочмаган эдими?! Улар ўч олиш вақти етиб келганидан шодланишиб, олдинма-кетин чопишганча Ҳанифанинг тепасига етишди. Ва бири қизнинг сочидан бураб тортиб, иккинчиси қўлидан эзгилаб ушлаб ҳансираб

қолганидан жони бўғзига келган Ҳанифани ўрнидан турғазиди.

— Қайси гўрларда юрувдинг?! — деди қизларнинг орасидаги энг шаддоди, шунча юзига упа-элик суртгани билан барибир чўтири қоронғида ҳам манаман деб ўзини кўрсатиб турган Тамара (асл исми Тошбуви эди) қошларини чимириб пўписа қилар экан.

Ҳанифа нима деярини билмай каловланиб қолди. Унинг бундай аҳволи Тамара бошлиқ Розанинг қизларини дадиллаштирди. Аёлларга хос уришишни “йиғиштиришиб”, эркакларнинг ҳунарига ўтиб олишди-да, қизнинг биқини борми, юзи борми мушт тушираверишди. Шундоғам кун билан кўчада юриб тинка-мадори қуриган, очлик бутунлай адо қилган Ҳанифа “гуп” этиб ерга қулади. Қизлар оҳуни ағдарган чиябўрилардай увиллаб юборишди ва иштаҳалари янада очилиб, пошналари баланд туфлиларининг кучини такрор синашга киришиб кетишди. Худди ана шу лаҳзада Ҳанифа ўзида куч топиб, бирорта инсофли одам ёрдам бериб қолар, деган умидда овозининг борича бақирди.

Икром етиб келганда қизнинг аъзойи бадани қонга беланганди. У Розанинг қизларини тумтарақай қилиб ҳайдаб юборди. “Чиябўрилар” ўзларининг овларига “арслон” арадашганидан аламлари келиб уни қарғай-қарғай узоқлашишди. Бу пайтда Ҳанифа ҳушидан кетиб бўлган эди.

Самандар хожасининг оғзи-бурни қонга беланган қизни кўтариб келганини кўриб ажабланди:

— Қаердан топиб келдингиз?

— Маразлар, — деди Икром асабийлашиб, — ўлдириб қўйишларига сал қопти. Яхшиям, вақтида етиб борибман. Буни ҳозироқ ваннада ювинтир.

Самандар қушдай енгил Ҳанифани Икромнинг қўлидан олиб, ювиниш хонасига олиб борди. Энди уни ювинтириш учун кийимларини ечмоқчи бўлганида Икром кириб келди-да:

— Ечинтирма, — деди паст овозда, — ўзига келиб қолса, кўрқиб кетади. Юз-қўлларини юв.

Гарчи танасига сув теккан эса-да, қиз ўзига келмади. Кўкраги оҳиста кўтарилиб тушаверди. Самандарнинг унга ичи ачиди. Ўзи Қосимнинг томоғига тиг тортаётганида бирор туки қилт этмаган эди. Энди қиз боланинг аҳволига

ачинди. Ичида уни шу кўйга солганларни сўкди. Сўнг яна оҳиста кўтариб ювиниш хонасидан олиб чиқди-да, юмшоқ ўринга ётқизди.

Ҳанифа эртасига куёш терак бўйи кўтарилганида кўзини очди. Бир муддат қаерда ётганлигини билолмай гарангираб атрофни кузатиб ётди. Кўлида қаҳва билан келаётган Икромни кўрганида эса қўрқиб кетганидан девор томонга тисарилиб бақириб юбораёзди. Албатта, буни йигит сезмасдан қолмади, шу боисдан ҳам қизнинг кўнглидаги кўрқувни йўқотиш учун илжайди.

— Ўзингизга келиб қолдингизми? — дея ҳол сўради.

— Раҳмат! — деди қиз қалтираган товушда.

— Унда яхши. Манави кофени ичиб олинг. Мадор бўлади.

Ҳанифа узатилган қаҳвани олишни ҳам, олмасликни ҳам билолмай бир оз йигитга қараб турди.

— Олаверинг, кўрқманг. Мутлақо хавфсиз жойдасиз.

Икром бу ерда қаққайиб тураверса, қиз қаҳвани ичолмаслигини тушунди. Шу боисдан ҳам чиқиб кетди. Ҳанифа атрофни яна бир бор назаридан ўтказганидан кейингина буги чиқиб турган қаҳвадан ҳўплади. Ичига иссиқлик кириб, танаси яйради. Бир оз енгил тортди. Аммо салдан кейин бошига шунақанги чидаб бўлмас оғриқ кирдики, у беихтиёр кўлидаги пиёлани ерга кўйиб, икки кўли билан бошини гижимлади ва ўзи ҳам сезмаган ҳолда инграб юборди. Унинг овозини эшитган Икром дарров ёнига келиб, аҳволини кўрди.

— Бошингиз оғрияптими? — дея сўради.

Қиз жавоб бермади. Кўрқди. Бирон нима десам буям ҳунар кўрсатиб қоладими, дея ўйлади.

Икром ортига қайтди ва кўп ўтмай сув билан дори олиб келиб қизга берди.

Ҳанифа бошидаги оғриқ қолиб, қароқлари ҳам тиниқлашганидан кейингина уст-бошига қаради. Кўйлагидаги қотиб қолган қон доғлари кечаги воқеаларни бирма-бир эслатиб, кўзига ёш тўлди. Секин ўрнидан турди. Шу лаҳзада кўлида дастурхон кўтарган Самандар кириб келиб:

— Ана, отдай бўп кетибсиз, — деди жилмайиб.

— Ҳалиги, — дея каловланди қиз, — юзим...

— Кўйлак-пўйлақларнинг ҳаммасини ваннага киритиб

қўйибмиз. Кириб, бемалол... Ундан кейин қоринни тўқлаб оласиз.

Уйидан қочиб кетганидан бери қиз бунақа манзиратни кўрмаган эди. Кўкси йиғига тўлди. Бироқ у йиғисини ошкор қилмади. Бошини ҳам қилганча ювиниш хонасига кириб кетди.

Эркакча қўйлак-шим кийган, узун қоп-қора сочларини силлиқ тараб орқасига ташлаб олган қиз ўзига аталган хонага кириб келганида Самандар билан Икром оромкурсида гаплашиб ўтиришарди. Ҳанифа бир оз қизариб салом берди.

— Ўтиринг, — деди Икром егуликлар билан тўла столнинг гирдига қўйилган стулни кўрсатиб, — аввал овқатланиб олинг.

— Йўғ-э, мен... ҳалиги... қорним...

— Биз чиқиб кетамиз, юр, Самандар.

Икром ўзининг хонасига кирди-да, телевизорни ёқиб, унга тикилган кўйи Дилдорани ўйлади. Соғинди, кўргиси келди. Шу боисдан ҳам ташқарига чиқиб кетди. Ва ўзи сезмаган ҳолда Абдуҳамиднинг йигитларига рўпара келиб қолди. У кўнглидаги ғамни унутиш учун пиво барга кирганди. Ана шу жойда дуч келди душманининг одамларига. Бироқ танимади. Аммо наригилар у кириб келишлари билан таниган, бир-бирларига сирли қараб олишганди. Ва кўйнидаги ўтқир тигларига қўл юбориб, ушлаб қўйишган эди.

* * *

Чорасиз қолган Нафиса бор макрини ишлатиб, эрига унинг нафсини қондиrolмаслигини, айна пайтда мазаси йўқлигини тушунтира олди. Эр кўнди-ю, лекин аразлашни ҳам эсдан чиқармади. Нариги томонга ёнбошлади. Бир оздан кейин эса унинг пишиллаган овози эшитилди ва ҳали-ҳамон уйқуси келмаётган, бироқ кўзини “чирт” юмиб ётган жувон енгил тортди.

Ўша тунни бошқа хонада чалқанча ётган Дилдора ҳам бедор ўтказди. Йиғидан кўзлари қизариб кетди. Бир неча бор ўрнидан турди. Хона бўйлаб юрди. Кейин яна ётди. Бир неча марта ўзини осмоқчи ҳам бўлди. Лекин уйқуни эплолмаган қизнинг қўлидан бу иш ҳам келмади. Аламини яна кўзёшидан олди. Ёстиқни жиққа ҳўл қилиб ташлади.

Кўшни хонадагиларга ҳам тун ярмигача уйқу бегона бўлди. Эр-хотин бирор икки соатча тортишишди. Назира опа Абдулазиз аканинг кўнгилчанлигини биларди. Озгина кўзёш тўкса, ёшлигидаги нозларидан бир-иккитасини ишлатса, эрини измига юргизишини билар эди. Аммо бу сафар кўзёшини тўкмади. Ноз ҳам қилиб ўтирмади. Дилдорани ўзига маъқул келган совчиларга бераман, деб туриб олди. Аммо бунисига эр кўнмади. Гарчи у бегона машинада қизини кўрган, жаҳл отини қамчилаган эса-да, негадир қизини хотини таърифини кўкка етказётган йигитга бергиси келмаётганди. Ич-ичидан нимадир бунга халақит қиларди.

— Қизингни ўз ҳолига қўй, — деди охири сабр-бардоши тугаган Абдулазиз ака. — Кўчага чиқарма, илинган билан гаплашиб кетаверишнинг оқибати ёмонлигини тушунтир. Лекин фалон одамга эрга тегасан, деб мажбурлама. Битта-ю битта қизимнинг бахтсиз бўлишини хоҳламайман.

Бу тортишувга қўйилган сўнгги нуқта эди.

Дилдора нонуштага ҳам чиқмади. Шифтга термилганча ётаверди. Ёнига Нафиса кирди. Авради, ҳали ҳаммаси изига тушиб кетишини такрор-такрор айтди. Лекин унинг гапларини Дилдора қулоғига ҳам олмади. Шундай бўлса-да, “ҳозир чиқаман”, дея жавоб берди. Аммо нонуштага бормади.

— Ана, кўрдингизми? — деди Назира опа эрига иддао билан қарар экан. — Айтганимга кўнмайсиз. Кеча кечқурун ҳам ҳеч нарса емаганди. Ҳозир нонуштагаям чиқмаяпти. Адаси, узатмасак бўмайдиганга ўхшайди.

Абдулазиз ака хотинига ўқрайиб қаради. “Аёл ҳам шунақа калтафаҳм бўладими? Ўзининг қизини ўзи эрга бераман деб ҳовлиқиб юрса”, дея ўйлади. Лекин ўйини ташига чиқармади. Ўқрайиш билан кифояланиб, пиёладаги чойни симирганча ўрnidан турди.

— Ҳар доимгидай, — деди Назира опа, — ташвиш яна менинг бошимда қолаверади. Бошқалар ялло қилади.

Бу сафар ҳам Абдулазиз акадан садо чиқмади. У тўғри қизининг хонасига бориб эшикни очди-да, хонага кирмасдан:

— Дилдора, чиқиб нонушта қилиб ол, — деди ва ортига

қайтди. Унинг овозидаги маҳзунликка йўғрилган сокинлик қизнинг этини жимирлатиб юборди. У ич-ичидан отасининг қийналаётганини ҳис этди. “Аҳмоқман, адажонимни хафа қилишга нима ҳақим бор?” дея ўзини ўзи койи-ганча, ўрnidан тура сола, эшик томонга юрди. Лекин отасини ошхонадан топмади. Дастурхон атрофида ойиси келинойиси ва нечукдур қовоғи осиглиқ акаси билан ўтирар эди. Ҳеч қандай гап-сўз йўқ, худди мум тишлашгандай. Дилдора бир чеккадан жой олгач, Нафиса унинг олдига ярим коса ширчай қўйди.

— Бугун, — деди Назира опа бир оздан кейин Дилдорага қараб, — ҳеч қаерга чиқмай уйда ўтирасан. Келинойинг уйига бормаганига ҳам анча бўлди. Бориб ёзилиб келсин.

— Ўтган ҳафтада борганди-ку, — дея ойисига юзланди Баҳром. — Ҳар ҳафта бораверадимиз?

— Қудачамнинг озгина ташвиши бор экан. Телефон қилди. Майли, бориб кела қолсин. Бир кун минг кун эмас. Уйдаги ишларни Дилдора қилиб туради.

Нафиса терисига сиғмайдиган даражада қувониб кетди. Агар эри билан қайнсинглиси бўлмаганида, қайнонасини ўпиб олиши ҳам турган гап эди. Лекин ойисининг бу гаплари Дилдорага ёқинқирамади. Тўғри, институтда унинг қиладиган иши йўқ эди. Аммо Икром акаси билан учрашиб, унга бор ҳасратларини тўкмоқчи эди. Айни шу сабаб у кечаси ўзини ўлдиришдан тийилганди. У қўлидаги нонни оғзига олиб борган қўйи бир оз туриб қолди. Сўнг ойисига қараб:

— Майли, — деди паст овозда, — бориб келсин, ўзимнинг ҳам бугун уйдан чиққим йўқ.

Жавоб Назира опани қониқтирмади. Унинг режаси бўйича ҳозир қизи, институтга бориши шартлигини айтиши лозим эди. Шунда у Дилдорани акасининг олдида озгина бўлса-ям айбини айтиб уришар ва буни бир ўқ билан икки куённи уриш, деб ҳисоблаётганди. Биринчидан, қизининг попугини пасайтириб қўярди, иккинчидан, Баҳромни ҳам синглисининг кейинги пайтлардаги ҳолидан хабардор қиларди. Ака эса кейинчалик Дилдоранинг нима ишлар билан машғуллигига қизиқарди. Балки онасига қўшилиб дакидашном берармиди? Лекин қизнинг бирданига ён бериши буларнинг барини чиппакка чиқарди.

Дилдора ҳаммадан олдин юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди. “Менга нима бўлаяпти ўзи? — дея ўйланди у. — Нега уйдагилар билан таллашиб-тортишиб юрибман? Сабаб нима? Мени эрга беришларига қаршилик қилганимми бу? Берса нима бўпти?! Ҳаммаям эрга тегади-ку, шуни деб ўзим тугул, уйдагиларнинг ҳам асабини бузишим керакми? Арзийдими шунга? Ундан кўра, айтаман барини! Икром акамни яхши кўришимни, фақат унга эрга тегишим мумкинлигини айтаман. Ҳозироқ... Йўқ, яхшиси, акам билан кеннойим кетсин. Ётиғи билан ойимга тушунтираман. Ана, акамни севганига уйлантиришди. Мени ҳам севганимга беришсин. Мен қандайдир матоҳмасманки, дуч келганга бериб юбораверишса!..”

У Нафиса онаси билан хайрлашиб кетганидан кейин хонасидан чиқди. Ва хаёл суриб ўтирган ойисининг ёнига бориб чўккалади. Сўнг онасининг қўлини олиб ўпди. Она қизининг қилиғидан аввал ажабланди. Кейин ўзича Дилдорага ҳам ақл битганидан хурсанд бўлди ва қизининг сочларини силади.

— Ойижон, — деди Дилдора эркаланиб, — сизни хафа қилиб қўйган бўлсам кечиринг. Озгина ёшлик қилибман-да.

— Вой, ойинг ўргилсин сендан, — деди Назира опа меҳри товланиб, — ҳеч вақт она ҳам боласидан хафа бўладими?! Мени фақат бир-биримизни тушунмаётганимиз ўйлантираётганди-да, жон қизим!..

— Ойижон, — деди Дилдора Назира опага тикилиб, — мен сизнинг айтганингизга кўндим. Майли, турмушга чиқаман.

Назира опа чуқур нафас олиб, жилмайди.

— Ўзинг ақлли қизсан, — деди Назира опа баттар шодланиб, — бир кун шундай дейишингни билардим-у, аданг билан тортишиб юрибман. Одам шундай пайтда шошиб қолади-да.

— Бир гап айтайми, ойижон, фақат сиримни ҳозирча ҳеч ким билмаслиги керак.

— Қизим, сенинг сиринг менинг сирим-ку. Мендан яқинроқ сирдош тополмайсан, барибир.

— Тўғри, лекин шундаям айтаяпман-да.

— Майли, сўз бераман.

— Мен битта йигитни яхши кўраман...

Назира опа энди ўзгача хўрсинди. Бояги шодлиги орқага чекинди.

— ...

— Мени ҳозирдан узатмоқчи бўлсангиз, ўша йигитга бериңг, ойижон. Ахир, акамниям севганига уйлантирган-сиз-ку...

— Ким экан ўша севган йигитинг?

— Ойи, ўзим таништириб қўяман, кўрасиз, сизгаям ёқиб қолади...

— Шошма-шошма, қизим, у йигитдан биронта одам келмасидан бурун мен қандай қилиб танишаман? Эшитганлар нима дейди?!

— Қизиқсиз-да, ойи, сиз биронта одамга фалон йигит билан танишдим, деб айтасизми?.. Кейин одамларнинг менинг кимга турмушга чиқаётганим билан неча пуллик ишлари бор?! Аввал ўзларининг болаларини бир ёқли қилиб олишсин.

Назира опа кулди. Кулгиси қувноқ эмасди. У қизининг соддалигидан, ўйламай гапираётганидан, ҳаёт нелигини мутлақо билмаслигидан кулаётган эди. Кулгисида бир дунё алам, аччиқланиш бор эди. Аммо буларнинг биронтасини Дилдора илғай олмади. Шунингдек, ҳар доимгидек Назира опа ҳам бобиллаб бермади, қайтанга қизига ён берди.

— Шунчалик яхши кўраркан, одам юборсин. Оиласи қандайлигини билайлик, ундан кейин аданг, қариндошлар билан маслаҳатлашайлик, у ёғи бир гап бўлар.

— Ўзимнинг ойижоним! — дея онасини маҳкам қучоқлаб олди Дилдора. — Бундай ойи фақат менда бор!

— Қизим, мен сенга ҳали ваъда берганим йўқ. Шунинг учун эртага йиғлаб юрмагин.

Дилдора дарров сергакланди. Онасини қўйиб юбориб, юзига термилди. Чиройли қошлари учди. Сўнг боши ҳам бўлиб ўрнидан турди.

Ана шу лаҳзаларда Назира опанинг хаёлига: “Бу қизни ўқитиб юбориш керак”, деган ўй келган эди.

Дилдора бир-икки қадам босганидан кейин тўхтаб ортига бурилди. Унинг кўзларидан ёш дув-дув оқмоқда эди. “Аниқ, — дея хаёл қилди тагин Назира опа, — буни

иссиқ-совуқ қилишган, чорасини кўрмасам, эртага аттанг деб қолишим ҳеч гапмас”.

— Қизим, дарров ёшингни оқизма-да, мен ҳали сени шу болага бермайман, деганим йўқ-ку. Эҳтимолли гапларни айтдим, — деди она қизининг кўнглини кўтариб қўйиш учун. Аммо Дилдоранинг кўнгли таскин топмади. Алам кўксига маҳкам ўрнашиб олди. Шунда она қизини бошқатдан “иссиқ-совуқ” қилишни ўйлади. Дилдора эса ўзига эришмоқчи бўлиб юрган йигит билан ўзи яхшилаб гаплашиб қўйишни кўнглига тугди.

Она ўша куннинг ўзидаёқ ишга киришди. Битта-иккита қариндошларига кўнғироқ қилиб, суриштириб, шаҳарнинг бир чеккасида яшайдиган фолбин хотиннинг манзилени аниқлаштирди. Дилдорани уйда қолдириб, фолбинни кига йўл олди. Сочлари тўзгиган ўлик кўз бир аёл уни кутиб олди. Салом-алик қилмади. Ўқрайиб туриб, бошдан-оёқ Назира опани кўздан кечириб чиққач:

— Девлар, инс-жинслар, намунча кўп улар?! — деди.

Назира опа ҳеч вақони тушунмади. Анграйиб тураверди.

— Нега уларни менинг ёнимга етаклаб келдинг, кампир?! — деди фолбин аёл бақариб. — Мендан улар кўрқишади. Юракларини суғуриб оламан. Лекин ҳозир олишмайман. Жинлар! Жинлар! Дамларингни олинглар!

Назира опа бутунлай ҳангу манг бўлиб қолди. Фолбин аёл унга парво ҳам қилмай ортига бурилиб кета бошлади. Шундагина аёлнинг ҳуши ўзига келди. Ва таклиф қилинмаса ҳам фолбиннинг орқасидан эргашди. Кетаётиб сумкачасини титкилади. Бир даста пул чиқариб, энди санамоққа чоғланганида, фолбин бирдан тўхтаб ортига ўгирилди.

— Менга беринг, — деди қўлини пулга чўзиб.

Довдирашда давом этган Назира опа пулнинг ҳаммасини унга тутқазди. Фолбин афти буришиб, жирканиб пулга тикилди. Кўзини ола қилганча чор тарафига қараб чиқиб:

— Момоларим, момоларим! — деди титраган бир алпозда. — Момоларим чўғи паст, дейишяпти. Дев билан олишишга арзимаиди, дейишяпти.

— Опажон, — деди ранги докадек оқариб кетган Назира опа, — камини яна олиб келиб бераман.

Унинг гапидан сўнг фолбин осмону фалакни “кўриқдан” ўтказиб чиқди-да, Назира опага тикилди. Кейин:

— Орқамдан юринг, — дея уйи томонга илдамлади. Пул қўлига текканидан кейин фолбин ўзгарди. Назира опа эса озгина дадиллашди.

Кейин фолбин шайтонлаб қолган одамга ўхшаб, илму амалини бошлаб юборди. Унинг айтишича, улкан бир қора калхат Назира опанинг устига бостириб келаётган эмиш. Агар унинг олдига келмаганида, нафаси қисиб ўлиб қолармиш...

— Қизим-чи, қизим? — деди кўзидан ёшини дув-дув оқизган Назира опа. — Мен уни биронтаси иссиқ-совуқ қилиб, йўлини боғлаб қўйганми, деб қўрқаман.

— Вой... Вой, — дея яна шайтонлаб қолди фолбин, — жуда ёмон бўпти. Бўйинбоғли, шляпа кийган сариқ илонга ўхшайдиган одам қилибди. Унинг оти Жухуд. Яхшиям, менинг олдимга келибсиз... Эй... Эй, момоларим, вой моможонларим, товба қилдим, товба қилдим. Шу сафаргина гуноҳгинамдан кеч... Момоларим, момоларим!..

— Нима экан?! — деди Назира опа, фолбиннинг тез-тез нафас олишлари унга ҳам кўчганди.

— Мен айтмайдиган гап чиқиб қолди. Мен учини сизга айтдим, онажон, бу ёғини айтолмайман. Бу жухуд ҳамма томонидан маҳкамлабди, ўтишга тешик қолдирмабди. Жухудлар ишига пухта бўлишади... ҳай-ҳай, шунақаларга ишингиз тушибди-да... Ёмон бўпти, ёмон бўпти, мен кўриб турган нарсаларни сиз кўрсангиз борми, юраккинангиз ёрилади-я!!!

Назира опанинг ҳаяжони баттар ошди. Боши айланиб, кўзи тина бошлади.

* * *

Полвон Зебра билан бирга Шернинг оиласи яшайдиган уйга борди. Хонадон аҳли нималар содир бўлганидан ҳали беҳабар, ҳар ким ўзининг ташвиши билан овора эди. Шу боисдан ҳам Шернинг “содиқ” қулини аввалгидек кутиб олишди. Аммо Полвон ўзини аввалгиларидан бутунлай бошқача тутди. Қўлларини кўксига қўйиб бошини эгмади. Куйдирган калладай тиржаймади, қовоқларини уйганча ҳовлига кириб келди. Болохона томонга қаради. “Шуларга мазза, — деб ўйлади, — ҳар куни Шернинг бир-биридан кетворган қизларини томоша қилишади. Лекин кўзи билан кўрганидан кейин оғзи билан емасаям қийин-да”.

— Яхши ўтирибсизми? — деди овозини бир парда кўтариб, кенг ҳовлининг адоғидаги каравотнинг устида кўрпа қавиб ўтирган Шернинг хотинига.

Аёл Полвоннинг гапини яхши англамади. Лекин бошини кўтариб у томонга қаради-да, илжайди.

— Бу дейман, — дея бақирришда давом этди Полвон, — эрингиз қоплаб олиб келиб ташласаям қурумсоқлик қиларкансиз-да!

Аёл бу сафар Полвоннинг гапларини аниқ-тиниқ эшитди. Аммо зиғирча бўлсин кўнглига олмай, қайтанга ним табассум ҳадя қилди. Хаёлидан “Бунгаям ақл битибди-да, одамга ўхшаб гапираяпти”, деган ўй кечди ва ўрнидан туриб, секин чорпоядан тушиб, бир оз оқсоқланганча Полвон томонга юриб келаркан:

— Қандай шамол учирди, Мавлонбой, охирги пайтларда кўринмай кетувдингиз? — деди.

— Бўрон денг, момой, бўрон! — дея Полвон илжайиб Зебрага қаради.

Унинг гапини эшитган аёл турган жойида таққа тўхтади, болохонадаги йигитлар бирин-кетин пастга тушиб кела бошлашди. Улар ҳали шу пайтгача бу хонадонда Шернинг аёли тугул, мушугига ҳам овозини баландлатиб бирор кимса гапирганини эшитишмаган эди. “Момой” деган сўз учун эса ҳар қандай одамнинг калласи кетиши муқаррар эди. Болохонадан тушган йигитлар билан бирга Шернинг аёли кўнглига ҳам гулгула оралади. Улар ич-ичидан нимадир содир бўлганини сезишди.

— Сенлар, — дея амр қилди Полвон йигитларга, — кўчага чиқиб бизни кутиб турунглар. Бир жойга борамиз.

Шердан кейинги ҳоким Полвоннинг илгари ҳам гапи икки бўлмас эди. Шу боисдан ҳам йигитлар итоаткорлик билан дарвоза томонга юришди.

— Кеннойи, уйга таклиф қиларсиз, — деди Полвон Шернинг аёлига юзланиб.

— Майли, киринглар, — дея зўрма-зўраки жилмайди Санобар ая. Ва уйи томонга секин юра бошлади. Эшик ёнига етганидан кейин эса тўхтаб орқасига ўгирилди-да: — Тинчликми? — деб сўради. Овози қалтираб чиққандай туйилди ўзига. Кейин ютиниб олиб дадилроқ гапирмоқчи бўлди-ю, удалай олмади. Овози чиқмади.

— Кирайлик, ҳаммасини ётиги билан тушунтираман, — деди қовоғи солиқ Полвон.

Авваллари биронта одам бу хонадондан чой ичмасдан чиқиб кетмас эди. Санобар ая келган одам ёшми, қарими зўрлаб бўлсаям уйига олиб кирар, дастурхон тузар, меҳмонни ҳеч бўлмаганида бир-икки пиёла чой билан сийлар, ундан кейин жавоб берарди. Бу сафар ундай қилмади. Айвонга чиққанларидан кейин узун кўрпачанинг бир четига ўтириб, қалтираган қўлларини хонтахта устига қўйди. Полвон билан Зебра таклифсиз унинг рўпарасидан жой олишди.

— Сизга, — дея бошини эгиб гап бошлади Полвон, — хунукроқ битта гап келтирдим... Начора, ҳаммамизнинг пешонамизда бор нарса. Эртами-кечми, барибир, ўша ёққа борамиз...

— Очиқроқ гапиринг, Мавлонбой! — дея унинг гапини бўлди Санобар ая.

— Шу десангиз, мутлақо кутилмаганда окахондан айрилиб қолдик...

Полвон бу гапни ўта маъюслик билан, чексиз изтиробда қолган кишидай гапирди. Зебра худди ўша маҳали мийигида кулди. Санобар ая эса бир қалқиб тушди.

— Нима дедингиз?! — деди у лаблари титраб.

— Акамиз бизни ташлаб кетди, — деди Полвон бошини кўтариб аёлга хўмрайиб қараб қўяр экан.

— Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман! Қандай қилиб, нега энди?! Бирдан бунақа...

— Биз ҳам кутмаган эдик, нима қилайлик, кўргилик экан-да.

Санобар аянинг кўзидан секин ёш оқа бошлади. У қалтираётган қўлини пешонасига қўйди ва бошини эгди. Унинг йиғиси эшитилмас, Полвон билан Зебра бир-бирига қараб-қараб қўйишар, бироқ бир оғиз ҳам гаплашишмасди. Орадан маълум муддат ўтганидан кейин Санобар ая қўлини олиб рўпарасидаги эркакларга юзланди-да:

— Қачон?! — дея сўради.

— Кеча бўлди, — жавоб қайтарди Полвон.

— Нега бунча кеч айтаяпсанлар?! — дея бақириб юборди аёл. Унинг овози бутун уй бўйлаб жаранглади. Ўзларининг хоналарида, ошхонада турли юмуш билан овора бўлиб юр-

ган қизлар онасининг овозини эшитишиб сапчиб тушишди ва айвон томон югуришди.

— Имконият бўлмади! — дея овозини баландлатди Полвон ҳам. — Хатарли эди. Шунинг учун мана ҳозир келдик. Ётиғи билан сизга айтдик.

— Нимани?! — дейишди шу пайт айвонда пайдо бўлган тўрт қизнинг иккитаси бирданига.

— Қизларим! — деди йиғлаб Санобар ая. — Адажонларингдан айрилиб қолибмиз!

Санобар аянинг гаплари ҳали ҳавога сингиб улгурмасидан қизлар қий-чув кўтариб юборишди. Бири ўзини ерга ташлаб бақириб йиғлаган, иккинчиси онасини кучоқлаб олган, учинчиси деворга суяниб қолган, тўртинчиси: “Йўқ... йўқ, ишонмайман, мумкин эмас, менинг адажоним тирик! Ўлмаган!” дея айтиб йиғлашга тушган эди.

— Бас!!! — дея бўкирди Полвон иккала қўлини ҳам осмонга кўтариб. — Ҳеч ким дамани чиқармасин!

— Мавлонбой! — деди Санобар ая бош чайқаб. — Сиз бизга шунақа хабар олиб келинг-у, хурсандчилик қилайликми?!

— Йиғи-сиғидан фойда йўқ. Ҳар ким бундан бу ёғига ўзининг жонини сақлаб қолиши керак. Кечадан бери сиқилиб юрганимиз етади бизга! Хуллас, гап бундай, ҳализамон мошина келади. Икки гуруҳга бўлинамиз. Қизлар мен билан бирга, менинг дачамга кетади. Сиз, кеннойи, — дея Санобар аяга қўлини бигиз қилди у, — Зебра билан борасиз. Вақт зиқ. Йиғи-сиғини кейин қилаверасизлар!

— Йў-ўқ, — деди Санобар ая асабий бир ҳолатда, — ҳеч ким ҳеч қаерга кетмайди! Мен ҳам, қизларим ҳам шу ерда қоламиз. Қани ўша эримни ўлдирган зўравон бизларни ҳам ўлдирсин-чи!!!

— Менга қаранг, — деди Полвон бир оз ҳовуридан тушиб, — ҳозир абсуждат қиладиган вақт эмас. Шошилиш керак.

— Эримни тупроққа қўймай туриб, унинг уйидан қочиб қоламизми? Айт! Жиноятчи бўлсанг, ўғри бўлсанг — сенсан! Мен билан қизларим эмас. Ахир, бизниям гапимизни эшитадиганлар бордир. Биз ҳам шу ерда яшаётган бўлсак керак!..

— Бўлди қилинг! — деди кўзи косасидан чиқиб кетай

деган Полвон. — Йўқса мен ҳеч нарсага жавоб бермайман!

— Биз учун, — деди юзи кўзёшлари билан бутунлай ювилган энг катта қиз Дилором, — ташвиш қилмай қўя қолинг, адажоним ҳозир қаердалигини айтинг, ўзимиз бо-риб олиб келамиз!

— Уф-ф, қанақа тушунмаган одамсизлар! Адангга ўли-шидан олдин мен ваъда берганман. Ҳаммасини соғ-саломат сақлайман деб. Васиятни бажармасам, окахоним гўрида тик туради! — деди Полвон кўзига ёш олиб.

Ўша лаҳзада Зебра хожасининг “санъат”ига қойил қолди. Ва бу одам билан ҳали узоқ ишлашига ишонч ҳосил қилди.

— Ҳали кўмиб ҳам бўлдингларми?! — деди Санобар аянинг кўзлари каттариб.

— Шошилмасак бўлмасди. Улар бурдалаб ташлашмоқчи бўлишди. Лекин...

— Вой шўрим!!! — дея Санобар ая бир оз қотиб турди-да, ёнига кулади. Қизлар чинқириб юборишди.

— Бас қил ҳамманг йиғи-сиғини, жонга тегиб кетди! — дея бақириб юборди Полвон.

Аммо қизлар унинг гапларига қулоқ соладиган аҳволда эмасдилар. Улар ғам-алам таъсирида ташқи оламга эътибор берадиган аҳволда бўлмасалар-да, қалбларига отасининг дав-ридан бировга итоат этмаслик ҳисси ҳам ўрнашиб қолган-лиги ҳозир Мавлоннинг гапларини сариқ чақага олмаслик-ка сабаб бўлаётганди.

— Мен кимга айтаяпман?! — дея ўкирган Полвон ўрни-дан ирғиб турди. Унинг бу хатти-ҳаракати ҳам зое кетди. У бунақа бўлишини кутмаган эди, шу боисдан кўзи қонга тўлди ва кенжа қиз — Нигорани ўзи ҳам сезмаган ҳолда тепиб юборди. Эндигина ўн олтига кирган, сутга чайган-дай оппоқ, сочлари қоп-қора, киприклари узун, отасининг эрка қизи Нигора шу ёшигача мушугини биров пишт де-маган, шунга қарамай, хийла фаросатли, муомалани ҳам ўринлатадиган қиз эди. Сонига теккан тепкидан унинг жон-пони чиқиб кетди. Адоқсиз нафрат билан шундай ўгирилиб Мавлонга қарадики, Полвон унинг нигоҳидаги ўтдан ўзини бироз йўқотиб, орқасига тисарилди. Хаёлига Шернинг ўткир нигоҳлари келди.

— Ҳали адажонимнинг тупроғи совимасдан туриб бизни хўрламоқчи бўлаяпсизми?! Нега келдингиз ўзи бу ерга?!

Йўқолинг, зор эмасмиз сиздай пасткаш одамнинг ёрдами-га!

Нигоранинг гаплари Полвоннинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Қаҳр билан Зебрага қараб:

— Тўхтат бу машмашани! — деди бўгилгудай бўлиб.

Худди шуни кутиб турган Зебра қизларга ташланиб, қўлларидан тортқилаб эшик томонга судрай бошлади. Шовқин баттар кучайди, бунга сайин Полвоннинг юраги ўйнай бошлади. Қўни-қўшнилари эшитиб, бирма-бир югуриб келишини ўйлаган Полвон Шернинг қизларини бир-бир ушлаб юзига тарсаки туширар, сўнг эшик томонга итариб юборарди. Қизлар ҳали-ҳануз нима бўлаётганини англолмаган эдилар. “Хўп, адамиз ўлибди... Лекин манави мараз нега бунақа қилиқ қиляпти?..” деган ўйдан ҳайратда эдилар. Ниҳоят орадан бирор ўн дақиқа ўтганидан кейин Полвон Шернинг эркатойларини тинчитди. Санобар опани юзига сув сепиб ўзига келтирди.

— Бўлди, — деди Полвон ҳансираб, — агар яна биттанг шовқин кўгарадиган бўлсанг, аяб ўтирмайман.

Худди шу пайт унга машиналар келганлиги тўғрисида хабар беришди.

— Ҳовлига киритинглар. Ҳозир биринчи машинага мен билан бирга қизлар чиқишади. Кейингисида Зебра Санобархонни олиб кетади. Яна бир марта огоҳлантираман: биронтаям шовқин бўлмасин!

Калтак, пўписа барибир кучини кўрсатди. На Санобар опа ва на унинг қизлари оғиз очишди.

— Хўжайин, — деди қизлар машинага чиққанларидан кейин Полвоннинг ёнига келган Зебра, — битта ўзингизга тўрталаси оғирлик қилмайдими?

— Ишинг бўлмасин. Эплайман... — дея қовоғини уйди Мавлон. — Сен кампирингни дачага олиб боргин-да, кейин битта мулла топиб, зудлик билан ёнимга етиб бор.

Машина секин жойидан қўзғалди. Тўртала қиз худди сўнгги бор уйини кўраётгандек кўзидан ёшини оқизиб, энг ширин дамлари ўтган масканга термилардилар.

Роппа-роса икки соатдан кейин машина Полвоннинг дала ҳовлисига етиб борди. Тахминан ўттиз сотих ернинг тўрт томони баландлиги икки метрлар чамаси келадиган девор билан ўралган эди. Машина очиқ дарвозадан тўхта-

май тўғри кириб борди. Иккита йигит югуриб келиб, қизлар ўтирган тарафнинг эшигини очишди. Уларнинг бу қилиқлари Полвоннинг гашига тегса-да, ўзини босди.

Бу ердаги уй ҳашаматли эмас эди. Пастқам қилиб қурилган, оққа бўялган ҳовлининг ҳар-ҳар жойида ярми қуриган дарахтлар. Ерга эса ҳеч нарса экилмаган, ёввойи ўтлар гуж бўлиб ўсганди.

— Ёқмади-я? — деб илжайди Полвон машинадан тушиб ҳайкалдек қотиб турган қизларга қараб. — Лекин иложларинг қанча, вақтинча яшайсизлар.

— Нега бизни бу ерга олиб келдингиз? — деди тўнғич қиз Дилором. Унинг ёши йигирма иккида, институтнинг охирги курсида ўқирди. Сингилларидан фарқли равишда кўзлари порлаб турарди. Ҳар қандай одам унинг кўзига қараса, жодуланиб қоларди. Ўзи ҳам анча шўх-шаддод, йигитлар билан гаплашишни хуш кўрарди. Бироқ йигитлар ундан ҳайиқишарди. Аниқроғи, отасини доимо эсда тутишарди. Шу боисдан ҳам мумкин қадар узоқроқ юришга ҳаракат қилишарди. Дилором бўлса атай уларнинг кўзларини ўйнатиш, юракларини ёқиш учун тиззасидан бир қарич баланд қилиб юбка, кўкраги ўйилган кофта киярди. Шунинг орқасидан отасидан бир неча марта танбеҳ ҳам эшитган, аммо барибир билганидан қолмасди. Айни дамда эса, у жинси шим ва юпқа кўйлак кийиб олганди. Полвон унинг қадди-қоматига еб кўйгудек бўлиб тикилганча, ютини кўйди, сўнг:

— Менга шундай васият қилинган, — деди.

— Васиятда бизни шапалоқлаш ҳам бормиди? — дея бирдан гапга аралашди Нигора.

— Шундай қилишга мажбур бўлдим. Тўғрироғи, сизлар мажбур қилдингизлар.

— Қанча вақт турамиз бу ерда? — деди Дилором сингилларига бир қараб олиб.

— Айтолмайман. Балки бир ой. Балки ундан ҳам зиёд... Ҳозир уйга киринглар. Хоналарингни йигитлар кўрсатиб кўйишади, — деди Полвон ва сал нарида хўжасининг оғзини пойлаб турган йигитлардан бирига: — Акмал, кўрсат, — дея буйруқ берди.

Қизлар уйга кириб кетганларидан кейин Мавлон кўкрагини тўлдириб нафас олди-да, илжайганча иккинчи йиги-

тига ҳовлига стул олиб чиқиб қўйишини, ундан аввал муздай пиво келтиришини буюрди.

Унинг буйруғи бир зумда бажарилди. Полвон худди чўл-биёбонда қолиб кетган одамдай, бир шиша пивони ютоқиб бир кўтаришда бўшатганидан кейин стулга ўтириб хаёл сурганча сигарета тутата бошлади.

Орадан бир соатлар чамаси вақт ўтганидан кейин Зебра келди. Илжайиб машинадан тушди. Ундан кейин соқоли оппоқ, бошига салла ўраб олган бир мўйсафид ҳам тушиб, чопонини тўғрилаб олди.

— Одамни ёмон интиқ қилдинг-да, — деди Полвон. — Мен сенга шунча йўқ бўп кет, деб айтганмидим?!

— Энди, хўжайин... Аनावи кампир анча тихирлик қилиб, жонга тегди...

— Вой онангни эмгурнинг боласи, кампирлигигаям қарамабсан-да!..

— Ока, ўлиб ўтирганимиз йўқ. Ёшлари турганида келиб-келиб шу кампирга кунимиз қолибдими... Энди сизнинг гапингизни икки қилмай бир чеккага қўйиб қўйдик-да.

— Буюммидики, бир чеккага қўйиб қўйсанг, қимир этмай тураверадиган, ҳар қалай, бизга хешлик томони бўлиб қолди, шунга қараб иш қил!

— Хўп, хўжайин.

Зебранинг ортидан машинадан тушиб келган мўйсафид уларнинг гапига тушунмай анграйиб қолди. Яхшиям Полвон гапни қисқа қилди. Йўқса, у тураверарди.

— Келинг, оқсоқол, — деб ўрнидан турганча мўйсафидга қўлини узатди Мавлон.

Мўйсафид у билан кўришди. Сўнг Зебрага “Мени қаерга олиб келдинг?” дегандек қараб қўйди.

— Отахоннинг исмлари Норбой, битта масжиднинг имоми, — деди Зебра мўйсафидни таништираркан.

— Шунақами, — дея илжайди Полвон, — қани, Норбой ота, ичкарига.

Улар олдинма-кетин уйга киришиб, хонтахта гирдига тўшалган кўрпачага ўтиришди. Норбой ота узундан-узоқ дуо қилди. Шундан кейин озгина у ёқ-бу ёқдан сўрашишди. Бунгача хонтахта устига дастурхон ёзилиб, чой, қандкурс, нон қўйилди. Бир пиёладан чой ичилди. Сўнг Пол-

вон Зебрани ташқарига чиқариб юбориб секин мақсадга кўчди.

— Отахон, йигитимиз йўл-йўлакай ҳамма гапни айтган бўлса керак? — деди у.

— Ҳа, — тасдиқлади Норбой ота, — айтди. Лекин сал бошқачароқ айтганди. Аниқроғи, мен бошқача тушунган эканман. Сизни ёшроқ бўлса керак, деб ўйлабман.

Полвон бирдан хохолаб кулиб юборди-да:

— Отам, кўринишимиз қариган бўлсаям, кўнгил ёш. Ҳали қариллик нималигини билмайди. Шунинг учун сиз керак бўп қолдингиз-да! — деди.

— Хотинингиз борми?

— Бор.

— Нега яна уйланмоқчисиз?

— Кўнгил экан-да.

— Ҳа, майли... Ишқилиб келин бўлмишнинг ўзиям розилик билдирганми? Мажбурлаш йўқми?

— Бе, отам, нималар деяпсиз?! Биз бировга зўрлик қилмаймиз. Пешонада бор экан-да... Лекин, адашмасам, динимизда тўрттагача хотин олишга рухсат этилган-а?..

— Тўғри, аммо ўзига яраша шартлариям бор.

— Қанақа шарт экан?

— Ҳаммасига баб-баравар муомалада бўлиш, моддий томондан баравар таъминлаш, зориқтирмаслик, зуғум ўтказмаслик...

— Бу ёғидан хотирингиз жам бўлсин, — дея гапни бўлди Полвон.

— Яхши, унда келинни олиб келишсин. Вақтим зикроқ эди, — деди Норбой ота сўзлари бўлинганлиги учун бироз оғриниб.

— Келинларни денг. Ҳаммасига баравар никоҳ ўқиб кўясиз, — деди Полвон ғалати илжайиб.

— Тушунмадим. Қанақасига келинлар?! — деди ҳайратдан кўзлари каттариб кетган ота.

— Тўртта опа-сингил, ҳаммасини бараварига менга никоҳлаб кўясиз.

— Астағфуриллоҳ, астағфуриллоҳ! — деб юборди қори. — Нималар деяпсиз?!

— Ота, нима эшитган бўлсангиз, шуни дедим, тушундингизми?! — деди Полвон бирдан қовоғи уйилиб. — Сиз-

нинг вазифангиз никоҳ ўқиб қўйиш, холос. Хизмат ҳақингизни ўн баробар қилиб тўлайман!

— Йў-ў-қ, — деди Норбой ота бошини чайқаб, — шариатда бунга йўл қўйилмайди. Менинг гуноҳ иш қилишга ҳақим йўқ. Агар опа ёки сингил билан бирон ваз юзасидан ажрашсангиз, уларнинг бирига уйланишингиз мумкин. Лекин бир йўла опа-сингилларга уйланишга шариатимиз йўл қўймайди!

— Ўв, чаламулла! — деди бу сафар Полвон ўшқариб. — Менга ақл ўргатма, шариатингни болангга қил, мен сариқ чақагаям олмайман. Никоҳ ўқийсан, тамом! Ўқимасанг соқолингдан осаман! Уқдингми?!

* * *

Икром буткул паришон эди. Теварак-атрофига тузукроқ назар солмади ва ўзига яқинлашиб келаётган душманининг одамларини сезмай қолди. Агар Самандар хожасининг уйдан ғамгин чиқиб кетганини кўриб етиб келмаганда, ёки кечроқ пивохонага кирганида, балки Икром ҳам Қосим билан устозининг ортидан равона бўлармиди.

Самандар иккита барзангидай йигитнинг Икромга яқинлашаётганини кўриши билан кўзи қинидан чиқиб кетаёзди. Ва югуриб уларнинг ёнига борди-да:

— Окалар, чекишдан олинглар! — деди овозини баралла қўйиб. Унинг овозини эшитган Икром “ялт” этиб у томонга қаради. “Бу нима қилиб юрибди?” дея ўйлади-да, бокални стол устига қўйиб ўрнидан турди.

Барзангилар бир зум доврирашди, сўнг дарров ўзларини қўлга олиб, Икромнинг ўрнидан туриб ўзлари томонга келаётганлигини кўришди. Жаҳллари чиқиб кетди ва Икромнинг ўрнига сигарета сўраб тиржайиб турган пандавақини бир ёқли қилиб ташламоқчи бўлишганида Самандар тагин айёрлик қилди.

— Окалар, кўринишларингиздан серёзнийга ўхшайсизлар. Ташқарида учта милиса нимагадир безовталаниб туришибди. Шунга сизларни огоҳлантирмоқчи бўлиб кирганим бу ерга, — деди у пичирлаб.

Бу хабардан иккала барзангининг ҳам кўзлари ёнди ва ён-верларига бир қур қараб олганларидан кейин секин ортларига қайтишди.

— Нима гап? — деди Икром Самандарнинг ёнига келиб.

— Бу ердан кетмасак бўлмайди. Ташқарида тушунтириб бераман, — деди Самандар паст овозда.

Улар олдинма-кетин эшик томон кетаётганларида ортларидан ўша иккита барзанги ўқрайиб қараб туришарди.

— Хўжайин, — деди Самандар ташқарига чиққанларидан кейин, — анави мен сигарета сўраган кимсаларнинг кўриниши жуда бошқача экан, улар сизнинг ёнингизга келишаётганди. Ниятлари бузуққа ўхшайди.

— Нима дединг уларга?

— Ментлар турганини айтдим. Юраклари тушиб қолаёзди.

— Кимнинг одамлари деб ўйлайсан?

— Менимча, Абдуҳамидники. Шерникилар ҳозир ўзлари билан ўзлари овора. Точний Абдуҳамидники, балки сизни қидириб юришгандир.

— Тушунарли, — деди Икром ўйланиб, — ҳозир уларни ташқарига чақириб чиқ. Битта гаплашиб кўрай-чи, мақсади нима экан?..

— Хўжайин, балки аввал болаларни чақирармиз, иккаламизнинг кучимиз етмай қолар-ов... — деди Самандар саросималаниб.

— Кучимиз етмаса тилимиз етади!

Самандар бир муддат сукут сақлаб турди-да, сўнг истаристамас яна пивохонага кирди. Бу пайтда барзангилар нима қилиш тўғрисида бир-бири билан маслаҳатлашиб ўтиришарди. Самандарнинг яна пайдо бўлганидан иккиси ҳам дарров сергакланишди. Самандар эса тап тортмай тўғри уларнинг ёнига бориб, ёнларидаги бўш стулни кўрсатди-да:

— Бўшми? — деди илжайиб.

— Нега келдинг? — деди барзангиларнинг семизроғи.

— Аввал танишиб олсак зиён қилмайди, — деди Самандар стулга ўтираётиб. — Менинг исмим Самандар...

— Нега келдинг деяпман?! — деди бу сафар яна ўша барзанги қошлари бир-бирига тўқнашиб.

— Айтдим-ку, аввал танишиб олайлик деб. Сиз билан менинг ишимда шошқалоқлик ярашмайди. Шошқалоқликни бошқаларга чиқарган, айтайлик, Қосимбойга.

Самандар айна ожиз жойни топиб ниш урган эди. Ик-

кала барзанги ҳам саросималаниб қолишди ва бир-бирига қараб олишгач, ўша семиз йигит қўлини Самандарга узатди.

— Исмин Эшкул, шеригимники Пўлат... Хўжайининг нима истаяпти биздан?

— Ҳеч нарса, — деди Самандар қўлини Эшкулнинг бармоқлари орасидан суғуриб оларкан, ўзини янада бемалол тутишга ҳаракат қилиб. — Фақат бу йигитчалар бизнинг еримизда нима қилиб юришибди экан, шуни билиб кел-чи, деб жўнатди.

— Ҳали бу ер сизларники бўлиб қолдими?! — деди арабларга ўхшаш, сочлари жингалак Пўлат кўзи косадай бўлиб. — Ҳали биз йигитча бўп қолдикми?!

— Исбот керакми? Юринглар унда ташқарига, ўзи билан гаплашиб оласанлар!.. Фақат менинг медицинадан хабарим борлигини, одам терисининг қалинлиги бор-йўғи икки-уч миллиметр бўлишини айтиб қўймоқчиман.

— Мен бўлсам, одам гўшtidан яхшигина кабоб пиширишни биламан, — деди Эшкул қўлини мушт қилиб.

— Жуда соз-да, сопи ўзидан чиқаркан. Ошпаз ҳам тайёр. Бу гап барзангиларни довдиратиб қўйди. Ҳар қалай, Самандарнинг оғзидан чиқаётган гаплар “юмшоққина” бўлса-да, мазмуни совуқдан-совуқ эди. Улар жим қолишди. Эшкулнинг олдидаги ярми ичилган бокални Самандар ҳеч тортинмасдан олди-да, бир-икки хўплади, сўнг афтини буриштирди.

— Бемаза, — деди бокални столга “тақ” этказиб қўяр экан, — сув қўшишибди. Келишларингни айтмайсанларми, тозасини буюриб қўярдим.

Барзангиларнинг энди жонлари ҳалқумларига келган эди. Улар Икромга бирор-бир зиён этказишни бутунлай унутишган, ўй-хаёллари бу ердан қандай бўлмасин омон-эсон чиқиб кетишда бўлиб қолганди.

— Анча эзилиб кетдиг-а, бу туришда ош тагига олиб кетади, — дея яна битта илмоқли гап отган Самандар ўрнидан турди. — Юринглар, укалар.

— Ҳов, братишка, — деди Эшкул. — Муштдайгина бўлиб нималар деб сайраяпсан, ёшинг неччида ўзи?

— Бошимнинг ёши саксондан ўтиб қолди-ёв, энди юринглар, ташқарига чиқамиз, ҳар қалай, уйларингда ота-онан-

глар кутиб ўтиришгандир... Сенлар бўлсанглар соғ-омон боришларинг керак.

Барзангилар ноилож Самандарнинг орқасидан эргашишди. Самандар ичида кулди. “Валакисаланглар, икки оғиз пўписага юракларинг ёрилиб кетай деди. Яна нимага гердайиб юрибсанлар, шу ҳолларинг бўлса, бир ўйнатай сенларни!..”

Иккала барзанги ҳам ташқарига чиқишлари билан Икромга қуюқ салом беришиб, икки қўллаб кўришишди.

— Ока, — деди Эшқул илжайиб, — узр, танимабмиз... Хизмат қилардик.

Икром оний лаҳзаларда Самандарнинг нима каромат кўрсатганини англади ва қовоғини уйиб:

— Онанга қил хизматингни! — деди.

Бу гап ҳар иккала барзангини ҳам бутунлай адо қилди. Улар қочиш учун қулай йўлни кўзлари билан қидира бошлашди.

— ... еб юрибсанларми?! — дея қаттиқроқ пўписага ўтди Икром.

— Ока, билмасдан...

— Тиз чўк!

Буйруқ кескин эди. Икки барзангининг назарида итоат этмаслик хунук оқибатга олиб келиши мумкин эди. Шу боисдан ҳам улар Икромнинг буйруқни такрорлашига ҳожат қолдиришмади.

— Айбларингни биласанларми, нима билан ювасанлар?! — дея сўради Икром.

Абдуҳамиднинг йигитлари бараварига Икромга қарашди.

— Хожаларингнинг бошини олиб келасанлар, йўқса, уруғ-аймоғинга қирон келади.

Икром бу гап қандай қилиб оғзидан чиқиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ҳатто бироз афсусланиб, ўзини соддаликда айблашга ҳам улгурди. Лекин энди кеч бўлганди. Гапини қайтариб ололмасди.

Барзангилар “қулт” этиб ютинишди. Улар Икромдан ҳамма нарсани кутишганди, фақат хўжайинининг бошини келтиришни эмас.

— Тушунарсиз гапирдимми? — деди Икром уларнинг безрайиб турганини кўриб.

— Ҳаммаси... Ҳаммаси, — деди Эшқул кўзлари пирпираб, — тушунарли...

— Унда юз метр масофа. Ўшани тиззалаб босиб ўтасанлар. Айтиб қўяй, биронтанг ўрнингдан турадиган бўлсанг, орқа миянгдан дарча очиб қўяман. Кейин бўйниларингдаги “юк” эздан чиқиб кетмасин. Энди йўқол бу ердан!

Йўл асфальт эди-ю, у ер-бу ери кўчиб, тошлари чиқиб ётар эди. Барзангилар эмаклашаётиб ана шу жойларга етганларида, тиззаларига тош ботиб, афтлари бужмайиб кетарди. Бундан ҳам аламлироғи — ён-атрофдан ўтаётган йўловчилар уларга соғ одамга қарагандек қарашмаётган эди. Улар умрлари бўйи ҳали бунчалик камситилмаган эдилар. Бир хиёл ўринларидан туриб, югуриб кетгилари келди, аммо жонлари ширин кўринди, ҳали яшагилари келди. Шу боисдан пешоналаридан терлари оққанча тишларини тишларига босиб йўлларида давом этишди.

— Кўрдингми? — деди Икром барзангилар ортидан жилмайиб қараб турар экан. — Қай кўйга тушишди? Сен бўлсанг юрагингни ҳовучлаб, кучимиз етмайди, деб юрибсан. Ақлнинг олдида билакнинг кучи сариқ чақага қиммат.

Самандар жавоб қилмади, бошини қимирлатиб хожасининг гапини тасдиқлаганча илжайиб тураверди.

— Энди, ошна, — деди Икром унинг елкасига қўлини қўйиб, — Шернинг уйидагилардан ҳол сўраймиз. Раҳматлининг анча ёрдами теккан эди...

— Хўжайин, машина масаласи...

— Таксида борамиз, — дея Икром Самандарнинг гапини бўлди ва юриб кетди.

Шернинг ланг очик дарвозаси олдида одамлар тўдалашиб туришарди. Икром таъзия энди бўлаётганга ўхшайди, деган хаёлга борди. Бироқ одамлар ёнига яқинлашавергач, мутлақо бошқача гаплар қулоғига чалина бошлади. “Менинг ўзим кўрдим, қизлари маршрутқада, хотини бошқа машинада кетди... Қочишган бўлишса керак”, дерди тўпланганлардан бири, иккинчиси: “Шаҳарда Шерни ўлдириб кетишибди, деган гаплар юрибди”, деса, учинчи биров: “Булар ўладиган одамлармас, кўрасан, эртага бир гўрдан чиқиб келади”, дер эди.

— Ока, — дея шу пайт бир йигит унинг қўлидан ушлади.

Икромнинг юраги “шиғ” этиб кетди ва “ялт” этиб қўлидан тутган одамга қаради. Қорачадан келган, сочлари тика-тикка, соқоли бир неча кундан бери олинмагани кўришиб турган барваста йигит Икромнинг кўзига иссиқ кўринди. Лекин таниёлмади.

— Сизда гапим бор эди, — деди ҳалиги йигит Икромнинг қўлини қўйиб юбориб.

— Бемалол, — деди Икром жилмайишга ҳаракат қилиб.

— Сал четроққа ўтайлик.

Улар тўдадан ажралиб бирор эллик қадамча юрганларидан кейин Икром тўхтаб йигитга юзланди-да:

— Нима ишингиз бор эди? — дея сўради.

— Ока, мен сизнинг кимлигингизни биламан. Сиз билан гаплашиб оладиган гапларим бор. Уни бу атрофда айтолмайман. Биронта жойга борайлик, — деди йигит кўзини олиб қочиб.

Икромнинг бирдан кўнглига ғулғула оралади. Хаёлига бу ҳам Абдуҳамиднинг одамларидан биттаси бўлса керак, деган ўй келди ва ярим қадам нарида турган Самандарга, “зийрак бўл”, қабилида им қоқди.

* * *

Тамара Розага Ҳанифани не кўйларга солганини ўзгача бир роҳат, қувонч билан айтиб берар экан, бир нарса оёқларидан ўрмалаб товонига тушганлигини сезиб, жимиб қолди.

— Судраб бу ёққа олиб келмадингларми?! — деди Роза бақириб.

— Ҳалиги... Ҳалиги, — дея ўрмалаб тушган нарса гашини келтирганидан афти бужмайган Тамара, гапни қисқа қилиш ҳаракатига тушди, — битта эшшак келиб ёнини олди. Бизни қувиб солди. Агар эркак киши бўлмаганида... Ҳожатга бориб келай, мамашка, кейин гапириб бераман, бўмай кетаяпман.

“Падарингга лаънат, — деди ўзига-ўзи гапириб Тамара ўрмалаб эмас, оқиб тушган нарса нима эканлигини билганидан кейин, — қайси гўрдан юқтира қолдим. Уф-ф. Роза яна бўйнимга эллик-олтмиш мингни илар экан-да”.

У эшикни “қарс” этказиб ёпди-да, йўлакка чиқиб:

— Мама, мама Роза! — дея бақирди.

— Нима дейсан? — деди Роза ошхонадан карс-курс қилиб олма тишлаганча чиқиб келар экан.

— Яна касал бўп қопман.

Роза оғзидаги олмани чайнамасдан бироз қотиб ўқрайганча Тамарага қараб турди-да:

— Одам эмаскансан. Бир ҳафтагина бўлувди-я, тузалганингга. Ҳали қилинган харажатнинг бир тийинини ҳам қайтармаганинг. Ўласанми айтганимни ишлатсанг?! Мол! Ўзи башарангга биров қарамайди. Ҳамма клиент қочади сендан. Йўқол, сариқ чақа бермайман.

— Мам, последний ра-аз! Тўлайман, биласиз-у мени?! Хўпми? — дея ялина бошлади Тамара.

Роза бу сафар ҳам “эриди”. Шундаям беш-олти марта эркакча сўкиниб олганидан кейин. Албатта, унинг сўкишлари Тамарага зиғирча бўлсин таъсир қилмади. Чунки у бундан баттарларини ҳам эшитган эди.

Орадан бироз фурсат ўтганидан кейин яна иккита қизнинг касалланганини эшитган Розанинг фиғони фалакка чиқди. Қўлига илинган нарсани қизларга қарата отди. Қарғади, сўкди. Бунгаям қаноат қилмай ҳаммасини кўчага ҳайдаб чиқарди. Анча вақтгача ўзига келолмади. Сўнг музлаткичдан бир шиша ароқ олди-да, иккита пиёлага тўлдириб қуйиб, олдинма-кетин ичиб юборди. Кейин йиғлагиси келди. Стулга ўтириб, бошини кафтлари орасига олганча йиғлаб ҳам олди... Шишадаги ароқ тамом бўлиш арафасида эса бошини столга қўйганча ухлаб қолди.

Қизларда уйнинг калити бор эди. Улар аввалдан Розанинг жаҳди чиқса ичишини, кейин ухлаб қолишини билишар эди. Шу боисдан бу сафар ҳам эҳтиёткорлик билан уйга кириб олишди. Яна ўзлари билан иккита мижоз олиб киришга ҳам улгуришди.

Эртасига уларни текширган дўхтир секин Розанинг қўлидан ушлаб айвонга етаклади ва қизлардаги касаллик унда бошқача таассурот қолдирганини айтди.

— Нима бўлиши мумкин? — деди Роза хийла овозини пасайтириб.

— Билмадим, — дея бошини чайқади дўхтир, — қонини

текшириб кўриш керак. Ҳозир жуда ёмон касаллик тарқалган. Айниқса, Африка далаларида.

— Дўхтир, жинни-пинни бўлдингизми? Африка қайдаю, биз қаердамиз? — дея қулди Роза.

— Бирорта чет эллик келмаганмиди?..

— Тўрттаси келувди... Ўзиям зўр соққа ташлаб кетишганди. Яхшиям, шулар келган экан. Бўлмаса ҳозир кафангадо бўлардик...

— Расво бўпти, — деди кўзлари олайган дўхтир, — сизга неча марта айтгандим. Сақлансин, тез касаллик орттиришилар мумкин деб.

— Нима, шунчалик ёмонми?! — деди Роза бирдан дўхтирнинг гапидан ваҳимага тушиб.

— Ёмон ҳам гапми?! Даволаш менинг қўлимдан келмайди. Умуман, ҳеч кимникдан келмайди. Ҳали давоси топилмаган дард.

— Нима қиламан энди мен?!

— Қизларингиз бирдан иккита касаллик орттиришибди. Биттаси аввалги касалликларидан, лекин энди унияму тузатиб бўлмайди. Қисқаси, конторангизни бугуноқ ёпинг. Сизга маслаҳатим шу. Агар бу қизлар мен ўйлаган касалликка чалинган бўлса, тамом, ошкор бўлмай қолмайди. Чунки бошқаларгаю юқтириши аниқ... Ундан кейин ўзлариям кўпга бормаса керак... Ўзи, қаерданам шу конторангизга араллашиб қолдим!

— Афсусланаюпсизми, оқаси? — деди Роза кесатиб. — Жарақ-жарақ пулларни олаётганингизда бунақа демасдингиз-ку.

— Тушимга кирибдими буларнинг бунақанги бефаросат шуғулланиши. бўпти, мен кетдим. Маслаҳатим, бу ердан эртароқ бирон жойга кўчиб кетинг, конечно, кейин афсусланмайман десангиз, — дея дўхтир тез-тез юриб кета бошлади.

— Тўхтанг, — дея Роза унинг орқасидан пилдираб борди-да, қўлидан ушлади. — Майли, қонидан олинг, анализ қилинг, балки сиз айтаётган ваҳимали касалга чалинишмагандир. Натижасини билайлик, кейин шунга қараб иш тутамиз.

— Асбобларим йўқ, — деди дўхтир, — ярим соатдан кейин келаман.

У чиқиб кетди. Роза эшик ёнида бирор муддат ҳолсизланиб туриб қолди. “Ўзи анчадан бери милисаям хит қилиб юборганди. Яхшиси, дўхтир айтганидай бу уйни сотаман-да, қизларни ҳайдаб юбораман. Ўлиб кетганлари билан нима ишим бор?! Ёшгиналаридан топиб, шаҳарнинг бошқа бурчагида иш бошлайман”, деган хулосага келгач, юзига табассум югурди ва қизларнинг хонасига борди.

Қизлар қарта ўйнаб ўтиришар, бақиритиб кулишарди. Роза уларга бир-бир қараб чиқди. “Эртага бундай кулишларинг бурунларингдан булоқ бўлиб чиқади”, деб кўнглидан ўтказди. Аммо қизларга бошқача гапирди:

— Уйни шамоллатиб оламиз. Дўхтир роса гапириб кетди. Наҳс босганидан шунақа касалликлар чиқаверади, деди. Хуллас, ҳамманг тур!

Қизлар унга ўқрайиб қарашди. Сўнг барининг энсаси қотиб, ўринларидан туришди.

Дўхтир қайтиб келганида уй бинойидек тозаланган эди. Буни у сезмасдан қолмади. Атрофга бир қур назар ташлаб, “Бўларкан-ку, қилса”, деди Розага кесатиқ оҳангида.

— Хоҳласак бошқа нарсаларам бўп кетади, — деди унга жавобан Роза.

— Ана шу хоҳиш бўлмагани чатоқ-да.

— Хоҳишни уйғотиш керак-да...

— Балосан, Роза кампир, балосан, — дея кулди дўхтир.

— Ҳали кампир бўлишимга анча бор. Энди кириб ишингизни бошланг.

Дўхтир қизларнинг хонасига кириб кетди. Йигирма дақиқалардан кейин қайтиб чиқиб, қон тўлдирилган шишачаларини махсус сумкасига жойлади-да, чиқиб кетди.

Эртаси кундан бошлаб Роза уйини сотиш учун харидор қидиришга тушиб кетди. Бекатларга, дарахт таналарига, симёғочларга эълон ёпиштириб чиқди. Лекин бу ишларининг биронтасини қизларга билдирмади. Сабабки, уй сотилиб кетгунча улардан фойдаланиб қолмоқчи эди. Аммо ҳадеганда харидор топилавермади. Ҳамма билар эди бу хонадонда нима ишлар бўлишини. Агар текин берилсаям бу яқин-атрофнинг одами сотиб олиши даргумон эди. Шундан сўнг Роза “реклама”сини қўшни туманга ўтказди. Бунгача эса орадан бир ҳафтадан мўлроқ вақт ўтганди. Қизларнинг иккитаси тинимсиз иситмалайдиган бўлиб қолди.

“Тез ёрдам” келди, муолажа қилди, дори-дармон берди. Лекин таъсири бўлмади. Касалхонага олиб кетамиз, дейишганида, Роза кўнмади. “Сизлар дўхтир эмаскансизлар, саводларинг йўқ! Ўзим дўхтирнинг зўридан топаман”, деб уларни ҳайдаб солди. Кейин анчадан бери қорасини кўрсатмай кетган, қизлардан қон олган дўхтир келди. У: “Гумоним тўғри чиқди. Қизлар кучли инфекция билан зарарланган. Энди уларни фақат гўр тузата олади”, — деди Розага. У эса шунда ҳам дўхтирнинг гапига ишонмади. Лекин кўнглидаги ғулғула кучайди. Агар милисадагилар бу гапдан хабар топишса, уни қамаб қўйишлари турган гап эди. “Эртагаёқ қизларни ҳайдаб юбораман”, дея хаёл қилди у ва дўхтирга ҳақини бериб, ҳозирча бировга гулламасликни тайинлади.

Аммо қизларни ҳайдаш режаси ҳам амалга ошмай қолди. Кечаси билан алаҳсираб чиққан Тамара эрталабга яқин узилди. Унинг ўлганини кўрган Розанинг юраги товонига тушиб кетаёзди. Титраб, қалтираганча қизларни бошқа хонага ўтказиб, мурданинг устини чойшаб билан ёпиб қўйди. Шу маҳал бошқа қизлар ҳам иситмалай бошлади. Роза энди бутунлай адойи тамом бўлган эди. У тинимсиз уйнинг у бошидан-бу бошига бориб келар, нима қилишни билмас, аламидан кўзига ёш қалқиганди.

Ўй-хаёллардан боши оғриб кетган бир пайтда эшик тақиллади. Одатда, кўнғироқ босилгувчи эди. Роза ҳайрат кўзларини эшикка тикиб, бироз жим турди. Кейин одатий мижозлардандир, деб ўйлаб, ичидан қиринди ўтди. Ўз оёғи билан келиб турган “пуллар”ни ушлаб қололмасликдан юраги ачишди. Шу алам ичида эшик ортида ким турганини суриштирмай зулфинни туширди-ю, бирдан кўзи олайиб ортига тисланди. Остонада бошларига қип-қизил шапка кўндирган уч нафар милиционер турар эди.

Баҳона қилишга бирорта важ топилмади. Розанинг “Билмабман, тушунмабман, кечиринглар”, дея ялиниб-ёлворишлари милиция терговчисига ўтмади. У бирдай қовоқ уйиб, бирдай кўзлари нафратга тўлиб сўроқ қилишда давом этаверди. Бу савол-жавобнинг охири шу билан тугадикки, кампирнинг (энди у ўзини шундай деб атаётган эди) бўйнида ўзининг мўлжалидан бир неча ўн ҳисса гуноҳлари кўп экан. Кейин суд бўлди ва у узоқ муддатга қамалиб кетди.

Розанинг уйида жон таслим қилган Тамара(Тошбуви)-нинг эса танаси ўликхонада йигирма кунча ётди. Уни сўраб бирон кимса келмади. Шундан кейин “эгаси йўқ”, деган тамға босилган жасад мазорга олиб борилди. Гўрков ишни эртароқ битириш учун Тамарага торроқ лаҳад қазиди ва шериги билан бирга марҳумани ерга қўйди-да, устидан тупроқ тортди.

Тамара ҳаётлигида тавба қилмаганди. Тўғрироғи, бунга улгурмаган эди. Кимлардандир “Вақти келиб чин дилдан тавба қилинса, Аллоҳ гуноҳларни кечирishi мумкин”, деган гапни эшитган эди. Лекин не ажабки, у бунга эриша олмади. Ўйладики, “Оддий касаллик, бир-икки марта уколь олсам, аввалгиларидай тузалиб кетаман”. Аммо мутлақо кутилмаганда иситмасининг ошиб кетиши, ўзини билмай қолиши... Азроил жонини олаётган маҳалдагина улгурмай қолганини тушунди.

Эртасига эрталаб гўрков одати бўйича мазорни айланиб юриб, кечаги қабр тепасига келиб қолди-ю, эсхонаси чиқиб кетди. Мурда қабр тепасида ётар эди. Кафан сифатида ўралган оқиш кўк матонинг ҳам бир томони очилиб, жасаднинг оёқлари кўриниб турарди.

— Ё алҳазар! Ё алҳазар! — деди кўзи олайиб кетган гўрков орқасига тисариларкан. — Товба қилдим, товба қилдим!

У ортига бурилди-ю, қочишга тушди. Бирор ўн қадамдан кейин оёғи ерда ётган шох-шаббага илашиб қолиб ўмбалоқ ошиб кетди.

— Вой-дод, ёрдам берингла-а-р!!! — дея бақириб юборган гўрков хушидан кетди.

Қоровулхонада совиб қолган чойни эриниб ичиб ўтирган иккинчи гўрков шеригининг овозини эшитиши билан ўрнидан сапчиб туриб, белкуракни олганча ташқарига отилди. Овоз келган томонга югурди. Ногоҳ унинг кўзи ерда чўзилиб ётган шеригига тушиб ҳуши бошидан учди ҳамда ўша томонга чопиб борди-да:

— Малик! Малик! — деди ҳансираб нафас олганча бақирар экан.

Бироқ Малик кўзини очмади, шунда гўрков уни кўта-

риб қоровулхонага келтирди-да, юзига сув сепди. Кўзини очган Малик дир-дир қалтирарди.

— Нима бўлди сенга?! — деди ҳамон ҳаяжони босилмаган гўрков.

— Эсон! Эсон, ошна, анави... анави... кеча... кеча кўмилган мурда қабрнинг тепасида ётибди! — дея ўрнидан турмоқчи бўлди Малик.

Эсон бир муддат қотиб қолди, ранги оқарди. Кейин озгина ўзига келиб:

— Бўлмагур гапларни гапираверма, шугинани деб юрагимни ёрай дединг. Ҳа, ташқарида ётган бўлса кечаси билан бирорта ит кавлаб судраб чиқаргандир-да, ундан кўра, юр, кўмиб келайлик, — деди.

— Йў-ў-қ, — деди Малик бошини чайқаб, — мен бормайман! Боролмайман...

— Шугинадан кўрқадиган бўлсанг ҳемири еб бу ерда юрибсанми? Эш-шак, тур ўрнингдан, кетдик!

Малик ноилож ўрнидан туриб, белкуракни олди-да, Эсоннинг орқасидан йўлга тушди. Аммо вужудидаги титроқ ҳали босилмаган, ҳар қадам босганида атрофга олазарак боқиб кўяр эди.

Эсон мурданинг атрофини яхшилаб кўздан кечирди, кафанини тўғрилади, лекин унинг ғажилган жойини кўрмади. “Ит тегмабди, — дея ўйлади у, — қабрнинг ҳам бирон жойи кавланмаган. Қандай чиқиб қолди тепага... Ёки тунда битта-яримтаси бошқа бир ўликни ташлаб кетдимикан?” Кейинги ўйи ўзига ҳам ишончлироқ туйилди.

— Малик, менимча, бу биз кўмган мурда эмас, кимдир кечаси келиб ташлаб кетган, — деди шеригига.

— Йў-ўқ, аниқ эсимда. Худди мана шунақа кафанланганди, чойшабга, бошқа бўлганида оқ матога кафанланган бўларди, — деди ҳали-ҳамон хавотир билан мурдага тикилиб турган Малик.

— Яхшиси, қабрни очиб кўрайлик. Агар лаҳадда жасад бўлмаса яна жойига қайтиб кўмиб кўяверамиз.

— Нимагадир менинг кўнглим чопмаяпти.

— Нега? Барибир, кўмишимиз керак-ку.

— Унда гўрнинг ичига ўзинг тушасан.

— Бўпти.

Улар қабрни қайта очишганда, тошдек қотишди. Қабрда

ҳақиқатан ҳам жасад йўқ эди. Маликнинг титроғи Эсонга ҳам ўтди.

— Ме... Мен... — деди у довдираганча Маликка қараб.
— Ке... кел, яна кўмиб қўяйлик.

Уларнинг иккиси ҳам йигирма йилдан ошиқ гўрковлик қилгандилар, аммо бирор марта бунақа ҳолга дуч келишмаганди. Ва айна пайтда мурдани қабрга қўяётганларида уларнинг бир туки ўзгармасди, худди бир қоп картошка кўмаётгандай. Шунинг учун бу сафар иккиси ҳам бўларибўлди. Минг бир азоб, қўрқув билан ўликни қайтадан жойлашди. Ҳамда бир-бирига гапиришдан ҳам қўрқиб, қоровулхонани четлаб ўтганча қабристондан чиқиб кетишди.

Улар шу тун қоровулхонага қайтиб келишмади. Эсоннинг узоқроқ қариндошиникида ётиб қолишди. Эртасига... Эртанги кунги манзара, уларни янада даҳшатга солди. Мурда тагин қабр тепасида турар, кафани ечилиб қолганди.

— Тўхта! — деди орадан бир оз ўтганидан кейин Малик.
— Бунақа бўлиши мумкин эмас. Сен билан мени қўрқитиш учун кимдир атайлабдан кечаси мурдани кавлаб ташқарига олиб чиқиб қўйибди.

— Рост, — деди шеригининг гапи жўяли туйилган Эсон,
— яна кўмиб қўямиз-да, кечаси билан пойлаймиз. Пада-рингга лаънатни бир ушлаб олайлик.

Қабр учинчи маротаба очилди, учинчи маротаба бу сафар анча ҳидланиб қолган жасад лаҳадга қўйилди. Гўрковлар энди тупроқ тортишмоқчи бўлишганида, қаердандир: “Барака топгурлар, мени азобга қўйманглар, бу танани мен қабул қилолмайман”, деган нидо келди. Буни аввал Эсон эшитди, шеригига қаради.

— Нима дединг? — дея сўради.

— Ҳеч нарса, — деганча Малик пешонасидаги терни артиб ишини давом этказаверди. Бир оздан кейин нидо яна такрорланди. Бу сафар овоз Маликка эшитилди ва у ҳам ажабланганча шеригига тикилиб қолди.

— Ҳа, нимага термилаяпсан? — сўради ундан Эсон.

— Эшитдингми?

— Нимани?

— Кимдир, кўмманглар, деяптими...

— Боя менгаям шундай овоз эшитилганди.

— Қаердан келди овоз? — сўради Малик киприклари пирпираб.

— Ҳайронман.

— Қаб... Қабр...

— Йўғ-э! — деганча Эсон орқасига тисарила бошлади. — Кет... Кетдик!.. Ўлай агар, бир бало бўп қоламиз!..

— Кўм... Кўммаймизми?

— Яхшиси, масжидга бориб, бирорта мулла-пулла олиб келайлик. Бўлмаса қутулмайдиганга ўхшаймиз, — дея хаёлидаги гапни айтди Эсон.

— Тўғри, бу ерда бир гап бор.

Улар бири олиб, бири қўйиб шоша-пиша бўлган воқеаларни гапириб беришганида масжид имоми озгина муддат кўзини юмиб турди, сўнг паст овозда:

— Қандай аёл экан у? — дея сўради.

— Очиғи, билмаймиз, — дея жавоб қилди Эсон. — Ўликхонадан олиб келишганди, биз кўмиб ташлайвердик.

— Тушунарли. Жаноза ҳам ўқилмагандир?

— Эсимизга келмабди. Кейин... жанозаси ўқилмаган анчамунча одамни кўмиб юборганмиз-да.

— Афсус, — дея бош чайқади имом ва ўрнидан туриб: — Юринглар, — деди.

Тамаранинг жасадини қабрдан олишди. Танани ювишнинг имконияти йўқ эди. У ҳаддан зиёд ҳидланиб, чидаб бўлмас даражага етганди (Эсон билан Малик ҳайрон эдилар). Шу боисдан ҳам фақатгина жаноза ўқилди. Шундан кейин ҳам имом бир қанча муддат Қуръон тиловат қилди. Сўнгра мурда бошқа қабрга қўйилди.

— Эсиз, — деди имом қоровулхона ёнига келганидан кейин гўрковларга, — гуноҳи кўп экан. Ҳатто қабр ҳам қабул қилишни истамабди. Ишқилиб, Оллоҳ кечирсин-да.

* * *

— Яхши, — деди сўнгра Икром жилмайиб нотаниш йигитга қарар экан, — ҳозир такси тўхтатамиз-да, айтган жойингизга борамиз.

Йигит ҳайрон бўлиб Икромга боқди. Қулоқларига ишонмади. “Шундай одам таксида юрадимми?” дея хаёл қилди. Сўнг бир оз қизарган ҳолда:

— Мошина бор, ана, — дея эллик қадамча наридаги оппоқ “Жигули”ни кўрсатди.

— Кетдик унда, — дея Икром шу томонга юрди.

— Исми Соли, — деди йигит машина жойидан қимирлаганидан кейин ўзини таништириб. — Шер акамнинг қўлида олти йилдан зиёдроқ хизмат қилганман.

— Ока яхши одам эди, жойи жаннатдан бўлсин. Афсус, кўп гаплашиш насиб этмаган. Менимча, унинг йигитлари ҳам ўзига ўхшаган бўлса керак? — деди у томонга қараб қўйган Икром.

Йигит чуқур хўрсинди. Аммо бирон оғиз гапирмади. Йўлга термилганча кетаверди.

Шаҳарнинг шимоли-шарқидаги анча вақтдан бери таъмирланмаганидан мунғайиб қолганга ўхшаб кўринадиган, пастгина чойхона ёнида “Жигули” тўхтади. Ичидаги уч одам бирин-сирин тушишди-да, чойхона сари юришди. Самандар хожаси билан Абдуҳамиднинг одами тахмин қилинган йигитни олдинроққа ўтказиб юбориб, атрофни бир сидра кўздан кечирди. Чойхона атрофида бирорта ҳам уй йўқ эди. Уч-тўртта теракни ҳисобга олмаганда, бошқа довдарахт ҳам ўсмаганди. Самандарнинг кўзига шубҳали бирон нима кўринмагач, у ҳам хожасининг ортидан борди.

Улар чойхона ичидаги чорпояга ўтирганларидан кейин Соли бир чойнак чой буюрди.

— Вақтимиз зиқ, — деди Икром, — гапни тезроқ бошланг.

— Ока, — деди Соли лабларини қимтиб бир оз тургач, — Полвон ҳаммамизни шарманда қилди. Шерни тинчитгани камлик қилгандай, қизларини дачасига олиб кетди... Тўғриси, бу гапни четдагилар эшитишса, устимиздан роса кулишади. Яна гап-сўз юрибдики, Полвон оканинг тўртала қизигаям уйланмоқчи эмиш!..

— Вой онангни!.. — дея сўкиниб юборди Икром кўзи қинидан чиққудек бўлиб.

— Хуллас, — дея гапини давом этказди Соли, — шарманда бўлдик, ока... Энди ёлғиз умидимиз сиздан.

— Мендан нимани умид қиласиз, ошна?

— Ўн иккита йигитим бор. Ўзимни қўшадиган бўлсам, ўн учта бўламиз...

— Шунча одам бўла туриб Полвонга кучларинг етмай-дими? — дея бирдан унинг гапини бўлди Икром.

— Ока, Полвон ўта туллак одам. Мен бўлсам фақат

буйруқни бажаришга ўрганиб қолганман. Шунинг учун қўлимдан бир иш келмайди... Шер окам бўлганида икки дунёда ёнингизга келмаган бўлардим. Виждоним қийнала-япти, Мавлонни бурда-бурда қилиб ташлагим келаяпти... Мараз кимлигини бутунлай эсидан чиқариб қўйибди. Илтимос, бизни ўзингизга қўшиб олинг.

Икром Самандарга қаради. Унинг кўзида бир дунё мазмун бор эдики, йигити қисман, яъни «Бу бизни қармоққа илинтирмоқчимасми?» деган маънонигина илғади.

— Биз ҳам Шерни қаттиқ ҳурмат қилардик, — дея гапга аралашди Самандар. — Лекин куздан кейин қиш келади. Энди шу қор ёғиб ўтишини кутиб турамиз-да.

— Кейин кеч бўлади, ока, мен онамни ўртага қўйиб қасам ичаман. Шернинг қизлари хонавайрон бўлишади.

— Биронта қимматроқ нарсани насияга оладиган бўлсанг, уйингни, молингни гаровга қўясан. Шу билан ишонч пайдо бўлади, — деди Икром.

— Биринчи навбатда жоним гаровда, унгаям ишонмансанглар, иккита болам бор, ҳозироқ олиб келиб қўлларингга топшириб қўяман, агар битта ортиқча қадам боссам, болалар ихтиёрларингда.

Бола номини эшитиб Икромнинг эти жимирлаб кетди, кўз ўнгига ўзининг етимхонада ўтказган кунлари келди.

— Йўқ, — деди у қўлини баланд кўтариб, — болаларинг ўзингга сийлов, бизга ўзингнинг жонинг ҳам етади. Самандар, — дея йигитига қаради у, — аввал ўзини яхшилаб текшириб кўр. Ундан кейин йигитларининг ҳаммаси ихтиёрингга ўтади. Соли эса бизнинг ёнимизда юради. Айта-япти-ку, буйруқ бажаришдан бошқасига ярамайман деб!

Икром гапини тугатиши билан Соли орқа чўнтагидан пичоқча чиқарди. Икром билан Самандар бирдан сергакланишди. Ҳатто Самандар чўнтагига қўлини юбориб доимий олиб юрадиган ханжарини ушлади.

— Мана, ока, биринчи исбот, — дея Соли кафтига қўлидаги пичоқнинг тигини ботирди. Зумда пичоқнинг изидан қон сизиб чиқди. — Мана шу қоним ҳақи-ҳурмати, мен сизга содиқ хизмат қиламан.

— Бу шарт эмасди. Ҳали бу қўл кўп хизмат қиларди. Шундай хизматкор қўлни ярадор қилиб қўйдинг, — дея Икром ўрnidан турди ва эшик томонга юрди.

Унинг бошқа ҳеч нарса демай туриб кетганлигини кўрган Соли ҳанг-манг бўлиб қолди. Ахир, у ҳозироқ йигитларини оёқлантирмоқчи эди. Лекин ҳамма режалари чиппакка чиқиб кетди. Аммо Самандарнинг хожаси билан бирга кетмаганлиги унинг кўнглини биров хотиржам қилди.

— Хўш, ока, — деди Самандар Икром чиқиб кетганидан кейин, — нимадан бошлаймиз?

— Оканинг ўнг қўли экансиз. Сиздан илтимос, бугундан кечга қолмай Полвоннинг дачасига боришимиз керак. Йўқса, умуман бормаган маъкул.

— Мен бораман. Шундоғам окамиз ҳамма нарсани билиб ўтиради. Менга шунақа буйруқ бериб кетди ҳозир. Қани, кетдик энди.

Улар ташқарига чиқишганида, Икром такси тўхтатиб аллақачон кетиб бўлган эди.

— Менга қаранг, — деди Соли машинага ўтирганларидан кейин Самандарга юзланиб, — ҳақиқатан ҳам оканинг мошинаси йўқми?

— Кўп нарсани билгингиз келаяптими? — деди унга энсаси қотиб қараган Самандар.

— Йўқ, энди яёв юриши...

— Устозидан ўтган.

— Обориб қўярдим.

— Яхшиси, ишни бошлайлик.

— Унда мен ошхонага кириб болаларга телефон қилиб қўяй, — дея Соли югурганча ошхонага кириб кетди.

Унинг бу қилиғи ҳам шубҳали эди. “Падарингга лаънат, — сўкинди унинг ортидан Самандар, — шундай ниятинг бор экан, боя ўтирганимизда қилгин эди... Агар кимгадир хизмат қилаётганингни озгина сезиб қолсам, боя айтган болаларинг шу куннинг ўзидаёқ мотам тутишади”.

Соли кўп ҳаялламай, илжайганча қайтиб келди. Сўнг машинани юргизди. Улар ярим соатча йўл юрганларидан кейин пештоқига “Планета” деб ёзилган ресторан ёнига келиб тўхташди.

— Қорнингиз очдими? — деди Самандар.

— Шер окамнинг энг яхши ўтирадиган жойи эди. Бизга қарарди. Ҳозир йигитларнинг ҳаммаси шу ерда тўпланишган.

Самандар ресторанга кириб боргунча хаёлан минг бир

кўчага кириб чиқди. Ҳатто Солининг йигитлари соғ қўймасликларини ўйлаб, ҳали анча кам яшаганлигидан афсусланди ҳам.

Кенг рестораннынг энг тўридаги битта столнинг атрофи одам билан тўлган, бошқа столлар бўм-бўш эди. Одатда тўртта эркак киши бир жойга тўпланиб қолса, айниқса, мана шундай емакхоналарда қий-чув қилишиб, хохлашиб ўтиришарди. Аммо тўрдагилар худди мотам тутишаётгандай жим эдилар. Улар Соли билан Самандарни кўрганлари заҳоти ўринларидан туриб, пешвоз чиқишди. Ҳаммаси бирма-бир кўришди. Шундан сўнг Соли Самандарнинг кимлигини йигитларга таништирди.

— Хоннинг ўзини кутгандик, — деди йигитлардан бири дўрилдоқ овозда. — Битта ёрдамчини кўрдик, қандай ўтириб қўйганини...

Самандар даставвал гап ким ҳақида кетаётганлигига тушунмай Солига қаради, сўнг йигитларни бирма-бир назардан ўткази бошлади.

— Окани сўрашяпти булар, — деди Соли бир муддат жимликдан сўнг.

Самандар буларга гап топиб бериши, бирон нимани айтиб, уларни йўлига юрғизолмаслигига ақли етди. Чунки йигитларнинг аксарияти ҳатто Икромдан ҳам катта, бунинг устига, бари девқомат эди.

— Яхши, — деди Самандар жилмайишга ҳаракат қилиб, — менга телефон беринглар.

Унинг оғзидан шу гап чиқиши билан Соли рестораннынг нариги бурчагида буйруқ кутиб турган ёшгина жувонга имо қилди. Жувон унинг нима деганини дарров англаб, югурганча телефон гўшагини кўтариб келди. Самандар бунақа радио-телефонни умрида кўрмаганди. Шу боисдан ҳайратланди. Аммо ичидагини атрофидагиларга билдирмай, рақам терди.

— Хўжайин, — деди у Икром гўшакни кўтарганидан кейин, — ҳаммаси жойида, ўзингиз келиб кетишингиз керак.

— Ҳозир бораман. Адресини айт.

Самандар икки оғиз гап билан қаердалигини тушунтирди. Шундан сўнг ҳамма яна стол атрофига ўтиришди. Солининг навбатдаги ишораси билан Икромнинг келишига

стол қайтадан безатилди. Турли егулик, ичимликлар қўйилди. Лекин бирорта одам уларга қўл узатмади.

— Меҳмондорчиликни билмаскансизлар, — деди озроқ муддатдан кейин Самандар, — шеф келгунича ҳеч қурса чой-пой билан алдаб турунглари. Шунча ўйладим, қачон овқат еганим эсимга келмади.

Унинг гапига Соли кулди. Бошқаларнинг ҳам юзи ёришгандай туйилди Самандарга. “Ҳар тугул озгина очилиб қолишди, яхши, хўжайин келганида сал бемалол бўламан”, дея ўйлади у.

Икром кўп куттириб қўймади. Битта ош пишгунча бўлмай эшикдан кириб келди. Кирган жойида тўхтаб, ўзи томонга юра бошлаган йигитларга қараб турди. Сўнг у ҳам юрди.

Худди боягидай аҳволда Соли йигитларини у билан таништириб чиқди. Кейин ҳамма йигитларнинг бараварига бошлари эгилди. Бу итоаткорлик белгиси эди. Бир пайтлар Қора дев: “Агар сенинг олдинда бошқалар бошини эгса, демак, сенга тобелигини билдиради. Энг муқаддас анъанага шу пайтгача ҳеч ким хиёнат қилмаган”, деганди. Икром қаршисидагиларнинг туришларидан билдики, бирортаси ҳам Абдуҳамидга тегишли эмас. Балки салом-алик қилиб юрадиганлари бордир. Бироқ унинг хизматини қилмайди.

— Раҳмат, — деди яйраб кетган Икром, — мен ҳам бир умр сизларга содиқ қолишга ваъда бераман.

Йигитлар қарсақ чалишди ва бирин-кетин янги хожалари билан кучоқлашиб кўришишди. Маросим яқунлангач, ҳамма стол атрофига ўтирди. Аввал Шернинг хотираси ёд этилди. Кейин қадаҳлар ароққа тўлдирилди...

— Йигитлар, — деди Соли навбатдаги марта идишини шайтон сувиға тўлдириб ўрнидан турар экан, — окамизни исми билан чақирсақ ўнғайсиз бўлади, шунинг учун битта лақаб қўйсақ.

— Фақат, — деди ўтирган жойида Икром, — одамбашара бўлсин.

Йигитлар унинг гапига кулиб юборишди.

— Бизга ёқди. Самандар ака келмасидан бурун топиб қўйгандик, сизгаям маъқул келар.

— Хўп, эшитайлик-чи.

— “Хон”.

— “Хон”? — деди Икром ажабланиб. — Бошқа «нормальный»роғи йўқмиди? Ҳар қалай «Хон» уруғ талаб қилади.

— Демак, уруғингизда хонлар ўтган, ока, ярашди сизга лақаб.

— Ярашганлигини билмадим-у, учта ҳарфли отларни кўпам ёқтиравермайман-да...

У гапини тугатишга улгурмади. Даврада шунақанги қаҳқаҳа кўтарилдики, овоздан бутун зал зириллаб кетди.

— Майли, — деди Икром ийиб кетиб, — сизларга нима маъқул келса айтаверинглар, фақат бирорта ҳайвонга тенглаштириб қўймасанглар бўлгани.

Давра талай муддат мана шундай кўтаринки кайфиятда давом этди. Йигитлар истаганча еб-ичишди. Кулишди. Сўнгра Икром кетишга чоғланди.

— Ока, — деди Соли унинг қулоғига шивирлаб, — Полвон масаласи...

— Ҳозироқ, — деди Икром унинг ортиқча гапиришига ҳожат қолдирмай, — ҳозироқ борамиз. Мен ташқарига чиқавераман, сизлар йигитлар билан бирор беш минутдан кейин чиқарсизлар.

— Унда, — дея Соли чўнтагидан калит чиқариб унинг қўлига тутқазди, — биттагина тойни сизга атаб қўювдик, ранги оппоқ, ташқарида — шундоққина рестораннинг эшиги ёнида гижинглаб турибди. Сиз оёғини кўриб тулинг.

Икром жилмайди. Сўнг секин ўрнидан туриб, Солининг елкасига қўлини қўйди.

— Биргалашиб кўрамиз, совға қилган одам тойнинг қитигиниям ўргатар, — деди.

— Ока, мойида, ўша ўзингиз биладиган қитиғи бор бўлса керак, биз у ёғига қўлимизни юбормадик.

— Бўпти, мен ташқарида бўламан.

Икром оппоқ “ГАЗ-24”ни айланиб кўрди, қўли билан силади. Кейин рулга ўтирди. Моторни ўт олдирди. Юзида нимтабассум пайдо бўлди. “Шу пайтгача бирорта одам игнаям совға қилмаганди... Бирданига бунақанги...” дея ўйлаб энтикиб кетди. Сўнг секин машинадан тушди. Бу пайтда ҳамма йигитлар ташқарига чиқишган эдилар. Улар “тойчоқ” билан янги хожаларини табриклашди.

— Раҳмат, — деди Икром бир огиз, сўнг қўли билан имо қилиб, Солини ёнига чақирди-да: — Бу тарзда кетсак, кўчадаги «мент»ларни хитлантириб қўйишимиз мумкин. Шунинг учун оралиқ масофани икки юз-уч юз метр қилиб кетамиз. Сен йўл бошлайсан. Орқангдан мен бораман, тушунарлими? — деди.

— Тушундим, — дея илжайди Соли, — худо хоҳласа, бугун Полвоннинг ичаги ўзига салла бўлади.

* * *

Норбой ота титраб кетди. У умри бино бўлиб бировдан бунақа ҳақорат эшитмаган ва ўзи ҳам биронтага қаттиқ гапирмаган эди. Мутлақо кутмаганида Полвондан бундай гапларни эшитиш жуда оғирлик қилди. Шундай эса-да, кенглик қилди.

— Ука, — деди вазминлик билан, — катта хатога йўл қўйяпсиз, охиратингизни ўйланг...

— Ҳов, чол, мен сенга нима дедим! Шу пайтгача гапимни қайтиб олган одаммасман. Қизлар менинг ўлжам, тушундингми?! Ҳарамга ҳаммаси киради, кириши шарт!

— Мен сизни тўлиқ англадим. Оллоҳ шоҳид, йўлингиз нотўғри эканлигини айтдим, холос. Энди ихтиёрингиз. Лекин никоҳ ўқимайман.

— Зебра! — дея бақириб юборди Полвон.

Унинг овози ҳали ҳавога сингиб улурмасидан эшик ортидан ичкарига қулоқ солиб турган йигити югуриб кирди.

— Ертўлага тик бу қари товўқни, кейин бугун вообще ҳеч нарса берма, агар очлик ҳам бунинг ақлини киритмаса, эртага ўзим яхшилаб киритиб қўяман! — деди ғазаб билан.

Зебра қорининг қўлидан ушлаб орқасига қайирди.

— Болам, — деди Норбой ота ўксик товўшда, — кучкуватдан қолган қари бир чол бўлсам, қўлимни қайириб нима барака топардинг?.. Ўзим боравераман айтган жойингга.

— Маза қиламан, бобой, маза қиламан! — дея хоҳолаб кулди Зебра. — Эмаклатиб олиб кетсам завқим келади!

Унинг гапларига Полвон ҳам кулди ва қўлини ҳавода силкитиб, “Тезроқ кўзимдан йўқот”, ишорасини қилди. Кейин ўзини юмшоқ курсига ташлади ва шифтга қараб хаёл сура бошлади. “Нима қиламан, никоҳ-пикоҳ деб, ун-

дан кўра, хонамга битта-битта киритиб маишат қилаверсам яхши-ку. Шу сассиқ чолга илтимос ҳам қилиб ўтирмайман”.

Орадан бир оз ўтиб Зебра қайтиб кириб, чолнинг ортига иккита тепки берганини айтганча илжайди.

— Ҳе, — деди Полвон энсаси қотиб, — мен бирорта девни бир ёқли қилиб келаяпсанми, деб ўйлабман. Чолнинг нима жони бор экан? Унга ҳайф тепки, бор, яхшиси, қизларнинг каттасини олиб кел, бир қўйнига қўл солиб кўрай-чи!

— Бўлди, ока, ҳозирнинг ўзида есть қиламиз, — деб Зебра орқасига қайтди.

Бирпасдан кейин Полвон эшик ортидан “Қўйворинг, қаёққа олиб бораяпсиз?! Нима истайсиз мендан?!” деган қиз боланинг нозик овозини эшитиб вужуди жунбушга келганча ўрnidан туриб кетди. Юраги эса худди илк маротаба учрашувга чиқаётган йигитникидек типирчилай бошлади. Бир зумдан кейин эшик очилди ва аввал Зебра, ундан кейин унинг етовида Шернинг тўнғич қизи Дилором кириб келди.

— Нима гап?! — дея бақирди Полвон уларни кўрганидан кейин гўё ҳеч нарсадан хабари йўқдай.

— Мавлон ака! — дея бирдан йиғлаб юборди қиз. — Адамнинг арвоғи уради-ку! Ҳаммаларингни адам оёққа турғазган эди-ку!

— Нега буни бу ёққа олиб кирдинг?! — дея дўқ уриб сохта ўкрайиш қилди Полвон йигитига.

— Адангнинг маъракалари тўғрисида Мавлон аканг билан гаплашиб оласан, юр, десам, сингиллари билан бирга, ҳаммамиз борамиз, биргалашиб маслаҳат қиламиз, дейди булар. Биз тўй қилаётганимиз йўқ-ку, тўғрими, ока, маъракага чурвақалар аралашмайди-ку, — дея Зебра ёлғонни тўқиб-бичиб ташлади. Полвон ич-ичидан унинг ўйлаб топган гапларига қойил қолди. Айни дақиқада унинг миясига бунақа, ўзининг тили билан айтганда, “оригинал” гап келмасди.

— Оканг тўғри гапирибди, синглим, — деди Полвон йигитининг гапини маъқуллаб.

— Шунинг учун қўлимдан ушлаб судраши шарт эмас-ку, — деди Дилором кўзидан ёшини оқизиб.

— Йўқол! — деди Полвон Зебрага қараб ўқраяр экан. — Қорангни кўрсатма, ҳали қилган қўполлигинг учун каллангни оламан сенинг!

— Узр, хўжайин, узр, — деганча Зебра ташқарига чиқиб кетди.

— Қани, манави ерга ўтир-чи, — деди Мавлон, «айбдор» кетганидан кейин қизга ёнидаги оромкурсини кўрсатиб.

Дилоромга бошқа сингиллари қатори тортиниш, уялиш деган нарса ёт эди. У отасининг даврида эркаклар билан бемалол ёнма-ён ўтираверарди. Шу боисдан ҳам ҳозир, кўнглига бирорта ҳам шубҳа келмай Полвоннинг ёнгинасига келиб ўтирди ва оёқларини бир-бирига чалиштириб олдики, оппоқ сонлари ҳам бемалол кўриниб турди. Полвоннинг кўзлари олайди. Миясига итликнинг ҳамма тури келиб маҳкам ўрнашиб олди. Лекин у ўзини босди. Бирдан ташланиб қолмади. Аввал озгина силаб-сийпашга, ундан кейин мақсадга ўтишга қарор қилди. Шу боисдан ҳам вужудидаги енгил титроқни енга олди. Ва қизнинг елкасига елкасини теккизиб, у томонга бироз энгашиб ўтирди.

— Оппоғим, — деди овози бирозгина қалтираб.

Дилоромнинг ёшлик даврида Полвон ушбу сўз билан уни жуда кўп эркаларди. Шунинг учун ҳам у ҳозир зигирча шубҳага бормади, қайтанга, отасининг «ўнг қўли»дан насиҳатомуз гап кутди. Мавлоннинг қалтираб чиққан товушига эътибор ҳам бермади.

— Катта қиз бўлиб қолдинг, — дея гапини давом этказган Полвон қизнинг бошига қўлини қўйиб сочларини силади, — ақлисан, ҳамма нарсани тушунасан, хў-ўш, бундан бу ёғига сенга яхши битта куёв ҳам топишимиз керак.

— Ҳозир, — деди қиз ёшли кўзини Мавлонга қаратиб, — турмушга чиқиш ҳақидаги гап-сўзлар кўнглимга сиғмайди. Бечора адажонимни эслаб юрак-бағрим эзилиб кетаяпти!..

— Тўғри, — деб Полвон ўзини унинг яқин кишиси сифатида кўрсатиш ва шу баҳонада этини ўлдириш учун унинг юзидан ўпди. — Сен қатори бизгаям оғир, ахир, кимсан, устозимиз эди. У одамнинг кўп тарбиясини олиб, мана, ёмон бўлганимиз йўқ.

— Мавлон ака, — деди қиз илтижоли оҳангда, — нега ойим билан бизни ажратдинглар?

— Э, — қўл силтади Полвон чуқур хўрсиниш олиб, — сен кўп нарсаларни билмайсан-да. Бу дунё деганлари сен билан мен ўйлаганимизданам мураккаб, биз худди ўйинчиларга ўхшаймиз. Баъзида омадимиз келиб, кўп нарсаларга эришамиз, бошқа пайт бўлса, арзимаган нарса сабаб, топганимизни йўқотиб қўйишимиз мумкин.

— Унда нега бизга кўпол муомала қиляяпсизлар, адамнинг ҳурмати қаерда қолди?

Полвон кулди ва қизнинг елкасидан кучди.

— Шундай қилмаганимизда, ҳозир сизлардан ҳам айрилган бўлардик... Сенга айтишим керак эмасди-ю, лекин ўрни келиб қолди, майли. Балки шу гапимдан кейин тушунарсан. Корочче, сизларни олиб кетганимиздан кейин ярим соат ҳам ўтмай аданг қурган уй ёниб кетди.

— Ни-ма?! — дея бақариб юбориб ўрнидан туриб кетди Дилором. — Қанақа, қанақа қилиб ёниб кетади?!

— Душманлар! Душманларимиз биздан кучайган давр ҳозир, уй билан бирга сизлар ҳам куйишларинг ҳеч гап эмасди.

Дилором ўкириб йиғлаб юборди ва тиззалаб ўтириб қолганча бошини кафтлари орасига олиб уввос торта бошлади.

Полвон вақт етиб келганини англади ва секин унинг ёнига ўтириб, бир қўли билан қизнинг елкасидан кучиб ўзи томонга тортди. Лаби эса қизнинг қулоғи устида ўрмалай бошлади...

* * *

Шермат кечқурун Қосимнинг уйига келди-ю, ҳайратдан донг қотди. Уйда мотам маросими ҳукм сураар эди. Ҳамма қайғуда, ҳамманинг қовоғидан қор ёғар эди.

— Тинчликми? — пичирлаб сўради у йигитлардан бирининг ёнига бориб.

— Қайси гўрда юрибсан, тўнғиз?! — деди йигит унга ўқрайиб.

— Оканинг буйруқларини бажариб юргандим.

— Окадан айрилдик-ку, яна қайси оканинг буйруғини...

— Нега?! — дея унинг гапини бўлди Шермат кўзи косасидан чиққудек бўлиб. — Соппа-соғ юрганди-ку. Энди биз нима қиламиз?!

— Ўлдириб кетишди.

— Ким, қачон?!

— Бунча кўп савол бердинг! Ўзинг билиб оласан ҳали. Меҳмонхонада Абдуҳамид ока ўтирибди, бориб таъзия билдириб чиқ.

Шермат нима қиларини билмай қолди. Ички бир титроқ кирди вужудига. Хожасининг амакиваччаси ўтирган хонага киришга оёғи тортмади. Гўё ҳамма бало-қазога у айбдордай эди. Ҳамма нарсанинг бошида у турган-у, бечора Қосим унинг касрига қолган, ўзининг йигитини деб жонини берган. Энди Шермат кўрсатган “каромат”лари учун хожасининг амакиваччаси олдида ҳисоб бериши керак. Эҳтимол, жонга жон бериб қутулар. Қутулармас, изсиз, несиз йўқ бўлар...

У қалтираган оёқларини зўрға судраб уй томонга юра бошлади. Уйга кириб-чиқувчилар кўп эди. Бироқ уларнинг биронтасини ҳам Шермат айнаи дамда кўрмаётган эди. Гўё атрофида ҳеч ким, ҳеч нарса йўқдай, рўпарасида тирқишидан шуъла оғиб турган эшиккина бордай. Унинг ортида эса ханжарини қайраб жаллод турибди. У ичкарига ҳатлар-ҳатламас ханжар бўйнига урилади-ю, Шерматнинг танаси остонада қолади, калласи эса думалаб, Абдуҳамиднинг оёқлари остига боради.

— Ҳов, овсар, қоч йўлдан!

Шермат чўчиб ёнига қаради. Қосимнинг йигитларидан бири қўлида коса билан ичкарига қараб йўрғалаяпти.

— Менга бер, — деди бирдан юзи ёришиб кетган Шермат косага қўл чўзиб, — ўзим киргизаман.

Йигит ноз қилиб ўтирмади. Косани тутқазди-да, ўзи ортига қайтди. Шермат минг бир истиҳола, кўрқув ва ҳаяжон билан ичкарига кирди.

Меҳмонхона тўрида Абдуҳамид товуқ гўштини иштаҳа билан ямлар, ҳар-ҳар замон буғи чиқиб турган кўк чойдан симириб қўяр эди. Ёнидаги Жўмард кавшанаяпти. Фақат хўжайинидан фарқли равишда оғзидаги луқмасини секинлик билан чайнар, онда-сонда Абдуҳамидга қараб мийиғида кулиб қўярди.

— Ассалому алайкум, — деди Шермат эшикдан кирган заҳоти ва тўғри Абдуҳамиднинг ёнига бориб, буғи чиқиб турган косани олдига қўйди.

— Меҳмонлардан ҳам хабар олиб турибсанларми? — дея

савол қотди унга қараб ҳам қўймаган Абдуҳамид, луқмасини ютиб бўлиб, лаб-лунжини сочиққа артар экан.

— Шундай, хўжайин, шундай, — деди Шермат шошганидан.

Абдуҳамид унинг юзига қаради-да:

— Отинг нима сенинг? — деб сўради.

— Шермат, ока.

— Шошма, — деб қолди шу пайт Жўмард гапга аралашиб, — таъзияда кўринмадингми?

— Қосим окални юмуши билан юргандим. Областга чиқишга тўғри келганди. Шунинг учун беҳабар қолибман, — дея жавоб қилди Шермат кўзини ердан узмай.

— Ана, — деди Абдуҳамид иддао билан, — кимларга куни қолган экан раҳматлининг! Униси у ёқда, буниси бу ёқда юрган булар, шаталоқ отиб. Едирган-ичирган одам ана шундай хор бўлиб ўтиб кетаверади дунёдан, оқибат борми буларда, садоқат борми буларда, ҳе, ҳаммангнинг онангни!.. Энди ернинг тагиданам топмайсан унақа тилло одамни!

— Ока, таъзиям...

— Йўқол-э, ифлос!

Шермат ташқарига қушдай енгил бўлиб чиқди. Қоронғилик ҳам унинг назарида ёришиб кетгандай эди. Терисига сизмай кетаётганидан гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга юрди. Қосимнинг қолган йигитлари билан ҳазиллашиб ҳам қўйди. Шу билан тун ярмидан ошганини сезмай қолди.

Эртасига уйқудан уйғонганида унинг боши лўқиллаб оғрир эди. “Кеча бир грамм ҳам оғзимга олмаган бўлсам, нега оғрияпти?” таажжубланди у. Сўнг болохонадан пастга тушди. Қосимнинг якка-ю ёлғиз ўғли Аброр ҳовли ўртасидаги столда ўтирар, олдида бир шиша ароқ билан битта стакан бор эди. У алланималар деб сўкинар, сўнг бошига муштлаб-муштлаб қўяр, ундан кейин стаканни ароққа тўлдириб, хўплар ва тагин сўкинар эди. Шермат секин унинг ёнига борди.

— Сен нега келдинг бу ерга? — деди унга қараб қўйган Аброр.

Шермат ароққа қараб ютиниб қўйди. Айни лаҳзада у, агар ичсам бош оғригим йўқолади, деб ўйлаётган эди.

— Икки кишилашиб ичган бошқача-да, — деди у бошқа гап тополмаганидан.

— Ма, — дея унга қўлидаги стаканни узатди Аброр, — ич, заҳарингга.

Шермат бир кўтаришдаёқ стаканни бўшатди. Сўнг илжайганча чўнтагидан сигарета чиқарди. Аброр ҳам худди аввалги, отаси тириклик давридагидай бармоқларини қайчи қилиб кўрсатди.

Илгари Шермат унинг ҳамма хатти-ҳаракатига ялтоқланиб жавоб қайтарар эди. Энди бу эриш туйилди. Доим маст-аласт гиёҳванднинг олдида бўйин эггиси келмади. Шу боисдан ҳам ҳеч шошилмасдан сигарет олиб:

— Тутатиб ҳам берайми? — деди киноя аралаш.

— Бўлмасам-чи, — гўлдиради Аброр ва қўли қалтираганча стаканни тўлдира бошлади. — Сволоч, — деди сўнг алам билан, — суриб қолди-я!

— Ким? — деди бош оғриғидан бир оз қутулиб кўнгли кўтарилган Шермат ҳайрон бўлиб.

— Ким бўларди, пахан-да! Яна бирор ўн йилча ўлмай турганда бир жойи камайиб қолармиди? Индамай суриб юбориб... Номард, биз ҳали ёш бўлсак... Ёлғиз ўзимни қолдириб кетди-я, ит!

— Феруза билан Маҳфуза бор-ку.

— Улар одамми? Хотиндан нима фарқи бор уларнинг! Эртага биттасига тегиб олиб, маишат қилиб юради. Ўзи, Маҳфуза топиб ҳам олган биттасини. Ўртада менга қийин... Ҳеч бўлмаганда битта бойваччанинг қизига уйлантириб, кейин ўлиб кетавермайдими, мен ҳам кайф қилиб юрмайманми?

“Адо бўпсан, — деди унга термилиб турган Шермат ичида, — отангсиз бир кун ҳам яшолмайдиган бўп қопсан. Яхшиям бахтингга амакиваччанг бор. Бўлмаганда битта қаттиқ нон бериб туради. Агар ўшайам бўлмаганида, бутунлай тамом экансан”.

У Аброрнинг ёнидан кетмай туриб тагин бошига оғриқ кирди. Бу сафар Шермат собиқ хожасининг эркасидан тортинмасдан у қуйган ароқни қўлига олиб сипқорди. Тагин бояги аҳвол. Оғриқ йўқолди. У, шу билан қутулдим, деб ўйлаганди. Ундай бўлиб чиқмади. Орадан уч соатлар чамаси вақт ўтганидан кейин тинкаси қурий бошлади. Яна

кўнгли айниб қайт қилгиси келаверди. Қутулсам, бир йўла қутулай, деган ўйда, томоғига бармоғини тикди. Қизариб-бўзариб, бўйин томирлари бармоқдай бўлиб ўқчиди, лекин оғзидан шилимшиқ суюқликдан бошқа ҳеч нарса келмади. Баттар бўлди. Иситмаям пайдо бўлди. Шундан кейин дўхтирга учрашди. Уни текшириб кўрган врач, гумонли бирон нима аниқлай олмагач, қонини текшириб кўриш учун эртагача жавоб берди.

Шермат ўша куни оғриқни унутиш учун тўйиб ичди, маст бўлди ва шу аҳволда Қосимнинг болохонасида ухлаб қолди.

Эртасига дўхтир ғалати ташхис қўйди. СПИД! Шермат умрида шунақа касаллик борлиги ҳақида эшитмаган эди. Шу боисдан:

— Бўпти, — деди бепарво оҳангда, — дори-порингизни ёзиб беринг. Бирор ҳафта даволанарман.

Врач қаншаридан кўзойнагини олди ва кўзини юмиб чуқур хўрсинди-да:

— Қаердан юқтирдингиз бу фалокатни? — дея сўради мумкин қадар юмшоқлик билан.

— Нима, СПИД деганингиз юқумли касалликми?

— Фақат юқумлигина эмас, уни мутлақо даволаб бўлмайди.

— Ни-ма?! — деди кўзи қинидан чиққудек бўлган Шермат. — Даволаб бўлмайди?! Қанақасига?

— Ҳозирча тиббиётнинг кучи етмаяпти. Бу касаллик билан оғриган одам...

— Қанақа қилиб юқтираман, дўхтир, нега энди бутун шаҳар бўйича фақат мен касалланганман?

— Касаллик осмондан келмайди. Одамдан одамга юқади, масалан, жинсий йўл орқали...

Дўхтир шу гапни айтиши билан Шермат ўрnidан сапчиб туриб кетди-да, эшикни қарсиллатиб очиб-ёпганча, кўчага отилди. Шу кетишда у тўғри Розаникига борди. Бироқ у ерда ҳеч ким йўқ эди. Аввал кўнғироқни босди, сўнг эшикни тепди. Ҳамма иши чаппасидан кетаётгани алам қилиб, сўкинганча ортига қайтди. Ва умрида илк маротаба Худони эслади. Унга ялиниб-ёлвориб, дарддан халос этишни сўради. Минг бир қайғу исканжасига ботиб Қосимнинг уйига келди. Ундан бир озгина аввал Абдуҳа-

мид ҳам келган ва иккита йигитидан Икромнинг пиво-барда кўрсатган кароматини эшитиб, ғазаби бўғзига келиб ўтирган эди. Ана шу маҳал Шермат бошини ҳам қилганча кириб келди. Ҳовлида ёлғиз ўзи, нима қиларини билмай, тишларини гижирлатганча у ёқдан-бу ёққа бориб келиб турган Абдуҳамидни кўрмасдан болохонага чиқиб кетаётганида:

— Ҳов, валакисаланг! — дея уни чақириб қолди янги хожаси.

Шермат қонун-қоидага бўйсунмасдан аввал тўхтади, сўнг бемалол ортига бурилиб овоз эгасига қаради.

— Қаердан келаяпсан, мол?! — дея бақирди унга Абдуҳамид.

— Кўчадан, — деди Шермат паст овозда.

— Кўчада қовуриб қўйганмикан, ёки Қосим гўридан тирилиб келиб янги бир иш айтиб кетдимиз?

— Мазам йўқ, ока.

— Ҳе, мазангга урай, эшшак! — дея ўқирди Абдуҳамид ҳамда ёнига Жўмардни чақириб: — Анави итнинг ақлини киргизиб қўй, — деб буюрди.

Шерматни судраб ертўлага олиб тушишди. У ерда Шермат шериклари билан бирга Икромни азоблаган эди, тирноғининг тагига игна тиқиб томоша қилиб роҳатланганди. Ана шу жойда Жўмард бошлиқ ўзининг елкадошлари роса тепкилашиб оғзи-бурнини қора қонга тўлдириб чиқиб кетишди.

У икки кун ўзига келолмади. Ниҳоят оёққа турганида лабининг ёрилган жойи катта ярага айланиб улгурган эди.

Навбатдаги марта унинг ярасини кўздан кечирган дўхтир, кундан-кунга қовжираб бораётган йигитга қараганча афсусланиб бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

* * *

Абдуҳамид Полвоннинг қилиқларини эшитиб, мийиғида кулди ва ёнида турган Жўмардга:

— Майли, — деди илжайиб, — даври келди — қандини урсин. Лекин шу қилган иши чатоқ бўлибди-да, Россиядагиларнинг қулоқларига етиб қолса, ўзининг оёғини осмондан қилиб юборишади... Ҳозир унга ақл ўргатиб бўлмайди.

— Хўжайин, — деди Жўмард бир оз ўйланиб, — мияга битта гап келиб қолди.

— Ошқовоғингдаги данакларни кўрсат-чи, — дея ҳазиллашди Абдуҳамид.

— Полвоннинг қош-қовоғига қараб юрамизми? Ана, ўзи Шернинг кўйнига илондай кириб олиб, кейин чақиб ўлдирди. Хуллас, эркакнинг ишини қилмади.

— Эзмаланма!

— Россиядагилар билан гаплашиб кўрайлик. Полвон итлик қилди. Энди ўзининг бошига ит кунини солиб, кейин ўзимиз тахтга чиқсак, шунга нима дейсиз? Бировга бошимизни эгиб юрмасдик-да.

— Гапингда жон борга ўхшайди, — дея Абдуҳамид бир нуқтага тикилганча чўнтагидан сигарета чиқарди.

* * *

Дилдора онаси уйдан чиқиб кетиши билан келинойисига кўнғироқ қилиб, ўзига уйланмоқчи бўлиб юрган йигитнинг телефон рақамини сўради.

— Ия, — деди Нафиса ҳайрон бўлиб, — сиз у болага турмушга чиқмоқчи эмасдингиз-ку, дабдурустан нега керак бўлиб қолди унинг телефони?

— Кеннойижон, ойимниям, сизларниям жонларингга тегиб кетдим. Бир гаплашиб кўрай, агар тузукроқ йигит бўлса...

— Анави севган йигитингиз-чи?..

— Билмадим, — деди Дилдора бир оз жим туриб, сўнг: — Кеннойи, кейинроқ сизга тушунтириб берарман. Фақатчи, у бола билан гаплашмоқчи бўлганимни бировга айтиб юрманг, биласиз-ку, пока бирон нарсанинг охирига етмагунимча бошқаларнинг билишини хоҳламайман, — деб кўшиб қўйди.

— Майли, ихтиёрингиз, лекин бирон нима қилишингиздан аввал ўйлаб кўрганингиз маъқул, — деди Нафиса ҳамда қайсинглисига у сўраган телефон рақамини гўшакдан айтиб турди.

“Ана энди кўрамиз, йигитча, — дея ўзига-ўзи гапирди Дилдора гўшакни жойига қўяр экан, жилмайиб, — ўзингиз келиб менга уйланмаслигингизни айтиб кетасиз. Ўшандан кейин ҳаммаёқ баҳор бўп кетади”. У қайтадан рақам

терди. Гўшакдан узун-узун чақирув овози эшитила бошлади. Бунга сайин Дилдорани ҳаяжон босди, аъзойи бадани титради. “Нима дейман, гапларига қандай жавоб қиламан? — деган ўй келди хаёлига ва бирдан гўшакни жойига қўйди-да, икки қўли билан юзини бекитди. — Эй, Худо, — деди баланд, ўкинчли овозда, — нима қиляяпман?.. Ишқилиб, йўлдан адаштирама”.

У телефон ёнига, гиламга узала тушиб чалқанчасига ётиб олди. Кўзини юмди. Узун киприклари бир-бирига туташиб, қизнинг гўзаллигини баттар оширди. Афсуски, буни ҳеч ким, ҳатто унинг ўзи ҳам кўрмас эди. Кўрганида борми, бутун атрофни, одамларни унутиб, ўша соҳибжамолга термилганча тураверар эди. Дилдоранинг қошлари учди. Хаёл суриш истагидаги қизга шуюм халақит берди. У қайтадан ўрнидан туриб ўтираркан, телефондаги рақамларни тагин тера бошлади.

— Алло, — деган овоз келди бир оздан кейин симнинг нариги учидан. Нима дейишни билмаган Дилдора бир оз кутди. Сўнг паст овозда салом берди.

— Ким бу? — деди саломига алик олгандан кейин эркак киши.

— Кечирасиз, — деди бир оз довдираган қиз, — менга Карим ака керак эди.

— Қулоғим сизда, эшитаман.

— Мен... Мен Дилдораман.

— Эй, Дилдора, — деди эркак киши. Унинг овози дарров ўзгача қувноқлик касб этди. — Сизмисиз? Ўқишлар қалай, имтиҳонларни яхши топшириб олдингизми?.. Биласизми, сиз тўғрингизда ўйлаб тургандим. Телефон қилиш ниятим бор эди. Қаранг, биринчи гаплашишимизданоқ олдинга ўтиб кетдингиз...

“Бунча сергап бўлмаса”, дея афтини бужмайтирган қиз гўшакни бир оз қулоғидан узоқлаштирди. Карим эса ҳамон сўзлашда давом этарди.

— Очигини айтсам, телефон қиласиз, деб ҳечам ўйламаган эдим. Бу менга худди тушдагидай туйилаяпти. Лекин ухламаяпман. Демак, ўнгим... Биласизми, сиз мени кўргансиз. Мен бўлсам сизни жуда яхши танийман, ҳар куни...

— Карим ака, — дея унинг гапини бўлди Дилдора энсаси қотиб, — сиз билан кўришмоқчи эдим. Шунга...

— Бемалол, ҳозирми, сизга энг қулай жой қаер, ёки уйингиздан мошинада олиб кетайми? — деди Карим ҳовлиқиб.

— Йўқ, раҳмат, ўзим чиқавераман. Агар вақтингиз тигиз бўлмаса, бир соатдан кейин анҳор бўйида кўришсак.

— Жоним билан, мен, мана, ҳозирнинг ўзида чиқаяпман... Кутиб қолмай тагин.

“Ўл, довдир, — деди Дилдора гўшакни қўйганидан кейин ижирғаниб, — агар сенга тегсам, кулоқ-миямни еб битираркансан, йигит деганиям шунақа эзма бўладими?”

У атайлабдан учрашув жойига келишилганидан ўн беш дақиқа кеч келди. Аввал узоқдан диққати ошиб кетганидан тинимсиз у ёқдан-бу ёққа бориб-келаётган йигитни кузатди. Қўлидаги бир даста гулни тинимсиз силтаётган йигитнинг жаҳл отига минганини билиш унинг учун қийин бўлмади. Бундан ҳатто у хурсанд ҳам бўлди ва бемалол аста-секин қадам босиб Каримга яқинлашаверди.

Учрашувга келган йигит қизнинг яқинлашганини сезмади. Тўғрироғи, уни кўрди. Бироқ айнан мана шу санам Дилдора эканлигини билмади. Оғзи очилди. “Умримда кўрмаган қизга уйлангандан кўра мана шу қиз билан танишиб, шу қизга уйланиб қўя қолсам бўларкан, ўзиям роса кетворган нарса экан”, деб ўйлади ва Дилдорани кутаётганини мутлақо эсидан чиқариб, асаб томирлари бошқадан кенгайиб:

— Яхши қиз, соатни айтиб юборолмайсизми? — деб сўради.

Дилдора “пиқ” этиб кулиб юборди. Сабаби, йигитнинг ўзида соат бор эди.

Қизнинг кулгисига Каримнинг ҳам авжи келиб ўшшайди.

— Соатингиз пишиб етилиб қолганми? — деди бирдан қовоғи уйилган Дилдора.

— Ҳа, йўқ... Эсимдан чиққан экан. Билмай...

— Ҳамма қизлар ёнингиздан ўтаётганида соатингиз эсингиздан чиқиб қоладими?

— Йўғ-э, жа унчаликмас...

— Онда-сонда демоқчисиз-да.

— Ҳа, йўғ-э, нима деяпсиз? Шунчаки, соат керагиди.

— Бировни кутаяпсиз, шекилли?

— Кутаяпман, — деди Каримнинг пешонаси тиришиб, соатига қараб олар экан, — кутишни жуда ёмон кўраман.

— Мен Дилдораман, — деди қиз мийигида кулиб.

— Эй, Дилдора! Бой бўларкансиз рости, мен нечта одамни мана шундай танаймай қол...

— Телефонда бошқача гапиргандингиз-ку, — дея бирдан унинг гапини бўлди Дилдора, — кўрганман, яхши танийман...

— Ҳа, шундай девдим. Фақат анча бўлганди кўрганимга, — дея ёлғонлади Карим, — ҳозир бошқача, жуда очилиб кетибсиз.

— Раҳмат, — деди қиз киноя билан, — эсингизда бўлса, мен сизни учрашувга чақирувдим. Хуллас, гаплашиб олишимиз керак.

— Албатта, тўйдан олдин гаплашиб, бир-биримизга кўни-киб олишимиз керак, тўйдан кейин қийин бўлмаслиги учун.

— Тўйдан кейин, — деди бир энсаси қотиб, бир кулгиси қистаган Дилдора, — биласизми, сизнинг ёнингизга нега келдим?

— Айтманг, — деди Карим кўрсаткич бармоғини юқори кўтариб, — ўзим билиб оламан, чиройли кўзларингизни менга қаратинг.

— Вой, нега? Нималар деяпсиз? — деди баттар энсаси қотган Дилдора ва айни пайтда у билан нигоҳи тўқнашиб қолишдан хавотирга тушиб бир оз қизаринди.

— Кўзларингизга қараб нима демоқчилигингизни билиб олмоқчиман. Худо менга ана шундай гўзал бир хислатниям юқтириб қўйган.

— Раҳмат, сизнинг фолбинлик қилишингиздан олдин ўзим айтиб қўяқоламан.

— Афсус, шундай бир истеъдодни кўришдан маҳрум бўп қолдингиз-да. Майли, иложим қанча, сиз мен учун дуру гавҳардан ҳам аълороқсиз, шунинг учун чиройли сўзларингизни жон қулоғим билан эшитаман.

“Ўл, эзилмай. Ҳали мен келиб-келиб сенга эрга тегаманми? Отиб ташлашган тақдирда ҳам ёнингга яқинлашмасман”, дея хаёлидан ўтказди Дилдора. Ва юзини бир маромда тинчгина оқаётган анҳордаги сувга қаратиб гап бошлади.

— Хуллас, сиз билан мен мутлақо бир-биримизга мос тушмаймиз. Қолаверса, менинг юрадиган йигитим бор...

— Қизиқсиз, — дея илжайди Карим, — шундай гўзал қизнинг йигити бўлмаслиги мумкин эмас, мен буни жуда яхши тушунаман. Ёшликда нималар бўлмайди дейсиз?

— Қанақа одамсиз, — деди энди жаҳли чиққан Дилдора, — мен сизга шунчаки юрадиган йигитим бор, деяпманми? Менинг ўзим яхши кўрадиган йигитим бор, шуни тушуна-япсизми?..

— Тушунишга тушунаяпман, лекин бизнинг турмуш қуришимизга у йигитнинг нима алоқаси бор, шунга ақлим етмаяпти. У билан юргансиз, менга эса эрга тегасиз. Асо-сийси, бир-биримизга меҳримиз тушса, ундан кейин бир марта тўйдан сўнг уйдагиларнинг олдида юзимни ёруғ қилиб, қиз бола эканингизни исботласангиз бўлди. Ўша, сиз билан бирга юрган йигит ўтмишингизда қолиб кетаве-ради.

— Кўринишингиздан туппа-тузук одамга ўхшайсиз, га-пингиз эса аҳмоқларники. Мен боғдан келсам, сиз тоғдан келасиз.

— Агар ўрнингизда бошқа қиз бўлганида, тўғриси, би-рортаям гапини эшитмаган бўлардим. Қиз бола қуриб ке-тибдими дунёда, деб кетворардим. Лекин сизнинг гўзалли-гингиз қаршисида лол бўп қолдим. Дунёда сиздан бошқа одам кўзимга кўринмаяпти. Шунинг учун сизнинг йиги-тингиз ҳақидаги гапларни бемалол эшитаяпман. Хуллас, мен аҳмоқмасман.

— Яхши, ақлли одам, — деди Дилдора асабий бир аҳвол-да, — унда ўнг қулоғингиз билан ҳам, чап қулоғингиз билан ҳам эшитиб олинг, мен битта одамни севганман ва фақат унгагина турмушга чиқаман, кейин айтиб кўяй, ма-бодо дунё тескари айланиб сизга тегиб қолган тақдиримда-ям у билан учрашиб юравераман, яна битта гап, мени хотинликка олганингиз билан юзингиз ёруғ бўлмайди. Мен аллақачон бошқа одамларнинг юзини ёруғ қилиб қўйган-ман, ҳатто қорнимда гумонам бор, энди яхши қолинг, агар совчиларингиз шарманда бўлишни исташмаса, бизнинг уйга қайтиб қадамларини босишмасин!

Дилдора шартта ортига бурилди-да, югуриб кетди. Ка-рим эса унинг орқасидан ҳайкалдек қотганча қолаверди.

“Вой, товба, вой товба, — дерди Дилдора йўл-йўлакай, — нималар деб ташладим? Оғзимга келган гапни қайтармадим-а... Баттар бўлсин, анқов, нимани гапираётганини ўзи билмайди. Агар мени шунга беришса, ўзимни-ўзим осаман”.

У онасидан бор-йўғи ўн дақиқа аввал уйига етиб келди ва хонасига кириб тез кийимларини алмаштирди-да, ташқарига чиқиб худди ҳеч нарса бўлмагандай ҳовлига сув сепиб супура бошлади. Юраги эса дукурлаб урар, Каримга айтган гаплари оғир гуноҳдай елкасидан босар эди. Шу боисдан вужуди титрарди. “Хотинчалиш, ҳамма гапларимни онасига айтиб берса-ю, онаси уйимизга келиб ойимга, қизинг номуссиз экан, қорнида боласи борлигини айтмайсанми, деса қандай одам бўламан? Уйдагиларнинг олдида ерга кириб кетмайманми? Покизалигимни қандай исботлайман... Аҳмоқ, шартмиди шу найнов билан гаплашишим”, дея ташвишланарди у.

Орадан бир оз фурсат ўтиб Назира опа дарвозадан кириб келди. Унинг ранги оқариб кетган, қадам олишлариям мастларникига ўхшарди. Дилдора онасига салом берди-да, унга тикилиб қолди, сўнг супургисини улоқтириб юбориб:

— Ойижон, ойижон! Сизга нима бўлди?! — дея онасининг ёнига югурди.

— Ўл бўлди, бало бўлди, баттар...

У гапини давом этказолмади, сўнгги сўзи гўлдираб чиқди ва қизи ёнига етиб келмасидан бурун ёнбошига қулади.

— Ойижо-о-о-н!!! — дея қичқириб юборди Дилдора.

* * *

Дилором аввалига Полвонни шунчаки оталарча меҳр билан ўпаяпти, деб ўйлаган эди. Мавлон қизнинг қаршилиқ қилмаганидан хурсанд бўлиб томоқларидан ҳам ўпа бошлагач, бирдан ўзини тортиб:

— Нима қилаяпсиз! — деди бақириб.

— Жоним! — деди эҳтиросдан кўзи ўт бўлиб ёнаётган Полвон. — Сени яхши кўраман, сен меники бўлишинг керак, меникисан!

— Тегманг менга! — дея қиз ортига тисарила бошлади.

— Ҳозир бақираман, ҳаммани бошлаб келаман. Яқинлашманг!

— Жонидан, — деди Полвон унинг қўлидан ушлашга ҳаракат қилиб, — гапларингни мендан бошқа ҳеч ким эшитмайди!

— Йўқ... Йўқ, яқинлашманг, ўзимни ўлдираман, — деди қиз титраб.

— Кеч бўлди, энди фақат меники бўлишинг қолди.

— Адам, адам ёрдам беради!

— Гўридан тирилиб келибми, ҳе, кўп гафво қилма, ўзинг рози бўлсанг, ҳамма нарса осон кечади. Бўлмаса, жуда ёмон қийналасан. Чунки менинг кўлимдан ҳеч қаёққа қочиб кутулолмайсан, тушундингми, бебош қиз!

— Сен билан бўлгандан кўра ит билан бўлганим афзал, тўнғиз! — бақирди Дилором.

— Ни-ма?! Яна бир марта қайтар, молнинг боласи! — деб Полвон аямасдан қизни тепишга тушиб кетди. Дилором гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга думалар, инграр, бақирар, тинмай ёрдамга чақирар эди. Бироқ Полвон айтганидай, унинг овозини биргина Мавлоннинг ўзи ва эшик ортида бутун диққат-эътиборини ичкарига қаратиб, пойлаб турган Зебрадан бошқа ҳеч кимса эшитмасди.

Беш-олти тепкидан кейин Дилоромнинг анча мадори қочиб, сулайиб қолди.

— Ана, — деди унинг тепасида турган Полвон, — айтганимни бажар дегандим-ку сенга, оқибатни кўрдингми?! Энди бемалол, манави, — деб у энгашди-да, қизнинг коф-тасини ушлади, — калта, юпқа кийимларингни биттама-битта ечиб ташлайман, қани, қаршилиқ қилишга кучинг ётармикан!

Дилором бор кучини тўплаб қаршилиқ кўрсата бошлади.

— Кошки шу билан қутулиб қолсанг, — деди Полвон стол устидаги пичоқни олиб унинг ёнига яқинлашаркан, сўнг тиззалаб ўтирганча, Дилоромнинг кийимининг бир чеккасини тигнинг учига илиб тортиб юборди.

Ўтқир пичоқ кийимнинг бир қарич жойини кесиб ўтди, қолганини Полвоннинг ўзи йиртди ва секин оппоқ баданга лаб босди. Лекин ҳирси келмади. Дилоромни уриш билан овора бўлиб ҳаловатини йўқотиб қўйган экан, шу боис, ўрнидан туриб оромкурсига бориб ўтирди-да, қадаҳни ароққа тўлдириб бир кўтаришда ичиб юборди. Шу пайт унинг кўзи эшикнинг очилиб-ёпилганига тушди.

— Зебра! — деди бақириб. — Бу ёққа кир!

— Хизмат, — деди Зебра дақиқа ўтмасдан ичкарига калласини суқиб.

— Кир.

— Нокулай...

— Пойлаганингда нукулай бўлмаганмиди, ит, энди кир-равер.

— Хўп бўлади, — деб Зебра ичкарига кирди-да, ортидан эшикни ёпиб, хонанинг тўрида деворга ёнбошлаганча ҳансираб нафас олаётган Дилоромга ўшшайиб қараб қўйди.

— Ит, — деди тиржайиб Полвон, — кеннойингнинг яланғоч баданига қарашга уялмайсанми?

— Товба қилдим, хўжайин, билмасдан қараб қўйибман!

— Устига бирон нима ташлаб қўйиб, манави ерга келиб ўтир, — деди Полвон рўпарасидаги юшоқ ўриндиқни кўрсатиб.

Зебра тезда буйруқни бажариб кўрсатилган жойга ўтирди.

— Қариганга ўхшайман, — деди Полвон Зебрага ҳам ароқ қуйиб узатар экан.

— Хўжайин, нималар деяпсиз, сизни ҳамма биледи-ку, бекорга Полвон деган лақабни орттирмагансиз, — деди Зебра ялтоқланиб.

— Ҳа-а, — Мавлон бақувват қўлларига кўз қирини ташлаб қўйди, — ҳали кўпчиликнинг елкасини ерга босиб қўяман, аммо...

— “Аммо”га ўрин йўқ, — деди Зебра унинг нимага шаъма қилаётганини дарров англаб, — эплейсиз, фақат бунинг учун тинчлик керак. Бугуннинг ўзида қанча асабингизни буздингиз, қанча ишни битириб ташладингиз, озгина дам олинг, ҳаммаси изига тушиб кетади, мана мени айтди дерсиз.

Зебра шундай деди-ю, кўнглида ўзгача бир умид пайдо бўлди. Ҳатто ният қилдики, ишқилиб, ҳеч балога ярамасаю, қизларнинг ҳаммаси ўзига қолса.

— Ич, — деди Полвон ароқни кўрсатиб.

— Хўжайин, ўзиям роса чанқаб кетувдим. Улфатчиликка чақирасизми, десам, индамадингиз, шунинг учун эшикнинг ортида томоғим тақиллаб турувди.

— Балосан, шайтон, — деди Полвон унинг гапига ку-

либ, — қўйиб берса, нималар қилиб ташламайсан. Ана, кампирни бериб қўйдим-ку, етмайдими шу сенга?

— Ока, унингиз ҳеч вақога ярамайди. Қўйнига қўл солиб кўрдим. Ўлган ҳамма нарса, яخشиси, менга бошқа бирон жойдан топилиб қолар.

— Бўпти, ҳали кўрамиз, — деб Полвон унинг қадаҳини яна ароққа тўлдириб ичишни буюрди.

— Ўзингиз...

— Майдалашма, шуни ичасан-да, қурийсан, агар эшикнинг орқасида турганингни яна сезиб қолсам, ўлдираман, тушундинг-а?

— Хўп бўлади, хўжайин, — деб Зебра қадаҳни бўшатди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Полвон у кетганиданоқ ният қилган ишини бошламади. Бир оз муддат юзини шифтга қадаб, кўзини юмиб ўтирди. Шу билан у ўзини руҳан тайёрлаган бўлди. Бу пайтда Дилором ҳам анча ўзига келиб қолган эди.

— Хўш, — деди Полвон унинг тепасига бориб, — бошлаймизми ёки сингилларингниям биттама-битта азоблайми?

— А-а! — дея у томонга юз бурди Дилором.

Мавлон қизнинг кўзлари катта-катта бўлиб кетганидан билдики, унинг жон жойидан ушлаган.

— Сингилларингга ичинг ачимайдими?

— Уларга тегманг, — деди Дилором чуқур-чуқур нафас олар экан.

— Унда тек тур.

Дилором жавоб қилмади. Кўзи юмилди. Узун киприклар орасидан икки томчи ёш сизиб чиқди.

— Манави бошқа гап, — деди Полвон хотиржам тортиб.

Шу чоғ эшикдан Зебра отилиб кирди.

Чўчиб тушган Мавлоннинг жон-пони чиқиб кетди.

— Онангни!.. Сен итга нима дегандим! — дея бўкирди Мавлон шимини қўли билан ушлаб.

— Хўжайин! Хўжайин! — деди Зебра кўзи косасидан чиққудек бўлиб ҳансирар экан. — Икром... Икром келди йигитлари билан!

* * *

Ярим йўлга етганларидан кейин Соли Икромга аввал Зебранинг дала ҳовлисини “зиёрат” қилиб ўтишни таклиф

қилиб қолди. Икром ажабланди. Ҳали унга ва унинг атрофидагиларга тўлиқ ишониб улгурмаган эди. Борадиган манзилнинг тез ўзгариши уни шубҳалантирди. Икром хаёлан ўзининг йигитлари ва янги қўшилганларнинг кучларини таққослади. “Ҳа, булар бизга нисбатан анча кучли, агар тулкилик ишлатилмаса, шаҳарга қайтиб боришимиз даргумон. Итларга ем бўламиз, қайсидир дарё бўйида қолиб кетамиз, ёки ёниб кулга айланамиз... Айтганча, одам худди бензиндай ёнади, дейишади, унда кўпга бормасак керак, менимча, шу бирор соат ичида тамом бўлсак керак. Умуман, ўлгандан кейин нима фарқи бор, куйдиришадими, бирон жойга отиб юбориб кетишадими?.. Лекин шундай бўлмасликнинг олдини олиш зарур...”

— Хўжайин, — деб Икромнинг хаёлини бузди Соли, — нима дейсиз? Аввал Зебранинг дачасига борамизми?

Икром унга юзланди. Ва шу қарашнинг ўзида Солининг юз тузилишига эътибор қилди. Айниқса, кўзини яхшилаб кузатиб олди. Бироқ бирорта ҳам шубҳалантирадиган белгини топмади. Сўнг бош қимирлатиб:

— Менимча ҳам шундай қилганимиз маъқулроқ, аввал вазиятни биламиз, кейин шунга қарата иш қиламиз, — деди.

Зебранинг дала ҳовлисида бор-йўғи биттагина қоровул бор экан. У қаторлашиб келган машиналарни кўриб ажабланмади. Чунки илгари ҳам бундай ташрифлар кўп бўлган.

Шунинг учун эллик беш-олтмиш ёшлардаги, эски устбоши топ-тоза, сочига қўшилиб, мўйлови ҳам оқариб кетган, анча озғин, қадди хиёл букик қоровул машиналар тўхтаганидан кейин хўжайинини кутиб олиш учун пешвоз чиқди. Бироқ Зебра кўринмагач, таажжубланди.

— Хўжайин уйдами? — деб сўради Соли юзига мумкин қадар табассум югуртиришга уриниб, қоровул яқинлашгач.

Қоровул тўхтади. Рўпарасидаги одамларнинг ҳаммасига бир қур назар ташлаб чиқди. Бироқ уларнинг биронтасини танимади. Сўнг:

— Келиб кетганига анча бўлди, — дея иккиланиброқ жавоб қилди.

— Қаерга кетганини айтмадими?

— Йў-ў-ўқ, — деди қоровул бурнини енги билан артиб, — менга ҳисоб бермайди. Кечирасизлар, ким бўласизлар?

— Афсус, — деди Соли қўлларини икки томонга ёзиб,
— биз ҳам ҳисоб бермайдиганлар хилиданмиз.

— А-а-а, шундайми, узр унда, — дея қоровул кўзини ерга тикди.

— Сиздан бошқа яна биров борми? — гап ташлади Икром.

— Мен билан?.. Ёлғизман... Шунга кўниккан одамман.

Жавобга қониқмаган Икром Солига қараб, “Бориб кўриб чиқинглар”, ишорасини қилди.

Соли қоровулнинг ёнидан ўтаётиб уни туртиб юбораёзди ва шу қилиғи билан Икромнинг кўзига илк маротаба ёмон кўриниб қолди. Бундай пайтда у қилаётган ишини ўта хотиржамлик билан ва бировга сездирмасдан бажариши лозим эди.

— Ҳов, ука, — деди қоровул ортига ўгирилиб, — бу ернинг эгаси бор, сўроқсиз ўтиб кетманг.

— Ҳар қалай, сиз эмасдирсиз эгаси? — пичинг қилди Икром. — Рост гапирганингизда эгаси сифатида қабул қилардик.

Кутилмаганда қоровул ёнидан тигининг узунлиги бир қаричча келадиган ханжар чиқарди-да, ён томонга сакраб икки марта ҳавода ўмбалоқ ошди. Кейин илжайиб:

— Рухсатсиз менинг ўлигимни тепиб, ундан кейин киради бу ерга, — деди.

— Яна бир марта сакра-чи, ҳаводан ерга оёғинг билан тушасанми, ёки оғзи-бурнинг биланми? — дея ёнидан тўппончасини чиқариб ўйнатди Самандар.

— Эркак эмаскансанлар! — асабийлашди қоровул ханжарини улоқтириб юбораркан.

— Нега унақа деяпсан, бу ердагиларнинг ҳаммаси эркак, ишонмасанг кўрсатиши мумкин, — деди унга жавобан Икром.

— У билан мақтанманг, ука, борларнинг ҳаммасиям эркак бўлиб қолавермайди, — деди мийиғида кулган қоровул енгини шимариб.

Икром ноқулай бир аҳволга тушди. Айни чоғда ёзилмаган қонун-қоидага биноан ўртага ўзи чиқиши ва ўзича хўрозланаётган қоровулни ер билан битта қилиши зарур эди. Лекин қоровул ўзининг кимлигини, нимага қодирлигини кўрсатиб қўйди.

— Хўжайин, — деди йигитлардан бири унинг ёнига келиб, — рухсат эдинг.

— Тўғриси, — деди Икром кулиб, — анчадан бери “хўроз”ларнинг уришишини кўрмаган эдим, бир маза қилайлик. Бошланглар.

Қоровулнинг бирпасда попуги пасайди, тўғрироғи, у бо-яги қилиғи билан келувчиларнинг кўзларини кўрқитиб қўймоқчи экан, холос. Уришиш масаласига келганда эса ҳеч вақога ярамади. Икромнинг йигити уни икки зарбада ер тишлатди.

Икром буни кўриб қотиб-қотиб кулди. Сўнг бир қўли билан қорнини ушлаб:

— Нимангга кекирдинг?! — деди. — Босиб ўтирсанг ҳам бўлавераркан-ку.

Қоровул пушиб қолди ва ўрнидан зўрға туриб олди-да, секин узоқлаша бошлади.

— Бунинг қўлидан итга ўхшаб ҳуришдан бошқа нарса келмаскан, шунинг учун қўл-оёғини боғлаб ташланглар, хўжайини келганида ҳуриб кутиб олади.

Йигитлар бирпасда унинг айтганини бажаришди. Ундан кейин ўт-ўлан босиб ётган дала ҳовлига киришди. Ундан ўтиб уйга... Ҳаммаёқ бир зумда тит-пит қилинди. Шунда уйнинг ертўласидан кўзлари кўрқувдан косасидан чиққу-дек бўлган, ранги оқариб кетган Шернинг хотини топилди.

— Сиз бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?! — деди уни кўрган заҳоти ҳайратдан қотиб қолган Соли.

— Энди мени ўлдиргани келдингларми?! — деди кўрқувдан дағ-дағ қалтираётган аёл. Унинг кўзларида ёш қотиб қолган эди. Кўз гавҳари билан ёшда бир неча одам муҳрланган, уларнинг ҳаммасидан аёл кўрқаётганди. У илгари ҳам кўрқиб яшарди. Фақат бу кўрқувни ўзидан бошқа бирон кимса кўрмасди. Кўрқуви пинҳон эди. Ҳозир ана шу кўрқувга ғам, алам қўшилиб бўрттириб юборди. Ва ана шу кўрқув сабаб кўзидаги ёш юзига думалаб тушмади. Думалаб тушадиган бўлса, рўпарасидаги эрининг бошига етган ваҳшийлар аёлнинг ҳам умрига нуқта қўядигандек эди унинг назарида.

Соли хожасининг аёлини ҳеч қачон бундай аҳволда кўрмаган эди. Юзидаги ажинлари кўпайган, тўзғиган сочининг

бир томони қордай оппоқ, шу боисдан ҳам жабрдийда аёлнинг саволига жавоб бериш ўрнига:

— Сизни ким бу кўйга солди? — деб сўради.

— Кимлигини билмайсанми? Билиб туриб устимдан куляяпсанми, баттар эзилсин, деб ўйляяпсанми? — тишлари орасидан бу гаплар алам билан сирғалиб чиқарди аёлнинг. Унинг қўрқув сабаб қотиб қолган кўзёши юзига думалаб тушди.

— Мен сизни онам деганман, шундай бўп қолади, — дея Соли тиз чўкди. Унга бошқа йигитлар ҳам эргашди. Фақат Икром билан Самандаргина тик туришди. Аёлнинг қалбидаги эзгинлик, руҳсизлик, бечоралик аста-секин ортга чекина бошлади, унинг ўрнини ёвузлик, йиртқичлик эгаллаб бормоқда эди. Бундан ҳам даҳшатлиси эса, уларнинг бари-ни иблис қўшқўллаб юрагига жойламоқда эди.

— Сенларга устозларингнинг руҳи сариқ чақами? — деди аёл кўнглида барпо бўлган туйғунинг озгинасини ошкор қилиб, қошлари чимирилганча Икром билан Самандарга қарар экан.

— Окамиз кўпчиликнинг бошини силаган, шунингдек, менинг ҳам, лекин менга устозлик қилмаган, лекин ҳурматим чексиз эди. Шунинг учун ҳам сизни олиб кетгани келдим.

— Раҳмат, — деди аёл кесиб, — мени шу ерга ёмон кўзлардан яшириш учун Мавлоннинг йигитлари келтиришганди. Энди сен қаерга обормоқчисан?

— Уйингизга, — деди Икром ўзини бемалол тутиб.

— Қизларим-чи?

— Уларниям, худо хоҳласа, бугуннинг ўзида бағрингизга қайтарамиз. Сизни уйингизга болалар обораверишади. Унга биз қизларингизни топишга ҳаракат қиламиз.

Санобар опа хўрсинди. Бироқ йиғламади. Ўзини тутди.

— Йўқ, — деди у нигоҳини Икромнинг кўзига қадаб, — мен қизларимсиз уйга қайтмайман. Агар улар тирик бўлса, мен ҳам тирикман, ўлган бўлса орқаларидан кетаман. Менга ҳаётнинг қизиғи қолмайди унда.

— Майли, — ён босди Икром, — ихтиёрингиз. Лекин олдиндан борадиган жойимиз анча хавфлилигини айтиб қўяман.

— Хавфлардан қўрқадиган даврим ўтиб кетди.

— Тушундим, — деди Икром бош ирғаб, сўнг йигитларига: — Ҳамма машинага чиқсин, — деб амр қилди.

Полвоннинг дала ҳовлисиғача яна бир соатча юрилди. Ҳамма, ҳатто Икромнинг ўзи ҳам жим эди.

* * *

Мавлон шоша-пиша шимининг тугмаларини қадаб:

— Манавининг, — дея Дилоромни кўрсатди, — қўлоёғини боғлагин-да оғзига латта тиқиб қўй, кейин тезлик билан йигитларга қўнғироқ қил, ҳаммаси қуролланиб қуюндай учиб келишсин, унғача мен Икромни тўхтатиб туришга ҳаракат қиламан, бўл тез.

Полвон ўзини ойнага солиб кийимларини тартибга келтиргач, ҳеч нарса бўлмагандай қорнини силаб ташқарига чиқди: Чиқди-ю, кўзларига ишонмади. Бундан бир неча кун аввал ўзига қарамликка ўтган йигитлар Икромнинг орқасида турар эди. Шернинг беваси Санобар эса Икром билан ёнма-ён. У ҳадиксиради. “Ҳаммаси тамом бўлганга ўхшайди”, деган ўй ўтди хаёлидан. Аммо бу қўрқувини билдирмаслик учун илжайди.

— Наҳотки, кимсан Икромбой бизнинг кулбаи вайронамизга ташриф буюрган бўлса! — деди баланд овозда.

— Ташриф буюрмади, — деди Икром жиддий қиёфада, — бостириб келди.

— Вой, шунақамиди?! — Мавлон қорнини ушлаб қотиб-қотиб кулди. Албатта, кулгиси сунъий эди. Унинг мутлақо кулгиси келмаётганди айни пайтда. Аксинча, рақибининг гапи юрагини ўйнатиб юборганди. Аммо бундай пайтда артистлик қилмаслик унинг айни дақиқада ҳеч нарсага яроқсиз эканлигини кўрсатиб қўйган бўларди.

— Гап бўлиши мумкинмас, — деди ниҳоят ўзини қўлга олган бўлиб, — зўр бўлганидан кейин билган қўшиғини айтади-да.

— Ока, менинг сиз билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтим йўқ. Шернинг қизлари қаерда, уларни менга топширинг, кетаман, ишларим кўп.

— Ҳай, ҳай, бир пайтлари сен билан яқин эдик, ошначилигимиз бор эди. Бир пиёла чойимиз бор, ҳар тугул меҳмон бўлиб келган экансан, иззатингни қилмасам уят бўлар.

Икром унинг гапига кулди-да:

— Сиз уятни ҳам биласизми? — деди киноя билан. — Аввалги сафар боплаб меҳмон қилганингиз ҳали-ҳамон эсимда турибди. Насиб этса, сизниям меҳмон қилишни дилимга тугиб қўйибман. Менимча, меҳмондорчилигимдан кўнглингиз тўлади. Тўлмаса, тўлдирамиз.

Полвоннинг бирдан қиёфаси ўзгарди. Бир неча лаҳза ичида у асл ҳолига қайтиб улгурди. Лекин тезда бундай ҳолдан чиқмоқчи бўлди-ю, аммо кучи етмади. Чунки боласи қатори йигитнинг унга пичинг қилаётгани суяк-суягидан ўтиб кетган эди.

— Сен билан ўғил болачасига гаплашмоқчийдим, — деди у бошқа гап тополмаганидан.

— Сен аввал қизларимни топиб бер! — дея қичқириб юборди бирдан Санобар опа.

Полвон кулди. Ва Икромга қараб:

— Мен шу пайтгача эркаклар билан гаплашиб ўрганиб қолганман. Қайси ишга аёл аралашса, ишнинг пачоғи чиқишини ҳам яхши биламан, — деди.

— Қизларни ҳозироқ қўйиб юборинг, йўқса салом-алигимиз сўкишга айланиб кетиши мумкин, — дея жавоб қилди унга Икром. — Нима мақсадда бу ерга олиб келганингизни эса ўзаро ҳисоб-китобда ҳал қилиб оламиз.

— Икромбой, — дея Мавлон чўнтагига қўлини тикди. Буни кўрган Икромнинг йигитлари сергакланишди. — Биринчидан, ёнингдаги болалар яқиндагина мен томонда эди. Қара, кўз очиб-юмгунча сенинг хос йигитларингга айланиб улгуришибди. Эртага булар бошқа бир одамнинг, айтилик, Абдуҳамиднинг этагини тутмаслигига ким кафолат беради? Ҳеч ким! Шунинг учун, оғайни, бирорта гапни гапиришдан аввал эртага унинг қандай оқибатларга олиб келишини ўйлаб қўйилса, ёмон бўлмас эди. Ундан кўра, уйга кир, гаплашиб оламиз. Кейин нима қилсанг ихтиёринг.

— Ока, — деди Соли гапга аралашиб, — биз кимлигимизни сиздан яхшироқ биламиз. Эркаклик тўғрисида сиздан бошқа одам гапирса ярашарди.

Полвоннинг муштрали тугилди. Тишларини ғижирлатди.

— Мен ким билан гаплашишим керак? Нима, ҳаммала-

ринг ўзларингга хон, ўзларингга бекми? — деди алами келиб.

— У томони билан ишингиз бўлмасин. Хўш, уйга киримизми?

Икром шундай дейиши билан, Соли унинг ёнига келди-да:

— Ока, бу ифлос билан ёлғиз қолманг, бунинг қўлидан ҳар қандай қабиҳлик келади, — деди қулоғига шивирлаб.

— Тўғри, — деди Икром Солига бир қараб қўйиб, — ҳаво ҳақиқатан ҳам тоза. Уйнинг ичи ҳойнаҳой димдир. Шунинг учун... — дея у атрофни кузатди. Кўзи дала ҳовли этагидаги стол-стулга тушди. — Ана, жой ҳам топилди. Ўша ерга бориб ўтирамиз.

Полвон ичидан зил кетди. Шундай бўлса-да, пайпоғига қистириб устидан резина тортиб қўйган тўппончага умид боғлади ва Икромдан бурун, ўша девор тагидаги стол томон юрди. Икром йигитларига “ҳавотир олманглар”, қабилида бир қараб қўйиб Мавлонга эргашди.

Рақиблар бир-бирларига рўбарў ўтиришди.

— Шунақаям бўладими? — гап бошлади Полвон пешонасини қашлаб. — Бу дачага ҳар доим дам олгани келардим. Тоза ҳаво баҳри-дилимни очарди...

— Агар, — деди унинг гапини бўлган Икром, — Шерга хиёнат қилмаганингизда, ҳозир ҳам дам олгани келган бўлардингиз.

— Хиёнат қилибманми? — дея пешонасини тириштирди Мавлон.

— Қилган ишларингизни бошқача аташ мумкин эмас.

— Сен мен кўрган нарсанинг ўндан бирини ҳам кўрмагансан. Баъзи нарсаларда чалкашиб кетаётганинг шундоққина кўриниб турибди. Кейин кўп нарсдан хабаринг бўлмаслигим аниқ. Қулоқма-қулоқ эшитгансан-у, мени айбдорга чиқариб қўйиб, ҳозир жонимни олгани келгансан. Лекин бир нарсани айтиб қўяй, агар Шер тирик бўлганида мен бу ерда бўлмасдим.

— Шунинг учун ўлдирдим, демоқчимисиз?

— Ҳа.

— Нега қизларига тегдингиз унда? Уларда нима гуноҳ?

— Унисига мен ҳисоб бермайман.

— Мен бўлмасам бошқалар бор.

- Ҳеч кимга!
 - Ўзингизга ортиқча ишониб юбормаяпсизми?
 - Мен ҳар доим ўзимга ишониб иш қилганман.
 - Ёлғон гапирманг. Жавобгарлиги бор.
 - Мабодо прокурормасмисан?
 - Ёш болаям эмасман.
 - Менга нисбатан анча...
 - Бу гапни айтдингиз. Менга Шернинг қизлари керак.
 - Улар менга керак.
 - Нега?
 - Мен сендан нега, деб сўраётганим йўқ, шекилли.
- Нега сен ўзингга алоқаси бўлмаган нарсага бурнингни тикаяпсан?
- Мен илтимосни бажараяпман. Қарзимни узяпман.
 - Яна қарзга ботиб қолаётганингни сезмаяпсанми?
 - Сизданми?
 - Эҳ, — Полвон бошини қашлади.
 - Ўша қўлингизга тушганимда ўлдириб юбормаганингизга афсусланапсизми?
- Ҳар нарсани вақтида қилган афзал экан, йўқса қор ёғиб, ишинг кўпайиб кетаркан, — деб Полвон оёғини қашлаган киши бўлиб секин энкайди-да, тўппончасини ушлади. Худди шу маҳал унинг кучига куч қўшилди. Руҳи кўтарилди. Рўпарасида ўтирган Икром мишиқи бир болакайдек кўриниб кетди кўзига. Ичиди: “Ёш бошингга зарилмиди шунча ташвиш, индамай ўтиравермайсанми уйингда тинчингни кўзлаб?! Ким қўйибди сен гўдакка мен билан олишишни?” деб ўйлади.

Бу пайтда замин узра қоронғилик этагини ёзиб, яна битта зимистон тун бостириб келарди.

* * *

— Ойижон, кўзингизни очинг, қўрқитманг, ойи... Ойижон! — дея йиғлаганча Дилдора онасининг бошини ердан кўтарди.

Худди шу воқеанинг устига Абдулазиз ака кириб келди. Дарвозадан кирар-кирмас ранги оқариб, кўзлари каттариб кетди.

— Нима гап? Нима бўлди? — дея бақирди.

— Ойижоним... Ойижоним! — дея олди Дилдора ва

бошини Назира опанинг кўксига қўйганча ўкириб юборди.

Абдулазиз ака югурганча келиб, қизини нари сурди-да, хотинининг бошини қўлига олиб:

— Қаққайиб туравермай сув олиб кел! — дея қичқирди.

Жойидан сапчиб турган қиз ошхона томон чопди. Ва зумда чойнакни сувга тўлдириб келди.

Юзига теккан муздай сувдан Назира опа кўзини очди ҳамда тепасида эрини кўриб йиглаб юборди.

— Ойиси... Ойиси, сенга нима бўлди? — деб сўради аёлининг ўзига келганидан кўнгли бир оз таскин топган Абдулазиз ака. Бироқ Назира опа ҳозир унинг гапига жавоб қайтарадиган аҳволда эмасди. Унинг кучи ҳўнграб йиғлашгагина етарди.

Назира опани эри уйга олиб кириб қўйганидан кейин Дилдора бир жойда туролмай қолди. Дам эшикка чиқади, дам уйга киради, нима қиларини, нима деярини билмайди. Боши ғувиллайди. Шу маҳал унинг хаёлига: “Ўзимни ўлдираман! — деган ёвуз фикр келиб ўрнашди. — Ҳа, бошқа бирорта ҳам йўл қолмади. Икром акам билан, агар Худо насиб этган бўлса, нариги дунёда кўришамиз”. У шундай ўй билан онасининг ёнига келиб ўтирди.

— Ойижон, — деди титроқ овозда, — мени кечиринг, мен аҳмоқ фарзандингизни кечиринг...

Назира опа секин бошини у томонга бурди ва шу тахлит қизига қараб тураверди.

— Ойи, — деди Дилдора кўзидаги ёшни кафти билан артиб, — майли, сиз нима десангиз шу бўлади. Мен розиман. Мен кўндим. Фақат... Фақат сиз кўрқитманг, ҳаммамизнинг бахтимизга соғ бўлинг.

Унинг гапидан кейин Назира опанинг бирдан юзи ёришди. Қўли билан Дилдоранинг қоп-қора жодули сочларини силади. “Бало экан фолбин, — дея кўнглидан ўтказди, — мени кўрқитган, ўзини жинниликка солган бўлса ҳам айтгани бўлди. Агар ҳаммаси жой-жойига тушиб кетса, битта қўй назр қиламан, умридан барака топсин”.

— Болам, — деди у хаста овозда, — кўп қайғурма, вақтида ақлингни йиғиб олибсан, энди ҳаммаси яхши бўп кетади. Чиройингни кўрган одамнинг дарров суқи киради, аслида кўзга яқин қизларнинг бошида бор бунақанги сав-

до. Энди ишингни қилавер, мен анча тузук бўп қолдим.

Ҳовлига чиққан Дилдоранинг қўли ишга бормади, хаёлини ўлим ҳақидаги фикр ва гаплари бир-биридан бачкана, турқи совуқ Карим эгаллаб олди. У бундай хаёлларни ҳайдаш учун кўп маротаба Икромни кўз ўнгига келтирмоқчи бўлди. Аммо ҳеч уддасидан чиқолмади.

Кечга бориб эса мутлақо кутилмаганда Каримнинг ойнаси кириб келди. Яна аксига олиб унга эшикни очган Дилдора рўпара бўлди.

— Вой ўзимнинг қизимдан, — дея аёл бирдан уни бағрига босди, юз-кўзларидан ўпди.

“Энди ўлдим, — дея ўйлади Дилдора, — бу хотин шармандамни чиқаради. Уйда бир кун ҳам туролмасам керак”.

— Киринг, — деди у тили базўр калимага келиб.

— Шакар тилингиздан ўзим ўргилай, — деб бирдан ичкарига юрди Каримнинг онаси.

Назира опа бу сафар совчини ҳар доимгидан ҳам илиқ кутиб олди. Улар остонада бир-бирларини кучоқлашганча анча вақт сўрашишди. Шундан кейингина уйга киришди.

Дилдоранинг ичига чироқ ёқса ёришмас эди. У бутунлай гангиб қолган, нималар бўлаётганлигига ақли етмасди. “Каримга айтмаган гапим қолмаган бўлса, бутунлай ер билан битта қилиб келган бўлсам, нега бу аёл жуда хушчақчақ? Ё у номус қилиб ҳеч нарса демадимикан? Товба, нималар бўлаяпти ўзи? Наҳотки мен ўша беўхшовга тегсам... Йўқ, мен ўламану нариги дунёда Икром акам билан бирга бўламан. Майли, у киши бошқа бировга уйлансин. Лекин кейин менинг ёнимда бўлади... Шошиб қолмаслигим учун ҳозирдан тайёргарлик кўрай... Ўлиш қийинмикан? Аввал нафасим қайтади. Сўнг оёқ-қўлим типирчилайди, аста-секин танамдан жон чиқиб кетади. Кейин тинчиб қоламан”, — дея ўйлаб, беихтиёр ошхонага кирди. Қўлига пичоқни олиб унинг тиғини секин қўлига ботириб кўрди. Танасида шунақанги қаттиқ оғриқ турдики, кўзидан ёш чиқиб кетаёзди. “Йўқ, кўксимга пичоқ уриш ярамас экан, — деб хаёл қилди у, — оғриққа чидолмасканман, яхшиси, уксус ичаман. Кечагина адам янгисини олиб келганди. Ўзиям роса тез таъсир қилса керак. Бирдан ичимни куйдириб ичкаларимни титиб ташлайди. Ўпкам, жигарим ириб кетади...” У ўзининг хаёлидан ўзи кўрқиб кетди. Эсига

бир пайтлар стол устида турган бир пиёла ароқни билмай ичиб юбориб, бутун аъзойи бадани ўт бўлиб ёнгани келди. Шу боисдан бу усулдан ҳам тезда воз кечиб, арқон ҳақида, яъни ўзини осиб ўлдириш тўғрисида ўйлади. Назарида, бу усул ўлишнинг энг осони эди. Чунки у кўпчиликнинг ўзини-ўзи осганлиги ҳақида эшитган ва агар осон бўлмаганида улар бундай ўлишни танламаган бўлишарди, деган қарорга келди...

Ҳали унинг ўйлари поёнига етмасидан бурун Назира опа ошхонага кириб келди. Газ ёнида бир нуқтага термилиб турган қизини кўриб ҳайрон бўлди.

— Ҳа, Дилдор, — деди жилмайиб, — нима қилиб турибсан?

Қиз чўчиб тушди-да, онасига юзланди. Кейин бир оз довдираб:

— Ҳалиги... Нима овқат қилишни билмай тургандим, — дея жавоб қилди.

— Овқатни қўя тур, — деди Назира опа, — ўзингдан гапир... Сенинг шунчалик пишиқлигингни онанг бўлиб билмай юрган эканман. Куёв бўлмиш билан учрашибсан. Куёвнинг айтишига қараганда, бир-бирларингга ёқибсизлар. Розилик берибсан, “Сизнинг бундай йигитлигингизни олдиндан билганимда, дарров рози бўлардим”, дебсан. Кейин: “Онангиз бугундан қолдирмасдан бизникига борсин”, деганмишсан... Бояги гапларингдан билувдим. Сен, пишиқ айтмабсан-да, совчилар бугун келишини.

Дилдора ҳайкалдек қотиб қолди. У қулоқларига ишонмаётган эди. Худди онаси бошқа гапларни гапираяпти-ю, у бошқача эшитаяпти.

— Мен... Мен...

— Тушундим, болам, — дея Дилдоранинг оғзидаги гапни илиб кетди Назира опа, — ўзимга аввалдан айтишинг керак эди-да, учрашаман деб. Бундай учрашувларга қиз боланинг бир ўзи чиқмайди. Уят бўлади. Ҳеч курса кеннойингни олиб чиқмайсанми? Ҳай майли, бўлар иш бўпти. Асосийси, бир-бирларингга ёққанларинг, ишқилиб, Худо бахтингни берган бўлсин... Ҳа, айтганча, бўлажак қайнонанг қўлингдан бир пиёлагина чой ичмоқчи бўлиб ўтирибди. Чаққон-чаққон қимирлагин-да, чой дамлаб кир.

Назира опа қандай кирган бўлса худди шу алпозда чи-

қиб кетди. Дилдора ўша қотганча қолаверди. Талай муддат ўтганидан кейин эса ўзини-ўзи чимчилаб кўрди. “Йўқ, ухлаётганим йўқ... Карим... Карим наҳотки шундай деган бўлса, унинг нияти нима ўзи? Қачон мен унга уйга ойингизни юборинг, дебман? Товба! Ахир, унга қорнимда болам борлигини айтган эдим-ку. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлганда, бошқа бировдан ҳомиладор бўлган қиз... хотинга қайси эркаклик шаъни билан уйланадими? Чойпой... Йўқ, обораман, шу билан хурсанд бўлса, ана. Барибир эртага мен йўқ бўламан. Мени бошқа кўрмайди, армонда қолмасин тагин, бечора”.

У газни ёқди-да, устига чойнак қўйиб, ўзи ташқарига чиқди. Талай муддат у ёқдан-бу ёққа юрди. Ўзича бўғилишга тайёргарлик кўриб бир неча марта нафас олмай турди. Бирор дақиқалардан зиёдроқ нафас олмасликка чидади. Ва ичида ўзига-ўзи қойил қолди.

Сўнг чой дамлаб, унга қайнона бўлмоқчи бўлиб келган аёл ўтирган хонага олиб кирди. Тагин унинг шаънига шириндан-шакар гаплар бўлди. Маликаларга қиёсланди, кўкларга кўтарилди. Фақат бахтгина унинг елкасига оғир юк бўлиб тушиши тиланди. “Ўзлари ҳам келин бўлаётганларида шунақанги гапларни эшитганмикан?” дея ўйлади Дилдора ва гўзал қадам ташлашлари билан иккала аёлнинг ҳам оғзидан сувини қочириб, кўнгилларини алгов-далгов қилиб чиқиб кетди.

Ўша куни унинг назарида вақт деган сатанг жуда танбаллик қилди. У бир дунё иш қилади, айланиб келиб соатга қарайди, эндигина беш ёки ўн дақиқа ўтган бўлади.

Ниҳоят кутилган сониялар ҳам келди. Каримнинг онаси кетиб кечки овқат ейилганидан сўнг Дилдора идиш-товоқларни чала-чулпа ювди-да, хонасига кирди. Қўлида арқон, хонани бир неча марта айланиб чиқди. Аммо бирорта ҳам баландроқдаги илгакни тополмади. Шунда унинг кўзи қандил илинган темирга тушиб, юзига қувонч югурди. Тезда юмшоқ каравотини хонанинг ўртасига суриб келиб, унинг устига чиқди. Йўқ, бўйи етмади. Ипни илгакли темирдан ўтказиш у ёқда турсин, қандилни олишнинг ҳам иложи йўқ эди. У оёғи тагига ёстиқ, бир нечта кўрпа қўйди. Шундагина бемалол қандилни олмасдан ҳам илгакли темирга арқонни боғлашга имконият туғилди. Бу ишни Дил-

дора ўта эҳтиёткорлик билан, ҳатто ўзининг ўлишини ҳам нутиб худди бир безак ўрнатаётгандай бажарарди.

Орадан анча вақт ўтганидан кейин жиққа терга ботган қиз дор тайёрлаш ишини ниҳоясига етказди. У ҳолсизланиб гилам устига ўтирди. Ўтган қисқа умрини хаёлида тиклади. Айниқса Икром билан учрашган кезларини эсланида энтикиб кетиб кўзига ёш келди ва ўрнидан туриб кетиб, дарс қиладиган столининг ёнига борди-да, шошапиша қоғоз-қалам олди.

“Ойижон, адажон! — дея бошлади номасини ва бир оз нима деб ёзишга ўйланиб, қаламни асабий равишда тишлаб туриб қолди, сўнг шахд билан ёза бошлади. — Мендан хафа бўлманглар, бошқа иложим йўқ эди. Анави турқи совуқ билан учрашганим рост. Лекин у менга мутлақо ёқмади. Агар бирорта итни етаклаб келиб, бундан кейин шу билан яшайсан десангиз, кўнишим мумкин, лекин у билан бирга битта ёстиққа бош қўйишни хаёлимга сиғдиролмайман. У менинг қалбимда шунчалик нафрат уйғотди. Ойижон, адажон, мени кечиринглар!!!”

Кўзларидан қуйилиб келган ёш қоғозга ҳам томди. Буни кўрган қизнинг баттар ўпкаси тўлиб кетди. Бошқа пайт бўлганида у думалаб-думалаб йиғлаб олар эди. Энди эса бунга вақти ҳам, хоҳиши ҳам йўқ. Қиз хатини буклаб столнинг устига қўйиб, иккинчи қоғозни олди-да, Икромга хат ёза бошлади.

“Қадрли Икром ака! Сизни севишимни уялганимдан очиқ айтолмаган эдим. Ҳозир ҳаётимнинг сўнгги лаҳзаларини яшамоқдаман... Агар мана шундай бир пайтда сизни бутун борлигим билан яхши кўришимни айтмасам, армонда кетаман... Мен ўлгач, бирор йил (агар менга нисбатан муҳаббатингиз рост бўлса) мотамда юришингиз мумкин, кейин барибир бошқа қизга уйланишингизга тўғри келади. Мен сизнинг ҳаётдан тоқ ўтишингизни ҳечам истамайман. Чиройли, ақлли қиз топиб уйланинг. Болаларингиз кўп бўлсин, қизингизга Дилдора деб исм қўйинг. Фақат ора-чора мени эслаб турсангиз кифоя. Лекин... Лекин нариги дунёни ўша рафиқангизга ваъда қилманг. Нариги дунёда сиз фақат меники бўласиз...”

Шу ерга келганда Дилдора тўхтаб қолди. Хатининг давомини ёзишга кучи етмади. Ўз-ўзидан қалбида ўша Ик-

ром уйланиши мумкин бўлган қизга нисбатан рашк пайдо бўлди. Алам билан лабларини тишлади. “Икром ака, — хаёлан севганига хитоб қилди, — қандай қилиб бегона қизга сизни топшириб кўяман! Сиз фақат меники бўлишингиз керак-ку”. У қўлидаги қаламни иргитиб юборди-да, ерга ўтириб қолди. Ҳамда тиззасига бошини кўйиб, йиғисини давом этказди. Қоп-қора узун сочларини бир неча марта юзидан олиб орқасига ташлади. Охири тақдирига тан берди. Ҳеч қачон Икромга турмушга чиқолмаслигига кўзи етди ва ўрнидан туриб улоқтирган қаламини қидириб топди ва хатини қўллари қалтираб давом этказди:

“Мен ўша сиз уйланишингиз мумкин бўлган қизни ўзимча тасаввур этдим. Тасаввуримдаги қизнинг қанчалик гўзаллигини билсангиз эди! Балки мендан айниб қолармидингиз!.. Бўлди, бошқа ҳеч нарса ёзолмайман!.. Алвидо, Икром ака!”

У бу хатни ҳам биринчисининг ёнига буклаб қўйди-да, устига: “Эгасидан бошқа бирор инсон ўқимасин!” дея ёзиб қўйди. Сўнг каравотнинг ёнига бориб ёстиқ-кўрпаларни бошқатдан тўғрилади. Кейин устидаги кийимларини ечиб ташлаб, шкафдан янги кийим олиб кийди. Елкасини ёпиб турган қоп-қора сочини таради. Сўнгра қош-кўзларини, лабларини бўяди, юзига упа-элик суртди. Ва ойна ёнига келиб сўнгги бор ўзини томоша қилди. Бир муддат қаршисидаги фаришта мисол қиздан кўзини ололмай турди. Суқланди. Кейин кўзларини чиртта юмиб орқасига бурилди-да, дадил қадамлар билан каравотининг ёнига келди. Шаҳд билан унинг устига чиқиб, дор ҳалқасини икки қўллаб ушлади. Ва сиртмоққа аввал иягини киргазди.

* * *

Полвон шошди. Чунки ҳали одам одамни бемалол кўрадиган вақт, ҳар қандай хатти-ҳаракат (айниқса кузатилаётган одамники) аниқ-равшан кўриниб турарди. Бироқ Полвон ўзининг қилаётган қилиғини Икром сезмади деб ўйлади. Ва тўппончани бир оз тортиб, ўзига олиш учун қулай қилиб қўйди.

— Бургангиз борга ўхшайди-я, — дея ясама ҳазил қилди Икром. — Бунча қатир-қутур қилдингиз.

— Бу жойларда нафақат бурга, бит ҳам топилади, — деб ўшшайди Полвон.

— Энди конкрет масалага ўтайлик. Ҳозир менга қизларнинг ҳаммасини топширасиз, мен худди ҳеч нарса бўлмагандай орқамга қайтаман.

— Шер билан боғлиқ ишга қўлингни тикдингми, охиригача бажарасан энди... Карочче, Қирғизистон орқали Афғонистондан уч юз кило қора дори келаяпти. Бу жуда катта нарса. Ўшани Саратовгача кузатиб бориш керак. Коттагина соққаси бор-у, лекин риск... Раз, эркаклик қилиб, Шернинг орқасини тозаламоқчи экансан, бунисини ҳам ўзинг бажарасан...

— Гапни айланторманг. Қизлар қаерда?

— Хорошо, — деди қўллари мушт бўлиб тугилган Полвон тишини тишига босиб, — уларни оласан, лекин бунинг учун уловиямга қўнишинг керак.

— Нашани кузатиб бориш, шундайми?

— Кузатиб борганда ҳам бевосита менинг раҳбарлигим остида, чунки сени ҳали ҳеч ким танймайди.

— Лекин Қора девни ҳамма танийди.

— Қора дев? Ким у?!

— Менинг отам бўлади. Бир пайтлар бутун шаҳарни титратган. Шундай одамни, нима, ўша Свердловскдагилар танймай қолибдими? — деди Икром бир оз гўлдайиш билан.

— Тўғриси, ўлимдан хабарим бор... Лекин Қора дев деганларидан...

— У пайтлари, ока, ҳали отангизнинг планидаям бўлмагансиз... Гап майдалашиб кетди. Бўладиган гапдан гаплашайлик.

— Оғайни, кўринишингдан томири бақувват йигитларга ўхшайсан. Бундан бу ёғига шерикчиликка ишлашни таклиф қиламан. Қора...

— Менинг сиз билан ишлаш ниятим йўқ. Шу пайтгача Шернинг қўйнида юриб, унга вафо қилмадингизми? Менга икки дунёдаям яхшиликни раво кўрмайсиз.

— Шу гапинг гапми? — деди бутунлай жаҳл отига минган Полвон йигитларини кутиш зарурлигини ҳам эсидан чиқариб.

— Мен ортиқча гапиришни ёқтирмайман, — деди унга тик боқиб Икром.

— Ҳе, валакисаланг, — дея Полвон энгашиб тўппончани

олди-да, Икромга тўғрилади, — сен итга шунча таклиф қилдим. Лекин биронтасиниям қабул қилмадинг. Худди прокурордай гўддадинг, сўроққа тутдинг. Лекин менинг кимлигимни, аллақачон шохдан баргга ўтиб кетганимни эсингдан чиқариб қўйганга ўхшайсан. Ҳозир манави матоҳ, — деб Мавлон қўлидаги тўппончани ўйнатди, — бир марта варанглайди. Кейин ўша Қора девингми, бошқасими, ишқилиб, ўшаларнинг орқасидан кетасан.

— Шу ишни чакки қилдингиз, ока, анави йигитларни эсингиздан чиқариб қўйгансиз чоғи, — дея Икром ўзлари томондан кўзларини узмай тикилиб турганларни кўрсатди.

— Улар сен асфаласофилинга жўнаб бўлганингдан кейин етиб келишади. Шундаям битта-иккитасини ер тишлатаман. Қолганларига жон ширин, яқинимга келишолмайди.

— Агар қўлингиздагидай ўйинчоқдан уларнинг ҳаммасида бўлиб, аллақачон пешонангиз мўлжалга олиниб, менинг биттагина ишорамни кутиб туришган бўлишса-чи... Шунда ҳам богча боланинг ўйинини қиласизми?.. Бир марта тирик қолиш учун Шерни ўлдирдингиз, энди ўша ўлимни текинга олишни ният қилганмисиз, дейман.

Полвон бир-икки марта тўппончасининг кўндоғини столга урди. Лекин бир хаёли уни Икромнинг олдига отиб юбориб, “ҳазиллашувдим”, демоқчи бўлди. Сўнг ниятидан қайтди. Ўрнидан сапчиб туриб, тўппончани бирдан Икромнинг пешонасига тиради-да:

— Одамларингга айт, жойларидан қимирлашмасин! — дея бақирди.

— Ўзингизни босинг, — деди Икром мумкин қадар юмшоқ гапиришга уриниб, — ҳар битта ҳаракатингиз ўзингизга ўлим тилашингиз билан тенг.

— Мен сенга айтаяпман, ит! Одамларинг қуроолларини ташлашин!

— Бўпти, — дея Икром иккала қўлини юқорига кўтариб ўрнидан турди ва йигитларига: — Жойларингдан қимирламаларинг, — деди.

— Қўлидаги матоҳларини ташласин, деяпман!!! — дея ўшқирди Полвон томоғини йиртгудай бўлиб.

— Қоронғи тушиб қолди. Уларнинг нимани ерга ташлаганини барибир кўрмайсиз.

— Гапингда жон бор, — деб Полвон секин Икромнинг

орқа томонига ўтди ва бир қўли билан душманининг сочи-дан ушлаб тўппончани орқа миясига қадади, сўнг: — Юр, — деб буюрди.

Икромнинг йигитлари саросималаниб қолишган эдилар, тўғрироғи, уларнинг учтасида қурол бор эди. Бироқ айна лаҳзада ундан ҳам умид қилиб бўлмасди. Мабодо ишлатиб қўйишса, Икромдан айрилиб қолишлари ҳеч гап эмасди.

Полвон асирини уй томон етаклади.

— Ўзингизга кўп иш орттириб олдингиз, — деди Икром аламини ичига ютиб.

— Бунисини ҳозир уйга кириб олайлик, ундан кейин кўрамиз. Унгача гинг этмай юравер! — деди Мавлон шодлиги ичига сиғмай. — Бу ёғига ҳали-замон одамларим етиб келишади. Ундан кейин кўрасан, нима бўлишини.

Икромнинг йигитлари беш-олти қадам уй томонга яқинлаша олишди, холос, қолганига юраклари бетламади. Чунки Полвондан ҳамма нарсани кутиш мумкин эди.

Уйга кириб ортидан эшикни ёпиб олган Полвон Икромни итариб юборди. Икром зарурати бўлмаса-да, ўмба-лоқ ошиб кетди. Шундан кейин уйнинг чироғи ёнди.

— Ана энди ўзингга келдинг, итнинг боласи... Эй, эсим курсин, Қора девдан тарқаган...

— ...

— Тилинг қорнингга ўтиб кетдими?.. Ҳа, сенга Шернинг оқбадан қизлари керак эди, қани, манави хонага ўтчи?! — деб Полвон тўғридаги нақшинкор эшикни кўрсатди.

Икром секин ўрнидан турди ва битта-битта қадам босиб кўрсатилган эшик томонга юрди. Эшик ёнига етганида орқасидан “ширқ” этган овоз эшитилди. Бу тўппончанинг энди ўқланганини билдирар эди. Икромнинг ичидан бир нима узилгандай бўлди ва эшик тутқичини ушлаганида қўли қалтираб кетди. Хонага кириши билан мутлақо кутилмаганда жағига мушт келиб тушди. Энди ҳақиқатан ҳам нима бўлаётганини англай олмай ёни билан ерга йиқилиб тушди.

— Боладинг! — дея қийқирди Полвон қўлларини мушт қилиб турган Зебрага илжайиб. — Бу итдан бўлганларнинг абжағини чиқариб ташлаш керак!

Икромнинг бурни қонади. У қонни қўли билан арта-

арта ўрнидан турди. Қўллари мушт бўлиб тугилган йигитни кўрқув бутунлай тарк этган эди. Бунинг сабабини унинг ўзи ҳам билмасди. Бир-бирлари билан илжайишиб турган рўпарасидаги иккала душманини ҳам ғажиб ташлагудай важоҳатда эди.

— Хўжайин, — деди бирдан туси ўзгарган Зебра киприклари пирпираб, — телефон нимагадир ишламаяпти. Ҳеч кимни чақиролмадим.

Полвоннинг тепа сочи тикка бўлди. Юзидан қони қочди. Ва шунақанги кўпол сўкиндики, уй тўрида ҳамон қўли боғлиқ ҳолда полга юзтубан ётган Дилоромнинг эти жи-мирлаб кетди.

— Ишламайдиам, — дея бурнини тортди Икром, — сим узилган.

— Вой, мараз! Вой, итдан тарқаган! — деди Полвон кўзи косасидан чиққудек бўлиб чақчайиб.

— Сиз ўйлаганчалик гўл эмасмиз ҳар...

Икром гапини тугатолмай, биқинидан тепки еди. Ва бу сафар атайлабдан полга қулади.

— Йўқ, — деди Полвон тўппонча ушлаган қўлини қимирлатиб, — келиб-келиб сен гўдакнинг қўлига тушиб қоламанми? Қараб тур, ҳозир сента битта томоша кўрсатаман. Ундан кейин пешонангдан дарча очиб қўяман. Сўнг нима иш қилишимни сен кўрмайсан. Шотирларингни эртадан бошлаб биттама-битта йўқ қиламан...

У гапириб бўлгунича ўзини мутлақо бедармон кўрсатаётган Икром инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди.

— Манавини қара, — деди Полвон уни бармоғи билан ниқтаб Зебрага кўрсатар экан, — яна икки марта туртиб юборсам, ўн жонидан биттаси қолмайди, шу ҳолига гўддайиб менинг олдимга келибди. Лекин ҳозирча ўлдирмай тураман, томошани кўрсин, кейин, — дея Мавлон қўлидаги тўппончасини Зебрага узатди. Икром худди ана шу лаҳзани кутаётган эди. У Зебра ҳали тўппончани ушламай туриб қўлига тепиб юборди. Мўлжал аниқ бўлди. Тўппонча шифтга тегди-да, полга кўкрагини берганча уришаётганлардан кўзиңи узмай ётган қизнинг ёнгинасига келиб тушди. У нималар бўлаётганини фаҳмлаб турганидан сурилиб жон олувчи темир дастакнинг устига ётиб олди.

Полвон билан Зебра бир муддат саросималаниб қолиш-

ди. Бундан фойдаланган Икром Зебранинг оёқлари орасига иккинчи зарбани беришга улгурди.

— Итдан тарқаган!!! — дея ўкириб юборган Зебра букчайиб қолди. Полвон эса мутлақо кутилмаганда ўзини эшикка урди. Икром унинг ортидан қувмай, Зебрани тепкилашга тушди. Бу сафар унинг пойабзали Зебранинг бурнига келиб тегди-ю, у орқасига отилиб кетганча полга гурсиллаб қулади. Шундан кейингина Икром югуриб борганча қизни бир оз суриб тўппончани олди ва Полвоннинг орқасидан аввал кирган хонасига эҳтиёткорлик билан ўтди. Бироқ у хонада Полвон йўқ эди. У аллақачон яширин йўл — уй тўридаги шкаф ортига беркитилган эшикдан чиқиб қочиб кетган эди. Бундан кўрган Икром мийиғида кулдида, сўкиниб қўйди ва ташқари эшикни очиб, йигитларига тез келишни буюрди.

У Зебра билан қиз ётган хонага кирди-ю, жойида қотиб қолди. Полвоннинг ўринбосари қизнинг бўғзига ошпичоқ тираганча, бурнидан оқаётган қонни ора-сира артиб илжайганча турарди.

— Агар яна ичкарига бир қадам боссанг, сўяман! — деди у Икром кирган заҳоти.

— Эсингни йиғ, — деди Икром ўзини хотиржам тутишга уришиб, — менинг сенга тегиш ниятим йўқ.

— Бу гапингни кўчадаги ёш болага айтасан, қиз мен билан бирга кетади. Шунда хавфсизроқ бўламан. Бўлмаса сендан ҳар балони кутиш мумкин.

— Ўлдираман! — деди Икром кўзлари ёниб. — Битта сочи тўкилса, бутун уруғ-аймоғингни йўқ қиламан. Сингилларинг билан хотинингни ўғилларингнинг остида кўрасан!

— Мен уларнинг ҳаммасидан аллақачон кечиб бўлганман. Менга ўзимнинг жонимдан ширинроғи йўқ, тушундингми, пандовақи? — дея Зебра пичоқнинг учини қизнинг томоғига озгина ботирди. Шу ондаёқ пичоқ изидан қон сизиб чиқди. Қиз инграб юборди. Икромнинг кўзи косасидан чиқиб кетай деди.

* * *

“Шаҳар тинчиб қолибдими? — таажжубланди Абдуҳамид машинада аэропорт томонга кетиб борар экан. — Нега бундай? Наҳотки ҳамма тирикчилигини унутиб қўйган

бўлса, бола-чақа боқишни ўйламаса, бари бемалол, бамай-лихотир кетаяпти. Шошилмайди ҳеч ким ҳеч қаёққа. Ҳамма гафғони Шер қилиб юрган экан-да”.

У самолётга чиқиб ўтирганидан кейин ҳам талай муддат ўша жимжитлик тўғрисида ўйлади. Аммо ўйи ҳақида ёнида ўтирволиб қайсидир қўшиқни хиргойи қилаётган Жўмардга бир оғиз ҳам гапирмади. Сўнгроқ улар манзилга етиб борганларидан кейин аэропорт ичида:

— Бизни одамга ўхшаб қабул қилармикан? — деб сўраб қолди.

Жўмард елкасини қисди, сўнг лабини буриб:

— Билмадим, — дея жавоб қилди.

Бу мавҳум жавоб Абдуҳамидга ёқмади.

— Хотинларга ўхшайсан-а, эркакка ўхшаб жавоб берсанг ўласанми! — деб уни койиди, кейин: — Аввал гастинсага жойлашамиз, — деди.

Улар аэропортдан чиқиб такси тўхтатишди. Тўғри “Дўстлик” меҳмонхонасига боришиб, иккинчи қаватдаги махсус хонага жойлашишди. Жўмард буфетга чиқиб келди. Битта ароқ ва турли гўштли-гўштсиз газак кўтариб келди. Битта ароқ икки кишининг оч ичагига юк ҳам бўлмади. Жўмард яна битта олиб келмоқчи бўлганида Абдуҳамид тўхтатди.

— Жа, учиб қолмасдан сал одамга ўхшаб борайлик, — деди у.

— Хўжайин, бугун дам олиб, эрта-перта борсак бўлмай-дими? Боя буфетчи билан гаплашгандим, иккита оқбаданни жўнатаман, деди. Бир кеп қопмиз...

— Сенга маишатдан бошқа нарса керакмас-да, баччагарнинг боласи, мен нима ўйда куйиб юрибман-у, топган гапингни қара! Иш битсин, ундан кейин маишат қилиш қочмайди, — Жўмардни жеркиб берди Абдуҳамид. — Ҳозир пастга тушиб такси ушла, мен бир оздан кейин тушаман.

Абдуҳамид келиб машинага ўтирганидан кейин Жўмард:

— Волгоград кўчаси, ўттиз учинчи уйга борамиз, — деди шофёрга русчалаб.

Қора кепка кийиб олган сариқ мўйловли ҳайдовчи манзилни эшитиши билан шартта Жўмард томонга бурилиб қаради.

— Нотўғри айтдимми? — деди унинг қарашига жавобан Жўмард.

— Тўғри, лекин ўзларинг адашмасдан...

— Сенга айтилдими, ҳайда! — деди унинг гапини бўлган Абдуҳамид пўписа аралаш.

— Гап йўқ. Биз мижоз қаерга деса шу ёққа ҳайдайверамиз, — дея минғирлаб қўйди ҳайдовчи ва машинасини ҳайдаб кетди.

Улар тўрт қаватли бино ёнига етиб борганларида кун пешиндан ўтган эди. Абдуҳамид билан Жўмард биринкетин машинадан тушишди-да, иккаласи ҳам бараварига рўпарасидаги уйга қарашди. Бу уй ёнидагиларга нисбатан анча ғариб кўринди уларнинг кўзларига.

— Бугун союзга донғи кетган одам шу ерда турармикан? — дея ажабланиб Жўмардга қаради Абдуҳамид.

— Қайдам. Балки маскировкадир?

— Майли, нима бўлса бўлди. Ё устидан, ё остидан, номери неча экан квартиранинг?

Жўмард кўйлагининг кўкрак чўнтагидан кичкинагина қоғозча олиб:

— Қирқ тўртинчи, — деди.

Кўнглида не бир орзу-ниятлар билан бирга Абдуҳамид йигити ортидан тўртинчи йўлакка кириб учинчи қаватга кўтарилишди. Мис тахтачага қирқ тўрт рақами ёзилган қоп-қора эшик рўпарасида хўжайин билан ўринбосар бир оз туриб қолишди. Бирор муддат на униси ўзининг ихтиёри билан қўнғироқ тугмачасини босди ва на бунисининг тили калимага келди. Ниҳоят Абдуҳамид диққатини эшик тепасидаги қип-қизил чироқчадан узмаган кўйи Жўмардни туртди.

Кўнғироқ чалинганидан кейин бир оз ўтиб:

— Ким?! — деган бўғиқ овоз келди ичкаридан.

— Мен, биз, — деди унга жавобан ютиниб олган Абдуҳамид.

Эшик қулфининг “шарақ-шуруқ” этган овози келди. Келувчилар бир-бирларига қараб олишди.

— Кимсанлар? — дея сўради эшик очилганидан кейин бўйи икки метрлар чамаси келадиган кенг елкали, соқсоқоли тап-тақир қилиб олинган, қошу киприкдан асар

ҳам йўқ, бир кўзи ғилай, иккинчиси шиша кўз, девдай бир одам.

Уни кўришлари билан келувчилар бир қадам ортга тисарилишди.

— Нега келдинглар?! — деди “Дев” бу сафар жаҳл аралаш.

— Акахонда ишимиз бор эди, — деди Абдуҳамид бошқа гап тополмаганидан қизариб.

— Кутиб туринглар, — деди “Дев”. Ўшандагина Абдуҳамид унинг рус тилини бузиб гапираётганини сезди.

“Дев” ичкарига бир кириб чиқди-да:

— Киринглар, — деди. Остонада эса “меҳмонлар”нинг ҳаммаёғини тинтиб чиқди. Ва Жўмарднинг қўйнидаги ханжарини олар экан: — Бу билан кириш мумкин эмас, — дея мийиғида кулиб қўйди.

Уйнинг ичида бирорта ҳам гилам йўқ эди. Ҳаммаёқда фақат стол-стул, шкафлар ва юмшоқ ўриндиқлар бор эди. Буларни кўрганидан кейин Абдуҳамиднинг баттар таажжуби ошди: “Бошқа жойга адашиб келиб қолмадикмикан...”

Дев уларни кичкинагина хонага бошлаб кирди. У ерда ёши элликлардан ошган паст бўйли, кўзойнак таққан киши илжайиб кутиб олди.

— Қани, манави ерга ўтиринглар, — деди у паст овозда юмшоқ ўриндиқларни кўрсатиб.

Абдуҳамид билан Жўмард ёнма-ён ўтиришди.

— Кўринишларингдан узоқ йўл босиб келганга ўхшайсанлар, аввал томоқни ҳўллаб оламиз, ундан кейин қанча гап бўлса гаплашаверамиз... Ҳа... Ҳа, эсимдан чиқибди, мени оддийгина Петка деб чақирсанглар бўлади. Асли исимим Пётр Самойлович, — деди мезбон майин овозини баттар майинлаштириб.

— Меники Абдуҳамид, шеригимники Жўмард. Сиз билан танишганимиздан бошимиз осмонда, — деди Абдуҳамид ҳам мумкин қадар истаралироқ илжайишга уриниб.

— Жудаям яхши, — деди Петка.

Шу маҳал “Дев” патниснинг устига учта стакан, иккита коньяк ва ликопчада шоколад қўйиб кўтариб кирди. Унинг кириши билан тагин меҳмонларнинг юзидан қони қочди.

Петка дарров коньяклардан биттасини очиб, стаканлар-

ни тўлдирди. Ва аввал стаканлардан бирини ўзи қўлига олиб:

— Қани танишганимиз учун биттадан отайлик, — деди.

Бироқ ўзи қадаҳни лабига теккизар-теккизмас қайтариб столнинг устига қўйди. Абдуҳамид ҳам худди шундай қилди. Аммо Жўмард бир кўтаришда қадаҳни оқлаб қўя қолди.

— Хўш, Абдуҳамид, — деди Петка кулиб, — бизга нима юмушларинг тушиб қолди?

— Мен кўнгилларингизга озгина оғир ботадиган хабар билан келдим. Шунинг учун олдиндан узр сўраб қўймоқчиман. Асли Шернинг юртдошиман...

— А-а-а, — Петканинг юзи ёришиб кетди, — шунақами? Акамиз яхши юрибдими?..

Абдуҳамид бирдан бошини эгди, буни кўрган Жўмард ҳам шундай қилди.

— Тинчликми? — дея сўради Петка ҳайрон бўлиб.

— Минг афсуски, окамиз бизни аро йўлда қолдириб кетди.

— Аниқроқ! — деди бу сафар Петка овозини хиёл кўтариб, пешонасини тириштирар экан.

— Ўлди.

— Ўлди! Қанақа қилиб ўлади? Нега бизнинг хабаримиз йўқ?! Касал-пасал эмасди-ку! Нима деб вайсаяпсанлар! — дея Петка ўрнидан туриб кетиб мезбонлигини унутганча пўписа қилишга ўтди.

Ҳозиргина мулойимгина бўлиб турган одамнинг кескин ўзгариб кетиши Абдуҳамид билан Жўмардни шошириб қўйди. Улар ҳам ўринларидан туриб кетаёзишди.

— Тўсатдан ёрдамчиси Мавлон ўлдириб қўйди! — дея жавоб қилди Абдуҳамид ҳаяжондан қалтираб.

— Мол... Мол нима бўлади энди? — дея Петка ўзига ўзи гапириб у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. — Саша! Сашка! — деб бақирди сўнг эшикка қараб.

Зум ўтмай ҳалиги девқомат қўриқчи пайдо бўлди.

— Семён Эдуардовичга зудлик билан кўнғироқ қилиш керак. Аҳвол чатоқ! — деди унга Петка.

Саша шу ондаёқ ортига бурилди. У чиқиб улгурмай Петка ҳам унга эргашди.

Улар аллақанча муддат йўқ бўлиб кетишди. Бу вақт ичида Абдуҳамиднинг бўлари бўлди. “Қаердан ҳам шу ерга

келдим? Индамайгина тирикчилигимни қилиб юрсам бўлмас-миди? Келиб-келиб қаердаги пандавақининг гапларига кирдимми? Ишқилиб, бу ердан тирик чиқиб кетай-да. Худонинг ўзи шу сафар ҳам қўллаб юборсайди”, дея ўйлар эди у. Аммо хаёлидан ўтганларни йигитига айтмади. Айтишга қўрқди. Тўғрироғи, анавиларнинг эшитиб қолишидан чўчиди. Шу боис жим ўтиришни маъқул топди. Жўмарднинг эса парвойи фалак эди. У ўзини жуда бемалол тутар ва ҳатто ҳадди сиғиб коньякдан бир қадаҳ сипқориб ҳам олди.

— Сен каттамисан? — сўради Петка қайтиб кириб Абдуҳамидга.

— Ҳа, — дея жавоб қилди Абдуҳамид ўрнидан туриб.

— Юр. Йигитинг шу ерда қолади. Қайтиб келишимизни кутади. Агар қайтсак...

Петканинг сўнгги гапидан Абдуҳамиднинг юраги тово-нига тушиб кетди. Ичида қайта-қайта йигитини сўқди. Сўнг битта-битта қадам босиб эшик томонга юрди.

Улар ўтирган машина шаҳар ичидаги бирорта ҳам қизил чироқда тўхтамай катта тезликда кетар экан, йўл-йўлакай битта-иккита ола таёқ ушлаганларнинг “тўхта”, дея қилган ишорасини пайқамасликка олишарди.

Ўн беш дақиқа ичида оппоқ “ГАЗ-24” шаҳардан ташқарига чиқиб кетди. Бирор йигирма чақиримдан кейин эса қалин, худди девордай бир текис ўрмон бошланди.

Машина ичидагиларнинг ҳаммаси жим эди. Биров бир оғиз гапирмасди. Абдуҳамиднинг нафаси ичига тушиб кетганидан ташқаринигина кузатиб борар эди, холос. У хаёлан минг бир кўчага кириб чиқар, бироқ барининг боши берк бўлар эди. Шунингдек, машина ичидаги жимжитлик ҳам борган сари азоб исканжасига тортаверар, бундан унинг жони ҳалқумига келаёзганди. Ва ҳаттоки бунақанги жимжитлик ва кутишдан қийналиб бўлса ҳам ўлишни афзал билиб қолди.

Ниҳоят ўрмонзор поёнига етиб яланглик бошланди. Абдуҳамид энди дераза ойнасидан узоқ-узоқларни ҳам кўра олар ва шунинг билан бир қаторда юртини соғиниб, ичкарди. Кўнглига оний лаҳзаларда раҳм-шафқат деган бир туйғу келиб ўрнашди. Бироқ у ҳазм бўлишга улгурмасдан

қандайдир туман орасига кириб яна кўздан ғойиб бўлди. Чунки бу пайтда машина манзилга етиб келган эди.

Улар етиб борган жойнинг тиканли сим тортилган деворлар билан ўралганини кўрган одам ҳеч иккиланмасдан қамоқхонага келганини айтарди. Бу ерга нега келганликларига ажабланган Абдуҳамид ёнида бир сиқимгина бўлиб ўтирган Петкага қаради.

— Сен, — деди Петка кўзойнагини тўғрилаб қўяр экан, — у ёғига бир ўзинг борасан. Ҳамма нарса гаплашилган, дарвоза ёнига боришинг билан кўриқчилар ичкарига кириштишиб, тўғри Семён Эдуардовичнинг ёнига олиб боришадди. Сени биз шу ерда кутамиз... Балки кутмасмиз, зарурати бўлмас. Шефга ёқиб қолсанг олиб қолар.

Петка сўнгги галини илжайиб, Абдуҳамиднинг юрагига кўрқув солиб айтди. Ҳамда узалиб Абдуҳамид ўтирган томоннинг эшигини очди.

Унинг айтганидай бўлди — Абдуҳамид улкан дарвоза ёнига етиши билан ҳарбий кийимдаги иккита аскар чиқиб ундан исмини сўрашди ва у ёқ-бу ёққа қараб олишгач қоровулхона орқали ичкарига олиб киришди. Абдуҳамид умри бино бўлиб ҳали бирор марта ҳам бунчалик кўрқинчли, хунук жойни кўрмаган эди. Ҳаммаёққа шунақанги кўп тиканли сим тортилган эдики, бу ерга биринчи марта кирган одамнинг юраги орқасига тортиб кетарди.

Улар тўртта текширув пунктдан ўтганларидан кейин узун қилиб қурилган, ойналарига панжара-ю турли тунукалар қоқиб ташланган икки қаватли бинонинг тўғриси-дан чиқишди. Бироқ аскарлар бинога бошлашмади. Икки томони тиканли симдан иборат йўлча орқали айланиб ўтишди. Сўнг яна худди шундай иккита бинодан ўтганларидан кейин Абдуҳамид дуч келган манзарадан оғзи очилиб қолди.

Унинг рўпарасида қасрмонанд баланд иморат қад ростлаб турар, унинг олд қисмида нақшинкор айвон, кейин зина, ундан берироқда фаввора отилиб турарди. Не ажабки, мана шундай қаср ҳам тиканли симлар билан ўралган бўлиб, унга кириш учун ҳам алоҳида қоровулхонадан ўтилар ва у ерда аскарларнинг ўрнида иккита девқомат йигит қоровуллик қиларди.

Абдуҳамид шу ерга етганидан кейин текширув қилинди. Нозик жойига қоровулнинг қўли текканида қитиғи келиб,

кулгиси қистади. Бироқ тишини-тишига босиб чидаб турди. Текширув ниҳоясига етганидан кейин аскарлар орқасига қайтишди. Бу ёғига жинси шим ва юпқа кўйлак кийган йигитлардан бири бошловчилик қилди.

Абдуҳамид қасрга кирганидан кейин оғзи ланг очилиб қолди. Баланд деворларга алақандай нақш берилган, у ербу ерида турли-туман қушларнинг сурати чизилган ва тўрда икки одам бўйидан ҳам катта қандайдир сариқ сочли жувоннинг яланғоч сурати кирган кишининг бирдан кўзига ташланар эди. Шифтдаги улкан қандил эса турли рангда товланиб турарди. Абдуҳамид бир оз муддат қаерга келиб қолганини билолмай гарангсиди. Сўнг бу кенг (тахминан мактабдаги спорт залининг ярмига тенг келадиган) хонанинг ўртасидаги думалоқ айлана стол атрофида ўтирганларни кўриб, кимнинг олдига келганлиги қайтадан эсига тушди.

— Кел, — деди ўтирганлардан биттаси. Абдуҳамид стол атрофидаги тўртта одамнинг қайси бири гапирганини билолмади. Аммо чақирувни эшитган заҳоти ўзини ҳеч қандай ҳаяжонга берилмагандай кўрсатиш учун илдам юриб айлана стол ёнига борди.

— Отинг Абдуҳамид экан, — деди оғзи-бурнини қорамато билан ўраб олган, сочи қордай одам нигоҳини Абдуҳамидга қадаб, — қолган маълумотларингниям ўзинг айтиб берибсан. Ҳаммасини эшитдим. Хўш, Шер ўлдирилибди. Унга шунчалик жонкуяр экансан, кўзинг қайси гўрда эди?

— Мен, — деди Абдуҳамид нигоҳини олиб қочаркан, гапига бирорта ёлғон ишлатиб қўйса, оқибати нима билан тугашини англаб етиб, — бошқа тўданинг одамиман, тўғрироғи, кичкина бир гуруҳга бошман. Биз мустақил иш тутамиз.

— Унда нега менинг ёнимга келдинг? Юравермайсанми майдакашлигингни қилиб!

— Шер билан яхшигина салом-алигимиз бор эди. Орачора кўришиб турардик. Унга ўзининг ёрдамчиси хиёнат қилди. Қулай пайтини топиб отиб ташлади... Бир ўзининг унга кучим етмайди. Шунинг учун ёрдам сўраб ёнингизга келдим. Хиёнаткор жазосини олиши керак.

— Ҳм, — деди Абдуҳамид Семён Эдуардович деб тахмин қилган одам, — ҳаммамиз куни келиб итдай ўлиб кетамиз.

Шунгаям ваҳимами? Лекин шунчаки ўлиб кетиш йўқ бизнинг қонунларимизда. Мавлонни яхши танийман, бир сафар Шер билан бирга келган эди. Кўринишидан туппатузук эди-ю, одамнинг оласи ичида бўларкан-да. Хўш, биз Мавлонни йўқ қилиб юбордик, дейлик, бунда сенга нима манфаат бор?

— Хизматингизни қилиб юрсам девдим-да...

— Вой тулки, ҳали бутун бошли республикага эга чиқишни хоҳлаб қолдингми? Туя ҳаммомни орзу қилганидай, а? — деди Семён Эдуардович ва ёнида ўтирган устига ақалли кўйлак киймаган, семизлигидан ияги кўкрагига тутшиб кетган, ўйиб чизилган суратларнинг кўплигидан баданида бўш жой қолмаган, бошида бирорта ҳам туки йўқ одамга юзланиб: — Аслан, бу боланинг саводи йўққа ўхшайди, ўзинг яхшилаб тарбиялаб қўй, — деб буюрди.

Абдуҳамиднинг юраги “шув” этиб кетди. Аслан исмли бақалоқ эса столнинг тагидан олдим, ёки қўлини пастга қилиб ушлаб тургандими, бунисидан Абдуҳамиднинг хабари йўқ, бир ярим қарич келадиган иккита ханжарни чиқариб, столнинг устига қўйди-да, ўзи ақлини киритиши лозим бўлган одамга қараб ўшшайиб ўрнидан турди. Лапанглаганча Абдуҳамиднинг ёнига келиб секин унинг қулоғидан тортди. Сўнг шу алпозда ўзи ўтирган жойга олиб борди-да, иккинчи қўлига ханжарлардан бирини олди.

* * *

Абдулазиз ака зарурат юзасидан ташқарига чиқаётганида Дилдоранинг хонасида чироқ ёниқлигини кўрган эди. Шунингдек, ўртада алланима осиглиқ турганлигига ҳам назари тушганди. Бироқ уйқули кўзлар ҳеч нарсани англай олмади. У ташқарига чиқиб бир оз тоза ҳаводан нафас олиб, уйқуси ҳам қочиб айвонга кирди-да, “Дилдора нега чироқни ўчирмабди?” деган хаёлда қизининг деразаси ёнига борди-ю, кўзи қинидан чиқиб кетаёзди. Ва бақаришни ҳам унутиб эшик томонга югурди.

— Дилдора-а! — дея ўкириб юборди у сиртмоққа бошини тикиб бир нуқтага термилиб турган қизига.

Дилдора чўчиб тушди-да, овоз келган томонга қарайман деб оёғининг остига тахлаб қўйган кўрпачани тепиб юборди. Ҳамда “Вой!” дея нола қилишгаям улгурмасдан бўғи-

либ қолиб типирчилай бошлади. Ота жон ҳалпида келиб қизининг оёғидан ушлаб кўтарди-да:

— Бошингни чиқар! Бошингни чиқар!!! — дея жон жаҳди билан бақирди. Унинг овози шунчалик баланд эдики, нариги хонада бутун ғаму ташвишлардан холи бўлиб мириқиб ухлаётган Назира опа ҳам уйғониб кетди-да, уйқуси бузилганидан асабийлашиб ўрнидан туриб ўтирган маҳал қичқириқ яна бир марта такрорланди. Шундан кейингина у шоша-пиша ташқарига чиқди.

— Жон қизим, эркатойим, болагинам! Мен сени кўтариб турибман, бошингни чиқар! — дея ялиниб кўзидан ёшини дув-дув оқизаётган эди бу маҳал Абдулазиз ака.

Назира опа манзарани кўрди-ю, капалаги учиб кетди ва у ҳам ҳовлиққанча Дилдоранинг хонасига кириб:

— Вой, Дилдор! Вой ўламан, Дилдор! Нима қилиб кўйдинг, қизгинам! — дея айюҳаннос сола бошлади.

— Бошини сиртмоқдан чиқар, бўл тез! — деб бақирди хотинига Абдулазиз ака.

Назира опа эрининг буйруғини эшитиши билан шошганча каравотнинг устига чиқди ва сиртмоқ томон кўлини чўзиб секинлик билан қизининг бошини чиқариб олди-да, ўзи чалқанчасига каравотга қулади.

Абдулазиз ака эҳтиёткорлик билан қизини ерга ётқизганидан кейин:

— Назира! Хотин! Тур ўрнингдан... Юрагимни ёриб ажалимдан беш кун олдин ўлдириб юборасанлар, сен ифлослар! — дея ўкириб юборди.

Бу маҳал шовқин-сурондан уйғониб кетган ўғил ҳам Дилдоранинг хонасига келган эди. У онасининг аҳволини кўрди-ю, югуриб бориб ошхонадан бир челак сув кўтариб келди. Ва тиз чўкиб ўтириб қолган отаси, гилам устида чўзилиб ётган синглисига ҳам эътибор бермай, онасининг юзига сув сепа бошлади.

Аммо онаси кўзини очмади. Қимир этмасдан ётаверди. Шунда ота-боланинг капалаги учиб кетди.

— Ойи... Ойижон! — ваҳима билан шивирлади Баҳром.

— Онаси, онаси! — дея хотинининг тепасига келиб унинг кўлини ушлади Абдулазиз ака.

Дилдора эса на акасининг ва на отасининг гапини эшитди. Ранги докадай оқарганча, гилам устида бир нуқтага терми-

либ, сассиз, садосиз ётарди. Гўёки аллақачон нариги дунёга сафар қилган-у, бу дунёнинг ҳамма ташвишларини унутгандай.

— Тез бўл, — деди Абдулазиз ака ўглини турткилаб, — “Тез ёрдам”га телефон қил.

Баҳром эшик томонга югурди. Худди шу маҳал Абдулазиз ака аёлининг кўкрагига бошини қўйиб, сустлик билан ураётган юрак товушини эшитди ва бир оз кўнгли таскин топиб, Назира опани кўтарди-да ўглининг ортидан юрди.

Дилдора мутлақо ҳамманинг эсидан чиқди. Унинг ўлик-тириклиги билан бировнинг иши бўлмади.

Ярим соат деганда “Тез ёрдам” машинаси етиб келди. Шошганидан бошига қалпоғини кийишни ҳам унутган оқ халатли аёлнинг сочлари тўзғиган эди. Бу унинг чақирувгача ёки ундан кейин машинада ухлаганини билдирарди.

У Назира опанинг қон томирини ушлаб кўрди, сўнг юрагига қулоқ солди ва бошини чайқаб муолажага тайёрланди. Бемор танасига игна санчилса ҳам қимир этмади. Бундан Абдулазиз ака ўтақаси ёрилганча умид кўзини дўхтирга тикди.

— Тезда касалхонага олиб бориш керак, инсультга ўхшайди, — дея жавоб қилди дўхтир унинг қараши маъносини тушуниб.

— Бўлмаса, — деди довдираб қолган Абдулазиз ака, — шошайлик, тезлаштирайлик.

У ҳар доим оғир беморларнинг машинага чиқишига ёрдам берадиган ҳайдовчини кутиб ўтирмади. Аёлини кўтариб дарвоза томон юрди. Унга Баҳром ҳам эргашди.

— Сен қол! — дея бақирди унга отаси. — Синглингнинг олдида ўтир, бир қадам ҳам ёнидан жилма!

— Ойим...

— Ойинг билан ишинг бўлмасин, — дея уни гапиришга қўймади Абдулазиз ака.

Назира опа тонг энди бўзариб келаётган маҳал ўзига келди. Аввалига қаерда ётганини билмай ён-атрофига қаради. Ёнгинасидаги стулда мулғиб ўтирган эрига таажжубланиб қаради:

— Дадаси.

— А!.. Назира, ўзингга келдингми? Хайрият-э, одамнинг

юрагини ёриб юбординг-ку, — Абдулазиз ака ўрнидан туриб кетди.

— Мен қаердаман? — сўради Назира опа ҳамон атрофга олазarak боқар экан.

— Касалхонада.

— Касал... касал... Касал бўп қолдимми? — дея эрига термилди Назира опа, худди шу маҳал унинг кўз ўнгида ўзини осаётган қизи пайдо бўлган эди.

— Дилдора, Дилдорам қани менинг?! — деб йиғлаб юборди у.

— Дилдора уйда, онаси, соппа-соғ, сенинг ўзинг мени кўрқитиб юбординг-да...

— Йўқ, алдаяпсиз! — деди Назира опа эрининг гапига ишонмай. — Болам бечоранинг осилиб турганини...

— Ўзинг уни сиртмоқдан чиқариб олдинг-ку, ҳозир жудаям афсусда, роса кечирим сўраяпти, шайтон бир марта йўлдан оздирган-да, ёшлик қилган... — аёлини юпатишга тушиб кетди Абдулазиз ака.

— Мен кетаман, ҳозироқ кетаман, уйга олиб боринг мени, Дилдорани кўрмасам, ўлиб қоламан, — дея баттар хўнграб йиғлашга тушди Назира опа.

— Сен жойингда қимирламай ётавер, сенга мумкинмас... Дилдоранинг ўзи келади, ҳали-замон акаси иккови келиб қолади, безовталанма.

— Йўқ, дадаси, кетмасам бўлмайди. Кўнглим ниманидир сезаяпти, сиз мен алдаётгандай туйилаяпсиз.

— Сени бирор марта алдаганманми? Рост гапираяпман.

Назира опа бошини деворга буриб, “пиқ-пиқ” йиғлашга тушди. Бирор муддат унга қараб турган Абдулазиз ака чидолмаганидан эшик томонга юрди ва дарров уйқусираган дўхтирни етаклаб келди.

— Яхши, — деди дўхтир Назира опанинг қон томирини ушлаб кўраркан эснаб, — хавотир оладиган жойи йўқ.

— Унда, — деди Назира опа бошини хиёл кўтариб, — кетсам бўлавераркан-да?

— Нималар деяпсиз, опа? — деди дўхтир қаддини тиклаб. — Бир-икки кун ётишингизга тўғри келади. Ҳар қалай, бу ерга оёгингиз билан келганингиз йўқ. Сизга жавоб бериб айбдор бўп қолишни истамайман.

Назира опанинг ҳамма умидлари сўнди. Дўхтирнинг ортидан алам билан қараб қолди.

Баҳром уйга қайтиб кирганидан кейин синглизининг устига чойшаб ёпиб қўйди-да, ўзи каравотга суяниб бошини шифтга қаратди-ю, эсхонаси чиқиб кетди. Унинг шундоққина тепасида дор сиртмоғи элас-элас қимираб турарди. У бу манзарани кўриб эти жунжикиб кетди ва ўрнидан сапчиб туриб:

— Дилдор! Дилдора!!! — дея бақириб юборди.

Бу маҳал қизнинг кўзи уйқуга энди кетган эди. Акасининг овозидан чўчиб уйғониб кетди-да, бошини кўтарди.

— Нима бу, нима?! — деди Баҳром пишқириб сиртмоқни кўрсатар экан.

Дилдора каравоти тепасига қаради-ю, бирдан йиғлаб юборди.

— Энди билдим, ойимнинг нега ўзидан кетиб қолганини, сен ифлос нима қилмоқчи бўлдинг-а! Айт, нима қилмоқчи бўлдинг?!

— Ака... Акажон! — дея кўзидаги ёшни кафти билан артди Дилдора. — Мени... мени мажбурлаб эрга бермоқчи бўлишяпти!

— Бор-йўғи шумиди?! — дея тиззалаб ўтириб қолди Баҳром. — Ҳали шуни деб ўзингга дор тайёрладингми?! Сенда ота-она йўқми, сен уларни ўйламадингми?.. Айтиб қўяй, — деб ўрнидан турди Баҳром қўлини ҳаволатиб, — ойимга бир гап бўлса, сенга дорнинг кераги бўлмайди. Ўзим сени ўлдираман! Эшитаяпсанми, ўзим ўлдираман!!!

У сакраб каравотнинг устига чиқди-да, сиртмоқни ечиб олиб эшик томонга ирғитди, сўнг ҳолсизланиб ўтириб қолди.

— Акажо-он! — дея ўрнидан туриб чўккалаб ўтирди Дилдора. — Мени кечиринг, кечиринглар мени, бошқа бундай қилмайман!!!

— Устингга бирон нима ташла, ҳе шарманда, — деди Баҳром синглизининг яланғоч елкасига кўзи тушиб. У аввал Дилдоранинг устига чойшаб ташлаб қўяётганида ҳам уни бундан баттарроқ аҳволда кўрган эди, аммо у пайтда синглизини ухлаётганлиги учун безовта қилмай, устини ўзи ёпиб қўйган эди.

Дилдора “пиқ-пиқ” йиғлаганча чойшабга ўраниб ўрни-

дан турди-да, шкафдан халатини олиб кийди. Ва эшик томонга юрди.

— Қаёққа? — сўради Баҳром.

— Юзимни ювиб келай.

— Тўхта, мен билан бирга борасан.

Ака-сингил уйга қайтиб киришмай, айвонда ўтиришди. Иккаласидан ҳам сас-садо чиқмас, иккиси-да ўз хаёли билан банд эди. Шу кўйи тонг оттиришди. Баҳром чуқур нафас олганча ўрнидан туриб энди хотинига қўнғироқ қилмоқчи бўлганида телефон қаттиқ жиринглаб қолди. У шошапиша гўшакни кўтарди:

— Алло.

— Яхши ўтирибсанларми? — деган овоз келди гўшакдан. Бу Абдулазиз ака эди. Баҳром дарров отасининг овозини таниб:

— Ойим яхшимилар?! — дея сўради ҳовлиқиб.

— Ҳа, кўзини очди, гапираяпти. Анча тузук... Дилдора қалай?

— Ўтирибди... Балоям ургани йўқ унга.

— Менга қара, ҳозир иккаланг ҳам касалхонага келинлар. Ойинг уйга кетаман деб хархаша қилаяпти. Қизини кўрмаса кўнгли тинчимайдиганга ўхшайди. Тезроқ келинлар.

Баҳром гапиришга улгурмай гўшакдан қисқа-қисқа товушлар эшитилди. “Нега тез келинлар, деди? Адам бирон нимани мендан яширдимикан?.. Уф, ишқилиб тинчлик бўлсин-да”, дея ўйлади у ва синглиси томонга ўгирилиб:

— Кийиниб чиқ, болницага борамиз, — деди. Ўзи эса қайнотасиникига қўнғироқ қилиб, Нафисага тезроқ уйга келишни тайинлади. Хотини нима гаплигини сўраб, балога қолди. “Ишинг бўлмасин, кўчага чиқиб такси тўхтат-да, дарров уйга кел. Кейин уйда ҳеч ким бўлмайди, дарвозани ўзингнинг калитинг билан очасан”, дея жеркиб берди Баҳром.

Улар касалхонага етиб боришганида куёш бир терак бўйи кўтарилган эди. Ака-сингилни ҳаяжон босган, ҳаво ҳали исиб улгурмаганига қарамасдан Дилдоранинг пешонасида тер пайдо бўлган эди. Бу унинг ниҳоятда ҳаяжонланаётганидан далолат берарди.

Қиз палатага кириши билан югурганча онасининг ёнига

борди-да, бошини кўксига қўйиб ўкириб йиғлаб юборди. Назира опа ҳам чидаб туролмай, қизининг қоп-қора сочларини силаган қўйи унсиз кўзёш тўка бошлади.

— Ке... Кечиринг, ойижон! — деди Дилдора йиғлаб.

Абдулазиз ака ўглини туртиб, “чиқамиз”, дея ишора қилди. Назира опа ҳам худди шуни кутиб ўтирган эди. Эри билан ўгли хонани тарк этишлари билан қизининг бошини ушлаб ўзига қаратди ва кўзига тикилиб:

— Мақсадинг нима, Дилдор?! — деди ички бир ҳасрат билан.

— Ойижон, — деди қиз пешонасидаги тўзғиган сочларини тўғрилаб кўяр экан, — у болага теголмасдим, шунинг учун... Ойижон, аҳмоқлик қилаётганимни кейин сезиб қолдим...

— Балки мен ўлсам...

— Йўқ... йўқ, ойижон, ундан кўра мен ўлай, бир марта бундай ишни қилдим, иккинчи марта... кўзим кўр, оёқларим шол бўлиб қолсин... Сизнинг ҳамма айтганингиз бўлади... Нима десангиз ҳаммасига розиман.

— Энди бўлди, қизим. Менга ҳамма нарсадан ҳам аввал сен кераксан. Худодан аданг иккаламиз сени тилаб олганмиз. Фарзанд доғини кўришни хоҳламайман, болам. Бу ердан чиқишим билан совчиларни ўзим чақириб жавобини бериб юбораман, қайтиб келишмайди. Кимни севсанг, ўшанга турмушга чиқ. Пешонангдан кўр ҳаммасини. Лекин мен бўлмасам адажонинг қийналиб қолади. Сенга керак бўлмасам ҳам адангга керакман...

— Йўқ, ойижон, ундай деманг, ҳаммадан ҳам менга сиз кўпроқ кераксиз, мени кечиринг, ойижон.

— Ҳеч вақт она боласидан ҳам хафа бўларканми? Фақат энди мени кўрқитма, қизим.

Она-бола кучоқлашишди. Иккисининг ҳам кўзларидан ёш оқди, бироқ ҳеч бири овозини чиқариб йиғламади.

Орадан бир оз ўтиб палатага ота-ўғил кириб келишди. Улар ҳали-ҳамон хомуш эдилар.

— Адаси, — деди Назира опа, — мен билан Дилдора қолаверади, сиз ўғлингиз билан уйга кетаверинг, ҳали иш-гаям боришингиз керак.

— Иш қочиб кетмайди, главврач келсин, гаплашиб кейин кетаман.

— Ҳожати йўқ, адаси, мен тетикман, хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Дўхтир келса балки жавоб...

— Дилдора кетаверади акаси билан, уйга бориб овқат-повқат қилиб туради, — дея аёлининг гапини бўлди Абдулазиз ака, — биладан, барибир бу ерда ётгинг йўқ, ўзим сени уйга олиб кетавераман.

Назира опа ноилож эрининг гапига кўнди, шу билан унинг Дилдорага қилмоқчи бўлган насиҳатлари ортга сурилди.

Нафиса эрининг тонг саҳардан кўнғироқ қилиб, уйга тез кел, деганидан кейин юраги ёрилаёзди. Боласини кўтарганча онасининг ҳайҳайлашига ҳам қарамасдан кўчага чопиб чиқиб, такси тўхтатди-да, ярим соат ўтар-ўтмас уйига етиб келди. Ҳайрон бўлди. Ҳаммаёқнинг тўс-тўполони чиқиб ётар эди. У аввал ошхонани йиғиштирди. Кейин Дилдоранинг хонасига кириб, каравотнинг хона ўртасига сурилгани, қайнсинглисининг кийимлари сочилиб ётганини кўриб баттар ҳайратланди. Бир оз муддат қаққайиб тургач, Дилдоранинг кийимларини йиғиштириб, шкафага илиб қўйди. Кейин каравотни жойига сурди, шу пайт унинг кўзи дарс столининг устидаги иккита қоғозчага тушди. Ички бир қизиқиш билан уларни олиб очди-да, ўқий бошлади. Ўқиган сайин унинг юзи аста-секин оқара бошлади ва бу уйда нималар бўлганлигини тушунгандай бўлди. Иккала хатни ҳам ўқиб бўлганидан кейин эса:

— Вой ўлмасам, товба қилдим, — деб ёқасига туфлади ва тез-тез юриб ташқарига чиқди. Ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юриди. Мияси ғувиллаб, юраги гупиллаб урди. Хаёлан бир-биридан даҳшатли кўчаларга кириб чиқди. Сўнг ўзининг ўйидан ўзи кўрқиб, қўшниларникига чиқиб, “Бизнинг уйда бақир-чақир овозларини эшитмадингларми?” деб сўрамоқчи бўлиб дарвозахона томон юриди. Бироқ шу ондаёқ ортига қайтди. Оиладагилари бирон жойдан кулишиб келиб қолишиб, кейин у ёмон хаёлларга боргани, бунинг устига, қўшнилардан сўрагани учун уялиб қолишдан чўчиди. Худди ана шу лаҳзада олдинмакетин эри билан қайнсинглиси кириб келди. Нафиса уларга пешвоз чиқар экан:

— Тинчликми?! — деб сўради шоша-пиша.

— Тинчлик, — деди Баҳром уни жеркиб, — овқат-повқат қилдингми?

— Энди уннаётгандим.

— Ҳар доим шунақасан, энди уннайсан, ўзингдан билиб қилиб кетавермайсан.

— Ака, қўйинг жанжални, — деди Дилдора гапга аралашиб, — ҳамма нарса бўғзимизга келиб турибди. Ҳозир ўзим кеннойимга қарашиб юбораман.

Баҳром худди ҳаммасига хотини айбдордай уни туртиб ўтиб уйга кириб кетди. Нафисанинг бирдан қовоғи осилди.

Дилдора билан Нафиса овқат тайёрлашаётганларида деярли гаплашишмади. Дилдоранинг ўзи очилиб бирон нима демади, келинойиси эса ундан бирон нимани сўрашга юраги дов бермади. Овқатнинг ҳамма масаллиқлари қозонга тушганидан кейин эса дарвоза қўнғироғи чалиниб қолди.

— Ўзим бориб очаман, ҳойнаҳой, ойимлар келишган бўлишса керак, — деди Дилдора ва ташқарига чиқиб кетди.

Қиз тез-тез юриб дарвозанинг кичик табақасини очдию, қотиб қолди. Қаршисида Каримнинг онаси илжайиб турар эди.

* * *

Абдуҳамиднинг юраги товонига тушиб кетди. Лекин тишини-тишига босиб, “Булар шунчаки мени синаб кўришмоқчидир”, дея ўйлади. Аммо унинг ўйлаганича бўлиб чиқмади. Аслан шошилмасдан пичоқлардан бирини олдида, унинг тигига қўлини теккизганча ўткирлигини синаб кўрган бўлди. Сўнг ханжарни Абдуҳамиднинг қулоғи билан боши орасига қўйди-да, Семён Эдуардовичдан:

— Бошлайверайми? — дея сўради.

— Бунча чўзиб юбординг? Оғайнимизнинг обрўси битта қулоқча йўқми? — деди Семён Эдуардович илжайиб.

Аслан пичоқ тигини жуда секинлик билан Абдуҳамиднинг қулоғига ботира бошлади.

— Ундан кўра бирдан кесиб ташланг, — деди Абдуҳамид бир текисда бошига келиб урилаётган оғриқдан титраб.

— Етади, — деди Семён Эдуардович ўрнидан туриб, — ҳозирча имтиҳондан яхши ўтди. Қани, энди ортимдан юринглар.

У тўрдаги яланғоч аёл суратининг ёнига борди-да, бўртиб турган тугмачани босди. Девор сўл томонга икки метрча

сурилиб нақшинкор эшик кўринди. Семён Эдуардович уни ҳам тугмача орқали очди ва ортига ўгирилиб:

— Техника кундан-кунга ривожланиб борапти, орқада қолишга ҳақимиз йўқ, — дея мақтангандай илжайди Абдуҳамидга.

Абдуҳамид бу пайтда қулоғидан битта-битта томчилаётган қонни ҳам эсидан чиқариб ҳақиқатан ҳам лол бўлиб турган эди. Семён Эдуардовичнинг гапидан кейин дарров ўзига келиб олди.

Улар ичкарига киришганидан кейин Абдуҳамиднинг таажжуби икки ҳисса ошди. Кўзига ишонмади. Ахир, бутун бошли қамоқхонанинг ичида шундай манзараларга дуч келаман, деб сира ўйламаганди-да. Бу хона аввалгисидан бутунлай фарқ қилиб, ўртада фаввора отилиб турар, атрофида гуллар чаман бўлиб очилиб ётарди. Айлана деворларнинг ёнида эса шакл-шамойили бутунлай бир-бирига ўхшамайдиган қафаслар бўлиб унда турли-туман қушлардан тортиб йўлбарснинг боласигача бор эди. Абдуҳамиднинг хаёлига бирдан Шер келди. “Бекорга у қушлар билан ҳайвонларни яхши кўрмас экан-да. Гап бу ёқда экан”, дея ўйлади у. Бироқ улар бу ҳайвонот боғида ҳам тўхташмади. Семён Эдуардович қафас симларида чаққонлик билан у ёқдан-бу ёққа сакраётган олмахоннинг ёнига бориб, унинг “уй”ини ўнг томонга сурган эди, ертўлага тушадиган йўл кўринди. Аввал ҳар доимгидай Семён Эдуардович, ундан кейин Абдуҳамид, унинг ортидан Аслан ва бошқа шотирлар пастга энишди. Улар кириб борган жой тепадагиларига нисбатан ўн чандон тор эди. Лекин у ҳам яхшигина безатилган, ўртада стол, унинг устида турли-туман ноз-неъматлардан тортиб ичкиликлар ҳам қалашиб ётар эди. Яна ҳар битта стулнинг ёнида кийим кийишни ор биладиган, аммо гўзалликда бир-бирини қувиб ўтадиган қизлар жилмайиб туришарди.

— Оҳ, менинг кабутарларим, — деди Семён Эдуардович кучоғини очиб, — фақатгина сизларнинг бағирларингда ўзимни эркин ҳис қиламан. Менга қанчалик керакликларингни билсанглар эди.

Қизлардан иккитаси нозли қадам ташлаб келиб унинг кучоғига киришди.

— Қани, — деди Семён Эдуардович уларнинг лоладек кип-қизил лабларидан бўса олар экан, — ҳамма столга ўтирсин.

Абдуҳамид: “Энди ҳамма синовлар тугаганга ўхшайди. Яшасин Шернинг тахти”, дея хаёлидан ўтказиб хурсанд бўлганча стулга ўтирди ва зўр иштаҳа билан ноз-неъматларга қараб қўйди.

Аммо ўтириш у кутганидек узоқ давом этмади. Стол устини бежаб турган егуликларга ҳам деярли қўл теккизилмади. Аввал газета қозоғига наша ўраб чекилди (Семён Эдуардович шунисини хуш кўраркан). Абдуҳамид бу матоҳнинг мазасини кўп татиб кўрганди. Қандай қилиб кўпроқ лаззат олишни ҳам ўтирганлардан кам билмасди. Бироқ истеъдодини намойиш этмади. Тутунни кўпроқ бурнидан чиқариб юбораверди. Семён Эдуардович унинг айёрлик қилаётганини сезиб ўтирарди. Чунки бу усулда чекилганида тутун ўпкагача тўла бормас ва таъсири ҳам кутилганидек бўлмасди.

Аёллар масаласида ҳам ичи ёниб турган эса-да, Абдуҳамид ўзини босди. Мумкин қадар жиддий ўтиришга ҳаракат қилди. Елкасига осилиб олган жонондан келаётган жонни суғуриб олувчи атир ҳиди уни бутунлай домига тортган эса-да, сулувга бир-икки марта жилмайиб қараш билан қаноатланди. Унинг бу қилиқлари ҳам Семён Эдуардовичга маъқул тушди ва у қизларга жавоб бериб юбориб, асосий масалага ўтди.

— Сен, — деди у кўрсаткич бармоғини Абдуҳамидга ниқтаб, — бугундан бошлаб Шернинг ўрнига ўтирасан. Эплай оласанми?

— Ўзингиз йўл-йўриқ кўрсатиб турарсиз, — деди Абдуҳамид камтарлик билан бошини эгар экан ич-ичидан қувониб.

— Мана, — деди Семён Эдуардович иккита бармоғини букиб хунук қилиқ қилди, — ўзинг анави ошқовоғингни ишлатасан. Мен зарур бўп қолса, иш буюраман. Гапим оғзимдан чиқиши билан бажарилиши шарт. Агар кечга қолсанг каллангни копток қиламан. Уқдингми?

— Ҳаммаси сиз айтганингиздай бўлади, — деди ранги бир оз ўчиб, ичига кўрқув кирган Абдуҳамид.

— Қачон кетасан?

— Бугун.

— Эртадан кейин Ёшдан юк келади. Чегарада кутиб оласан. Сарик “КамАЗ”, Олмаотагача кузатиб қўясан... Ҳа, боришинг билан Мавлонга менинг номимдан салом айтиб қўй. Кейин унинг ўзи билади нима қилишни, — деди Семён Эдуардович ва олдида турган қадах тўла ароқни бир сипқоришда бўшатиб ўрнидан турди. Бошқалар ҳам унинг ортидан худди шундай шайтон тайёрлаб уларга инъом қилган суюқликни ичишди-да, ўтирган юмшоқ стулларининг юкини энгиллатишди.

Абдуҳамид Икром ҳақида ҳам Семён Эдуардовичга хабар бермоқчи эди, бироқ улгурмади. Эзмалик қиладиган бўлса, катта хўжайиндан балога қолиб кетиш эҳтимоли борлиги уни шаштидан туширди.

У меҳмонхонага қушдай энгил бўлиб келди (Петка йўл-йўлакай унга Тиртиқнинг меҳмонхонада эканлигини айтган эди). Бироқ ўзлари жойлашган хонанинг эшигини очиш билан афти бужмайди. Тиртиқ хонага сарик сочли ожизани олиб кириб, ҳайвонларга хос иш билан машғул эди.

— Вой мараз! — дея бўкирди Абдуҳамид. — Мен ўлим билан олишиб юрай, сен пасткаш маишат қилиб ётибсанми?!

— Хўжайин! — деди Тиртиқ пастга сакраб тушиб чойшабга ўранар экан. — Кайфчиликда...

— Эй, сени тукқан онангниям, йўқот бу ердан! — дея Абдуҳамид шартта ортига бурилиб хонани тарк этди.

У тўғри буфетга борди. Икки марта кетма-кет қадахни тўлдириб ароқ ичди, битта сигаретани чекиб тугатди, сўнгра қайтиб келди. Бу пайтда Тиртиқ ювиниб-кийиниб бўлган эди.

— Нарсаларингни йиғиштир, иш кўп, кетамиз, ҳа, айтиб қўяй, яна бир марта сени шу аҳволда кўрсам, ўзингни уларнинг аҳволига тушириб қўяман, эшитдингми?! — деди Абдуҳамид.

У, самолётда учиб кетар экан, Полвон, Икромнинг ёнига тавба-тазарру билан эгилиб келишини, оёқларини ялаб қўйишини ўзича тасаввур қилди ва самолёт деразасидан пастда тўп-тўп бўлиб сузиб юрган булутларга қараганча илжайиб қўйди.

— Келиб-келиб қиз болага кучингни кўрсатайсанми?
— деди Икром Зебрани бир оз чалғитиш учун.

— Ҳе, — деб кулди Зебра, — бу ёғи билан ишинг бўлмасин-да, кўлингдаги ўйинчоғингни чўз.

Икром тўппончасини энди Зебранинг ёнига улоқтирмақчи бўлганида ҳовлиққанча бирин-кетин йигитлари кириб келишди.

— Тўхтанглар, — дея улар томонга кўлини чўзди Икром, Зебра эса кўрққанидан пичоқ тиғини Дилоромнинг этига янада кўпроқ ботириб юборди. Қиз оғриқ зўридан инграб юборди.

— Сенга тўппонча керакми? Ма, ол! — дея Икром кўлидаги қуролни Зебра томонга улоқтирди. Ҳавода бир неча марта айланган ажал шериги Дилоромнинг устига тушди.

— Ҳе... Ҳе, — дея тиржайган Зебра асирасининг томоғидан пичоқни олди ва уни ёнига улоқтириб юбориб, энди тўппончага кўлини чўзган маҳал қарсиллаган овоз эшитилди. Қулоғи тагида янграган овоздан қар бўлаёзган Икром шартта ортига бурилди ва йигитларидан бирининг кўлидаги тўппонча оғзидан тутун чиқаётганини кўрди. Йигит айб қилган ёш боладай бошини ерга эгди.

— Қизни бўшат, — деди Икром Самандарга, — қолганлар дачани тинтиб чиқишсин, бирорта ҳам тешик қолмасин.

Сўнг у ташқарига чиқди. Ўн беш-йигирма қадам нарида юрагини ҳовучлаб турган Санобар опа уни кўриши билан ёнига югуриб келди. Ва елкасидан ушлаб:

— Нима бўлди, болам?! — деб сўради кўзи ёшга тўлиб.

— Ҳаммаси жойида, — жавоб қилди Икром жилмайишга ҳаракат қилиб.

— Қизларим қани, улар соғми?!

— Ҳозир... — дея гап бошлаган Икромнинг гапи оғзида қолди.

— Ойи-и-и! — деган нимжон овоз келди унинг орқа томонидан.

— Дилором! — дея турган жойида ҳайкалдек қотди Санобар опа Икромни бир оз сурган кўйи.

— Ойижон! — Дилоромнинг кейинги чақириғи Санобар опани ўзига келтирди ва у қизининг ёнига югурди.

Она-боланинг кучоқлашганини, ўкириб йиғлашганини кўрган Икромнинг юраги ўртаниб кетди. Худди Дилоромнинг ўрнида ўзининг севгилиси, кўзининг қорачиғи, яккаю ёлғиз ишонгани Дилдора тургандай, у азоб чангалидан кутулиб чиққандай... Агар ҳозир ҳақиқатан ҳам Дилоромнинг ўрнида Дилдора бўлиб қолса нима қиларди, не кўйга тушган бўларди — шуларни ўйлаганида унинг кўзидан ёш чиқиб кетаёзди...

Охири бу манзарага чидаб қараб туролмади, кўзи билан Самандарни қидирди. Худди аксига олгандай у ҳам кўринмас эди.

— Самандарни топинглар менга! — дея овоз берди.

Аммо Самандар топилмасидан бурун Соли бошлиқ учтўрт йигит уйнинг бошқа бир хонасидан Дилоромнинг қолган сингилларини топиб чиқишди. Йиғи-сиғи авжланди. Она қизлари билан кучоқлашиб уввос солиб йиғлар эди.

— Бу ерни мотамга айлантирманглар, — деди Икром уларни тинчлантириш учун.

— Нима демоқчисан, болам? — деди қизларининг кучоғидан бўшалиб у томонга юзланган Санобар опа. — Энди сен ҳам қизларимни бошқа жойга, менинг ўзимни бошқа жойга олиб бориб ташламоқчимисан, мақсадларинг нима ўзи?!

— Ҳеч нарса қилмоқчимасман, уйингизга борасиз ҳаммангиз. Тинчланинг демоқчиман, холос!

Икромнинг овози Санобар опаникидан анча баланд чиқди. Аёл қаршисида ҳозиргина унга ёрдам бериб, қизларини қутқарган одам эмас, балки Мавлонга ўхшаган бир нусхани кўраётгандай бўлди.

— Дастрларингдан менга кун йўқ экан. Эрим ўларқан, аввал бизни бир ёқли қилиб ташламайдими? Керакмиди бизга шунчалик азоб?! — деди аёл йиғламсираб.

— Кечиринг, — деди ўзининг қаттиқ гапириб юборганидан хижолат бўлган Икром, — оғзимдан чиқиб кетди. Айтмоқчийдимки, ҳамма йиғи-сиғи уйга борганингиздан кейин бўлади. Бу ердан эртaroқ кетишимиз керак.

Сочлари тўзиган, лабининг бир чеккасида қон қотиб қолган Дилором секин сингилларидан ажралиб Икромнинг ёнига келди-да, унинг кўзига тикилди. Бирор муддатли

нигоҳлар тўқнашуви йигитни ғалати аҳволга солди. У кўнглида қизга нисбатан қандайдир иштиёқ, илиқликни туйди.

— Раҳмат, — деди Дилором, — мен сизнинг олдингизда қарздорман... Агар... Агар...

— Ундай деманг. Мен бурчимни бажардим, холос. Тўғрироғи, менинг ўзим қарздор эдим. Шунинг учун...

— Мен бошқача тушундим. Сизни кўрганимдаёқ, сизни анавилар уришаётганида... Мен... Мен, биласизми... биласизми, шаҳзодамни кўргандай бўлдим. Бутунлай романтика...

Қиз гапирарди-ю, атрофдагилар анграйиб қолишганди. Икром эса ноқулай аҳволга тушди. У айни дақиқада қизнинг кўнглида нималар кечаётганлигини тўла англаб турарди. Бу кечинма булоқ сувидай мусаффо эканлигига ҳам ишончи комил эди. Бироқ айни сўзларни айтишнинг мавриди ҳам, жойи ҳам эмас эди.

— Мен яхши одаммасман, — деди у қизга бир оғиз ва йигитларига юзланиб: — Ҳаммаёқ текширилган бўлса кетдик, — дея машиналар турган томонга юра бошлади.

— Ока, — деган овоз келиб у секин ортига бурилди ва кўзи Самандарнинг ёнида турган чолга тушди. Хаёлига биринчи келгани Қора дев бўлди. “Полвоннинг ҳам устози бор экан-да... Нега бир ўзини ташлаб кетибди? Мен бўлганимда ўлсам ўлардимки, устозимни ёлғиз қолдирмасдим”, дея ўйлади у. Ва тез-тез юриб уларга яқинлашди.

Чолнинг нигоҳи ерга қадалган эди. У ўзини айбдор одамдай тутарди.

— Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? — сўради Икром салом-аликни ҳам унутиб.

Унинг бирданига сўроққа тутганидан чол Икромнинг қандай одамлигини билиб олди.

— Бир адашдим-да, — деди чол бошини кўтариб Икромга қарар экан.

Унинг нигоҳидаги ўт йигитни ортга тисарилишга мажбур этди. Ҳатто бир оз довдиратди ҳам.

— Қандай адашасиз? — дея ҳайрон бўлиб сўради Икром.

— Билмадим, қайси ишим Худога маъқул келмаган...

— Нима деганингиз бу? Қоровулмисиз, боғбонмисиз, кимсиз?

Чол кулди. Ва оппоқ соқолини қўли билан силаб:

— Қанийди... Айниқса боғбон бўлишни жуда хуш кўраман. Лекин Худо менга бу ишларни раво кўрмаган. Имомман, — деди.

— Имом?

— Ҳа, шундай.

— Менимча, имомлар масжидларда бўларди. Сиз битта қаллобнинг дачасида нима йўқотдингиз?

Икромнинг шу гапидан кейин чол унинг тўртта опа-сингилни бирданига ўзига никоҳлаб қўйишини буюрган Мавлоннинг одами эмаслигини англади ва у ёқ-бу ёққа қараб атрофидаги йигитларни ўзича назардан ўтказиб, шунда ҳам иккиланиб:

— Айтдим-ку, болам адашиб қолдим. Шунинг учун ертўлада ажалимни кутишимга тўғри келди, — деди.

— Ота, ўлай агар бирон нимага тушунган бўлсам. Аниқроқ гапиринг, илтимос. Бирон жойдан келаётганмидингиз?

— Йўқ. Алданиб қолдим, холос. Билмадим, у қандай одам? Ишқилиб, битта йигит шу ерга олиб келди. Кейин бошқаси, менимча, хўжайини бўлса керак, тўртта опа-сингилни ўзига никоҳлаб қўйишимни сўради. Бундай ишнинг гуноҳ эканлигини айтганимдан кейин ертўлага қамаб қўйишди. Бор гап шу.

— Паразит! — деб юборди Икром бехосдан.

— Вой ўлмасам! — деди Санобар опа иккала кафти билан оғзини бекитиб.

— Пасткаш, — деди Самандар.

Икром қўлларини мушт қилиб тугди, қони қайнади. Бироқ бир оғиз ҳам гапирмади. Худди шу маҳал Дилором унга ўзгача бир меҳр, ҳавас билан қараб турар эди. Йигит ҳам беихтиёр у томонга қаради. Уларнинг нигоҳлари тўқнашганида, қизнинг юраги гупиллаб уриб, кўкрак қафасини синдириб юборай деди.

— Бўпти, — деди Икром нигоҳини қиздан олиб қочиб, чолга қарар экан, — қолганини кейин гаплашамиз. Машинага чиқайлик.

“Йўқ, бошқа унга қарамайман. Менга Дилдордан бўлагига керак эмас, хаёлим қочди... Чиройли экан, кўзи ҳам ёнади... Ёрдам қиламан деб Мавлон паразитнинг ишини қилиб қўймай тагин, боя онаси шунга ўхшаш гап қилди-

ку”, дея ўйлаб борди Икром машинага етгунча. Аммо машина эшигининг тутқичини энди ушлаганида, қаердадир ўқ овози эшитилди. Икромнинг йигитлари бирдан ташвишланиб тўрт томонга аланглашди. Икром эса бир оз қотиб турди-да, туйқус инграб юборганча чўккалаб қолди.

* * *

Мавлон яширин эшик орқали қочиб чиққан заҳоти ўзини уй орқасидаги боққа уриб, мевали дарахтлар орасига экилган, ўришга келиб қолган бедазор ичига яширинди. Ёнидан пичоғини олиб ёвига ташланишга тайёргарлик кўрди. Бирор муддат шу тахлитда ётганидан кейин ортидан ҳеч ким қувламаганини билди ва ўрнидан туриб, дала ҳовлининг орқа томонидаги махсус қурилган оғилхонага кирди. Бу ерда қўй-эчкилар билан бирга иккита от ҳам боқилар эди. Албатта буларга қараб туралиган махсус одам бўлиб, у ҳозир кетма-кет эшитилган ўқ овозлари, бақир-чақирлардан кейин жуфтакни ростлаганди. Ҳозир жониворларнинг ҳаммаси оғилхонанинг ортидаги қуёш томонга қаратиб қурилган сайисхонада эди. Оғилдаги от охурида иккита тўппонча яширинган эди. Полвон шошганча елим халтага ўралиб махсус қутига солинган тўппончалардан бирини олди-да, сайисхонага ўтиб, кўпқари учун мўлжалланган отнинг ипини ечиб, эгарлаб ҳам ўтирмасдан бир амаллаб миниб олди. Сўнг дала ҳовли этагидаги бутазор томонга чоптириб кетди. “Шошма, — дея ўйлади бир оз бутазор ичига кирганидан кейин отни тўхтатар экан, — қаёқдаги мараздан қочиб кетаяпманми? Эшитганлар нима дейди? Ниманга ишониб Шерни йўқ қилувдинг, демайдими?” У от бошини ўнг томонга бурди. Бута шохлари яланг оёғини тилиб кетаётганига ҳам эътибор қилмай уловининг қорнига ниқтайверди. Бирор беш дақиқа ҳам ўтмасдан Икром келган машинанинг рўпарасидан чиқиб, ич-ичидан қувониб кетди.

Бир пайтлар шу ерда дала ҳовли қурмоқчи бўлганида Шер норози бўлганди. “Ҳаммаёғи чангалзор бу ерда одам дам олиб бўларканми? Бориб тоғнинг сўлим жойларидан қур”, деган эди у. Ўшанда Мавлон “хўп”, деб, хўжайинининг айтганини қилиб тоғнинг энг хушманзара, борган одамнинг кайфиятини зумда кўтарадиган, ёнгинасидан дарё

оқиб турувчи бир еридан номигагина дала ҳовли қурган эди. Бироқ у жой қандай қурилган бўлса, шундайлигича қолди. У ёқларга Полвон қадамини ҳам босмади. Унга мана шу — туни билан бўри-ю шоқол улиб чиқадиган, ҳаммаёғи тиканакзордан иборат, бировнинг назари тушмайдиган маскан маъқул тушди. Чунки у ўзини ҳар доим ёввойи ва йиртқич ҳисоблар эди. Айни шу жой унинг кўнглига мос тушарди. Бу ер мана шундай чорасиз лаҳзаларда қочиб қолиш, душманга кўкқисдан ҳужум қилиш учун ҳам имконият яратарди. ✓

Полвон тулпорини тўхтатиб ёлини силади ва жуда кўп ҳузур-ҳаловати ўтган дала ҳовлига алам билан қараб қўйдида, тўппончасининг ўқдонини очиб, ичидаги ўқларни санади. Саноқдан кўнгли тўлиб тиржайиб қўйди ва душманининг машина ёнига келишини кута бошлади.

Икромнинг аввал Шернинг хотини ва қизлари билан гаплашгани, ўзининг тили билан айтганда, сассиқ чолдан алланималарни сўраганини Полвон чироқ ёруғида кўрди, баъзи гапларни чала-чулпа эшитди. Қўллари мушт бўлди, кўзи қонга тўлди. Лекин бардош билан қулай пайт келишини кутди. Вақт эса шунақа танбаллик билан ўтар, ҳар бир сония йилдай туйиларди.

Ниҳоят кутилган лаҳза келди. Полвон билан Икромнинг ораси узоғи билан эллик-олтмиш қадамгача қисқарди. Мавлон душманини яққол кўриб турарди. Тўппончасини у томонга қаратди. Ҳозир Икромнинг кўкрагини нишонга олади ва тепкини босади. Қарабсизки, яна битта асосий душмани ер тишлаб турибди. Ва у барча шармандагарчиликларга чап бериб, бундан бир неча соат аввалги қудратли, енгилмас одамга айланади...

Қаердадир бўрими, шоқол увуллади. Бироқ унга Полвон эътибор қилмади. Зўр бериб, чироқ ёруғидан қоронғиликка ўтаётган Икромни кўздан қочирмасликка тиришди.

Ана, у қора шарпага айланиб машинасига яқинлашаяпти. Шотирлари атрофини ўрамаган, бир ўзи олдинда бора-япти. Айни пайти.

Аммо Мавлоннинг қўли қалтираб кетаверди, ҳарчанд нишонни пойламасин, душмани юриб кетавериб, мўлжалдан чиқаверди. Ниҳоят машина ёнига етганидан кейин унга орқаси билан туриб қолди. Худди ана шу маҳал Мав-

лон тепкини босди. Бироқ оёғи остидаги от ҳуркиб юриб кетди.

Шундай бўлса ҳам Мавлон ўқи бекор кетмаганига ишончи комил эди. “Ўлмасаям бир ёқли бўлди”, деган ўй яшин тезлигида хаёлидан ўтди ва тулпорининг қорнига қаттиқ тепиб, чоптириб кетди.

Икромнинг йигитлари ўқ қайси томондан отилганини тахминан билишди ва шу томонга қарата ўқ ёмғирини ёғдиришди, лекин улгуришмади. Оёқларини жийда тиканлари тилиб ўтаётганига ҳам эътибор бермаётган, тулпорига қапишиб олган Полвон тинимсиз отига қамчи босар, мумкин қадар тезроқ катта йўлга чиқишга ҳаракат қилар эди. Албатта, отда шаҳарга етиш учун талай муддат кетишини у яхши биларди. Шу боис, бирорта ўткинчи машинадан умид қилаётган эди. “Агар, — мулоҳаза қиларди у йўл-йўлакай, — Икром тирик қолган бўлса, ундан олдин шаҳарга етиб, йигитларимни яшин тезлигида тўплаб, исқиртни шаҳарга кирмасидан аввал ушлайман, кейин ичагини бошига салла қиламан!”

От ўн-ўн беш дақиқа югурганидан сўнг катта йўлга чиқди. Полвон уни тўхтатиб йўлга қаради ва шаҳар томондан келаётган машина чироғига кўзи тушиб, омади кулаётганидан илжайди. У машинага қарама-қарши юра бошлади. Йўқ, бўлмади, отнинг лўкиллаб юриши юрагини сиқиб юборди ва тулпорининг қорнига ниқтади.

Орадан ўн дақиқа ўтмасдан от билан машина бир-бирига рўпара келишди. Полвон уловини йўл ўртасига чиқариб, машинага “тўхта”, ишорасини қилди.

Қоронғида ранги билинмайдиган “Москвич” оралиқ масофа бор-йўғи икки қадам қолганида “ғийқ” этиб тўхтади ва ҳайдовчи деразадан бошини чиқариб:

— Нима гап?! — деди бақириб.

Мавлон пинагини ҳам бузмасдан тулпорини машинага тақаб борди-да, ҳеч бир сўз демасдан тўппончасини ҳайдовчига қаратиб икки марта тепкини босди. Нима гап-сўзлигини англаб етишга ҳам улгурмаган шофёр бир мартагина инграганча бошини рулга урди.

Полвон эса отдан сакраб тушиб, шошганча машина эшигини очди-да, мурдани суғуриб йўл четига судраб олиб бориб ташлади ва ўзи рулга ўтириб, машинани шаҳар то-

монга бурди-да, газни босди. Машина анча эски экан, Полвон истагандай юролмасди. Шундай бўлса ҳам Мавлон газни охиригача босар, тинимсиз сўкинар эди. Аммо буларнинг бари фойда бермади, машина тезлиги ўзгармади. Бир пайт шаҳарга кириб бориш арафасида бензини қолмадими, ёки мотор бунақа тезликка бардош беролмадими, икки марта “пот-пот” қилиб, уни ўчди. Бундан Полвоннинг баттар жиғибийрони чиқиб машинадан сакраб тушди-да, беш-олти марта шалоқ “Москвич”ни тепди. Бу пайтда у томон тўртта машина шамолдай елиб келарди. Буни кўрган Полвоннинг ичида бир нарса “чирт” этиб узилгандай бўлди ва у ўзини йўл четидаги дарахтлар орасига урди.

* * *

Икромни Солининг уйига олиб кетишди. У ерда ҳеч ким яшамас, Соли бошқа ҳовли сотиб олиб оиласи билан кўчиб кетган, онда-сонда Шернинг бошқа йигитлари билан бирга базм қилгани келиб турарди.

Ярим йўлда ҳушидан кетган Икромни уйга олиб кириб кўрпага ётқизишди.

— Ким ёрдамчиси бўлса ўша қолсин, қолганлар чиқиб кетсин! — буюрди Дилором йигитларга қарата.

— Дўхтир...

— Керакмас, — дея Самандарнинг гапини бўлди Санобар опа, — устозларингдан шунақа тарбия олганмидинглар? Дўхтир келса, бошқалар ҳам хўжайинларингнинг аҳволдан хабар топишади. Одатда, хўжайиннинг соғлиғи тўғрисида ҳеч кимга хабар берилмайди.

У бу гапларни бир пайтлар эридан эшитганди. Ўшанда Шер иситмалаб ётиб қолган эди. Санобар опа йигитларга дўхтир олиб келишларини буюрмоқчи бўлганида, у:

— Брежневнинг касал бўлганини эшитганмисан? — дея сўраганди.

— Йўқ, — дея ҳайрон бўлиб жавоб қайтарганди Санобар опа.

— Эшитмайсан ҳам. Сабаби, унинг касаллигини бирортаси билмаслиги керак. Ҳатто унинг энг яқин одами ҳам... Агар кутилмаганда сезиб қолса-ю, Устиновгами, Громикогами айтиб қолса борми? Шу куннинг ўзида унинг жанозаси ўқилади. Аслида-ку, ўша Устиновиям, Громикосиям

ҳамма бало-қазодан хабардор бўлади, фақат биринчининг аҳволи ҳақида гаплашиш мумкинмас.

Хотинининг ҳеч вақога тушунмай, ўзига термилиб турганини кўрган Шер мийиғида қулган ва ийиб кетганидан:

— Чет элдагилар, оддий халқ ҳар хил хаёлга бориши мумкин, кейин миш-мишлар урчиб, катта ўладиган касалга йўлиқибди, деган гап ҳам пайдо бўлиши ҳеч гап эмас, — дея сирни очганди.

— Унда бечора Брежнев оддий грипдан ҳам ўлиб кета-вераркан-да.

— Уни қўявер, — деганди хотинининг соддалигидан кулиб Шер, — яхшиси, ўзинг билган илму амалингни ишга солиб, мени тузат.

Санобар опа Икромнинг оқарган юзига термилиб тураркан, эри билан бўлган ўша суҳбатни эслаб қолди.

— Кейин, — деди у йигитлар чиқиб кетиш арафасида, — оғизларингга маҳкам бўлинглар, бировга Икромнинг яралангани тўғрисида чурқ этманглар.

Ўқ Икромнинг биқинини ялаб ўтганди. Шу боисдан ҳам кўп қон йўқотмаган, фақат оғриқ зўридан ҳушидан кетганди. Санобар опа малҳамни яранинг устига суриб, боғлаб қўйганидан кейин бошқа хонада мусичадай бир-бирининг пинжигга тиқилиб ўтирган қизларининг ёнига кетди. Аммо Дилором ярадорнинг ёнидан жилмади. Она-сига: “Мен қараб тураман, яраси томонга ағдарилиб кетмасин”, деган баҳонани қилди.

Ва онаси чиқиб кетиши билан йигитнинг кўкрак тугмаларини ечиб унинг танасини нозик қўллари билан силай бошлади. Аслида ўзининг ҳам ҳозирги ҳолига ҳавас қилиб бўлмас, Полвоннинг калтаклари ўрни кўкарган, симиллаб оғрирди. Бироқ у буларнинг барини унутган, хаёлида ёнида худди ўзини аждаҳо чангалидан қутқарган баҳодир яраланиб ётгандай, бу баҳодир бир пайтлар ўзи орзу қилган шаҳзода эди. Ҳатто тўла ишончи комил эдики, Икром тузалганидан кейин унга уйланади. Аслида бунга қадар жуда қисқа, бир-икки марта нигоҳлар тўқнашганини ҳисобга олмаганда, тузук-қуруқ гаплашишмади. Лекин ана шу нигоҳлар тўқнашувининг ўзи қизнинг юрагини ёндириб юборди. У Икромни севиб қолди.

Танасидаги оғриқ чекиниб, танаси бир оз ором олган

Икром кўзини очди ва тепасида сочлари тўзгиган малаксиймо Дилоромни кўриб ҳайрон бўлди.

— Сиз, — деди у ҳайратини яширмай, — бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

Дилоромнинг юраги бирдан гупиллаб уриб кетганидан қизарди ва ўзи мутлақо истамаса ҳам йигитнинг кўкрагидан қўлини олди.

— Сизга қараб турибман, — деди сўнг секин.

— Менга, — деди баттар таажжуби ошган Икром, — менга нега қарайсиз, менга нима бўлди, қаердаман ўзи?!

У ўрнидан туриш учун энди бошини кўтармоқчи бўлганида, қиз узун бармоқларини яна унинг кўксига қўйди-да:

— Қимирламанг, сизга мумкинмас, — деди юмшоқ овозда.

— Нима бўлди?

— Биқинингизга ўқ теккан.

— Йўғ-э, йигитлар қани?! — деди ҳеч нарсага тушунмай асабийлашаётган Икром.

— Сизга ойим иккаламиз қарадик, ҳаммаси жойида, менимча, сиз биладиган биронта уйга келган бўлсак керак.

— Ким мени яралади?

— Билмадим.

— Уф-ф, — қўлини мушт қилди Икром, — менга Самандарни чақиринг.

— Қўйинг, — деди Икромнинг кўзига тикилган қиз, — алламаҳал бўп кетди. Йигитларингиз чарчаган...

Икром чуқур нафас олиб кўзини юмди. Тўғрироғи, қизнинг нигоҳидан кўзини олиб қочди. Бу пайтда Дилоромнинг эҳтироси бўғзига келиб турганди. У ўзини босолмайдиган даражага келган эди. Лабларини Икромнинг ихтиёрига топшириш учун йигит томондан биргина ишоранинг ўзи етарди.

— Унда, — деди Икром орадан бир оз ўтиб, — сиз ҳам бориб дамингизни олинг.

Дилоромни ток ургандай бўлди. Бутун вужуди жунбушга келди. Додлаб юборай деди. Ахир, уни айни лаҳзада қалбидаги муҳаббатидан бўлак ҳеч нарса қизиқтирмаётганди. Тортган азоблари, уйқусизликни енгиши — бари муҳаббати туфайли эди. Икромнинг бирдан ҳайдаши эса... Йўқ, у ҳайдамади... Лекин ҳайдашнинг бундан силлиқроқ

усули йўқ эди. Қиз номусини сақлаш учун Полвоннинг не бир зўравонликларига бардош берди. Энди-чи...

— Раҳмат... — деди у лаблари титраб эшитилар-эшитилмас овозда.

— Нега бундай деяпсиз? — хайрон бўлиб сўради Икром кўзини очиб.

— Кутқарганингиз учун.

— Адангизга айтинг раҳматни. Шу одам туфайли...

— Шу одам туфайли мен шарманда бўлишим мумкин эди, — деди бирдан Дилором унинг гапини кесиб.

— Адангиз яхши одам эди.

— Биламан. Яхшилиги орқасидан бадном бўлиб кетишимизга озгина қолди. Агар сиз бўлмаганингизда...

— Мен ҳам адангизнинг бириман.

— Йўқ, сиз бошқасиз, мутлақо. Мен биринчи марта сизни кўришим билан... — Дилором бирдан гапиришдан тўхтаб қолди. Тили айланмай қолди. Бу гап фақатгина севги изҳорига хос эди унинг назарида. Шунда ҳам йигитларгагина тегишли бўлган гап.

— Адашаяпсиз, кўринишим, юриш-туришим адангизни кига ўхшамаслиги мумкин, лекин қилаётган ишларим айнан ўзи.

Қиз хўрсинди. Юрагининг изтироби кўзидан ёш бўлиб чиқди. “Бунчалар ҳам бераҳм бўлмаса бу одам”, деган ўкинч хаёлидан ўтди.

— Анча чарчабсиз, — деди унга қараб турган Икром, — энди бориб ухланг, эртагаям кун бор. Гаплашамиз, майлими?

— Ҳа, тўғри, мени кечиринг, касал ҳолингизда сизни қийнаб қўйдим... Фақат эҳтиёт бўлиб ётинг, ярангизни босиб олманг, — дея қиз кўзидаги ёшни кафти билан артиб ўрнидан турди-да, битта-битта қадам босиб эшик томонга юрди.

Унинг маҳзун аҳволда кетаётганидан Икром қийналди. Йигитлик шаънига тўғри келмаган ишни қилгандай туйилди. Чунки у қизнинг кўнглида нима борлигини яхши англаган эди. Ўзи бир аҳволда бўла туриб, ёнида ўтирганининг сабабини ҳам кўзларидан уқди. Ич-ичидан қизга меҳри ийди. Унга бисотида бор ширин сўзларини айтгиси,

сочларини силагиси келди. Аммо ундан кейин бўладиган ишларни бир хаёлига келтириб, тезда ниятидан қайтди.

Икром шифтга қараб ётар экан, Дилдоранинг юз-кўзларини, ўша жонни суғуриб олувчи кулимсирашларини хаёлига келтирмоқчи бўлди. Аммо, ўзи ҳам бундан ажабланди, эплай олмади. Дилоромнинг қарашлари кўз ўнгидан кетмади. Ва нияти билан хаёли бир-бирига қаршилик қилаётганини ўйлай-ўйлай пинакка кетиб қолди. Тушига Шер кирди. У негадир Икромга ўкрайиб қараб турар, важоҳатидан от ҳуркарди. Икром нима қиларини билмай каловланди, кўзини олиб қочди. Бироқ қаерга қарамасин, олдида Шернинг ўткир нигоҳлари пайдо бўлаверди. Охири Шер тилга кирди:

— Нега қизимни хафа қилдинг?!

— Қач... Қачон?

— Айтганини қил!

Шу билан Шер кўздан ғойиб бўлди. Икром тўрт томонга зир югуриб уни қидирди. Бироқ ҳеч қаердан тополмади. Бунинг устига, елкаси оғриб-оғриб қўяр эди. Икром кулогига чалинган овоздан уйғониб кетди.

— Хўжайин, хўжайин, — дея уни турткиларди Самандар.

— Нима дейсан? — деди Икром норози оҳангда кўзини уқаларкан.

— Хўжайин, срочно шаҳардан чиқиб кетиш керак!

— Нима деб валдираяпсан?! — дея Икром ўрнидан туриб ўтирди.

Унинг бундай тез тузалиб кетганига Самандар ҳайрон бўлди ва хожасининг биқинига қараб қўйди.

— Шаҳарда милиция оёққа турган, сизни қидиришаяпти.

— Мени?!

— Ким сотганидан ҳозирча хабаримиз йўқ. Лекин кимнингдир сасигани аниқ... Солининг тоғда дачаси бор экан. Ўша ёққа маълум муддатга бориб туришингизга тўғри келади.

— Мавлон. Ит! Шундан чиққан бало. Қўлидан ҳеч нарса келмаганидан кейин хотинлик қилишга ўтибди-да. Йигитлар қаерда?!

— Ҳаммасини ҳовлига тўплаганман. Сизни кутиб туришибди.

— Бўпти, ҳозир чиқаман.

— Ёрдам...

— Керакмас!

Дарҳақиқат, ҳовлида Икромнинг йигитлари жам бўлишган эди. Икром уларни кўриб кўзига ишонмади. У шунча одами борлигини тасаввур ҳам қилмаган эди. Айни пайтда жаҳли чиқди. Назарида, уларнинг ҳаммаси кучукдан кўрқиб бир жойга тўпланган қўйларга ўхшаб кетарди.

— Бу ёққа келинглар! — деди у ҳовлига чиққанидан кейин сал нарида турган Соли билан Самандарга.

Йигитлар тезда унинг ёнига етиб келишди.

— Менга қаранглар, ҳозир икковинг ҳам йигитларингни бу ердан йиғиштир. “Мент”ларнинг ичига киришга уриниб кўринглар. Ҳид олинглар. Асли нима гаплигини билинглар. Бу ерда мен билан иккита йигит қолса, етади. Кейин Шернинг қизлари билан хотинини уйига олиб бориб қўйинглар. Эҳтиёт шарт, йигитлардан иккитаси улар билан бирга бўлсин, — деди Икром шотирларига. Аслида у бошқа гап айтмоқчийди. Ивирсиб юрган йигитларни кўрсатиб, “Анавиларинг бу ерда фалон еб юрибдими?” — демоқчийди. Бироқ кутилмаганда оғзидан бошқа гап чиқиб кетди.

— Сизни ёлғиз қолдиролмаймиз, — деди Самандар эътироз билдириб.

Шотирининг оғзидан бу гап чиқиши билан Икромнинг қони қайнаб кетди.

— Ҳов, Қовун, — деди у кўзи олайиб, — сен буюрилган ишни қил, мен сен ўйлаганчалик гўл эмасман. Тушундингми?

— Биз ҳам қоламиз, — деган овоз келди шу маҳал Икромнинг ён томонидан.

Икром овоз келган томонга кескин бурилди-ю, Санобар опани кўрди. Аёлнинг кечаги ожизлигидан асар ҳам қолмаган, у худди ўлжасига ташланмоқчи бўлган бургутдай важоҳат билан турарди.

— Сизнинг қолишингиз мумкинмас, — деди қисқа муддатли жимликдан кейин Икром.

— Шундай қилсак, ақлли иш бўлишини ўзинг ҳам кейин тушуниб оласан.

Унинг гапи Икромга ёқмади. Шундай бўлса-да аёлнинг хурматини қилди.

— Ихтиёрингиз, мен қарзимдан қутулдим. Энди сиз учун жавоб бермайман, — деди. У бу гапни атайлаб, аёлнинг бир оз попугини босиб қўйиш учун, шу баҳонада уни уйига жўнатиб юбориш мақсадида айтди.

— Хизматинг учун раҳмат, — деди аёл тап тортмай, — бу ёғига керак бўлса ўзимиз учун жавоб берамиз. Аёл бўлсак ҳам эркакнинг таълимини олганмиз.

— Лекин эркак бўлолмайсиз... Бўпти, ичкарига киринг, — деди Икром у билан ортиқча гап сотиб ўтиришни хоҳламай, сўнг йигитлари томонга юзланиб: — Тезроқ ишга киришинглар, — деди ва ортига бурилиб уйга кира бошлади.

Ана шу маҳал унинг биқини “чим” этди-ю, ўзининг ҳали тузалмаганлигини билдириб қўйди. Икром ярасининг устидан оҳиста ушлади ва оғриқ кетишини кутиб турди. Бироқ оғриқ баттар кучайиб, унинг афти бужмайди ва бир қўли билан деворга суянди. Шу ондаёқ уни кузатиб турган шотирлари ёрдамга етиб келишди ҳамда Икромнинг ичкарига кириб олишига кўмаклашишди.

Бир оздан кейин хонага Санобар опа иккита қизи билан бирга кириб келди. Улар кўрпачага узала тушиб ётган Икромнинг оёғи тарафдан ўтиришди.

— Тинчликми? — деди Икром қимирласа яраси оғриб кетишидан қўрқиб.

— Мендан хафа бўлма, — деди Санобар опа унга жавобан, — энди мен эримнинг ишини давом этказмоқчиман.

— Ни-ма?! — дея оғриқни ҳам унутган Икром ўрнидан туриб кетди.

— Шундай қилмасам бизга кун йўқ. Асли тақдиримизни эрим ёзиб кетган экан. Тўртта қизимни...

— Шошманг, нималар деяпсиз ўзи? Ўйлаб гапираяпсизми?

— Ўйламасам гапирмасдим. Бир кун келиб сен ҳам бизни ташлаб кетасан. Ундан кейин истаган валакисаланг бизни топтайди.

— Йўқ, — деди қатъий қилиб Икром Санобар опанинг

кўзига тикиларкан, — сиз эркакларнинг ишига аралашманг. Тинчлигингиздан хотирингиз жам бўлсин. Мен бўлма-сам бошқаси бор, сизни ва қизларингизни кўчада қолдирмайди.

— Мен бир сўзли аёлман.

— Мен ҳам гапини қайтариб оладиганлар тоифасидан эмасман.

— Ҳали ёшсан. Баъзи нарсаларни балки биргаликда ҳал қилармиз.

— Майли, маслаҳат сўраб тураман.

— Раҳмат, — дея гапга аралашди Дилором, — сиз бошқачасиз.

Икром унга қаради ва шу ондаёқ хаёлига Дилдора келди. Лекин у ҳам Дилором тимсолида эди. Қошу кўзлар, қоп-қора сочлар, гапираётганида лабларининг қимирлашлари — ҳаммаси бир хил... Гўё Икромнинг қаршисида Шернинг қизи эмас, Дилдора тургандай.

— Хўжайин, — деб кириб келди шу маҳал Икромнинг уйда қолган шотирларидан бири, — “мусорлар”нинг мошинаси дарвозанинг ёнига келди.

* * *

Абдуҳамид аэропортдан тўғри уйига борди ва кийимларини алмаштиришга ҳам улгурмасдан, қоп-қора костюмшим кийган, бўйинбоғ таққан, бўйлари бир хил, худди эгизакларга ўхшайдиган икки йигит уни сўроқлаб келишди. Абдуҳамид улар билан ҳовлида кўриша туриб сўради:

— Тинчликми?

— Сиз билан бирга ишлашимизни буюришди, — дея жавоб қилди улардан бири.

Абдуҳамид унинг гапига дарров ишонмади. Чўнтагидан сигарета олиб лабига қистирди ва уни шошилмасдан тутатди-да, тутунни ҳузур қилиб ичига ютаркан:

— Ким юборди сизларни? — дея сўради.

— Бу ёғининг аҳамияти йўқ. Муҳими, сиз билан бирга ишлаймиз. Бизга Мавлонни қаердан топиш мумкинлигини айтсангиз бас.

— Тушунарли. Илгари мен аҳмоқ, чекистларнинг ҳар доим ҳамма нарсадан хабари бор, деб ўйлаб юрарканман. Кўриб турибман, сизлар ҳам икки оёқли одам экансизлар,

хурсанд бўлдим. Қани, ичкарига киринглар, бир пиёладан чой ичайлик, ундан кейин ҳамма нарсани гаплашиб оламиз.

Келувчилар бир-бирлари билан кўз уриштиришди. Шундан сўнг вақтлари зиклигини баҳона қилишиб, кетишлари кераклигини айтишди.

— Мен сизларни КГБдан келган бўлишса керак, деб ўйлагандим, гап-сўзларингдан ундан ҳам секретнийроқ жойдан келганга ўхшайсизлар-а?

— Бунинг аҳамияти йўқ. Сизга бирга ишлашимиз тўғрисида айтилдими — тамом, — деди биринчи гап бошлаган йигит.

— Хўп, аҳамияти йўқ экан, жудаям яхши, лекин, барака топгурлар, мен маълумот берадиган одамларнинг кимлигини билишим керакми, ёки унинг ҳам фарқи йўқми?.. Биринчидан, ҳе йўқ, бе йўқ уйимга бостириб кириб мени сўроққа тутаётганликларингнинг ўзи яхшигина жиноят. Бунинг учун сизларни судга беришим мумкин. Иккинчидан, тўғри келган одамга ўзим билмайдиган нарсалар ҳақида мутлақо гапиролмайман.

— Россиядаги оқалар сизни зукко дейишганди, уларнинг нега адашганликларини тушунолмай турибмиз.

— Тилларинг бор экан-ку. Келгандаёқ шундай демайсанларми? — дея Абдуҳамид болохонадаги йигитлардан бирига чақирилмаган меҳмонларни кўрсатиб: — Оқаларингга Мавлоннинг уйини кўрсатиб қўй, — деб буюрди.

— Биламиз, — деди йигитлардан бири, — лекин у уйида йўқ.

— Энди уйга кирамиз, ҳар қалай, ташқаридаги қушларнинг қулоқлари деворниқидан яхшироқ ишлайди.

Бу сафар йигитлар ноз қилиб ўтиришмади. Абдуҳамиднинг ортидан юриб меҳмонхонага киришди. Аммо стол устига дастурхон ёзилмади. Меҳмонлар кўнишмади. Гап фақат иш тўғрисида кетди. Абдуҳамид шунча уринмасин, бу йигитларнинг қаердан келганини, кимнинг одами эканини била олмади. Лекин негадир шубҳа-гумонлари тарқади. Шундай бўлса-да, ҳамма гапни очик-ойдин гапиравермади. Асосий урғуни Мавлондан ҳам кўра кўпроқ Икромга берди.

— У бола кўринмас одамга ўхшайди. Кутилмаганда пай-

до бўлиб, кутилмаганда ғойиб бўлади. Менимча, Мавлонни топиш учун, аввал Икромни қидириш керак.

— Эшитгандик Икром тўғрисида. Лекин у майда-ку. Полвон қаттиқроқ аксирса учиб кетадиган, — деди йигитлардан бири.

— Энди, ҳамма ҳам бошида майда бўлади. Катгармасдан бурун боши янчилса, бошқаларга кўпроқ ҳаво қолармиди, дейман-да... яна балки аллақачон у Полвон билан тил топишиб олган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун эрта-роқ ҳаракат қилиш керак.

Шу гапдан кейин йигитлар ўринларидан туришди.

Абдуҳамид уларни кузатиб келди-да, Тиртиқни ёнига чақириб, унга тўртта йигит Ўшнинг чегарасига бориб туриши ва “мол”ни кутиб олиши лозимлигини тайинлади. Шотирлари чиқиб кетганидан кейин эса қўнғироқ бўлди. У гўшакни истар-истамас кўтариб:

— Алло, — деди.

— Милиция бошқармасидан телефон қилаяпман, — деди қўнғироқ қилган одам.

— О-о, ҳуқуқимизни ҳимоя қилувчиларга шон-шарафлар бўлсин, — ҳазиллашди Абдуҳамид.

— Тезда етиб келинг, кейин ҳуқуқингизни яхшилаб ҳимоя қилиб қўямиз.

— Тинчликми?

— Шунинг учун чақираяпмиз.

— Бўпти, ҳозир етиб бораман.

Абдуҳамид йўл-йўлакай минг хаёлга борди. Уйига келган иккита меҳмонга гапирган гапларини сўзма-сўз эслади. Ортиқча гап оғзидан чиқмаганига ишонч ҳосил қилгач, енгил тортди.

Бошқарманинг эшиги ёнида уни фуқаро кийимидаги ёши ўттизлардан ошган қотма одам кутиб олди-да:

— Ҳу анави мошинага чиқинг, — деб йиғирма қадамча нарида турган сариқ “Жигули”ни кўрсатди.

— Сизмидингиз мени чақирган? — сўради унинг юзига тикилган Абдуҳамид.

— Сиз чиқаверинг, кейин танишиб оламиз, — деди кутиб олувчи пинагини ҳам бузмай.

Абдуҳамид машинага ўтирганидан кейин чўнтагидан си-

гарета олиш билан бирга чет элдан олиб келган жуда ихчам қилиб ишланган тўппончасини ҳам ушлаб қўйди.

— Мен Эгамқул Хирмонов бўламан, — дея ўзини таништирди рулга ўтириб машина моторини ўт олдиранкан, Абдуҳамидни кутиб олган йигит, — ҳозир бир жойга борамиз. Биттасини кўрсатаман, сиз унинг менга кимлигини айтиб беришингиз керак.

— Товба, — кулди Абдуҳамид, — мен сизга нима, одамларнинг кимлигини айтувчимиз? Шаҳар катта бўлса, мингминг одам яшаса, уларнинг қайси бирини танийман?

— Сизга россияликлар салом деб юборишди.

— Қайси россиялик? У ёқларда менинг итим адашмаган.

— Адашган, оқа, ўзингизни гўлликка солманг. Мен бегона одам эмасман. Қани, кетдик.

Абдуҳамид манзилга етгунча, бу билан гаплашиб кимлигини билиб оламан, деб ўйлаган эди. Бироқ Эгамқул машинани юрғизганидан кейин миқ этиб оғиз очмади. Абдуҳамиднинг эса юраги сиқди. Кетма-кет сигарета чекди. Бир муддат ташқарини томоша қилди. Шундан сўнг машина ойнасига бошини қўйганча хаёл суриб кетди. Орадан ярим соатлар ўтганидан кейин машина кўп қаватли уйлари оралаб борди-да, пишиқ ғиштдан қурилган иморат ёнида тўхтади.

— Қаерга олиб келдингиз? — деди Абдуҳамид у ёқ-бу ёққа қараркан.

— Кўрқманг. Ҳаммаси жойида... Орқамдан юринг, — деди Эгамқул машинадан тушиб.

Абдуҳамид унинг ортидан борар экан, ўнг қўлини чўнтагидан чиқармай ҳар эҳтимолга қарши тўппончасини маҳкам ушлаб олди.

Улар иккинчи қаватга кўтарилганларидан кейин Эгамқул ўн икки рақами ёзилган эшикни секин уч марта тақиллатди. Ичкарида оёқ товуши эшитилди. Сўнг шарақ-шуруқ этиб зулфин туширилиб эшик қия очилди ва ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги сариқ сочли қиз бошини чиқариб қаради-да, Эгамқулни таниб:

— Киришлар, — деди рус тилида.

Эгамқул тўғри ювиниш хонасига борди-да, эшикни очиб Абдуҳамидга юзланди:

— Манавини кўринг.

Абдухамид тўппончани маҳкамроқ тутди ва бир-бир бо-
сиб унинг ёнига борди-да, очиқ эшикдан ичкарига мўра-
лади-ю, кўрққанидан орқасига тисарилди. Кўзи косасидан
чиққудай олайиб кетган, афти қараб бўлмайдиган даражада
моматалоқ бўлган, бошидан қони оқиб қотиб қолган бир
одам осилиб турарди.

— Танийсизми буни? — сўради Эгамкул Абдухамиддан.

— По... По... — деди Абдухамид ранги оқариб ҳаяжон-
ланганидан тили тутилиб.

Биринчи китоб тугади.



Адабий-бадий нашр

Ўзбек тилида

Нуриддин Исмоилов

ИБЛИС САЛТАНАТИ

Саргузашт-детектив роман

(Биринчи китоб)

Муҳаррир Аҳмад Отабой

Дизайнер Сергей Бауэр

Техник муҳаррир Зокиржон Алибеков

Мусахҳиҳ Отабек Сафаров

Саҳифаловчи Фафуржон Мадалов

Босишга 15.01.2007 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Шартли босма табоғи 15,96.

Нашр босма табоғи 16,15. Адади 5 000.

07-517-сонли буюртма.

Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

РАССЫЛКА